АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМЛИ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИ

ОШИҚНОМА

2-КИТОБ

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:
ПРОФЕССОР С. Р. РЎЗИМБОЕВ

«ХОРАЗМ» НАШРИЁТИ.

УРГАНЧ - 2005 Й.

Ушбу нашрга Хоразмда кенг тарқалган ишқий-саргузашт мавзусидаги «Ошиқ» туркуми достонлари жамланди. Мажмуага киритилган достонларнинг барчаси тошбосма ва қўлёзма нусхалар асосида нашрга тайёрланди. Мазкур достонлар китобхонларнинг эътиборига сазовор бўлади, деган умиддамиз.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла Аҳмедов, Матназар Абдулҳаким, Сотим Аваз, Нур Аҳмад, Баҳодир Бобожонов, Исмоил Оллоберганов, Сафарбой Рўзимбоев, Азимбой Садуллаев, Қадамбой Солаев.

Нашрга тайёрловчилар: С. Р. Рўзимбоев, Г. О. Эшчонова,

С. С. Рўзимбоев.

Тақризчи: филология фанлари доктори, профессор
Жумабой Юсупов.

«Хоразм» нашриёти – Урганч - 2005 йил.

С. Р. Рўзимбоев, Г. О. Эшчонова , С. С. Рўзимбоев. – 2005 йил.

«ОШИҚ» ТУРКУМИ ДОСТОНЛАРИНИНГ ХОРАЗМ ВЕРСИЯЛАРИ

Туркий халқлар орасида қадимдан кенг тарқалган, образлар тизими, воқеликни тасвирлаш усули жиҳатидан алоҳида гуруҳни ташкил этадиган, асосан ишқий саргузашт мазмунига эга бўлган достонлар «Ошиқ» туркумига жамланади. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, биз туркум атамасини бу ерда шартли қўлламоқдамиз. Одатда, фольклоршуносликда бир қаҳрамон ва унинг сулоласи, эпик фаолиятига (масалан, «Гўрўғли», «Рустам» туркумлари каби) бағишланган ёки муайян эпик жойлар билан алоқага эга бўлган достонлар тизим «туркум» ҳисобланади. «Ошиқ» достонлари эса оғзаки адабий-тарихий жараёнга хос туркумлашиш тамойиллари асосида бир-бири билан бирлашмаган. Шу жиҳатдан қараганда, уларни бир туркум сифатида қараш ғайри илмийдир. Аммо улар мазмуни, образлари, ғоявий-тематик хусусиятлари жиҳатидан бир-бирига ғоятда яқин туради ва муайян достонлар гуруҳини ташкил этади. Шу маънода улардаги умумий томонларни очиш учун яхлит бир достонлар тизими сифатида қарашни (албатта, уларнинг ҳар бирининг мустақиллигини инкор этмаган ҳолда) илмий жиҳатдан мақсадга мувофиқ деб топдик. Бу ўринда «Ошиқ» атамаси хусусида ҳам тўхталишига тўғри келади.

Маълумки, Озарбайжонда достон куйловчи бахшилар «ашығ» деб юритилади. Фольклоршунос М. Ҳакимовнинг профессор М. Таҳмасиб фикрини ривожлантирган ҳолда ёзишича, «ашығ» атамаси шахс билан боғлиқ бўлиб, «уқдирмоқ», «насиҳат қилмоқ» маъноларини англатади. Бу сўз озарбайжон тилида «ашыламаг» шаклида ишлатилиб, ўзбекчадаги «ашула» атамаси билан алоқадордир. [1] Озарбайжон фольклоршуноси О. Набиев ҳам ушбу фикрни қувватлаган ҳолда бу атама ислом динидан аввалги даврларданоқ туркий халқлар орасида ишлатилиб келганлигини таъкидлайди[2]. Фольклоршунос М. Ҳакимов «ашығ» атамасига изоҳ бериб шу нарсани уқтирадики, бу сўз араб тилидаги «ишқ»-«ўт», «олов» маънолари билан боғлиқ бўлиб, куйловчи шахсни эмас, балки севгувчи шахсни англатади[3]. Шундай экан, Ўзбекистоннинг Хоразм ҳудудида тарқалган «ошиқ» туркуми достонларининг аксариятидаги асар бош қаҳрамонлари номига қўшиб айтиладиган «ошиқ» атамаси генетик жиҳатдан ўзининг дастлабки асоси-бахши маъносига бориб тақалади. Чунки улардаги бош қаҳрамон сиймосида куч-қудратга эга бўлган курашувчи қаҳрамон эмас, балки бахши, ошиқ тарзидаги куйловчи лирик қаҳрамон гавдаланади. Дарҳақиқат, мазкур достонлар ўзларининг яратувчиси билан «ашығ»ларнинг бевосита иштирокида рўй берган воқеалар асосида ижод

---

[1] Акимов М. И. Азербайджанское средневекое Ашигское творчество, АДД, Т. , 1989, 18 с.
[2] Набиев А. Азербайжан-озбак фольклор алагалари, Баку, 1978, 46 с.
[3] Ґакимов И. Азарбайжан ашыг адебияты, Баку, 1983, 14 с.

қилинган ва бу асарларнинг кўпчилигида уларнинг ўзлари бош қаҳрамон сифатида ҳаракат қиладилар[4] .

Бу типга кирувчи достонлар «Гўрўғли» туркумини ташкил этувчи эпик асарларга нисбатан қадимийроқ сюжетларга эга. Уларда халқ ижодига хос бўлган фантазия ва уйдирманинг салмоғи катта. Одатда, «ошиқ» туркуми достонларининг экспозицияси ўзига хос бўлган анъанавий схемага эга бўлиб, воқеалар кўпинча туш, кўриш эпизоди билан бошланади. Асарнинг бош қаҳрамони тушида ўзга элдаги гўзал бир қизга ошиқ бўлади ёки тушларида уларни чилтанлар ёхуд эранлар никоҳлаб қўядилар. Туш воқеасидан кейин қаҳрамоннинг саргузаштлари бошланади. Туш кўриш орқали ошиқ бўлиш масаласини Озарбайжон олими М. Таҳмасиб ислом динига боғласа[5], профессор М. Саидов бу ҳодисани ислом динидан анча бурун ҳам мавжуд эканлигини таъкидлайди[6]. Бизнингча, бу масалада М. Саидовнинг фикри ҳақиқатга яқин.

Бу туркумга хос бўлган иккинчи схема асар бош қаҳрамонининг овга чиқиши, кийик ёки бошқа бир ҳайвонни қувиб кетиши ёхуд қуш учириб, унинг изидан кузатиб бориб, бирор гўзал қизнинг даргоҳидан чиқиши ва у билан учрашиб, танишув воқеасидан иборат бўлади. Йигит ва қизнинг ушбу учрашувидан кейин ишқий саргузаштлар бошланади. «Асил ва Карам», «Ошиқ Албанд» каби достонларда воқеалар ана шундай бошланади. Бу схема анча қадимий тарихга эга бўлиб, унга биз «Дадам Қўрқут китоби»да ҳам дуч келамиз. Унда Бамси Байрак овга чиқиб, кийик подасига йўлиқади, улардан биттасини қува-қува бир чодирнинг устидан чиқади. Бу чодир Бонучечакнинг манзилгоҳи бўлиб, йигит билан қиз илк дафъа шу ерда учрашишади[7].

«Ошиқ» туркуми достонларида никоҳ олдидан йигит билан қиз ўртасидаги от чопиш, кураш тушиш, ўқ отиш каби шартлар билан боғлиқ синов мотивлари йўқолган. «Романик достонларда никоҳ учун сафарга отланиш, қаҳрамонлик кўрсатиб уйланиш каби қадимий никоҳ ва оилавий муносабатлар билан боғлиқ бўлган урф-одатлар ўзининг ҳақиқий маиший асосини тамомила йўқотади»[8], деб ёзганларида В. М. Жирмунский ва Ҳ. Т. Зарифовлар тўла ҳақли эдилар. Бундай асарларда қаҳрамонлик достонларига хос бўлган ана шу мотивларнинг учрамаслиги достонларнинг умумий мазмунига ҳам таъсир ўтказган. Уларда кураш ва жанг эпизодлари бўлмаганлиги сабабли мазкур асарларда қаҳрамоннинг анъанавий йўлдоши бўлган жанговор от образини ҳам учрата олмаймиз. Улардаги бош қаҳрамон ишқ йўлида саргардон бўлиб, ҳамиша яёв кезади. У ночор аҳволда қо-

---

[4] Акимов М. Художественные особенности героических любовнах дастанах. Азербайджана, Баку, 1986, 7 с.
[5] Тахмасиб М. Т. Азербайджанские народные дастаны, АДД, Баку, 1965, 7 с.
[6] Саидов М. С. Ўзбек достончилигида бадиий маҳорат, Тошкент, 1969, 41 с.
[7] Книга моего деда Коркута, М. , Л. , 1962, 34 с.
[8] Жирмунский В. М. , Зарипов Х. Т. Узбекский народный героический эпос, М. , 1947, 332 с.

либ, қйиналганда, унга Хизр ёки бошқа сеҳрли кучлар ёрдамга келиб, уни мўлжалдаги манзилга элтиб қўядилар.

«Ошиқ» туркумини ташкил этувчи достонларда турли-туман эпизодлар ниҳоятда кўп бўлиб, улардан баъзиларининг асар сюжет чизиғига алоқаси деярли йўқ даражада. Масалан, асар бош қаҳрамони ёрини излаб йўлда бораётганда унга икки қиз йўлиқади, яна таъриф ва тавсиф бошланади ва ҳоказо. Агарда бу эпизодлардан бир-иккитасини қисқартган тақдирда ҳам, асар мазмунига сезиларли даражада халал этмайди. Ушбу достонларга хос бўлган бундай хусусият улар куйланадиган аудитория характери билан боғлиқдир. Чунки, «Ошиқ» достонлари аксарият ҳолларда қиссахонлар ижросида ёзма нусхалар воситасида ижро этилишга кўчган.

Маълумки, созанда халфалар (шу жумладан қироатхон халфалар ҳам) кўпроқ мусиқага, ашула куйлашга эътибор беришади. Бу эса ўз-ўзидан достон таркибидаги насрий парчаларни қисқартириб, шеърий парчаларни кўпайтиришни тақозо қилади. Шеърий парчаларнинг кўпайиши эса янгидан-янги эпизодларни достон воқеалари орасига қўшиб юборишни талаб қилади. «Ошиқ» достонларининг XIX асрнинг боши ва ўрталаридан бошлаб ёзувга кўчирилиши уларни ёзма адабиёт анъаналари билан ҳам яқинлаштиради. Достонлар таркибидаги аруз шеърий системаси билан алоқадор бўлган мухаммас, ғазал, туюқ каби шеърий шаклларнинг кўплаб учраши, баъзи бир арабча, форсча изофаларнинг ишлатилиши ҳамда мазкур тилларга хос бўлган лексик қатламга кўпроқ мурожаат қилиниши ушбу яқинликларнинг асосий кўринишларидан ҳисобланади. Бундай шеърий шакллар «Ошиқ»достонларининг туркман версияларига ҳам араб ёзувида кўчирилган қўлёзмалар орқали ўтган. Шунинг учун мумтоз поэзияга оид шеърий шаклларнинг туркман бахшиларининг оғзаки репертуарида деярлик учрамаслиги ва уларнинг туркман миллий куйларига мос келмаслигини айрим туркман олимлари тўғри таъкидлашади. [9] Айни пайтда бу хусусият достонларнинг қорақалпоқ версияларига ҳам тегишлидир.

«Ошиқ» туркуми достонларини мазмуни, образлар тизимига ва уларнинг ҳатти-ҳаракатига қараб икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга мансуб достонларда асар қаҳрамони фақат битта маъшуқа висоли учун жафо чекади, ўз ёрига садоқат йўлида ҳар қандай қийинчиликлардан қўрқмай кураш олиб боради ва аксарият ҳолларда маъшуқаси висолига етиб, бахтли ҳаёт кечиради. Баъзи ҳолларда эса ошиқ-маъшуқлар тақдири фожиали равишда якунланади.

Иккинчи гуруҳга мансуб достонларда эса асар қаҳрамони характерида беқарорлик, бевафолик хусусиятлари кўзга ташланади. У битта қизни тушида кўриб, унинг ишқида ёниб-куйиб, излаб йўлга чиқади ва шу боришда иккинчи бир қизга йўлиқиб, уни ҳам «севиб» қолиб, бир эмас, икки қизга уйланиб қайтиб келади. Қаҳрамон характеридаги бундай хусусиятни В. М.

---

[9] Абдуллаев Д. Народные основы стихосложения и поэзии Махтумкули, Ашгабад, 1983, 61 с.

Жирмунский ва Х. Т. Зарифовлар ислом дини қонун-қоидаларига боғлашади[10]. Бу типдаги асарларга «Саёд ва Ҳамро», «Ошиқ Албанд» каби достонлар мисол бўла олади.

Хоразм воҳасида номида «ошиқ» атамаси қўшиб ишлатилмайдиган «Асил ва Карам», «Саёд ва Ҳамро», «Мискин ва Гулқанд», «Қумри билан Тўти» сингари яна анчагина достонлар мавжудки, улар ўз мазмуни, образлари, асар қаҳрамонларининг характер хусусиятларининг ёритилиши жиҳатидан юқорида «Ошиқ» достонлари сифатида қайд қилинган асарлардан мутлақо фарқ қилмайди. Ушбу достонларда ҳам баъзан бош қаҳрамон бир маъшуқа сари интилиб, ўзининг садоқатини намойиш қилса, айрим ҳолларда кўп хотинлилик мотивларини илгари сурувчи асарлар ҳам кўзга ташланади.

Шундай қилиб, бу типдаги достонлар номида «ошиқ» атамасининг ишлатилиши ёки ишлатилмаслигидан қатъий назар уларга яхлит бир туркумни ташкил этувчи достонлар деб қараш мумкин. «Ошиқ» туркумини ташкил этувчи достонлар хусусида ўзбек фольклоршуносларидан: Ҳ. Т. Зарифов, М. С. Саидов, М. Муродовларнинг ишларида қимматли мулоҳазалар билдирилган. Бироқ мазкур достонлар ҳозиргача яхлит ҳолда, тўлалигича ўрганилмасдан келмоқда.

Биз сўз юритаётган достонлар ҳақида бошқа туркий халқлар фольклоршунослигида бир мунча ишлар амалга оширилган. Озарбайжон олимларидан: М. Тахмасиб, А. Набиев, М. Ҳакимов, С. Ёқубоваларнинг қатор ишларида «Ошиқ» достонларининг тарихий тараққиёти ва ўзига хос хусусиятлари чуқур тадқиқ этилган.

«Ошиқ» достонларининг туркман версиялари бўйича Х. Г. Кўрўғли, С. А. Қарриев, Б. А. Қарриев, Б. Мамедязов, А. Дурдиева, С. Гутлиева ва бошқа қатор олимларнинг, қорақалпоқ версиялари ҳақида Н. Довқораев, Қ. Мақсетов, М. Нурмуҳамедов, А. Алимовларнинг ишлари диққатга сазовор бўлиб, уларда қимматли фикрлар билдирилган. Шунингдек Москвада нашр этилган айрим достонларга сўз боши ёзган О. Мирбадалованинг мақолаларида[11] ҳам бу тоифа достонлар хусусида анчагина қизиқарли фикрларни учратиш мумкин.

Кўринадики, «Ошиқ» достонларининг ҳар бир халқнинг эпик ижодида тутган ўрни ҳақида қардош халқлар олимлари томонидан салмоқли тадқиқотлар амалга оширилган. Демак, Хоразм «Ошиқ» достонлари ҳақидаги тадқиқотларни ҳам жонлантириш ҳақида ўйлаш пайти етиб келди.

Профессор С. Рўзимбоев, доцент Г. Эшчонова

---

[10] Жирмунский В. М. , Зарипов Х. Т. Узбекский народный героический эпос, М. , 1947, 332 с.

[11] Известия АН Туркмении, серия ОН, №1, Ашхабад, 1961, 57-64с.

ОШИҚ ҒАРИБ ВА ШОҲСАНАМ

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор муҳаддисони достони кўҳан вале хушачинони хуррамин сухан, ҳарке сухан роҳати зим кунад пораи аз жигар хун кунанд. Аммо ровийлар андоқ ривояти мўътабар қиссаи ан- биёдин ривоят қилурларким, Диёрбакир деган бир вилоят бор эрди. Ул шаҳарнинг подшоҳини Шоҳ Аббосхон дер эрдилар. Ўзи бениҳоя одил эрди ва лекин ўғил-қизи йўқ эрди. Кунлардин бир кун подшоҳ бирлан Ҳусаин вазир шикорга чиқтилар. Бориб бир тепанинг устига чиқиб эрдилар подшоҳнинг олдидан бир бўғоз қуён ўта берди. Подшоҳ ани отайин деб отмади. Андин сўнг вазир ҳам отайин деб отмади. Анда вазир кулди. Подшоҳ дарқаҳр бўлиб айди: «Мани оғзим икирчи бўлибдурму, куларсан?»-деди. Анда вазир айди: «Аҳмоқлигимга кулярман», деди. Уйимда заифам ҳомилалик эрди. Ани учун отмадим, деди. Подшоҳ: «Менинг ҳам заифам ҳомилали эрди, анинг учун отмадим», деди. Подшоҳ деди: агар менинг заифам ўғил туғса сеники қиз туғса, куда бўлайлик. Ўғил-қизни бир-бирига беришайлик, деди. Анда вазир туриб, аҳднинг ўзи камлигини пеша қилди. Подшо мирзо девонни чорлаб, луғати аҳдномаи хат битиб қасамёд қилди. Андин сўнг подшоҳ бозкаштишикор қилди. Бир неча кундин сўнг подшоҳнинг заифаси қиз туғди. Подшоҳ шод-хуррам бўлиб тўй қилди ва уламоларни йиғиб эшонларига от, туя ҳадя қилди. Вазирнинг ўғлининг отини Шоҳназар қўйдилар. Андин сўнг Шоҳсанам бирла Шоҳназарни энагага бердилар. Алар парвариш қилур эрдилар. То замоники етти яшар бўлдилар. Буларни мактабга қўйдилар. Булар то ўн тўрт ёшиға кирганича мактаб ўқидилар. Кунлардин бир кун Шоҳназарнинг отаси Ҳасанхон вазир касал бўлди. Ўғлини чорлаб, айди: «Ман эмди фоний дунёдин боқий дунёға борурман. Айтмағилким, подшоҳнинг қизи санинг бирла каҳвора бахшдур. Бу мазмунға подшоҳ хат қилиб, муҳр босиб бергандур», деб аҳдномани чиқариб Ўғлиға берди. Ва яна айдиким, қайси кунким, ман дунёдин ўтсам, шул хатни подшоға бергил. Подшоҳ қизини санга бериб, мани жойимға вазир қилур, ғам емагил –деди. Баъдазон Ҳасанхон вафот қилди. Андин сўнг етимлиғидин Шоҳназарнинг оти Ғариб қолди. Ул отасини дафн қилди. Андин сўнг Ғариб кўнглиға айдиким, ман Шоҳсанамни қариндошим билиб, эрдим. Бул мани бахшидам эркан, деб хушвақт бўлди.

Отаси берган ёрлиғни олиб, Шоҳсанамнинг китобининг ичига қўйди. Ногоҳ Шоҳсанам китобини очиб кўрди. Бир ёрлиғ кўрунди. Очиб мутолаа қилди. Кўрдики, отаси муни Ғарибға берган эркан. Шоҳсанам бу сўзни англаб хушҳол бўлди. Кўнглига айдиким, ман гумон қилур эрдимким, Ғариб манинг қариндошим. Эрса, эмди маълум бўлдиким, Ғариб манинг ёрим эркан, деб хурсанд бўлди. Ногоҳ Ғариб келди. Шоҳсанам айди: «Эй, Ғариб келгилким, икковимиз бир ўюн қилолук». Ғариб айди: «Нима ўюн қилурсиз». Шоҳсанам айди: «Ҳар ким мактабга аввал келса, бир жуфт бўса олсун» –деди. Ғариб қабул қилди.

Бу кеча то саҳаргача ухламади. Саҳардин кўзини уйқу элтиб, ғафлатга қолди. Ногоҳ Ғариб уйқудин уйғониб турдиким, чоштгоҳ бўлубтур. Ғарибжон ҳавли бирла мактабга борди. Кўрдиким, Шоҳсанам сабоқини олибдур. Домла ўғлонларни озод қилди. Андин сўнгра Шоҳсанам Ғарибдин икки бўса олди.

Алқисса, бу дафъа тўққуз бўса шарт қилдилар. Ғариб ғамгин бўлуб, кўнглига айдиким, агар Шоҳсанам эрта ҳам гаровни ютса, бошимни олиб кетурман, деди. Алқисса, Ғариб уйига келиб, кафт-пойини чок қилиб, туз жойламоқни ихтиёр қилди. Онаси айдиким, «Эй Ғариб, на иш қилурсан» - деди. Ғариб айди:»-Эй, она, Шоҳсанам бирла баҳс қилиб, икки бўса гаров боғладим Шоҳсанам мани ютуб, икки бўса олди. Яна тўққиз бўсадин шарт қилиб келдим. Эмди бу кеча ётмасман. Агар ётсам, уйқуда қолурман. Шоҳсанам мани ютар. Шул сабабдин кафтпойимни чоклаб туз жойларман» -деди. Онаси айдиким: «Эй, Ғариб, сан беғам ухлагил, ман турғузурман» – деди. Ғариб хушҳол бўлуб, ухлади. Шоҳсанам ҳам уйига бориб, ухлади. Аммо худой таолонинг амри бирла ҳазрат Шоҳимардон иккисини тушиға кириб гунбази хизроға олиб бордилар. Аларнинг ҳар қайсисиға қирқ пиёла шароб бердилар. Ҳазрат Шоҳимардон хат битиб муҳр босдилар. Иккович-гиз ошиқи ҳақиқий, деб аларни бир-бирига аҳди никоҳ қилиб, гунбази хиз-родин буларни яна уйлариға келтуруб қўйдилар. Алқисса, фарз вақти эр-диким, иккиси ҳам уйғониб, таҳорат қилиб, намози бомдодни ўқудилар. Андин сўнг Ғариб бирла Шоҳсанам фил алҳол мактабхонаға бордилар. Шоҳсанам айдиким; «Эй Ғариб, кечаги воқеани баён қилғил. Ғариб айди-ким: Эй Шоҳсанам, сан хатингни манга бергил, ман ўқуғойин», деб бир са-вол-жавоб айтғанлари баёни бу турур:

Саволи Ғариб:

Тоқатим қолмади сабрим, қарорим,
Қани келтур ман, ўқийин хатингни.
Ақлим олғон бир нозанин нигорим,
Қани келтур ман, ўқийин хатингни.

Жавоби Шоҳсанам:

Қодир олло санга, манга лутф этди,
Керак бўлса, ол ўқуғил хатимни.
Шоҳимардон иккимиза хат битди,
Керак бўлса, ол ўқуғил хатимни.

Саволи Ғариб:

Биз кора ошиқлар дунёға келур,
Эркаклар тушинда матлабин берур,
Дунёда Шоҳсанам отли кўп бўлур,
Қани келтур ман, ўқийин хатингни.

Жавоби Шоҳсанам:

Ғариб, Ғариб, деюб кўрдум тушимда,
Кўран аҳволотим манинг бошимда,
Хат бердилар қирқ чилтаннинг қошинда,
Керак бўлса, ол ўқуғил хатимни.

Саволи Ғариб:

Булбулдай ишқингда бўлубман шайдо,
Муҳаббат орода бўлубтур пайдо,
Санамжон бошима солибсан савдо,
Қани келтур ман ўқийин хатингни.

Жавоби Шоҳсанам:

Булбул бўлуб ғунча гулга қўнарсан,
Ҳақ рўзи айласа даврон сурарсан,
Шоду хуррам бўлуб, ўйнаб куларсан,
Керак бўлса, ол ўқуғил хатимни.

Саволи Ғариб:

Шоҳимардон бизга раҳбарлик этти,
Иккимизни хизро гунбазға элтти,
Ҳақ таоло санга, манга лутф этти,
Қани келтур ман ўқийин хатингни.

Жавоби Шоҳсанам:

Санам айтур: чилтан шаробин тутди,
Ҳазрат Али иккимизга хат битди,
Ул кимсадур бизга никоҳни этди,
Керак бўлса, ол ўқуғил хатимни.

Алқисса, андин сўнг иккиси хатларини бир-бирига бердилар. Хатларни ўқуб кўрдилар.

Уч кун ородин ўтти. Шоҳ Аббос Шоҳсанамнинг онасиға айдиким: «Шоҳсанамни Ғарибға берурмиз», -деди. Шоҳсанамнинг онаси айдиким: «Эй, шоҳ, шунча халқнинг тўйини сан кўрдинг. Эмди қизингни ўз етимин-га берурмисан?, ўзга қизинг бўлмаса» –деди. Шоҳ Аббосға шайтон маъқул қилди. Қизини Ғарибға бермас бўлди. Хотуни айди: «Андоғ бўлса, қизи-мизни мактаб йибармасмиз», -деди. Алқисса, Шоҳсанам фарз вақти туруб, намозини ўқуб мактабга борур эрдики, онаси айди: «Санинг ўқур вақтинг ўтди. Эмди илм ва ҳунар ўргангин» –деди. Шоҳсанам ҳайрон бўлуб, мак-табга бормай, икки ракъат намоз ўқуб, шул ерда бир сўз айғони бу турур:

Зулминг бирлан қаҳбо фалак,
Мани ғайри ёра солдинг.
Иброҳимдек ўта ёқиб,
Жафо ила нора солдинг.

Кўтардинг кўнгил хиштини,
Буздирдинг гулхан даштини,
Синдириб меҳнат киштини,

Бизни бу хунхора солдинг.

Жафо бирла пурхун этиб,
Кўзда ёшни Жайҳун этиб,
Мани Лайли-Мажнун этиб,
Қизиқлик бозора солдинг.
Ёр узоқ кечди ҳолимиз,
Фалак бузди иқболимиз,
Мунажжим кўрди фолимиз,
Бахтимиза қаро солдинг.

Санам истайдур рафиқин,
Ҳеч киши билмас дардлиғин,
Манга солиб жафо тиғин,
Юрагимга яро солдинг.

Бу сўздин сўнг Санам айди: Бу ғамнинг воқеаларини ғайриға баён қилмаса бўлмас, деб, бир паст кўча бирла мактабга борди. Кўрди Ғарибни қўлида китоб, кўнглида фироқ, кўзида ёш, бағрида тош ўлтирибдур. Ёрининг йўлиға боқиб, «Бир келмади», -деб бир ғазал ўқиғони:

Эй, ёронлар, мусулмонлар,
На бўлди, ёрим келмади.
Ҳажр ўтиға қўйди жонлар,
На бўлди, ёрим келмади.

Келарман деб ваъда этди,
Келар муддатидин ўтди,
Эртадан чошгоҳга етди,
На бўлди, ёрим келмади.

Ё бировнинг пандин олди,
Ё бир ғайри бирлан бўлди,
Ё бир ёвуз дарда қолди,
На бўлди, ёрим келмади.

Бу дардлар ёмон дард бўлди,
Тортганим оҳу сард бўлди,
Йўлида кўзим тўрт бўлди,
На бўлди, ёрим келмади.

Ҳар ким сўроқлар ҳабибин,
Дардли қул истар табибин,
Санам йиғлатур Ғарибин,
На бўлди, ёрим кеалмади.

Бу сўзни эшитиб Шоҳсанам бетоқат бўлиб, илож топмади, ёниға бормоққа. Ноилож ташқарида туриб, бу мухаммасни баён қилди:

Булбули бечорасан, гул ишқида фарёд қил,
Ошиқи саргашта бўлсанг, уйқуни барбод қил,
Тинмайин шому саҳарлар дод ила бедод қил,
Бир иморат сан қилиб ишқ уйини бунёд қил,
Жон муллом, шул замон Ғарибжонни озод қил.

Ҳар киши бундай балолар ичра бўлғай бешумор,
Қолмағай кўнглида онинг зарра янглиғ ихтиёр.
Титрашар симобдек танда жоним беқарор,
Ёримиз мактабда бўлса биз бу ерда интизор,
Жон муллом, бир замон шул ёримни озод қил.

Тиғи бедоди фалак ерга оқизди қоними,
Билманам ҳижрон ўтида суд ила нуқсоними,
Титрашар кўкда малаклар эшитиб афғоними,
Жоним чиқмасдин бурун бориб кўрайин ёрими,
Жон муллам бир замон Ғарибимни озод қил.

Қўймади ўз ҳолима бу чархи каж гардун мани,
Ҳажр даштинда қуюндек этди саргардон мани,
Ишқ офати қилибдур бесари сомон мани,
Жоним олмай қўймади бу дарди бедармон мани,
Жон муллом бир замон Ғарибимни озод қил.

Бир муаллим сан эрурсан шаҳар ичинда бокарам,
Даргоҳингга юз тутиб ёрнинг жамолин истарам,
Бол ўрниға манга оғу ичирди дарду ғам,
Термулиб мисли гадодек ёрин истар Шоҳсанам,
Жон муллом бир замон шул ёримни озод қил.

Андин сўнг бу сўзни эшитиб мулла мутахаййир бўлди. Буларни масжидга эртароқ келганининг сабаби бул эркан, деди. Энди буларни кўнглини топай деб мактабдаги ўғлонларни озод қилди. Мулло Ғарибжонга айди: «Уч кундин бери сабоқни на учун билмассан», -деди. Ғариб ўз ғуссалигидин дам урмади.

Анда мулло айди: сан мани кўзга илмайсан. Ман сабоқингни билдиргувчиман, деб ҳужрани ичкарисидин солиб эшикни маҳкам қилди. Ғариб айди: эшитиб эрдим, худо қарғаган қулни пайғамбар алайҳиссалом асолари бирлан урар деб, уч кундин бери Шоҳсанам ҳажринда йиғлар эрдим. Бу унинг устиға юз дард бўлди, деб йиғламоқға машғул бўлди. Мулло Шоҳсанамға ишора қилди. Шоҳсанам мактабхонага кирди, Ғарибни кўрди. Атоси қилған маслаҳатларни Шоҳсанам Ғарибға баён қилди. Шоҳсанам айди:

Қулоқ солиб эшит менинг арзимни,
Сиздин-биздин даврон ўтди, Ғарибжон.
Худо солди айролиқни жабрини,
Душман айролиғни тутди, Ғарибжон.

Ғарибжон айди:

Жудо тушдим дебам ғамғин бўлмагин,
Манманликнинг охир заволи бордур.
Айролиқ дардидин гулдек сўлмағил,
Бу камликнинг охир камоли бордур.

Шоҳсанам айди:

Қайдаки камолдур қайдаки висол,
Йиғлаб ўтса керак неча моҳи сол,
Кел қочоли, мени дуруст йўла сол,
Душман биза юзин читди, Ғарибжон.

Ғарибжон айди:

Бир таъна сўз билан нечун қочарсан,
Ўз айбингни ўзинг нега очарсан?
Ошиқ бўлсанг неча ёниб ўчарсан?
Сабр қилсанг сўнгра висоли бордур.

Шоҳсанам айди:

Сабр этмак билан битмас бул ишинг,
Таъбирин айтурсан бу кўрар тушинг,
Турсанг бу қайғудин қутилмас бошинг,
Келан давлат қушинг учди Ғарибжон.

Ошиқ бўлмас кўп хуноба ютмаса,
Маъшуқ бўлмас бағрин пора этмаса,
Керак бизга дерлар ёлғон айтмаса,
Охир бизга қўйғон иқболи бордур.

Бизни мунда етурмаслар мурода,
Энди қўшилмоғим амри маҳола.
Сани мани етурмаслар висола,
Фалак мани ўйнаб ўтди Ғарибжон.

Қайғуни кўп этсанг меҳнатинг ортар,
Айролиқнинг тиғи бағримни йиртар,
Ёлғондур бу сўзлар тағдира тортар,
Ҳар кишининг юз минг хаёли бордур.

Санам айтур: сўзим қабул этмасанг,
Мани бир кечада олиб кетмасанг,
Ўзга ерга бориб макон тутмасанг,

Пичоқ устихона етди Ғарибим.

Ғариб айтур: бўйла сўзлар демагил,
Энди юрагимга дардни солмагил,
Айро тушдим дейиб қайғу емагил.
Азалдан бир қисмат бордир Санамжон.

Андин сўнг Шоҳсанам деди: «Ваъда қилғон бўсангни ол», -деди. Ғариб айди: «Аввал ишқи мажоли эрдик. Эмди бир пир қўлидан шароб ичдик. Ишқи ҳақиқатга юз қўйдик. Энди сани ўпмагим раво эрмас, худои таоло муродимизға етказса, андин сўнг ишрат қилғонимиз маъқул», -деди. Андин сўнг Шоҳсанам ила Ғариб йиғлашиб уйлариға бордилар.

Анда Ғарибнинг онаси Шоҳ Аббоснинг ёниға бориб айди: «Эй Шоҳ Аббос, сан вазир бирла ваъда қилиб эрдинг. Ўша ваъдага вафо борму? Вафо бўлса кўрай, деб келдим. Энди ваъда вақти бўлубдур», -деди. Анда подшоҳ дарқаҳр бўлиб, Ғарибнинг онасини шаҳардин чиқариб юборди. Вазир шаҳардин ташқарида лаъли жавоҳир кўмиб қўйиб эрди. Ғарибнинг онаси анинг устида жойи макон қуриб ўлтуруб эрди, неча вақтдин сўнг Ғариб бир ҳамён зар олиб қуръандознинг ёниға бориб айди: «Эй, момо, манинг толеъимдин бир хабар берсанг на бўлғай», -деди. Анда яхши бўлғай деб, қуръа солиб айди: «Иншолло, Ғариб Шоҳсанам сангадур». Ғариб хушвақт бўлиб. Аҳволиндин момоға бир сўз айғони:

Момо, ман йўлдин адашдим,
Келгин, мани йўла солғил,
Мажнун каби ҳаддин ошдим,
Лайли каби чўла солғил.

Ёр учун тинмай ёнаман,
Ки туташиб ўртанаман,
Бир ёлғуз юрган сўнаман,
Мурғзорли кўла солғил.

Сенга дерман кўнгил доғин,
Яқин этғил йўл йироғин,
Кўрсатиб муҳаббат боғин,
Тар очилғон гула солгил.

Кенгаш бер адашган қула,
Қўшилғайман ёрим бирла,
Карвон кўчди узоқ йўла,
Мани бир манзила солғил.

Ғарибжон дерлар отимни,
Изҳор айларман ўзимни,

Эшитгил мани додимни,
Мани ёрим бирла солғил.

Алқисса, андин сўнг ул қуръандоз яна қуръа солиб айди: «Эй Ғариб, эмди сен бориб Шоҳсанам боғбониға етим бўлиб боғбон била чаман боғлаб юборсанг керак, андин сўнг Шоҳсанам ул чаманни таниб, чорбоғға келиб, сенинг бирлан мақсуд ҳосил қилса керак», -деди. Андин сўнг Ғариб бул сўзни қабул қилиб уйиға келди. Эй она менға рухсат берғилким, ғайри элларға бош олиб кетарман, деб онасидан рухсат сўраб бир ғазал ўқиди:

Хуш қол энди каъбам онам,
Ман бугун кетмали бўлдим.
Шоҳ Аббос шоҳнинг дастидин,
Бош олиб кетмали бўлдим.

Бош қўйдим пири устода,
Ўзимни солдим барбода,
Қўшилиб Ширин, Фарҳода,
Санам деб ўтмали бўлдим.

Санам солди ёвуз дарда,
Ёр-ёр деюб ёт элларда,
Чидай олмай оҳу сарда,
Бир ватан тутмали бўлдим.

Тушмам жудолик дардина,
Кетарам Бағдод шаҳрина
Кўз юмиб ғамнинг баҳрина,
Ёр учун ботмали бўлдим.

Ғарибжон дер қариндошим,
Куяр бўлди ичи-дошим,
Энди ёт эллара бошим,
Мен олиб кетмали бўлдим.

Алқисса, андин сўнг Ғариб кетарман бўлди. Ночорлиғдин онаси зор йиғлаб, рухсат бериб бир ғазал ўқиди:

Ҳасан вазир ўлди санга суяндим,
Болам сани бир оллоға топширдим.
Бир неча кун бўйинг кўриб қувондим,
Болам, сани бир оллоға топширдим.

Бир ёр учун кўп хуноба ютарсан,

Энди мани, Гулжамолни нетарсан,
Ёт элларга бошинг олиб кетарсан,
Болам, сани бир оллога топширдим.

Кўзимнинг равшани, нури сан эдинг,
Беҳиштим, жаннатим, ҳурим сан эдинг,
Ҳам бахтим, мадорим норим сан эдинг,
Болам, сани бир оллоға топширдим.

Энди сан кетарсан узоқ йўллара,
Мурувват этматинг ғамгин қуллара,
Сўроқ солсам керак элдин эллара,
Болам, сани бир оллоға топширдим.

Душман юзи қора бўлсин орода,
Бизни қўйдинг туганмасдин балоға,
Оводон дер: етолмадим мурода,
Болам, сани бир оллога топширдим.

Алқисса, Ғарибнинг Гулжамол деган синглиси бор эрди. Ул бечора оғаси Ғарибнинг кетарини билиб, зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлаб бир ғазал ўқиғони бул турур:

Орадан бир сўз кечмайин,
Оғамжон, қайда борурсан?
Яхши-ёмон сўз айтмайин,
Оғамжон қайда борурсан?

Яхши-ёмоним билмайин,
Кафан-тўнимни бичмайин,
Ўзингла гўримга солмайин,
Оғамжон, қайда борурсан?

Бизни айладинг бечора,
Бағрим бўлди пора-пора.
Юрагимга солиб яра,
Оғамжон, қайда борурсан?

Ман кечдим энди бу жондин,
Қўл тортдим суду зиёндин,
Шумиди умидим сандин,
Оғамжон, қайда борурсан?

Бир номарднинг пандин олиб,
Кетар бўлдинг бошинг олиб,
Бизни бўйла ўтга солиб,
Оғамжон, қайда борурсан?

Ёнди юрак-бағрим ёнди,
Умрим боғчаси таланди,
Тириклик сан бирлан эрди,
Оғамжон, қайда борурсан?

Юрагим ўтга доғлатиб,
Бахтимга қора боғлатиб,
Гулжамолни қон йиғлатиб,
Оғамжон, қайда борурсан?

Ғарибга онаси, синглиси йиғлашиб рухсат бердилар. Алқисса, қариндошлари Ғарибни бир узоқ чўлга олиб бориб, подабонликга солдилар. Аммо Ғариб бечора бир неча вақт подабонликга машғул бўлди. Бир чўпон бирлан дўст бўлди. Аммо кунлардан бир кун Ғариб подабон бўлгонини ҳисоб қилдиким, беш йил бўлибтур. Аммо Шоҳсанамни ёд қилиб, зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб, ўшал чўпон жўрасининг ёнига келди. Айдиким: «Эй, жўра, менинг диёри Бакрда ёрим бор эрди. Ман бу подабонликдин қутилиб билмадим. Бу поданинг эгаси молини мандин олмайдурким, ман қутулиб ёримни сўроғина борсам»-деди. Ул чўпон жўраси айди: Бу подадаги моллардин кунда бир иккисини ёбонга ташлаб келсанг, подани сандин олурлар-деди. Ғарибга бу сўз маъқул бўлди. Зор-зор йиғлаб бир сўз айди:

Беш йил бўлди айро тушдим ёримдин,
Иложим йўқ ёра ето билмадим.
Ҳеч ким хабар олмас менинг ҳолимдин,
Иложим йўқ ёра ето билмадим.

Оти Шоҳсанамжон, сўзи мазали,
Сўзлаганда ширин тили саноли,
Бармоқлари бўғум-бўғум хиноли,
Иложим йўқ ёра ето билмадим.

Беш йил бўлди, ман келмишам бу ёна,
Санамжондин жудо тушдим бегона,
Фироқидин қон йиғларам замона,
Иложим йўқ ёра ето билмадим.

Беш йилдур сийнамда кўпдур армоним,

Чиқар бўлди эмди танимдин жоним,
Кеча-кундуз фикрим сансан жононим,
Иложим йўқ ёра ето билмадим.

Ғариб айтур: тилимдадур санойим,
Ризодурман ҳар на қилса, худойим,
Санамжондур мани кўнгул хушгоҳим,
Иложим йўқ ёра ето билмадим.

Алқисса, андин сўнг Ғариб ҳар кунда подадин бир мол, икки молни ташлаб келур эрди. Бир неча вақтдин сўнг мол эгаси кўрдиким, молининг ёриси йитибдур. Кўнглида айдики, эмди бул молни яхши боқмайдур. Муни қувлаб бошқани сақлайман, деди ва Ғарибни қувлади. Ғариб йўлға кириб худойи таолоға шукр қилиб, зор- зор, чун абри навбаҳор йиғлаб, айдиким; «Эй, бори худоё, мани ўзинг ёрға еткургил» , деб бу муножотни ўқиди:

Ё раббим эй, қодир худо,
Ўзинг еткур ёра мани.
Тилимдадур зикру сано,
Ўзинг еткур ёра мани.

Ҳақ йўлиндаги раҳбарлар,
Хизр, Илёс, пайғамбарлар.
Баҳаққи чилтан, сарварлар,
Ўзунг еткур ёра мани.

Кўздин ёшим оқор селон,
Қисматимиз бўлди бўйлон,
Баҳаққи ул Шоҳимардон,
Ўзунг еткур ёра мани.

Кофирлара ўқин отғон,
Жазирада ватан тутғон,
Баҳаққи эрану чилтан,
Ўзунг еткур ёра мани.

Ғариб дер: надур гуноҳим,
Тилимда бордур санойим,
Аввал, охир бир худойим,
Ўзинг еткур ёра мани.

Алқисса, Ғариб вилояти Бакрға келди. Шоҳсанамни ахтариб, Диёри Бакрнинг мактабхонасиға келди. Шоҳсанамни топмади. Бачалардин сўради. Алар айдиларким: «Шоҳ Аббос Шоҳсанамға Шоҳ вазир деган жойда кўшк ясаб, қирқ каниз бирлан Шоҳсанамни ўшанда қўюбтур»- дедилар. Ғариб Шоҳсанамни ахтариб, Ўшал кўшкка борурни ихтиёр қилди.

Бир одам айдиким; «Шоҳсанамнинг қирқ қули бордур. Бир қули ўлубдур, эрталаб қул олмоқға Шоҳсанам шунда келур» – деди. Ғариб бул сўзни эшитиб, равона бўлди. Кеча бўлиб эрдиким, бир канпирнинг уйига келди. Ул кампир бирла қиёматлик она тутиниб, ул канпирға айди: «Эй, Она, эрта Шоҳсанам келиб, бозордин бир қул олар эркан. Сиз мани бозорға олиб бориб, Шоҳсанамға сотинг. Баҳомни минг динор қуйинг», - деди. Канпир қабул қилди. Эрта Ғарибни банда бозориға олиб келди. Аммо Ғариб бошиға қўйнинг ишканбасини тортди ва юзига қаро суртди. Бир ҳабаш қулнинг сувратиға эга бўлди. Аммо Шоҳсанамнинг Гулниҳол деган бир канизи бор эрди. Лақабини Ақча дер эрдилар. Ул кўп доно ва ботамиз эрди. Шоҳсанам ани гул канизларға сардор қилиб эрди. Алқисса, Шоҳсанам Ақча бирлан отланиб, асос салтанат бирлан банда бозориға келди. Аввал шул канпирнинг олдиға келиб, айдиким; «Эй, момо, бул ҳабаш қулингнинг баҳоси не турур», - деди. Канпир айдики:минг динор турур. Шоҳсанам айди; «Эй, момо, яхши – яхши қулларнинг баҳоси ўттуз динор, қирқ динор турур. Сан муни минг динор дерсан. Мунинг на ҳунари бор?», - деди. Канпир айдиким; «Манинг бу қулим созанда, ошиқ турур». – деди. Шоҳсанам ҳайратда бўлуб айди;»Андоқ бўлса, қулунгға айтғил манинг шаънимға бир нимарса айтсун, эшитайин», деди. Канпир: «айтғил эй қул», - деди. Ғариб айдиким; бир дутор ҳотамдор келтурунглар», - деди. Шоҳсанам Ақчаға буюрди. Ақча бир қулни йиибориб, бир яхши дутор ҳотамдор келтурди. Ғарибнинг қўлиға берди. Ғариб дуторнинг пардаларини созлаб, чалиб, Шоҳсанамжонға қараб, бир ворсақи айтғони бу турур. Эшитинг:

Қулоқ солиб эшит, манинг арзимни,
Олур бўлсанг қул жойина ол, Санам.
Киши билмас сира манинг аслимни,
Олур бўлсанг қул жойина ол, Санам.

Бу беш кунлик ўтар дунёи фоний,
Бўлур кўп ошиқа маъшуқнинг оли,
Гавҳаршунос бўлсанг гўҳардир тани,
Олур бўлсанг қул жойина ол, Санам.

Ошиқни куйдурур ёрнинг тиллари,
Жонин олур хино қўйган қўллари,
Жафокаш бўлурлар Бағдод қуллари,
Олур бўлсанг қул жойина ол, Санам.

Оқил бўлсанг бул маънини фаҳм айла,
Гирифтори жамолима раҳм айла,
Рақиблар илгидин бугун ваҳм айла,
Олур бўлсанг қул жойина ол, Санам.

Рақиблар илгидин ниҳон эт, мани,
Қул жойина олсанг ниҳон эт, мани,
Ғариб айтур: чин ошиқман бил, мани,
Олур бўлсанг қул жойина ол, Санам.

Алқисса, Ғариб бечора бул ғазални айтиб, тамом қилди. Аммо Шоҳсанам бул сўзлардин сўнг Ғарибни таниди. Ва маҳсҳулҳол бўлганини билди. Канпирга айди: «Эй момо, айтғил яна бир байт айтсун», -деди. Кампир ишорат қилди. Ғарибнинг яна дутор олиб, созлаб айтғонининг баёни бул турур:

Юзи гулдек, шамшод бўйли нигорим,
Бул сўзни фаҳмиға етсанга на бўлди.
Барча маҳлуқ бизга душман дилдорим,
Рақиблардин ҳазар этсанг на бўлди.

Жамолинг кўрмоқға ман интизорман,
Ки ишқ дарёсиға доим чўмарман,
Фироқингдин Санамжон ман нетарман,
Кулуб манго, қараб ўтсанг на бўлди.

Ҳар ошиқдур сурар ўзин чоғинда,
Булбуллар сайрашур чаман боғинда,
Ман юрубман айролиқнинг доғинда,
Санамжон марҳамат қилсанг на бўлди.

Ғариб ошиқ айтур: фикрим етурдим,
Сани кўруб хаёлимни йитурдим,
Озод эрдим, банда бўлуб сотурдим,
Харидорсан, сотин олсанг на бўлди.

Алқисса, бу сўзлардин Ғарибнинг ҳақиқатини англаб билдиким, Ғариб ҳабашни сувратиға кириб, васл излаб, банда бозориға келган экандур. Алқисса, Шоҳсанам ул канпирга минг тилло бериб Ғарибни олди. Ва халқдин ибо қилиб, Шоҳсанам бу кеча Ғарибни қулларнинг орасида келтуруб қўйди. Аммо бу ишдин Ғарибнинг қаҳри келиб, ярим кеча қулларни уйқуда қўюб, чиқиб кетти.

Неча манзил йўл юруб, дарбадар кезуб, айланиб-айланиб яна Шоҳсанамнинг чорбоғиға етушти. Кўрдиким, ажиб бир чорбоғ фарҳи афзо экандур. Ғариб чорбоғни дарвозасида ўлтурди. Бир замондин сўнг бобои боғбон чиқиб, Ғарибни кўрди. Айдиким: «Эй бечора, қайдин келурсан ва қайда борурсан?». Ғариб айди: «Фалон ердин бўлурман. Бул ерда ҳеч қариндошим йўқдур. Агар қабул қилсангиз сизга етим бўлайин», -деди. Боғбон қабул қилиб, етим сақлади. Алқисса, Ғариб боғбонни говсолаларини боқиб юрур эрди. Кунлардин бир кун Ғариб боғбоннинг уйига кириб, кўрдиким, боғбон уйида йўқ. Ғариб боғбоннинг хотунидин сўрадиким, боғбон қайдадур? Хотун айди: «Эмди баҳор бўлубтур, гуллар очилибдур. Бобо гулларни чаман боғлаб, Шоҳсанамға

элтадур. Ғариб айди: «Ман ҳам бориб, чаман боғлаб, бобоға ёрдам берсам нима бўладур?», -деди. Алқисса, Ғариб боғбоннинг хотуни бирла қўшулуб, боғбоннинг ёниға келди. Хотун айди: «Ғарибға гул беринг, чаман боғлаб сизга ёрдам берсун. Боғбон қабул қилмади. Урушиб йибарди. Тонгла эрта бирла Ғариб ўзи танҳо чорбоғга борди. Кўрди гуллар очилибдур. Ғариб тартиб бериб, гуллардин неча чаман боғлади. Аммо бир чаманнинг ичида ўз ҳасби ҳолидин бир ғазал айтиб эрди, қўюб боғлади. Шул вақтда бобои боғбон кириб келди. Ғарибға кўзи тушти. Ғариб чаманни ташлаб қочти. Боғбон келиб кўрдиким, ўзидан яхшироқ чаман боғлабтур. Аммо бобои боғбоннинг ўзи ҳам уйқуға қолиб эрди. Саросима бўлуб, чаман боғламоқға машғул бўлди. Ўзи ҳам неча чаман боғлаб, Ғарибнинг чаманлари бирла қўшуб, Шоҳсанамнинг хизматиға олиб кетди. Шоҳсанам кўрдиким, бир неча чаманлар боғбонининг чаманларидин яхшироқ турур. Шоҳсанам айди: «Эй бобо, рост айтғил, бул чаманларни ким боғлади?». Бобо айди: «Эй маҳлиқо, бир бача етим сақлаб эрдим. Шулнинг ясагани турур», -деди. Шоҳсанам айди: «Эй, бобо, акнун шундоқ боғлаб келтур», -деди. Боғбон таъзим қилиб, туруб кетти. Иттифоқо Шоҳсанам чаманларни очиб кўрдиким, ичинда бир хат турур. Шоҳсанам ҳайрон бўлуб, ул хатни олиб ўқуди.

Ғарибнинг бу ғазални айтиб чаман орасига қўйиб, аҳволини баён қилғони бул турур:

Қулоқ солиб эшит манинг арзимни,
Кундин-кунга баттар бўлдим дардингдин.
Налар чекдим фироқингдин ҳажрингдин,
Қонлар йиғлаб ўтар бўлдим дардингдин.

Меҳнат ила боққа хизмат этарман,
Найлайин, мақсада қачон етарман,
Бу дард ила бошим олиб кетарман,
Ўзга ватан тутар бўлдим дардингдин.

Ғарибликда бир келмадинг қошима,
Раҳминг келмас кўздан оққан ёшима,
Ажал ёстиғини қўйиб бошима,
Ёр-ёр, дебон ўтар бўлдим дардингдин.

Ғариб эрдим кал қўйдилар отимни,
Бу ватанда ҳечким билмас зотимни,
Сандин ўзга кимга айтай додимни,
Энди ман дод этар бўлдим дардингдин.

Бу ғазални чаман орасидин олиб ўқиб кўриб, Шоҳсанам бетоқат бўлди. У жойда оҳ уриб йиғлаб, кўзининг ёшини оқизиб бу ғазални ўқиди:

Баҳор бўлди, гул очилди,
Манинг гулим очилмасму?

Булбулнинг қони сочилди,
Манинг қоним сочилмасму?

Хабарим йўқ баҳор бўлди,
Боғларим лолазор бўлди,
Ғарибимдин хабар келди,
Карам йўли очилмасму?

Давлатликдин давлат кетди,
Навбат рақиблара етди,
Соқий ажал майин тутди,
Кафан тўним бичилмасму?

Ёр боришғон йўллар қолди,
Гул теграсин зоғлар олди,
Гўзал ёрим айро бўлди,
Яна шароб ичилмасму?

Санам айтур: умрим ели,
Келди муҳаббатнинг гули,
Очилди боғларнинг гули,
Мани гулим очилмасму?

Алқисса, Ақча кўрдиким, Шоҳсанам зор-зор йиғлаб, кўзинда ёш, кўйнинда ёрнинг доғи, қўлунда рўймоли бирла кўз ёшини артиб, ўлту-рубтур. Ақча айди: «Эй Шоҳсанам, санга жон фидо бўлсун ва тан ҳам нима бўлубтурки, оҳу кўзларинг гирён ва маҳча кўнгул бирён». Шоҳсанам беқарор бўлуб, Ақчаға барча аҳволини баён қилиб бир сўз айтғони баёни бу турур:

Ақча сенга сирри ҳолим сўзлайин,
Ёрнинг гули келди, ўзи келмади.
Бошимдан ўтганин баён айлайин,
Ёрнинг гули келди, ўзи келмади.

Ғазаб бирла бизни ёрдин айирмиш,
Фалак ишрат ниҳолини қайирмиш,
Билмам тангрим ёрим кимга буюрмиш,
Ёрнинг гули келди, ўзи келмади.

Қаҳбо фалак қилди мани ғамхона,
Ўзи келмай гули келди ғойибона,
Манинг учун етим бўлмиш боғбона,
Ёрнинг гули келди, ўзи келмади.

Манинг ёрим Ҳасан вазир ўғлидир,
Муҳаббатда бир қарора боғлидир,
Отамнинг илкидин бағри доғлидир,
Ёрнинг гули келди, ўзи келмади.

Ошиқ бирла маъшуқ иши бир керак,
Ваъдаси, вафоси қавли бир керак,
Чунки жаннат ичра ҳусни ҳур керак,
Ёрнинг гули келди, ўзи келмади.

Шоҳсанам қиз дерлар мани отима,
Бир оҳ урсам олам ёнар ўтима,
Яратган Зулжалол етгил додима,
Ёрнинг гули келди, ўзи келмади.

Алқисса, андин сўнг Ақча айдиким: «Эй Шоҳсанам, андоғ бўлса, боғ сайриға борсанг, ёрингни боғда кўрарсан», -деди. Бу сўз Шоҳсанамға маъқул бўлуб, дарҳол боғбонға киши йибардиким, боғни ораста қилсун, ман боғ сайриға борурман, -деди. Боғбон бобо бул сўзни эшитиб, Шоҳсанам боғ сайриға келур эркан, деб боғни ораста қилиб, атрофни қатағон қилди. Ғариб билдиким, Шоҳсанам боғ сайрига келур. Ғариб ўзини гул буталарининг орасига пинҳон қилди. Шоҳсанам боғга келганида ўзининг ҳасби ҳолини баён қилуб бир ғазал айтғони бу турур:

Боғ эгаси боғин этмиш қатоғон,
Шоҳсанам қиз боғ сайрина келади.
Булбуллар қўнинглар толдан бутоға,
Шоҳсанам қиз боғ сайрина келади.

Наргиз кўзинг юмиб қиё боқмағил,
Сарви шамшод каби кўкка чиқмағил,
Лола ҳижрон ила бағрим ёқмағил,
Мани ёрим боғ сайрина келади.

Бу бинафша бўйинг эгиб йиғлама,
Тўти каби ўзинг сўза чоғлама,
Бу сумбул сочингга қора боғлама,
Мани ёрим боғ сайрина келади.

Сарвидай бош эгиб турма хизмата,
Тут булут, офтобни қолма туҳмата,
Эмди ғамгин бўлиб турма кулбада,
Шоҳсанам қиз боғ сайрина келади.

Ғариб ошиқ бугун боғбонлик қилиб,
Айролиғнинг тиғи бағримни тилиб,
Ошиғининг етим бўлғонин билиб,
Мани ёрим боғ сайрина келади.

Алқисса, Ғариб бул ғазални ўқуғондин сўнг гул буталарининг орасинда пинҳон бўлуб ётди. Аммо сипоҳ бирлан Шоҳсанамжон тамоми қизу қирқинлари бирла боғ сайриға келди. Қизларни ҳар ёнға сайри гул қилмоқға йибарди. Ўзи ҳам сайри сафоға машғул бўлди. Ногоҳ бир қиз Ғариб пинҳон бўлуб ётғон гулбутани бошиға келди. Кўзи Ғарибға тушуб қиз қочти. Аммо чорбоғнинг ўртасида бир ҳовуз бор эрди. Ғариб гулбутадин чиқиб ўзини сувға урди. Шоҳсанамнинг кўзи Ғарибға тушти. Ғарибни таниб, Шоҳсанам сувға қараб югурди. Ғариб сувдин чиқиб, либосларини кийиб, андиша қилиб, бу қизлар орасида манинг бирла Шоҳсанамнинг сиримиз фош бўлғани хўб эрмас, деб қочди. Шоҳсанамжон ҳарчанд қувлади, етолмади. Ғариб чакалакзорлар айланиб, Шоҳсанамжоннинг ўлтурар жойининг яқинроқиға келиб, бир дарахтнинг устиға чиқиб, ёримнинг ҳақиқатини билай, деб пойлаб ўлтурди. Аммо Шоҳсанамжон Ғарибни қочуруб келиб, жойиға ўлтуруб эдиким, ҳайдариғ, шунқоримни топиб эрдим, яна қочурдим, деб ўз ҳолиға йиғлаб, бир сўз айтғонинг баёни бул турур:

Учирдим шунқор қушимни,
Ҳеч бир ерда турорим йўқ.
Ҳасрат бирлан бу сайёдни,
Тутмагунча қарорим йўқ.

Учди бугун давлат қуши,
Ахтарурман ёзу қиши,
Даракин билмас ҳеч киши,
Бу манзилда турорим йўқ.

Ман истарам ёрим келса,
Келиб манинг кўнглим олса,
Шум рақиблар хабар топса,
Иккимизни қўёри йўқ.

Бизга барча олам ёғий,
Кимга айтай кўнглим доғи,
Хазонлар урсин бу боғи,
Бу суҳбатнинг барори йўқ.

Кўрсат муҳабатнинг йўлин,
Бир тутмасам ёрим қўлин,
Кезарман Карбало чўлин,

Бу кўнглимнинг тинори йўқ.

Шоҳсанам дер:Ақча, келгил,
Юракдаги дардим кўргил,
Агар тутсам ёрим қўлин,
Бу кўнглимнинг армони йўқ.

Шоҳсанам Ғарибни тополмай яна ҳовузнинг ёнина борди. Ақча Шоҳсанамни кўриб, «Санга на бўлди?»-деди. Шоҳсанам айди:»Эй, Ақча Ғарибимни топиб эрдим, яна қочурдим», -деб Ақчаға қараб бир ғазал ўқиди:

Ақча келин ғамсиз бошим,
Ғамхона бўлди, найлайин?
Бир сўз бирлан ошна ёрим,
Бегона бўлди, найлайин?

Ман келдим ёрни сўроғлаб,
Юрагимни ўта доғлаб,
Ёр қочди мандин йироғлаб,
Гумона бўлди, найлайин?

Талха бўлди оғзим боли,
Эсди айролиқ шамоли,
Билмам недур ёр хаёли,
Пинҳона бўлди, найлайин?

Энди турмам бирор соат,
Кўнглимда қолмади тоқат,
Меҳнатли солган иморат,
Вайрона бўлди, найлайин?

Шоҳсанам дер: бағрим пора,
Ҳар ким ўз бахтидан кўра,
Ёрни кўнгли ўзга ёра,
Гумона бўлди, найлайин?

Алқисса, Шоҳсанам бу сўзни айтғонидин сўнг зор йиғлади. Ақча айдиким: Эй Шоҳсанам, мунча бесабр бўлмағил. Сабр қилғилким, сабрли қулларни худо дўстум, дегандур». Шоҳсанам айди: «Эй, Ақча опа, нечук сабр қилайким асло кўнглумни тўхтатиб билмайман, деб яна йиғлай берди. Ғариб бир дарахт устида ёр муҳаббатини синамоқға ўлтуруб эрди. Бул муҳаббатнинг ҳақиқатини Шоҳсанамжондин кўруб, муҳаббати зиёда бўлуб, бетоқат бўлуб, дарахт устида ёрининг васфинда бир сўз айтғони:

Садағанг бўлайин қаламқош ёрим,

Омонда бўлакўр то мен келгунча.
Қадди туби, лаби шакар нигорим,
Боқарам йўлингга токи ўлгунча.

Ғамзанг ўқи тегиб тўкди қонимни,
Шум рақиблар туйса бузар шанимни,
Оллодан розиман олса жонимни,
Сендин ғайри дилбар билан бўлғунча.

Ақча келин бирла неча канизак,
Қирқ каниз олдингда гуллардин безак,
Қайт йўлингдин, жоним илтижо этсак,
Ўлсам яхши сандин айро қолгунча.

Кўзларим қонинча кўрай юзингни,
Ё башарсан, малак дерлар ўзингни,
Мажнун каби чўлга олиб ўзимни,
Ёнсам керак танда жоним қолгунча.

Ғариб ошиқ йиғлар сарв устинда,
Шум рақиблар айролиғни қасдинда,
Шоҳсанамжон кетар рўймол дастинда,
Ҳеч тинманам кўз ёшим соф бўлгунча.

Андин сўнг Шоҳсанам Ақча бирлан боққа кириб, Ғарибни ахтариб юриб эрди, Ғариб Шоҳсанамни кўриб, анинг ҳақида бир ғазал ўқиди:

Кўрдим икки пари келур,
Ажаб соллона-соллона.
Ошиғининг кўнглин олиб,
Келур соллона-соллона.

Ўн тўрт кечалик ой каби,
Ўзи давлатли бой каби,
Юришлари ҳумой каби,
Келур соллона-соллона.

Икки пари ҳамдам бўлиб,
Бир-биридин нусха олиб,
Қиё боқиб, қўлин солиб,
Келур соллона-соллона.

Бири гулдир бири ғунча,
Ҳеч бири йўқдир Санамча,

Томошаға чиқинг барча,
Келур соллона-соллона.

Ғариб дерлар қул отингни,
Худо берсин муродингни,
Қўзғама ишқнинг ўтини,
Келур соллона-соллона.

Андин сўнг Ғариб Шоҳсанамни мани излаб ҳалак бўлмасин деб, яна бир ғазал ўқиди:

Юз туманли тоғлар ошиб,
Оҳу кўзли марал келди.
Ишқнинг дарёсига тушиб,
Санам отли марал келди.

Учради улар боғимда,
Боли шакар дудоғинда,
Кун туғи ўрта чоғинда,
Оҳу кўзли суман келди.

Овчилар қасди гул ови,
Ёнидадир чақмоқ қови,
Тиру каманд алар дови,
Кўнгулга Ахриман келди.

Санам бирла Ақча келин,
Сайр этарлар боғнинг ичин,
Тутиб қучсам инжа белин,
Санам отли марал келди.

Талонди умрим талонди.
Чўғ тушди боғим сўлонди,
Боғчанинг, уч-тўрт еринда,
Оҳу кўзли нигор келди.

Холлари бордир лабинда,
Сени кўрган қолур дарда,
Дол дўлониб турган ерда,
Оҳу гўзли марал келди.

Устина кийибдур ола,
Бири катон, бири лола,
Иликларин сола-сола,

Санам отли марал келди.

Ғариб ошиқ дер:Санамжон,
Умримиза солма талон,
Сарв ёғоча дўлон-дўлон,
Санам овчи марал келди.

Алҳол Шоҳсанам излай-излай Ғарибнинг олдиға келди. Ғариб сарв ёғочнинг устида туриб бу ғазални айди:

Боғинг ичра боғбон бўлиб,
Терсам тоза гулларингдин.
Эгам яхши хўб яратмиш,
Қучсам нозик белларингдин.

Мани кўрсанг ушбу ҳолда,
Ўзим ошиқ, кўзим йўлда,
Ол ёноқға тутма парда,
Тар хиноли қўлларингдан.

Юзларинг мисли лоладир,
Боқишинг жоним оладир,
Оғзинг олтин пиёладир,
Қуйиб ичсам болларингдан.

Чошгоҳ чиқиб зулфинг тара,
Оқ юзингга рўмол ўра,
Рақиб юзи бўлди қора,
Билиб юрсанг йўлларингдан.
Ғариб ошиқ ўзим фақир,
Ёзу қишин бўлдим ҳақир,
Илким ёзиб тилим ўқир,
Даҳан ичра болларингдин.

Андин, сўнг Ғариб дарахтдин тушиб, Шоҳсанам бирла қучоқлашиб, бир-бирин бўйинлариға қўл солиб, бир-бирининг лабларидин бўса олиб, анда Шоҳсанам бу ғазални ўқиди:

Арзимни эшитгил суюкли ёрим,
Армонсиз суракўр даврон сенингдур.
Йўлингда барбоддир ҳам бори йўғим,
Армонсиз сўракўр даврон сенингдур.

Боға кириб узгин тоза гулимдин,
Чирмашиб ётакўр инжа белимдин,

Қона-қона сўргин ширин тилимдин,
Армонсиз суракўр даврон сенингдур.

Оқ билагинг солғил энди бўйнимға,
Товланиб-товланиб киргил қўйнимға,
Фалак хабар этсин қилғон ўйнимға,
Армонсиз суракўр даврон сенингдур.

Коми дилинг ҳосил этгил ўзимдин,
Бўса олғил қизил гулдек юзимдин,
Руҳим тоза бўлар ҳар бир сўзингдин,
Армонсиз суракўр даврон сенингдур.

Бир пинҳоний ҳеч қолмасин орада,
Шум рақиблар юзи қолсин қорада,
Шоҳсанам дер: етгил мақсад- мурода,
Армонсиз суракўр даврон сенингдур.

Бу сўзни Шоҳсанамдин эшитиб, Ғариб ҳам бир ғазал ўқиди:

Сени мени қўймас боғнинг ичинда,
Сайрон этсам сизинг бирлан севдигим.
Шукр энди гулинг етмиш камола,
Боғбон бўлсам тоза гула севдигим.

Қурбон ўлам қошларингга, кўзингга,
Дол бўйингга, қоматингга, юзингга,
Садқа бўлсин ширин жонлар сўзингга,
Қондир лабингдаги бола севдигим.

Нокас бирла завқи сафо айлама,
Рақибларға аҳду вафо айлама,
Жавринг недур бизга жафо айлама,
Суд ишларинг этар зиён севдигим.

Қошинг меҳробина бошим қўймишам,
Мастона чашмингга қурбон ўлмишам,
Қақнус каби ишқ ўтина ёнмишам,
Кел эмди ром айла қула севдигим.

Шум рақиблар қўймас сафо сурмака,
Боғларингдин тоза гуллар термака,
Лабларингдин шаккар болинг сўрмака,

Мунтазирман обдан ила севдигим.

Ошиқ бўлганларнинг ёнар юраги,
Оч қўйнингни, сол бўйнима билаги,
Мустажобдир қиз-ўғлоннинг тилаги,
Тилагингни ҳақдан тила севдигим.

Ошиқ эрмас ёр жабридин ор этган,
Ҳақ ўзидир йўқдин бизни бор этган,
Ғариб дерлар боғ ичинда зор этган,
Дол дўлонсанг инжа бела севдигим.

Андин, сўнг Ақча буларнинг суҳбатини кўриб, ўз ёрини соғиниб бир ғазал айди:

Қаҳбо фалакнинг алиндин,
Юрагимда доғлар қолди.
Булбул айрилди гулидин,
Бинафшали боғлар қолди.

Осон этсин ҳақ мушкулим,
Йироқа тушди манзилим,
Учирди шайдо булбулим,
Қаро ерли зоғлар қолди.

Ҳалабда қолди ватаним,
Гумондир эмди кетаним,
Ёр ила суҳбат этаним,
Қадимдаги чоғлар қолди.

Ман айролиғни дардинда,
Сарғайдим ёрнинг йўлинда,
Қардошлар Ақча юртинда,
Муҳаббатли боғлар қолди.

Гулниҳол дер:ёнди жоним,
Фалак босди устихоним,
Азбархўжа меҳрибоним,
Юрагимда доғлар қолди.

Андин, сўнг Шоҳсанам Ақчаға жавоб бериб, Ғарибға қараб бу ғазални ўқиди:

Кел Ғарибим, гашт этали бу боға,
Гуллар қурсин булбул томошасини.
Қўй лабинг лабима, дудоғ-дудоға,
Тиллар кўрсин болнинг томошасини.

Худойим яратди жаннати ризвон,
Бу дунёда неъмат дерди фаровон,
Ёр учун неча йил мен чекдим афғон,
Лайли кўрсин Мажнун томошасини.

Ишқ ила ҳар кимни айлади барбод,
Учраганлар қилди манга минг фарёд,
Бесутун тоғини минг қазди Фарҳод,
Ширин кўрсин Фарҳод томошасини.

Худойим ҳар кима солди минг савдо,
Жаҳон бозорида минг турли ғавғо,
Ўн икки йил оқди дарёда Узро,
Узро кўрсин Вомиқ томошасини.

Икки ошиқ келди бирга жам бўлиб,
Сийналари доғли, кўзи нам бўлиб,
Сен Ғариб ошиқсан, мен Санам бўлиб,
Ақча кўрсин бизлар томошасини.

Аммо Шоҳсанам бу сўзни айтғондин сўнг Ақча айди: «Эй, Шоҳсанам, бу чорбоғни отангдин тилаб олиб ўзунга хос маишатхона қилмасанг рақиблар бу асрордин воқиф бўлуб, расво бўлурсан. На учунким, одамзоднинг дўстидин душмани кўпроқдур», -деди. Шоҳсанам Ақчадин бу сўзни эшитиб, кўнгли ваҳм қилиб, айдиким: «Эй, Ақча опа, сан манинг меҳрибон сирдошимсан. Бу маслаҳатни сан билурсан», -деди. Ақча айдиким: «Эй, Шоҳсанам андоғ бўлса, Ғарибни элтиб Ясмуқ момоға топшурғил. Эрта бориб, отангдин боғни тилаб олиб келгандин сўнг яна Ғарибни олиб келиб, суҳбат қилурсан», -деди. Шоҳсанам қабул қилди. Алқисса, Ақча бирла Шоҳсанам Ғарибни элтиб, Ясмуқға топшурдилар. Шоҳсанам айди: «Эй момо, Ғарибни сизға топшурдим, сизни худоға. То ман бориб келгунча ёримни яхши сақлайсиз, отамдин боғин тилаб келгунча», деди. Анда Ғарибни момоға топшириб бир ғазал ўқиди:

Ман бугун кетарман отам ёнина,
Васиятим Ғарибжонни инжитма.
Икки ошиқ қўшилмоғи шаънина,
Васиятим Ғарибжонни инжитма.

Ман санга топширдим эрта келгунча,
Бориб Шоҳ Аббосдин боғим олгунча,
Ҳеч кимга билдирма ўзим келгунча,
Васиятим Ғарибжонни инжитма.

Кўр не жафо чекти Ғарибдин Санам,
Ошиқлар ишқиға ҳайронман мен ҳам,
Ясмиқ момо сен ҳам менинг бир онам,
Васиятим Ғарибжонни инжитма.

Алқисса, бу сўзни Ясмуқ момоға айтғондин сўнг Шоҳсанам бирла Ақча қайтиб келдилар. То кечгача сабр қилдилар. Кеча бўлуб эрдиким, Шоҳсанамнинг кўнглида Ғарибнинг оташи ишқи шуъла уруб, эртагача чидай олмай, Ақчаға қараб айдиким: «Эй, Ақча опа, на билурким то эртагача бориб яна Ғарибни Ясмуқ момодин бориб тилаб олиб келсанг на бўлур», -деди. Ақча айдиким: «Эй, Шоҳсанам, офтобни этак бирлан ёпиб бўлмас. Канизларинга изҳор қилғил». Шоҳсанам бечора канизлардин уялиб, мабодо эртаси отамға айтмасун, деб канизларға андак ҳолини изҳор қилиб, бир сўз айтғонининг баёни бу турур:

То дунёдин кўз юммайин,
Қайғудин жудо бўлурми?
Гўзал ёрнинг фироқинда,
Ўлмаклик раво бўлурми?

Кўргум маломат гардини,
Сўз эшитиб номардини,
Эй ёронлар, ишқ дардини,
Бунга интиҳо бўлурми?

Ман истарам ёрим келса,
Бизинг бирла улфат бўлса,
Бир кун муни отам билса,
Канизлар гувоҳ бўлурми?

Фироқ ўтиға куйганни,
Сийнасига бош қўйганни,
Ҳар кимга сирин айтганни,
Сўзинда ибо бўлурми?

Ёр йўлинда бошин қўймоқ,
Роҳат бериб, меҳнат олмоқ,
Шоҳсанам дер, ошиқ бўлмоқ,
Мундин ҳам зиё бўлурми.

Алқисса, Шоҳсанам бечора бу сўз бирлан канизларға арзи аҳвол қилиб эрдиким, канизлар ҳам ризо бўлуб айдилар: «Эй, Шоҳсанам, андоғ бўлса, олиб келинг. Бизлар ҳам бир кўралук», -дедилар. Алқисса, Ақча ту-

руб, Шоҳсанамнинг амри бирла Ясмуқ момонинг олдиға бориб, момодин тилаб, Ақча Ғарибға қараб, бир сўз айтғонинг баёни бул турур:

Эшит, ман Санам элчиси,
Юргин манинг бирла бугун.
Очилмас боғнинг ғунчаси,
Боғбон бўлғил гулга бугун.

Рақиб юзи бўлди қора,
Ки истасанг васли ёра,
Эшитгил оҳим ду бора,
Туша кўргин йўла бугун.

Ўлмасин дўстлар ўлмасин,
Рақиб ҳеч ерда бўлмасин,
Буни ҳеч киши кўрмасин,
Боқмағил ўнг-сўла букун.

Тангри эшитсин додингни,
Ҳақ етирсин муродингни,
Ёр билсун эътиқодингни,
Ета кўр манзила букун.

Ёқма энди юрагимни,
Сол бўйнимга билагингни,
Гулниҳол дер: тилагингни,
Бир оллодан тила бу кун.

Ақча Ғарибни олиб борди. Ғариб канизлардин уёлиб, сўзламасдин ўлтирди. Шоҳсанам Ғарибнинг кўнгли учун бир сўз деди:

Хуш келибсан, Ғариб, сафо келибсан.
Қутли бўлсин манзил-макон Ғарибим.
Суҳбат эт рақиблар билмасдин бурун,
Ғаниматдур ҳамин замон Ғарибим.

Қўрқинчимиз бордир рақиблар туё,
Туйса сани қилдик жона тўтиё,
Манга адо бўлмас ҳижронлар қўя,
Бу замонлар нечук замон Ғарибим.

Санга пайвастадир жони жаҳоним,
Сансан тожи сарим, руҳи равоним,
Санга қурбон бўлсин бу ширин жоним,
Йўлингда фидодир бу жон Ғарибим.

Ваҳм этма Шоҳсанам ғайро бўлар деб,
Бошқа ёрни яна хушлаб олур деб,
Ман илгари ўлсам Санам қолур деб,
Келтирма кўнглинга ғубор Ғарибим.

Шоҳсанам дер, йўқим-борим санингдур,
Ёвуз куним, номус-орим санингдур,
Кўксимдаги қўш анорим санингдур,
Сийнам санга тахти равон Ғарибим.

Алқисса, бу сўздин сўнг Шоҳсанам айдиким: «Эй, Ақча опа бизнинг бул ишимизнинг охири нечук бўладур», -деди. Ақча айди: «Эй Шоҳсанам, қайғу емагил. Ман бориб, отангдин боғни санга тилаб олиб берайин», -деб Ақча Шоҳ Аббос хизматиға борди. Шоҳ Аббос қизини сўраб айдиким: «Қизим Шоҳсанам нечукдур», -деди. Ақча айди: «Шоҳи олам қизингиз мани сизга йибарди, айтадурким, чорбоғни отам манинг учун тузатиб бердилар. Ҳоло манинг чорбоғимга номаҳрамлар кириб турарлар. Отам меҳрибонлиқ қилиб, шул чорбоғни манга берсунларки, ҳеч вақтда мунинг ичинда бошқа одам кирмасун, деб, мани сизга йибарди. Яна сиз билурсиз», -деди. Подшоҳ ночор бўлуб, ўшал чорбоғни қизи Шоҳсанамға берди. Ақча Шоҳсанамнинг олдиға келиб, отасини сўзини айди. Андин сўнг Шоҳсанам хурсанд бўлуб, кеча-кундуз айш-ишратға машғул бўлди. Неча муддатдин сўнг кунлардин бир кун Ғариб чорбоғнинг ичида юрар эрдиким, Сувчи деган бир каниз Ғарибнинг юзидин оҳиста келиб, бир бўса олди. Ғарибнинг аччиғи келиб, ул канизни бир қамчин урди. Каниз айдиким: «Эй йигит, сан мани бегуноҳ урдунг. Ман бориб Шоҳ Аббосға айтурман», -деб қочиб кетди. Андин сўнг Ғариб ани урғониға кўб пушаймон бўлди, суд қилмади. Охири нечук қилурман, деб Шоҳсанамнинг олдиға борди. Шоҳсанам айдиким: «Сувчи каниз нега йўқ турур», -деди. Ғариб айди, ани ман бир қамчин урдум. Анинг қаҳри келиб, отангнинг олдиға арз қилмоқға кетди», -деди. Шоҳсанам бу сўзни эшитиб, ҳуши бошидин учуб, айдиким: андоғ бўлса, улуғ иш бўлибтур», -деди. «Эй, Ғарибжон, мундоғ ишни қилмасанг керак эрди», -деб бир сўз айди:

Ғариб санинг боисингдин,
Душман бўлди жаҳон манга.
Сенинг қилғон ишларингдин,
Охир бўлди замон манга.

Мани пичоқсиз ўлдирдинг,
Гоҳ йиғлатиб, гоҳ кулдирдинг,
Гул эдим хазон урдирдинг,
Ишқ боғидур хазон манга.

Ётар ерим бўлди ёна,
Сирим айтур дона-дона,
Рақибға бўлди баҳона,
Айлагайлар зиён манга.

Айтган сўзимда йўқ ғалат,
Ошкора бўлди маломат,
Ғариб энди на маслаҳат,
Бўлди охир замон манга.

Санам айтур:эй меҳрибон,
Қайғу бўлди бу ширин жон,
Рақиблар келиб шу замон,
Зиндон бўлди жаҳон манга.

Андин, сўнг бу сўзни эшитиб, Санамға тасалли бериб, Ғариб ҳам бир сўз деди:

Отам билди дебон қайғу емагил,
Биза бир ёзилғони бордир Санамжон.
Манга бўйла аччиқ сўзлар демагил,
Ошиқларға чилтан ёрдир Санамжон.

Отанг билса, бизни охир нетарлар,
Сани қўйиб мани олиб кетарлар,
Аччиқланса мани шаҳид этарлар,
Бир бошга бир ўлим бордир Санамжон.

Булбул фиғон айлар айрилса гулдин,
Жоним чиқар санинг учун бу тандин,
Юз пора қилсалар дўнмасман сандин,
Ошиқлара дўнмак ордур Санамжон.

Кўнглим боғланмишдур кўксинг норина,
Буйним боғланмишдур зулфинг торина,
Энди ман бош урсам отанг дорина,
Ошиқларнинг иши зордур Санамжон.

Ғариб айтур: фалак биза боқмаса,
Ўликларнинг хотирасин қилмаса,
Отанг сани охир бизга бермаса,
Ўлдирса ўлдирсин, зўрдир Санамжон.

Анда каниз бориб Шоҳ Аббосға айдиким: «Эй, шоҳи олам қизингиз бир бегона йигит бирла кўшк устида суҳбат қилиб турур», -деди. Анда

подшо дарғазаб бўлиб, Шоҳсанам бирла Ғарибни олиб келинглар, деб ясовулларини юборди. Шоҳсанам Ақчаға айди: «Сувчи бориб, отамға айтгандур, нечук маслаҳат берурсиз», -деди. Ақча айди:Ясмиқ момоға борайлик. Момонинг олдиға бориб айдилар: бизнинг толеъимиз не бўлур? Отам бу ишимиздин хабардор бўлибдур, -деди. Анда момо қуръа солиб кўрайин, деди. Момо қуръа солиб айди: ҳамин замон ясовуллар келур, деди. Ғарибни сагндиқға солиб қўйдилар. Ясовуллар келди, келиб Ғарибни топмай кеттилар. Бориб подшоҳға айдилар: топмадук, дедилар. Анда подшо мунажжимларни йиғдирди. Мунажжимлар китоб қараб айдилар: Ғарибни сандуқға солғон эрканлар, яна сандиқдин чиқариб суҳбат қилиб турурлар, дедилар. Подшоҳ дарқаҳр бўлиб ясовулларға буюрди. Яна момо қуръа солиб айди: бу навбат отанг кўп ясовулларни буюрди, деди. Боғда бир ҳовуз бор, ҳовузнинг остида бир ҳужра бор , деди. Ҳовузни сувини қурутиб, Ғарибни бу ҳужрага солиб қўйдилар. Ясовуллар келиб кетдилар, бориб подшоға айдилар: Эй тақсир, яна топмадук. Анда подшо дарқаҳр бўлиб мунажжимларни ўлдирди. Улар душмандин қутулдилар. Андин сўнг подшо дарқаҳр бўлиб, Сувчи канизни ҳам ўлдирди. Андин сўнг Шоҳсанам Ақчаға айди: мен беқарор бўлдим, Ғарибни келтурсанг не бўлғай, деб бир ғазал ўқиди:

Ақча бугун танда жоним,
Чиқмас бурун жонни келтир.
Миср элидин Юсуф каби,
Ул банди зиндонни келтир.

Бизнинг бирла ваъда қилғон,
Роҳат бериб роҳат олғон,
Жафо тиғин ёра солғон,
Қора бағри қонни келтир.

Хаста ҳолини сўрайин,
Бир неча бўса берайин,
Тўйганча юзин кўрайин,
Дардима дармонни келтир.

Ўлтирмас ёрнинг фироғи,
Қаҳбо фалак қўйди доғи,
Бир оғиз сўзи сўроғи,
Шул доғи ҳижронни келтир.

Шоҳсанам дер: қора бахтим,
Ёндиму кул бўлди аҳдим,
Яқин бўлди ўлар вақтим,

Дардима дармонни келтир.

Алқисса, андин сўнг Ақча бориб Ғарибни келтурди. Шоҳсанам Ғарибға айди: «Эй, Ғариб, ғурбат зиндониға ётдинг, нечукдирсан», -деб қучоқлаб олиб кўзин ёшин селоб, ёрнинг кўнглини овлаб, Шоҳсанамжоннинг бир нимарса айтғони:

Ошиқ бўлиб ёр жабрини чекмаган,
Анинг ошиғлиги эътибор ўлмас.
Ёр йўлинда кўзин ёшин тўкмаган,
Онинг сири элга ошкор ўлмас.

Куйиб-ёниб кўп хуноба юттирма,
Ақлингни чошуриб, фаҳминг йитирма,
Гул кўнглингга дўстим қайғу кетирма,
Замона ҳамиша буйла дор ўлмас.

Жудо бўлдим деюб бўлма ҳасратда,
Иншоолло соғман, бўлма кулфатда,
Кўтаргил бошингни бўлғил суҳбатда,
Ошиқ гулнинг теграсида хор ўлмас.

Парвонадек ўзинг ўтга солмаса,
Мансур каби аналҳақ деб ўлмаса,
Исмоилдек ўзинг қурбон қилмаса,
Анинг ошиғлиги эътибор ўлмас.

Шоҳсанам дер: ҳама қайғу ҳижрони,
Ишқ дардини ҳаргиз бўлмас дармони,
Бир кун тангри солур ажал фармони,
Бу дунё кишига вафодор ўлмас.

Андин сўнг Шоҳ Аббос айди: Менинг қизима кўп маломат бўлди, деди. Абдулла деган бир йигитни қирқ киши бирла буюрди. Бориб Шоҳсанам-нинг кўшки атрофида юринглар, деди. Абдулла йигитлари бирла кўшкнинг атрофида бўлиб эрдилар. Кунлардин бир кун йигитларнинг бириси Шоҳса-нам бирла Ғарибнинг суҳбат қурғанларини кўриб, Абдуллага бориб айди. Абдулланинг ўзи келиб Шоҳсанамга айди:отанг кўп кишиларни хуни ноҳақ қилиб ўлдирди. Бу ёлғон ривоят эркан дема. Анда Шоҳсанам қўрққанидин Абдуллага қирқ қалқон зар бериб бу ғазални ўқиди:

Манга тушган бу ишқ барчага тушар,
Тегмагил ёрима оллоҳ ишқина.
Қистасанг ёримнинг гул ақли қочар,
Тегмагил, ёрима оллоҳ ишқина.

Отам юбормишдир сани фармона,
На ишинг бор яхши бирла ёмона,
Қулоқ сол, Абдулла сирри пинҳона,
Тегмагил, ёрима оллоҳ ишқина.

Муштипарман зорим манинг тилимда,
Ҳар на қилсанг ихтиёринг қўлингда,
Гирифтор этмагил душман йўлинда,
Тегмагил, ёрима оллоҳ ишқина.

Бизин олиб борсанг отам ёниға,
Отам қолур ошиқларнинг қониға,
Сан қолурсан маломатнинг кониға,
Тегмагил, ёрима оллоҳ ишқина.

Шоҳсанам дер:берай дунё зарини,
Тўкай хазинада ҳарна борини,
Сан пинҳон айлагил ошиқ сиррини,
Тегмагил, ёрима олло ишқина.

Андин сўнг булар Шоҳсанам бирла Ғарибга раҳм қилиб айди: Сизлар мурадингизга етинглар, деб тегмади. Абдуллага Шоҳсанам қирқ қалқон зар бериб юборди. алар хушвақт бўлиб: бизлар бориб Шоҳ Аббосға: ундай йигит кўрганимиз йўқ, деб айтурмиз, дедилар. Абдулла навкарлари бирла қайтиб келдилар. Андин сўнг Шоҳсанам Ғарибға айди: сен энди бул ерни тарк айлаб, Шемох шаҳриға бормасанг бўлмас, деб бир сўз айди:

Ғарибжон егил ғамингни,
Душман кор этмасдин бурун.
Эрта бирлан отам тутиб,
Фармона этмасдин бурун.

Билса маҳосиллар келур,
Чор тарафдин қуршаб олур,
Сани ёвуз кунга солур,
Қочакўр тутмасдин бурун.

Бир ўзга ерда тут ватан,
Осон эрмас мунда ётон,
Сани, мани бирга тутан,
Кет ошкор этмасдин бурун.

Қутула кўр мундин қочиб,
Кўзинг юмиб мандин кечиб,

Бир аждар оғзини очиб,
Ваҳм айлаб ютмасдин бурун.

Шоҳсанам дер: ҳижрон эли,
Чор тарафдин истар вале,
Фикрини эт, хазон ели,
Талашиб келмасдин бурун.

Анда Ғариб Шоҳсанамға:- «кетмасман»-деб бир сўз айди:

Ман мундин ҳеч кетсам бўлмас,
Отанг тутиб олмағунча.
Халил каби жондин кечиб,
Ҳажр ўтина солмағунча.

Бош қўйиб отанг дорина,
Жон боғлай зулфинг торина.
Қўзидай қурбон ерина,
Отанг тутиб чолмағунча.

Жон боринда ширин танда,
Ман бўларман санга банда,
Жанозамни эшигингда,
Кетарим йўқ қилмағунча.

Сан қарздорсан гулгун кесиб,
Хол ўрнина холлар қўйиб.
Қақнус каби ёр-ёр деюб,
Паймонамиз тўлмағунча.

Ғариб деюр: ахир мақсад,
Ажалга бўлмасдур ҳасрат,
Ҳали бу фурсат ғанимат,
Кетарим йўқ ўлмағунча.

Андин сўнг Шоҳсанамнинг Ғарибга бир сўз дегани бу турур:

Эмди суҳбат вақти ўтди,
Кетгил Ғариб, турма мунда.
Айрилиғнинг вақти ўтди,
Кетгил Ғариб, турма мунда.

Нелар кўрдим санинг васлинг,
Баробар йўқ санинг аслинг,
Бир гул эрди ўтди фаслинг,
Кетгил Ғариб, турма мунда.

Сен бир гулнинг хирмонисен,
На дардимни дармонисен,
Ўзи келган армонимсен,
Кетгил Ғариб, турма мунда.

Сен борингда кулолмасман,
На дарддурсен тузолмасман,
Сенинг учун ўлолмасман,
Кетгин Ғариб, турма мунда.

Баҳра олмам бу ватандин,
Ширин жоним чиқар тангдин,
Шоҳсанам дер кечдим сандин,
Кетгил Ғариб, турма мунда.

Андин сўнг Ғарибнинг қаҳри келиб «кетмасман» деб бир сўз айтғонинг баёни бу турур:

Қаттиқ сўз айлади кўнгил карвони,
Кўчанда англадим балки келмонам.
Сандин ўзга ерда даври давроним,
Давронда англайим балки келмонам.

Ғарибларнинг бўлмас боғи ватани,
Ишимиздур ғарибликда кетони,
Қизил гулнинг танасида тикони,
Теранда англайим билки келмонам.

Бу на эрди оғу қўшдинг ошима,
Раҳминг келмас кўздин оққан ёшима,
Ажал ёстиғини қўйиб бошима,
Ётанда англайим билки келмонам.

Билмайин ўзимни солдим бу дарда,
Ҳамроҳ бўлдим Санам каби номарда,
Ёр-ёр деюб кўзим дўнди ҳар ерда,
Кезонда англайим билки келмоним.

Хуросон юртинда Ақча бозилар,
Анда мулла бўлса, мунда қозилар,
Азалда ёзилғон бизга ёзилар,
Ёзанда англайим билки келмонам.

Яккаликда ёвуз келса бу боша,
Сирни айтиб бўлмас қавму қардоша,

Қиличдай кесарам сирли бу иша,
Сир анда англайим билки келмонам.

Бир демишлар ошиқларнинг йўлини,
Сен синдурдинг муҳаббатнинг гулини,
Сендин ўзга кишиларнинг қўлини,
Тутанда англайим билки келмонам.

Эмди васфинг айтиб юргум қайларда,
Манзилим сўрасанг узоқ йўлларда,
Мажнун каби етти йиллар чўлларда,
Юранда англайим билки келмонам.

Ғариб айтур: эмди буздинг шаънимни,
Ўтга ёқинг гавҳаримни, қонимни,
Эгасига бериб ширин жонимни,
Ўланда англайим билки келмонам.

Андин, сўнг Ғариб неча кунлар йўл юриб Шемох борди. Анга Шемох шаҳрининг подшоҳи йўлиқиб, Ғарибнинг ҳолини сўрди. Ғариб аҳволини баён қилиб бир сўз деди:

Эй султоним Диёрбакир юртидин,
Ҳажр ўтиға ёна-ёна келурман.
Санам бирла айрилғаннинг дардидин,
Парвонадек куя-куя келурман.

Ман найлайин ошно ёрим ёт ўлди,
Бир сўз ила ёнди бағрим гард ўлди,
Кеча-кундуз ишим оҳу дард ўлди,
Қулоқ солғил бу фиғона келурман.

Суқсурим қолмади учди гулзордин,
Булбул сайрамайди айрилса гулдин,
Булбулим оғламас бўлди гулзордин,
Мажнун каби саргардона келурман.

Шоҳсанамжон бугун бахтин қувлади,
Анинг кўнглин магар биров овлади,
Қаҳр этиб мани андин қувлади,
Номин айтиб ёна-ёна келурман.

Ғариб дерлар шоҳим манинг отима,
Қулоқ солиб эшит манинг додима,
Санам бирла айрилиқнинг ўтина,

Парвонадек ёна-ёна келурман.

Андин сўнг Ғарибнинг кетганига қирқ кун бўлди. Шоҳсанам Ақчаға бир сўз деди:

Садағанг бўлайин Гулниҳол опам,
Ширвона, Шемоха борсанг на бўлди?
Сандин ўзга йўқдир манинг сирдошим,
Бир Ғарибдан хабар олсанг на бўлди?

Қирқ кун бўлди кетти Ширвон, Шемоха,
Мани қўйди адо бўлмас бу доға.
Қора зоғлар қўнмасинлар чорбоға,
Боғбонига хабар берсанг на бўлди?

Сендин ўзга ҳамдамим йўқ, кишим йўқ,
Улфатим, маҳрамим, тенгу тушим йўқ,
Ёр васфидин ғайри ёзу қишим йўқ,
Манга бир маслаҳат берсанг на бўлди?

Токай ўлтирайин мунда сарғариб,
Сен топмасанг бўлмас юруб ахтариб,
Менинг учун юриб юз йўл ёлбориб,
Оёғина бошинг қўйсанг на бўлди?

Шоҳсанам дер: ўлар вақтим етишди,
Бу кун ёр хаёли ёдима тушди,
Ёр паришон ўлиб, кўзимдин учти,
Келтуриб Ғарибим берсанг на бўлди?

Андин сўнг Шоҳсанамнинг аҳволини эшитиб, Ақча садоқатли бўлиб, маҳрам либосини кийиб Ширвон, Шемоха кетти. Неча кунлар юриб Ширвон, Шемоха етти. Бир хўжа сифатли бўлиб бир ёниға қаламдон, жузгир олиб дуойи тумор бермиш бўлиб, юруб эрди. Ғариб подшоҳнинг хизматида бир марсия айтиб туриб эрди. Анда Ақча ўзини бир жойга пинҳон қилиб турди. Ногоҳ Ғарибнинг кўзи Ақчаға тушди. Таниб ёниға чақириб олди. Анда Ғариб Ақчадин Шоҳсанамни сўраб, бу ғазални ўқиди:

Сарингга дўнайин гул юзли ёрим,
Не сабабдин тушдинг узоқ йўллара?
Шоҳсанамни аҳволидин, ҳолидин,
Сўзла, қурбон ўлам ширин тиллара.

Ақча:

Сани учун Диёрбакир юртидин,
Белим боғлаб тушдим бўйла йўллара,
Санам кўп йиғлади санинг дардингдин,
Кўз ёшини қўшуб обу селлара.

Ғариб:
Қаён бориб, қаёнлардин келурсан?
Не хабар келтурдинг, нима билурсан?
Бу ерларда сан не излаб юрурсан?
Сўзла, қурбон ўлам ширин тиллара.
Ақча:
Узоқ йўлдин мунда сан деб келмишам,
Бир дардли дилбарнинг дилин олмишам,
Дилбарнинг дилидин паём олмишам,
Белим боғлаб тушдим узоқ йўллара.
Ғариб:
Рақиблар ҳамдамим фироқ айлади,
Сийнамнинг устидин равоқ айлади,
Ёрим менинг йўлим йироқ айлади,
Сўзла, қурбон ўлам ширин тиллара.
Ақча:
Бечора ожиздур, етолмас ўзи,
Бағри бир ён эмиш, намлидур кўзи,
Бол била шакардин ширидур сўзи,
Дийдасин қўшубдур обу селлара.
Ғариб:
Беклар эшитибдур рақибдин сўзи,
Ғариб ошиқ бирла Шоҳ Аббос қизи,
Иҳрож этиб биздин қувлади сизи,
Сўзла, қурбон ўлам ширин тиллара.
Ақча:
Бовар этманг, ҳар номарднинг сўзина,
Хабарни етказгум, жонон ўзина,
Зоғни қўндирмангиз гулнинг юзина,
Бориб боғбон бўлғил тоза гуллара.
Ғариб:
Хўжа, ҳаргиз билмам бўйла номарда,
Ул мани қўйгандур туганмас дарда,
Яна мани қўймас бўлса бу ерда,
Бош олиб кетарам узоқ эллара.
Ақча:
Манга мунча ожжи сўзларни дема,
Бир таъна юз била ғамларни ема,
Сан кетан сўнг боғларинг қолди анга,
Юргил, боғбон бўлғил тоза гуллара.
Ғариб:
Кўнгил қуши парвоз этиб учмасун,
Ошиқ бўлган бир иқрордин дўнмасун,

Санамни юзина юзим тушмасун,
Кетарам гашт этиб элдин-эллара.

Ақча:

Сани ким қувлади, жоним, жойингдин,
Санам беқарордур санинг ҳолингдин,
Кел Ғарибим, эмди қайт қалб ройингдин,
Бир мурувват айла, ғамли қуллара.

Ғариб:

Эмди бормоқ бўлмиш манзил, макона,
Ёрим каби ўтлар солдинг бу жона,
Қўймаса, турмоға мунда мастона,
Булбул бўлиб қўнам бошқа гуллара.

Ақча:

Шоҳсанам юборди келтур деб мени,
То олиб кетмайин қўйманам сани,
Ани унда қўйиб суйсанг ўзгани,
Сани тангри солур ёвуз ҳоллара.

Ғариб:

Ғариб ошиқ етур сани додингга,
Бу сўзларни дема кўнгил шодингга,
Мани борур дебон солма ёдингга,
Оғритма кўнглингни қийлу қоллара.

Ақча:

Хўжа айтур манинг бирла кетмасанг,
Бир ночорни муродина етмасанг,
Бу деган сўзимни қабул этмасанг,
Эмди ман кетмасман бўйла йўллара.

Бу сўздин сўнг Ақча сан бормасанг мен ҳам бормайман, деб бир сўз деди:

Қулоқ солғил, Ғариб мани арзима,
Санаминг юборди, келсун Ғарибим.
Қолмағайсан қиёматни ранжина,
Санаминг юборди, келсун Ғарибим.

Ғариб:

Ақча манга бўйла сўзлар демагил,
Ёрим деб куймаса нега борайин?
Мани борур дебон қайғу емагил,
Ёрим деб куймаса нега борайин?

Ақча:

Саломин юборди ул гўзал нигор,
Алифдек қомати сарви сановбар,
Оҳ мани оғзимдин чиққан тутунлар,
Шоҳсанам юборди, келсун Ғарибим.

Ғариб:

Шоҳсанамни мандин ўтандур дарди,
Эмди ман ёд этмам бўйла номарди,
Келсун деса нега қувлаб юборди,
Ул мани севмаса нега борайин?

Ақча:

Гулниҳол дер ажаб дарда қолибсен,
Санамни жонина ўтлар солибсен,
Билдим эмди сани номард бўлибсен,
Санам айтур эмди келсун Ғарибим.

Ғариб:

Налар кўрдим, тинглаб анинг сўзини,
Баробар этмади менга ўзини,
Ғариб айтур: кўрмас эрдим юзини,
Санинг юзинг учун борсам борайин.

Алқисса, андин сўнг Ғариб бу сўзни эшитиб кетар бўлди. Подшоҳ йўл озуқ қил деб бир қалқон зар берди. Ғариб зарни кўриб, манга зар керакмас, деб бир сўз деди:

Найлайин дунё молини,
Хон ила монум андадур.
Бир сўрсам лабин болини,
Оби зилолим андадур.

Минг бир алвон семруғ пари,
Ғазнасида тўла зари,
Белда мурассаъ камари,
Мўрча миёним андадур.

Сўрсам оби зилолини,
Берур умрим камолини,
Истамам дунё молини,
Ганжи ниҳоним андадур.

Ғамза бирла ўқин отон,
Ташналара шарбат сотон,
Ошиқнинг жонидин ўтан,
Қизиқ дўконим андадур.

Ғарибжон дер: бу матлабим,
Сўзлар тилим, икки лабим,
Пирим, тоатим, масҳабим,
Дини имоним андадур.

Алқисса, Ғариб Ақча бирла қўшулуб, бу диёрдин Диёрбакрға равона бўлдилар. Ногоҳ бир жойи хилватга бордилар. Ақчанинг кўнглига шайтон

мақул қилиб, Ғарибдин бир суҳбат талаб қилсам, нечук бўлур, деб бир сўз айтғони бу турур:

Ғазали Ақча:

Кўп жафолар чекиб келдик биз иков,
Завқи сафо сурғидайин ерлара.
Икки ошиқ бир-бирина қўшилиб,
Муродина етгудайин ерлара.

Ман келурам бир парига ўхшаниб,
Сўз демакка гул юзингдин бўшаниб,
Устимдаги чакмонимни дўшаниб,
Қучоқлашиб ётгудайин ерлара.

Мани кўнглим парвоз этиб бир гула,
Гул очилди фазан тушди булбула,
Ҳақ етурди турфа ажаб манзила,
Мурод ҳосил этгудайин ерлара.

Деди ишқим парвоз этиб қўзғолиб,
Номусин тарк этиб санга сўз солиб,
Эмди сумбул сарв каби чирмолиб,
Мақсудима етгудайин ерлара.

Гулниҳол дер бир-бирига ўғрашиб,
Аҳду паймон, иқрор ила бош қўшиб,
Коми дилни ҳосил айлаб эшилиб,
Муродима етгудайин ерлара.

Бу сўздин сўнг Ғариб Ақчаға айди: Санам чақирди, деб алдаб ўз мақсадингни ҳосил этмак учун олиб келган эркансан, деди ва бир сўз айди:

Эмди бормас бўлдим Санам ёнина,
Мани кўнглим ўзга хаёла тушди.
Эмди хазон ели сўлдирди гулни,
Булбул хаёл ила бу дома тушди.

Санам элчи айлаб юборди сизи,
Ўзингнинг қайғунгга ўткардинг бизи,
Ҳаром экан санга едурган тузи,
Сани кўнглунг ғайри хаёла тушди.

Бормасмусан Санамжоннинг ёнина,
Ўтлар солдинг анинг ширин жонина,
Йўл бошладинг юз қилиқни шаънина,

Қўшилмоғинг амр маҳола тушди.

Ғариб айтур: Диёрбакир кетманам,
Қасам берам энди қадам этманам,
Ўлгунча Санамнинг отин тутманам,
Муҳаббат камоли завола тушти.

Андин сўнг Ақча Ғарибга: ман сани синамоқ учун айтиб эрдим, эмди бу аҳдингдин қайтғил, -деб бир сўз дегани:

Кел, Ғариб, қайтғил аҳдингдин,
Ўзингдин ҳазар айлама.
Манинг ҳазил сўзим учун,
Санамдин гузар айлама.

Сўлдирма муҳаббат гулин,
Ўстирма айрилиғ елин,
Ёра бормиш узоқ йўлинг,
Бу кун мухтасар айлама.

Кел, инонтурдим ўзимни,
Ҳақ қаро этсун юзимни,
Манинг бу ҳазил сўзимни,
Ростлиқға бовар айлама.

Айтмағил сўзнинг ёлғонин,
Бўйнима олмам уволин,
Шикаста Санамнинг ҳолин,
Андин ҳам баттар айлама.

Кетма тўғри йўлдин чиқиб,
Ақчанинг сўзидин дўниб,
Манинг сўзима иониб,
Ғайрилик асар айлама.

Андин сўнг Ғариб Ақчанинг гапига иконди. Иккиси Диёрбакир шаҳрина бордилар. Ғарибни чорбоғда қолдириб, Ақча Шоҳсанамнинг олдиға борди. Анда Шоҳсанам: «Ғариб қани?»-деб сўради. Ғариб чорбоғдадур, - деб жавоб берди Ақча. Анда Шоҳсанам дарҳол Ғарибнинг ёнина борди. Кўрдиким, Ғариб ухлаб ётибдур. Шунда у Ғарибнинг бошини тиззасига олиб бир сўз дегани:

Қурбонинг бўлайин гул юзли ёрим,
Хуш келдинг, Ғарибим, сафо келибсан.
Санго фидо бўлсин танда бу жоним,
Хуш келдинг, Ғарибим, сафо келибсан.

Киши бўйла қаҳр этарми дўстина,
Кўз тикибсан жон олмоқнинг қасдина,
Қуйган қадамларинг дийдам устина,
Хуш келдинг, Ғарибим, сафо келибсан.

Налар қолдим сени оҳ-воҳингга,
Парвоз этиб етолмадим ёнингга,
Жон пояндоз бўлсин ҳоки пойингга,
Хуш келдинг, Ғарибим, сафо келибсан.

Ошиқ бўлган билар маъшуқ жабрини,
Кўтармасму ҳар на деган сўзини,
Анинг учун айнитарму ўзини,
Хуш келдинг, Ғарибим, сафо келибсан.

Шоҳсанам дер: сенсиз яккадур бошим,
Фироқингдин оқар кўзимдин ёшим,
Ҳам бу дунё, ҳам у дунё йўлдошим,
Хуш келдинг, Ғарибим, сафо келибсан.

Шоҳсанам бирла Ғариб кўрушиб айш-ишратга машғул бўлдилар. Кунлардин бир кун Ғариб сайрға чиқиб эрди. Шоҳсанам Ғарибдин қайға бориб келдинг, -деб сўради. Анда Ғариб бир сўз деди:

Ўйнаб келдим боғ ичинда,
На боғ дуйди, на боғбонинг.
Боғдан тоза гуллар тердим,
На боғ дуйди, на боғбонинг.

Боғбонингиз боғбон отли,
Шафтолингиз ажаб тотли,
Бу соатлар ажаб вақтди,
На боғ дуйди, на боғбонинг.

Боғинг ичра кезиб юрсам,
Тоза гулларингдин терсам,
Шакар лабларингдин сўрсам,
На боғ дуйди, на боғбонинг.

Саҳар вақти булбул ўтди,
Ёнди юрагимга етди,
Ғариб ошиқ йўлинг тутди,
На боғ дуйди, на боғбонинг.

Андин сўнг Шоҳсанамнинг Ғарибға бир сўз дегани бу турур:

Боғбон боғни қуритди деб,
Ман сани боғбон айларам.
Тоза боғбоним бўлди деб,
Ман сани боғбон айларам.

Кеча-кундуз боға келди,
Бошдин ҳикоятлар қилди,
Бўлгин боғбонни шогирди,
Ман сани боғбон айларам.

Бир замон шунда сен келғил,
Ғамгин кўнгилни овлағил,
Тоза чаманни боғлағил,
Ман сани боғбон айларам.

Овозинг менгзар булбула,
Ишқинг ила тушдим йўла,
Боғимдаги қизил гула,
Ман сани боғбон айларам.

Сайр этардим боғчалари,
Ошиқларнинг номуси-ори,
Шоҳсанамнинг севар ёри,
Ман сани боғбон айларам.

Бир куни Шоҳсанаминг кўнглина бир гумон келди. Ақча ила Ғариб мунда келгунча йўлда бирга бўлмасму?-деб ўзини бир жойда пинҳон қилиб турди. Анда Ақча бир сўз деди:

Лайли билан Мажнун ўтди дунёдин,
Алардин от қолди, мандин қолмади.
Ширин билан Фарҳод ўтди дунёдин,
Алардин от қолди, мандин қолмади.

Ҳар ким сенинг ишқинг қилди зиёда,
Ёр-ёр деюб налар кездим орада,
Юсуф-Зулайҳолар етди мурода,
Алардин от қолди мандин қолмади.

Сайфулмулук юрди денгизда кезиб,
Бир туйнук ичинда сувратин кўриб,
Ахир топди жондин умидин узиб,
Алардин от қолди, мандин қолмади.

Бир нечалар кўнгил суйганин олди,

Бир неча ошиқлар ёр учун ўлди,
Ҳар кимдан ўзига лойиқ от қолди.
Алардин от қолди, мандин қолмади.

Сизлар Ғариб бирла Санам бўлурсиз,
Орангизда Гулниҳолни нетарсиз,
Бу дунёдин от кўтариб ўтарсиз,
Сизлардин от қолди, мандин қолмади.

Ақча бу сўзни айтиб эрди, Ғариб Ақчанинг кўз ёшини кўриб Ақчанинг кўнгли учун бир сўз деди:

Сўзла-сўзла санго қурбон бўлайин,
Жоним олди ширин сўзларинг сани.
Санго келган дардни сотин олайин,
Қоним тўкди қаро кўзларинг сани.

Ошиқ бўлган жондин умидин узар,
Кечалар тинмайин навҳалар тузар,
Чашманинг қўйнинда ғарқилдаб юзар,
Яшил бошли сўна, ғозларинг сани.

Гўзаллар ичинда сансан ягона,
Кел иккимиз гашт этали бу боға,
Дунёнинг маҳбуби санго садоға,
Минг қиза бермасман нозларинг сани,

Қурбон ўлдим қабоғингга, кўзинга.
Дол буйинга, қоматинга, юзинга,
Садқа бўлсин ширин жонлар сўзингга.
Жоним олди сужи тилларинг сани.

Ғариб ошиқ гул юзингни зоридур,
Кўран айтар булар кимнинг ёридур,
Йўл юрисанг кўзларима доридур,
Қадамингдан чиққан гардларинг сани.

Андин сўнг Шоҳсанам буни эшитиб келди. Ғариб Шоҳсанамға бир коса шароб берди. Шоҳсанам айди: Ман номард қўлидин шароб ичмасмен, зероки, санинг мендин ўзга ёринг бор эркан, деб бир сўз деди: .

Неча вақтлар кездим сани ёрим деб,
Ўзга ёринг бор эканин билмадим.
Муни мендин ўзга кими бордур деб,

Бошқа биров ёр эканин билмадим.

Бу сўзларинг мени қўйди алама,
Булбул учиб зоғлар қўнди гулима,
Кокилларим чирмашибдир белима,
Одам чаққан мор эканинг билмадим.

Бу на эди оғу қўшдинг ошима,
Раҳминг келмас кўздан оққан ёшима,
Қизил гул деб санчиб эдим бошима,
Қуруқ тикан хор эканинг билмадим.

Сен бугун совурдинг ҳижрон бодина,
Кимса етар бугун менинг додима,
Ёрим деюб налар ёндим ўтинга,
Қақнус куян нор эканинг билмадим.

Шоҳсанам дер: хабар олмадинг мандин,
Ширин жоним чиқар бўлди бу тандин.
Бугун энди уздим умидим сендин,
Ақча билан ёр эканинг билмадим.

Андин сўнг Ғарибнинг қаҳри келиб бир сўз дегани бу турур:

Манго бўйла ёлғон туҳмат қилғунча,
Қилур бўлсанг балли туҳмат қил, Санам!
Бўйла сўз деб мани жоним олғунча,
Олур бўлсанг балли жоним ол, Санам!

Менга керак учун бунда келибман,
Жондин тўйиб умидимни узибман,
Санинг бирла ҳазил сўзинг билибман,
Манго десанг сенга бўлай ул Санам.

Кунда минг йўл дўндирарсан юзингни,
Ҳар хаёлда ҳар ён ташлаб ўзингни,
Менга дегил бугун тўғри сўзингни,
Бўлур бўлсанг манинг билан бўл, Санам!

Сен кетарсан кунда юз минг гумона,
Мени қувмоқ учун топмай баҳона,
Кетар бўлдим эмди Шемох-Ширвона,
Қолур бўлсанг Ғариб била қол, Санам!

Ғариб ошиқ дардин деди бир пора,

Куним кечди кунда юз минг ёлбора,
Юсуф каби солдим ўзим бозора,
Харидорсан мани сотин ол, Санам!

Бу сўздин сўнг Шоҳсанам синаш учун айтиб эрдим, деб Ғарибға бир сўз деди:

Кел, Ғариб, қайт бу ройингдин,
Инондим эмди, инондим.
Санго қурбон бўлсин жоним,
Инондим эмди, инондим.

Ғариб:

Манго тўғри иқроринг йўқ,
Инонмам эмди , инонмам.
Бир сўзингда туроринг йўқ,
Инонмам эмди , инонмам.

Санам:

Умрим охирина етди,
Ораликдин жаҳл кетди. ,
Кўнглимни ғубори кетди.
Инондим эмди, инондим.

Ғариб:

Сан мани яна тутарсан,
Жафонгни зоя этарсан,
Хабарим сирға битарсан,
Инонмам эмди, инонмам.

Санам:

Кўнглимнинг зангларин очғил,
Лабимнинг шарбатин ичгил,
Бу навбат гуноҳим кечгил,
Инондим эмди, инондим.

Ғариб:

Яна бошларсанг ишингни,
Келтурдинг ғазаб қишингни,
Бузарсан кўнгил хушингни,
Инонмам эмди, инонмам.

Санам:

Санам тутар оҳу воҳим,
Юзим силар қиблагоҳим,
Ўзи сақласн худойим,
Инондим эмди, инондим.

Ғариб:

Ғариб дер: Шоҳ Аббос қизи,
Буйла куйдирмагил бизи,
Яна ёлғон дема сўзи,

Инондим эмди, инондим.

Алқисса, кунлардин бир кун Шоҳ Аббоснинг бир қуръандози бор эрди. Қуръасининг ҳукмидин Шоҳ Аббосға баъзи шум асрорларни изҳор қилди. Ўзи эроний, кўп аҳмоқ эрди. . . билур эрдиким, ўзидай неча қурръандоз, баъзи фолбинни шоҳ ўлдуруб эрди. Ул Ғариб тўғрисида шоҳға хабар берди. Бул ҳақда хабар топган Ғариб Бағдод кетар бўлди. Шоҳ Аббосни кишиси эрса келмади. Шоҳсанам ман ҳам кедарман, деб йўлға равона бўлди. Ғариб айди: «Эй, Шоҳсанамжон, йўл узоқдур». Шоҳсанам: «Қолмағайман»-деди. Илк саҳар вақтинда йўлға равона бўлдилар. Вилоятнинг ўртасинда дилдам деган бир катта ариғ бор эрди. Шунда бордилар. Ғариб бўкуб ўтди. Шоҳсанам ҳам ўтайин, деди. Ариғда йиқилди. Либослари ҳўл бўлди. Ғариб ҳам қайтиб ўтди. Шоҳсанамнинг либосларини сиқтилар. Айди: «Эй, Шоҳсанам, ҳоло ҳам яхшидур, қайтиб борғил», -деб Ғариб шунда бир сўз айтғони:

Ғариб:

Йиғла, Санам, жудолиғинг кунидур,
Эмди бизни маҳшар куни кўрарсан.
Йиғла, Санам, жудолиғинг кунидур,
Мундин гедар бўлсанг Бағдод шаҳрина.

Шоҳсанам:

Айролиғ ороға солма Ғарибим,
Маҳшар куни, деюб жоним оларсан.
Доғ устиға доғлар қўйма Ғарибим,
Бўюнинг буруб малул-малул бўларсан.

Ғариб:

Фалак солди жудолиғнинг балосин,
Чора йўқтур топсам дардинг давосин,
Ман истарам ишқ-муҳаббат маъвосин,
Йиғла, Санам, жудолиғинг кунидур.

Шоҳсанам:

Ман найлайин тақдир ўзга бўлмаса,
Сандин ғайри биров ҳолим сўрмаса,
Золим отам мани санга бермаса,
Ман ночорни кўздин солма Ғарибим.

Ғариб:

Сиёҳ зулфинг паришона дўзотма,
Яна бизни келур деюб кўз атма,
Отангдин қўрқмасанг бизни унутма,
Йиғла, Санам, жудолиғинг кунидур.

Шоҳсанам:

Йўлингда қўюбман бул азиз бошим,
Юз ўгурди мандин қавми қардошим,
Кеча-кундуз сенсан мани сирдошим,

Кўзда ёшим Жайҳун қилма, Ғарибим.

Ғариб:

Ғариб айтур кетсам йўллар дўнмабдур,
Жамолинг кўрмаган кўп интизордур,
Бугун айролиға охир замондир,
Йиғла, Санам, жудолиғинг кунидур.

Шоҳсанам:

Шоҳсанам дер, бағрим пора қилурман,
Бир гул эрдим очилмайин сўлурман,
Гул юзунг кўрмасам, эмди ўлурман,
Дийдор қиёматға қўйма Ғарибим.

Бу сўздин сўнг бир-бирлари бирлан айш-ишратга машғул бўлиб, юриб эрдилар. Кунлардин бир кун Шоҳсанам айди: Ғариб, мунда дўст-душманнинг оғзига тушдик. Эмди сен Ҳалаб шаҳрига кетсанг нечук бўлғай, деб бир сўз деди:

Кел Ғарибжон, сенга бир сўз деяйин,
Яна сен кўнглинга ғубор келтурма.
Нолиш этиб қаҳбо фалак илгидин,
Бу замон хайрга бир ор келтурма.

Мунда турсанг қўймас рақиблар сени,
Зоғлар келиб бузар тоза гулшанни,
Кел, бир ёт ўлкага олиб кет мани,
Бу ерларда суҳбат барор келтурма.

Олти ой бўлибдур мунда ётоли,
Манинг бирла завқи ишрат этали,
Киши топмас хабар мундин кетали,
Бефаҳм рақиблардин хабар келтурма.

Шоҳсанам дер: кетгин бир ёт эллара,
Олло мусофирнинг муродин бера,
Ҳар ким нажотидин, қисматдин кўра,
Қайғу еб кўнглингга озор келтурма.

Бу сўздин сўнг Ақча айди: сизлар Ҳалаб Ширвон борсангизлар бизнинг ёримиз бир рўзисиз қолмасун деб бир сўз деди:

Азбархўжа отли ул меҳрибоним,
Менинг бу сўзимни аён дегайсан.
Анга қурбон бўлсун бу ширин жоним,
Дуои хайримни баён дегайсан.

Аввал бориб тутиб Ҳалабда ватан,

Иқрори ишқ сира чиқмасин ёддан,
Нега мунда ишқ ошин ичган эркан,
Заҳри қотил нори сўзон дегайсан.

Ман мунда яккалик жабрини чекдим,
Афлотун подшоҳа мангзар навкарим,
Бир оҳ ила булут бағрим сўкардим,
Тортганидур оҳу фиғон дегайсан.

Диёрбакр элда тенгу-тушим йўқ,
Ғамима ҳамдамлик этар кишим йўқ,
Чор тарафга боқсам кўнгул хушим йўқ,
Кенг жаҳон кўзига зиндон дегайсан.

Манинг учун ўзи мунда келмаса,
Ғариб бўлганларга ҳамдам бўлмаса,
Бу хаста жонимдин хабар олмаса,
Этган дуолари ёлғон дегайсан.

Сан мунда кетарсан узоқ манзила,
Ҳамиша бўларсан Ғарибжон била,
Боғбонлик этмаса бу тоза гула,
Ғунчаликда урди хазон дегайсан.

Қандай ҳолдир ажаб ҳола қолибман,
Ўз бошима ўзим савдо солибман,
Жамолиға таъриф муштоқ бўлибман,
Қилган иши бўлди зиён дегайсан.

Бу сўздин сўнг Шоҳсанам Ақчаға айди: То қирқ кунгача бизларни ҳеч ким билмасин-деди. Ақча: Сизларни худоға топшурдим, дил жам бўлинглар, деди. Ғариб бирла Шоҳсанам уч кеча кундуз йўл юриб Диёр-бакр теграсига еттилар. Шунда Шоҳсанам Ғарибға бир сўз деди:

Менинг учун боғли бўлиб қолмағил,
Кета кўргин Ҳалаб Ширвон сарина.
Бу ўлкада туҳмат била ўлмагин,
Талпинакўр манзил макон сарина.

Ғариб:

Ҳаргиз қутулмадим бахти қародин,
Бизни бўйла қисмат қилди ёродин,
Ҳар кўрган етимга ҳамдам бўлмагин,
Йиғлама, Санамжон, кетсам келарман.

Шоҳсанам:

Мундин кетар бўлсанг изинг изларман,

Кесиб-кесиб қора бағрим тузларман,
Етти йиллик ваъдасини кўзлайман,
Бор, Ғарибим, соғлик ила келгайсан.

Ғариб:

Мени кетди **дебон** айтиб йиғлама,
Хумора кўзларга ғубор боғлама,
Бўлди ишим кетди деюб англама,
Йиғлама, Санамжон, кетсам келарман.

Шоҳсанам:

Йўл била боргандур ёримни изи,
Бол била шакардин ширидур сўзи,
Йўлингда куядур Шоҳ Аббос қизи,
Бор, Ғарибим, соғлик ила келгайсан.

Ғариб:

Мани кетди деюб кўнглинг сўлдирма,
Ҳар нокасга сир-асроринг билдурма,
Булбулим учди деб зоғлар қўндирма,
Йиғлама, Санамжон, кетсам келарман.

Шоҳсанам:

Шоҳсанам дер ишим оҳу зор ўлсун,
Рақибларга ёхти жаҳон тор ўлсун,
Қайда борсанг Шоҳимардон ёр ўлсун,
Бор, Ғарибим, соғлик ила келгайсан.

Ғариб:

Уйдин чиқиб дол қоматинг қайирма,
Оҳ чекибон ранги рўйинг сўлдирма,
Санамжон кўз ёшинг билан ўлдирма,
Йиғлама, Санамжон, кетсам келарман.

Андин сўнг Ғариб Шоҳсанам бирла хўшлашиб йўлга равона бўлди. Шоҳсанам ул кеча ётти. Эрта бирлан туруб сўфи тўрғайга бир сўз деди:

Кароматда қодир худо,
Ғарибни сенга топширдим.
Кўкда кезар сўфи тўрғай,
Ғарибим сенга топшурдим.

Бўлмадим мен санго ҳамдам,
Юрагимни тутубдур ғам,
Отамиз Ҳазрати Одам,
Ғарибим сенга топшурдим.

Бу дардима айла дармон,
Табибларнинг пири Луқмон,
Довуд ўғли эр Сулаймон,

Ғарибим сенга топшурдим.

Бошимизға тушти савдо,
Таври тоғда кездум борҳо,
Ё пирим Юсуф-Зулайҳо,
Ғарибим сенга топшурдим.

Сўлди ошиқларнинг гули
Учди Санамнинг булбули,
Гапим англа, пирим Али,
Ғарибим сенга топшурдим.

Алқисса, ровийлар андоқ ривоят қилурларки, Шоҳ Аббос шикорға чиқти. Қушини қочуруб эрди. Диёр Бакрдин қушини орқасидин кета берди. Ногоҳ Шоҳсанамни қулоқиға отни туёғининг овози келди. Шоҳсанам қаради. Ниҳоят кўрдиким, отаси келадур. Анда худоға мурожаат қилиб бир сўз деди:

Қодир олло даргоҳингга сиғиндим,
Ман нечук бу ерда ҳижоб айлайин.
Қанотим йўқ учиб чиқсам осмонга,
Севар қулларингга жавоб айлайин.

Кўнглима етургил умримнинг йўқи,
Ғолиблара етди ғамимнинг завқи,
Шоҳ Аббосга еткур ғамимнинг ўқин,
Ўзим қутқармоққа ҳижоб айлайин.

Кимса бузар бу кун аниқ шаънини,
Менга келтур бугун маҳбуб тунини,
Жавоб бирла олсам отам жонини,
Бу кун муродиға ҳисоб айлайин.

Юзима етургил Вомиқнинг юзин,
Кўзима бағишла Лайлининг кўзин,
Тилима кетургил Узронинг сўзин,
Куйдириб бағримни кабоб айлайин.

Шоҳсанам дер: бунда ғариблар бўлдим,
Бир тоза гул эдим эмди ман сўлдим,
Шоҳ Аббос қахриға мен дучор бўлдим,
Қисмат нажотлиғим изҳор айлайин.

Андин сўнг Шоҳ Аббос келди. Шоҳсанамни кўруб беҳуш бўлуб йиқилди. Шоҳсанам шоҳнинг отини миниб шаҳарга борди. Ақча айди: Эй, Шоҳсанам, Ғарибни найладинг, деб бир сўз айди:

Санго бир сўз дейин гул юзли Санам,
Бирла кетган Ғарибжонни найладинг?
На савдолар тушди анинг бошина,
Ғамда қолган нотавонни найладинг?

Нималарни тангри санго буюрди,
На қисматдин Ғарибингдин аюрди,
На важҳ ила фалак чархин қаюрди,
Сўйла ҳоли паришонни найладинг?

Тилаги бўлмади кетти диёрдин,
Эмди хазон урди боғи муродинг,
Ширин учун қайда кетти Фарҳодинг,
Ўшал чоғда Ғарибжонни найладинг?

Нечук кўнглинг бўлди андин қайтмоға,
Нечук тоб келтурдинг жудо бўлмоға,
Қўрқмадинг тангридин талон солмоға,
Қиш очилғон гулистонни найладинг?

Нечук айтиб қўлинг андинг узилди,
Не сабабдин қилғон аҳдинг бузилди,
Гулниҳол дер:қисмат нечук ёзилди,
Бахти қаро саргардонни найладинг?.

Андин сўнг Шоҳсанам Ақчаға бир сўз деди:

Ғариб бирла бирга эттим маслаҳат,
Аввалда суҳбатим барор айлади.
Чиқиб юз дўндарди Ҳалаб Ширвона,
Ҳажри фалак мани бемор айлади.

Ишққа содиқ бўлдук аввал аҳд айлаб,
Жонни қўшуб шакар билан шаҳд айлаб,
Уч кун қочтук йўлға кириб жаҳд айлаб,
Фалак бизга қасди гузар айлади.

Агар ўлсам бўлмас эрди сўроғим,
Сендин ўзга кимга деяй бу ғамим.
Уч кундин сўнг ярамади оёғим,
Босай дедим жоним озор айлади.

Фалак бизга неча қасдин этарди,

Ҳар кимсани бир азоба тутарди,
Чидаёлмай Ғариб мани кўтарди,
Нақд жонин манга нисор айлади.

Айтсам адо бўлмас фалак қабоҳин,
Бизлара ичурди ҳижрон шаробин,
Шоҳсанам дер: охир бердим жавобин,
Ёр маконин ўзга диёр айлади.

Подшоҳ намозгаргача ётиб, андин сўнг ўзига келди. Вазирлар сўрди: «На воқеа бўлди»-дедилар. Подшоҳ анда бир сўз дегани:

Эй ёронлар Диёр бакр юртидин,
Ақлим олди ола кўзли бир пари.
Эмди ўлсам керак анинг дардидин,
Қоним тўкди қора кўзли бир пари.

Булбул бўлиб кезсам ёрини боғинда,
Баҳорлар сайрасам сўлу соғинда,
Шанба шикоринда, чошгоҳ чоғинда,
Ақлим олди ола кўзли бир пари.

Бир паридур товус мисол ёзилмиш,
Қоши камон, киприклари тиргалмиш,
Ошиқларни ўлдирмакка юзланмиш,
Ақлим олди ола кўзли бир пари.

Сурати, хаёли кетмас кўзимдин,
Зулфи санолари кетмас кўнглимдин,
Кўриб ани кетди ақлим ўзимдин,
Ақлим олди ола кўзли бир пари.

Тепанинг устинда кўрдим ман ани,
Тилло шона билан тарар сочини,
Дўстлар кимга айтай кўнгил сирини,
Қоним тўкди қаро кўзли бир пари.

Ҳурлар анча бўлмас жаннат ичинда,
Кўриб қолдим ани ҳасрат ичинда,
Турди таъзим бирла, қўли кўксинда,
Ақлим олди ола кўзли бир пари.

Шоҳ Аббос дер: жоним фидо этайин,
Эмди ошиқликнинг йўлин тутайин,
Ўлгунча шул ёрни сўраб ўтайин,

Ақлим олди ола кўзли бир пари.

Андин сўнг подшоҳнинг ақлли вазири бор эрди. У Шоҳ Аббосга айди: Эй тақсир, подшоҳим, Ҳасан вазирнинг ўғлиға Шоҳсанамни бермадингиз. Анинг учун худойи таоло сизга каромат қилибдур, - деди. Анда Шоҳ Аббос ўз ҳолини баён қилуб, яна беш калима сўз айтғони:

Жўшайин, жўшайин қайнаб жўшайин,
Ишқнинг ўти ёмон экан, жонларим.
Санам қизим Ғарибина қўшайин,
Ишқнинг ўти ёмон экан, жонларим.

Нечун эсдан кетган вақтда ўлмадим,
Кўргач ани қон йиғладим, кулмадим,
Ўз бошима тушмагунча билмадим,
Ишқнинг ўти ёмон экан, жонларим.

Қаҳбо фалак солди биза бу ғамни,
Кўнглимдин чиқмади дарди, алами,
Ғарибиға топшуринглар Санамни,
Ишқнинг ўти ёмон экан, жонларим.

Боринг қози ила муфти келтуринг,
Вазир вакил, шоҳид бўлуб ўлтуринг,
Ошиқларни муродиға еткуринг,
Ишқнинг ўти ёмон экан, жонларим.

Шоҳ Аббос дер қилған ишим маломат,
Эмди жон қутилмас ҳаргиз саломат,
Қолмасун бўйнима дарди қиёмат,
Ишқнинг ўти ёмон экан, жонларим.

Алқисса, андин сўнг подшоҳнинг вазири Ғарибнинг онасиға хабар бердиким, подшоҳ мехрибонлиғ қилибтур. Ғарибни топиб келинглар, деди. Шоҳсанамни Ғарибға бергучи бўлди. Ғарибнинг онаси подшоҳ олдиға келиб таъзим қилиб ўлтурди. Подшоҳ айди: «Ўғлунга киши юбаргил, қизимни анга никоҳ қилиб берайин», -деди. Анда Ғарибнинг онаси подшоҳға қараб, бир сўз деди:

Шоҳ Аббос, сан ўзинг сармаст,
Биздайларни кўзга илмас,
Менинг ўғлим отасиздур,
Киши анга қизин бермас.

Не учун ваъдалар эттинг,
Бошда хом таъмалар эттинг,
Ахир бошиға сан еттинг,

Сендай худо безор бўлмас.

Келдим санго умид айлаб,
Қилған ваъдангга бел боғлаб,
Сен ўзинг топғил сўроғлаб,
Сендек аҳди ёлғон бўлмас.

Тонгла қиёматлар бўлур,
Яхши ёмондин айрилур,
Бу иснод бўйнинга қолур,
Сендек юзи қора бўлмас.

Шоҳ Аббос санинг дардингдин,
Ўғлим кетандур юртингдин,
Ўлгунча сенинг дастингдин,
Икки ошиқ хушнуд ўлмас.

Ободон дер:не этарман,
Бефойда сўзни нетарман,
Ўғлимни қайдин топарман,
Сендай аҳди ёлғон бўлмас.

Андин сўнг подшоҳ инсоф ва диёнатға мойил бўлуб, рози-ризолик бирлан Ғарибнинг онасиға қараб, бир сўз деди:

Юрт қадрини шоҳлар билмас,
Бошқа юртга ошмагунча.
Яхши ёрнинг қадрин билмас,
Бир ёмонга тушмагунча.

Синдурма мўмин адосин,
Ўқунг беш вақт намозин.
Бек билмас инъом мазасин,
Ҳотам бўлиб жўшмагунча.

Қўл узатсам ёра етмас,
Ёрсиз манинг куним ўтмас,
Яхши ёмонни фарқ этмас,
Бирга бошин қўшмагунча.

Ишқ ўлмай сийна чок ўлмас,
Беишқ бўлған халлоқ ўлмас,
Ишқни дардидин пок ўлмас,

Ишқ ўтина ёнмагунча.

Шоҳ Аббос дер: бир кулмадим,
Нега ул дамда ўлмадим,
Ошиқлик қадрин билмадим,
Ўз бошима тушмагунча.

Андин сўнг Шоҳ Аббос айди: «Ўғлунгни топиб кел», -деди. Ободон айди: «Ўғлумни топмасман»-деб бир сўз айтғони бу турур:

Ҳар киши меҳнатсиз моли йиғнаса,
Тез келон давлатнинг поёни бўлмас.
Сўзининг фаҳмига етиб сўзласа,
Қутилур ўлумдин гумони бўлмас.

Беҳуда кўп бўйла қайғу еганнинг,
Ҳар етар-етмасга бўйин эгганнинг,
Билиб кўриб ёлғон сўзни деганнинг,
Дин имонда асли омони бўлмас.

Ёрдин баҳра олур ошиқ риштаси,
Ошиқни хаёли ёр андишаси,
Қаҳр этиб синдирди кўнгил шишасин,
Эмди тузалмоқнинг имкони бўлмас.

Бир оллоҳга ошиқ бўлган қулининг,
Лайли-Мажнун каби ўти бўлоннинг,
Мен деюрман: Шоҳсанаминг гулининг,
Ғарибидин ғайри боғбони бўлмас.

Шоҳимардон Оводоннинг пиридур,
Ман санга деганим кўнгил киридур,
Менинг ўғлим чин ошиқнинг биридур,
Мунда келиб анинг даврони бўлмас.

Ғариб Ширвон вилоятинда юруб эрди. Бир кун карвон йўлиқди, карвоннинг ичида Бобохон деган Шоҳсанамнинг шотири бор эрди. Анга Ғариб бир сўз деди:

Мундин агар борсанг Санам ёнина,
Ғариб ўз дардини айтди дегайсан.
Яна бориб гул юзини кўргунча,
Ихтиёр илкида кетди дегайсан.

Кимса етар бунда Ғариб додина,
Саломимни еткур кўнгил шодина,
Ул кунларни кетурмасин ёдина,

Аввалги давронлар кетди, дегайсан.

Ул анда соғ бўлсин Шоҳ Аббос қизи,
Ҳар кимга демасун бу пинҳон сўзи,
Етти йилдан бурун демасун бизи,
Мани бўйла иқрор этти дегайсан.

Ул анда соғ бўлсин мен бул маконда,
Бошим йўлиндадур борсам ҳар қанда,
Етти йил маконим Ҳалаб Ширвонда,
Санинг васфингни ул айтти дегайсан.

Ғариб айтур: суймам ўзга нигорни,
Етти йил тарк эттим Бакр Диёрни,
Кўрсанг Шоҳсанамдай кўзи хуморни,
Зинҳорлаб-зинҳорлаб айтди дегайсан.

Бобониёз деган бир шотир бор эрди. Ул ҳам Бағдоддин Кўкчанинг қизига ошиқ бўлиб, анда туролмай Ҳалабга келиб эрди. Хорозмонлик қилиб юруб эрди. Ғариб иккови бир-бирига сўзлашиб ошно бўлдилар. Бобониёз хорозмон отини Ғарибга топшурди. Ғариб ул отни ҳайдаб бир сўз деди:

Азиз дўстим, манго бўлибсан ҳамдам,
Сен бордурсан қўлимда булбулим бор.
Сандин ўзга мунда манго йўқ ҳамдам,
Ман қўрқарам айролиғда ўлум бор.

Бир сўзим бор айролиғни шаънина,
Арзим етмас девонина, хонина,
Булбул бўлиб боролмасман боғина,
Бейик ерда қўлим етмас гулим бор.

Ман ўлган сўнг ҳаргиз бўлмас сўроғи,
Қачон ёнар бахт уйининг чироғи,
Шоҳсанамдур икки кўзим қароғи,
Мушкулим бор, ҳижроним бор, уйим бор,

Ишқ йўлида қардошим, йўқти жоним,
Санам ҳам қардошим, жоним жаҳоним,
Сандин ўзга йўқдир мани ҳамдамим,
Қайғули, кулфатли мани куним бор,

Ғарибни ҳамдами, эй симин ёби,
Сан ҳам манинг каби ишқнинг хароби,
Ман ичарам айролиғнинг шаробин,

Манинг ваҳмим айролиғда ўлим бор.

Қўлимдаги давлат қушим учирдим,
Торож ўлди, молу мулким қочирдим,
Санам учун не кунларни кечирдим,
Менинг ҳар қадамда қилу қолим бор.

Куя-куя қора бағрим кул бўлди,
Ёрдин манга эмди қисмат шул бўлди,
Ҳар бир куним манга ою йил бўлди,
Ақлим шошди не ойиму йилим бор.

Айтсам адо бўлмас қайғу-андиша,
Бизни куйдирмакка қилди бу пеша,
Ёрим дебон умрим ўтти ҳамиша,
Раёсат боғинда тоза гулим бор.

Қисматим не бўлди, надур гуноҳим,
Ҳамиша бошимдин кетмайдур ғамим,
Барчанинг кўзига ёмон кўриндим,
На қавм-қариндош, на юрт- элим бор.

Ғариб айтур:дилхастаман йўлдаман,
Киши билмас мани нечук ҳолдаман,
Кеча-кундуз Мажнун каби чўлдаман,
Яшил бош сўнали тенгсиз кўлим бор.

Андин сунг Шоҳсанамни тушимда кўрсам, деб юриб эрди. Ғариб Шоҳсанамни тушида ҳеч кўрмади. Охири пушаймон бўлиб бир сўз деди:

Найлай шиддатидин қаҳбо фалакнинг,
Букун мани севар ёрдин айирди.
Мустажоб бўлмади магар тилагим
Санам отли зулфи тордин айирди.

Ғариб ўлғанларнинг борму сўроғи,
Аввалда ёндирди Санам фироғи,
Бир ёнда қайғуси, бир ёнда доғи,
Жабр билан севар ёрдин айирди.

Бу меҳнат, бу ғамда ман ўлар бўлдим,
Мусофирлиқ ерда ман қолар бўлдим,
Бир тоза гул эрдим ман сўлар бўлдим,
Баҳорли-боғчали ёрдин айирди.

Қутилмас савдоға қолди бу бошим,
Ёр сан учун кечди ёз ила қишим,
Селлар каби оқар кўзимдин ёшим,
Тангри хуш рафторли ёрдин айирди.

Ғариб айтур: эмди тонмам сўзимдин,
Ёр йўлинда қонлар оқсун кўзимдин,
Хабарим йўқ мани ҳаргиз ўзимдин,
Ишқ мани номуси ордин айирди.

Энди сўзни Шоҳсангамдин эшитинг. Шоҳсанам ҳам Ғариб дардидин адо бўлдим, деб бир сўз дегани:

Ғариб, Ғариб дедим, умрим ўткардим,
Ани ёрим демас бўлдим ман эмди.
Жон шаҳрина бу кун толон еткурдим,
Сабабкорим демас бўлдим ман эмди.

Андин менго етон қайғу, ғам бўлди,
Оҳ чекмоққа етти умрим кам бўлди,
Куйиб йиғламоқдин ёқам нам бўлди,
Умидворим демас бўлдим ман энди.

Жазосидур ҳар ким ёра инонсун,
Кўр бўлсин кўзлари қона булансун,
Қўрғони йиқилсун, мулки талансун,
Номус-орим демас бўлдим ман эмди.

Ҳамдамим, мунисим қайғудир, ғамдур,
Биза бошдан Али берган насибдур,
Ўн ёшимдан бирга бўлган Ғарибдур,
Номус-орим демас бўлдим ман эмди.

Санам айтур: эла бўлдим ошкора,
Ёр-ёр деюб қон йиғларам бир пора,
Ўзинг кеттинг мани қилдинг овора,
Сани ёрим демас бўлдим ман эмди.

Алқисса, андин сўнг, бир кеча Шоҳсанам Ғарибни тушида кўриб, анинг бирла кечирган кунлари ёдиға келиб, бир сўз деди:

Ғамдин қутилмаган қайғули бошим,
Яна бошдин ғам ўтиға ёр ўлдим.
Ғариб эди кеча-кундуз йўлдошим,
Эмди юзин бир кўрмакка зор ўлдим.

Бир неча вақт висолинда шод ўлдим,
Ёрдин ўзга ғайралара ёт ўлдим,
Ҳасрат чекиб, ишқ ўтидан дод ўлдим,
Куя-куя элга сабабкор ўлдим.

Хабарим йўқ ёрнинг фикри-ўйидин,
Жоним чиқар бўлди анинг куйидин,
Ичолмадим ёр васлининг майидин,
Ёрнинг озоридин бадхумор ўлдим.

Чора кетди ҳижрон куним фард ўлиб,
Ёримнинг йўлида кўнглим дард ўлиб,
Кўп қарадим, икки кўзим тўрт ўлиб,
Муҳаббат ичинда қолдим, хор ўлдим.

Санам эмди санго завқу сафо йўқ,
Ёринг айро тушди зарра вафо йўқ,
Ошиқ Ғариб айтур санго жафо йўқ,
Ишқнинг гирдобида беқарор ўлдим.

Андин сўнг ақча Шоҳсанам бирла ўлтуруб эрди. Анда Ақча келин Шоҳсанам бирла сайра борайлик деб бир сўз дегани бу турур:

Гуллар очилибдур фасли баҳорда,
Кел, Санамжон, боғ сайрина борали.
Бинафша қўймишам боғи канорда,
Кел, Санамжон, боғ сайрина борали.

Жўрбози қўймишлар боғдин қироға,
Баҳор элчилари тушмиш ороға,
Сумбуллар сочилмиш тоғдин қиёға,
Кел, Санамжон, боғ сайрина борали.

Сановбар бош чўзмиш кўкка бўйини,
Сумбула олмишдир мушкнинг ўйини,
Гул излармиш булбул қилса ўйинни,
Кел, Санамжон, боғ сайрина борали.

Наргис кўзин очиб боқмиш жаҳона,
Ўтлар тушди бўйла зоғи-зоғона,
Навбат йўқдур бугун боди хазона,
Кел, Санамжон, боғ сайрина борали.

Малаклар қўйибдур бошиға лола,
Соқийлар қўлида майли пиёла,

Булбуллар ҳамиша ғунчага вола,
Кел, Санамжон боғ сайрина борали.

Ақча айтур:жоним санго қурбондур,
Ошиқнинг мақсади беш кун даврондур,
Билармусан, бугун ийди қурбондур,
Кел, Санамжон боғ сайрина борали.

Бу сўздин сўнг Шоҳсанам бирла Ақча канизларини олиб сайрға чиқдилар. Туни дарёсининг ёниға бориб, Шоҳсанамнинг дарёға қараб, бир сўз айтғони:

Ҳасрат бирла узоқ йўлдин адашиб,
Туни дарё сендин Ғариб ўттими?
Манинг учун ҳажр ўтиға туташиб,
Туни дарё сендин Ғариб ўттими?

Тоқатим йўқ мунда ёрсиз бўлмоға,
Ажал келса тандин жоним олмоға,
Шикаста ҳолимдин хабар олмоға,
Туни дарё сендин Ғариб ўттими?

Мани ёрсиз мунда йўқтур қарорим,
Ҳеч ким билан бўлмас суҳбат барорим,
Тириклигим, эсим-ҳушим мадорим,
Туни дарё сендин Ғариб ўттими?

Менинг ёрим кетди Ҳалаб-Ширвона,
Эътиқод қилмади аҳду паймона,
Эмди сендин сўроқ сўрсам ғайбона,
Туни дарё сендин Ғариб ўттими?

Санам дер: фироға топмадим ҳийла,
Тангри ҳақи мунда ростини сўйла,
Ёр билан ўтканда оқмағил бўйла,
Туни дарё сендин Ғариб ўттими?

Бу сўздин сўнг Шоҳсанам ўзини дарёға ташламоқ бўлди. Анда Ақча Санамнинг ҳолиға қараб бир сўз деди:

Айролиғ дегани тангри қисмати,
Нечук бўйнинг буруб маълул бўларсан.
Тўққиз йилдур мунда чекиб меҳнати,
Нечук бўйнинг буруб маълул бўларсан.

Айрилиқ дардини ҳаргиз билмадим,
Қизил гулдек сарғайибам сўлмадим,
Ман ёрдин айрилиб маълул бўлмадим,
Нега бўйнинг буруб маълул бўларсан.

Қумри деган бир ажойиб қуш бўлур,
Парин тортсанг келур туби бўш бўлур,
Ўлмаган қул бир-бирина душ бўлур,
Нечук бўйнинг буруб маълул бўларсан.

Узоқ йўла душан бир кун учрашур.
Ошиқ деган маъшуқина ярашур,
Охиринда бир-бирини қовушур,
Нега бўйнинг буруб малул бўларсан.

Мани Ақча дерлар, отим Гулниҳол,
Фоний дунё поёни йўқ бекамол,
Ўйнаб-кулиб ошиғингнинг кўнглин ол,
Нега бўйнинг буруб маълул бўларсан.

Андин сўнг Шоҳсанам уйиға қайтиб келди. Анда қирқ қиз маслаҳат қилиб, Шоҳсанамнинг ёниға келиб, ҳар қайсиси ўз ҳоли ошиқлиғини сўзлашдилар. Аларнинг ичида бир Ойжамол отли қиз бор эрди. Ул айди: Эй, Шоҳсанам ошиқлик нозик нимарса. Ошиқлиғнинг сўзини мандин эшит, деб бу мухаммасни ўқиди:

Эй, Санам мажруҳ дилман ёрдин айрилғали,
Булбули ширин сухан гулзордин айрилғали,
Ул латофат гулшани ғамхордин айрилғали,
Тўтии, ширин сухан гуфтордин айрилғали,
Дарди дилга зорман бир ёрдин айрилғали.

Бўмағай ҳеч иш худодин бесабаб эй дўстлар,
Тангри қилди ул нигоримға ғазаб, эй, дўстлар,
Тинмайин қон йиғларам айламанг айб, эй, дўстлар.
Ҳажр даштида қолибман ташна лаб, эй, дўстлар,
Ҳавзи кавсар соқии мухтордин айрилғали.

Меҳнат айёмида тинмай оқадур кўздин ёшим,
Душмана кор айламас ҳар кунда қилғон қарғишим,
Титрашар арзу самода дарду ғамда нолишим,
Ҳолими арз этмака йўқтур ёнимда бир кишим,
Яккаман бир воқифи асрордин айрилғали.

Тинмайин қон йиғларам ҳар ён юруб йўлға боқиб,
Йиғладим ҳар кечалар бағримни ман ўтға ёқиб,
Ҳар томондин таъни ағёр жонимни ёқиб,
Қўзи гўши бирла оғу берди ёримға рақиб,
Қолмади тоқат манга дилдордин айрилғали.

Бахтими кўрдим қаро ҳар ерда айтсам ҳасби ҳол,
Навшикуфта гул эдим боди хазон етмай камол,
Етмади мақсудина тангри анга берди завол,
Айтибон ўз ҳолини олдингда йиғлар Ойжамол,
Алибек отлиғ гули навбаҳордин айрилғали.

Кунлардан бир кун Шоҳсанам Ақча бир туш кўрдим, деб айтиб ўлтуруб эрди. Анда бир тўп савдагор кўринди. Шунда Ақча Шоҳсанамнинг аҳволини савдогарларға баён қилиб бир сўз деди:

Бир туш кўриб, Санам ўзи,
Ёридин гумон айламиш.
Келтур, деб йибарди бизи,
Қаро кўзин қон айламиш.

Сўз тинглаб, яхши-ёмондин,
Қўл чекиб суду-зиёндин,
Бир киши Ҳалаб Ширвондин,
Савдодин зиён айламиш.

Ийдагоҳда байрам куни,
Бир киши келтурди мани
Ростмиш Ғарибнинг ўлгани,
Санам саргардон айламиш.

Иши девоналик бўлуб,
Бизи сиза элчи қилиб,
Хонумонин ўта солуб,
Санам кўб афғон айламиш.

Гулниҳол дер: эй меҳрибон,
Шул кун бўлди охир замон,
Яхши кунинг бўлди ёмон,
Ғам ани толон айламиш.

Алқисса, Ақча хабар олиб келди. Бир савдогар келибдур эркан, ғулинг-хойлик қилди, - деди. Шоҳсанамнинг ўзи савдогарларнинг қошиға бориб, аҳволини баён қилиб, бир сўз айтғони бу турур:

Етти йилдур шунқор қушим учирдим,

Кўран борму, билан борму ёронлар?
Қайғу-ҳасрат бирлан умрим кечурдим,
Кўран борму, билан борму ёронлар?

Кишини севдиги бўйла бўлурму,
Аввал суюб, охир кўздин солурму,
Ёрин бўйла йиғлатибон қўюрму,
Кўран борму, билан борму ёронлар?

Ёр савдоси тушди манинг бошима,
Бир сирдош топмадим келмас қошима,
Азал кунда ёзилибдур бошима,
Кўран борму, билан борму ёронлар?

Курган билан тенг-тушини ёд этар,
Дуо бирлан арвоҳини шод этар,
Қаҳбо фалак одам ўғлин мот этар,
Кўран борму, билан борму ёронлар?

Мани ёрим ғўч йигитлар биридур,
Эранлар, чилтанлар мудом тиридур,
Шоҳимардон ғўч йигитлар пиридур,
Бу сўзимни билан борму ёронлар?

Бир мард билан бошин қўшиб дунёда.
Севганиидин айро ташиб дунёда,
Ишқ ўтина қуюб-пишиб дунёда,
Йиғламайин кулан борму ёронлар?

Фалак мани бугун талон этмишдур,
Қайғу ҳижрон дўзахина тушмишдур,
Кўз ўнгимда ёрим тирик кетмишдир,
Ўлганини кўран борму ёронлар?

Эгасиз қолмишдур олтин-кумушлар,
Барбод бўлмиш турли- турли емишлар,
Сани ёринг анда ўлди демишлар,
Тири кетиб ўлан борму ёронлар?

Бир киши сўзламас кўнгил хушима,
Қайғу меҳнат тушди менинг бошима,
Ҳар кечаси ёрим кирар тушима,
Ўлганлардан келан борму, ёронлар?

Ҳар бир ошиқ баён этар кўрганин,
Ким ҳам билур бошга кулфат келганин,
Бир ваъда этибдур тушда кўрганин,
Кўран борму, билан борму ёронлар?

Етти йилдур фалак жафо ўгириб,
Ҳажр ўтина куйди кулим соврилиб,
Шоҳсанам дер: гул ёримдин айрилиб,
Йўлға боқиб қолан борму , ёронлар?

Алқисса, бу сўзни Шоҳсанам айтғондин сўнг қизлар оросинда Тансуқ отли бир каниз бор эрди. Ул айди: «Ман Ғарибни ўлганин кўруб келган эрдим, » - деди. Шоҳсанамнинг қаҳри келиб оҳ тортиб, Ғарибнинг онасининг ёниға бориб, кўнгли дардға тўлиб, бу сўзни айтғони бу турур:

Хазон урди бу дам, сўлди бу гулунг,
Гулингдин ҳам гулзорларингдин айрилдинг.
Ўғлунгнинг ўлганин хабари келди,
Сиё бахтинг, мадорингдин айрилдинг.

Ошкора бўлмасун душмана, дўста,
Қулоқ солғил, сирри ниҳон ихлоса,
Ғамгусорлиғ кунлар тушибдир боша,
Муддатли бозорингдин айрилдинг.

Санам айтур:манда кўб қолди армон,
Мени адо қилди бу доғи ҳижрон,
Золим фалак эрур бир оғир карвон,
Ман ёримдин, сан ўғлунгдин айрилдинг.

Алқисса, бу сўзни Шоҳсанам айтғондин сўнг, Ғарибнинг онаси зор-зор йиғлаб бу сўзни айди:

Меҳнат айёмидин фалак зулмидин,
Қаро бағрим қона дўнди, найлайин?
Иқрори йўқ Шоҳ Аббоснинг илгидин,
Гулшаним хазона дўнди найлайин?

Умрим ҳосилидин бир уй тузаттим,
Ҳижроннинг висолини кузаттим,
Ўғлим ўлмас бирдан тирик учраттим,
Суд ишим зиёна дўнди, найлайин?

Ҳеч оғриғим йўқтир Шоҳсанам сандин,
Ажал етиб жоним чиқса бу тандин,

Ёру дўст юзини дўндарди мандин,
Яхшилар ёмона дўнди, найлайин?

Аввали Шоҳ Аббос ваъдалар этти,
Ваъда қилган вазир оламдин ўтти,
Бу сўзлар ўғлимни бошиға етти,
Мозори Ширвонда қолди, найлайин?

Оводон дер: айтсам туганмас доғим,
Ғам ила бузулди қурган чорбоғим,
Ўғлим ўлган бўлса, ўчти чироғим,
Умримнинг чироғи ўчди, найлайин?

Андин сўнг Ғарибнинг божиси акасининг дардида зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб, бир ғазал ўқуди:

Етти йилдур шунқоримни учирдим,
Бориб тушти Ҳалаф Ширвон элина.
Кунда бир йиғладим, умрим кечурдим,
Кўз ёшимни қўшиб дарё селина.

Оғажон деб чор тарафа боқмадим,
Жиғо санчиб тилла ҳайкал тақмадим,
Мажнун каби бошим олиб кетмадим,
Лайли сўроғина ҳижрон чўлина.

Душманлар олдинда қизил юзим йўқ,
Оғам йўқ, элим йўқ, айтар сўзим йўқ.
Ҳижрон билан йиғламоқдин кўзим йўқ,
Чиқиб тушсам Ҳалаб Ширвон йўлина,

Аслим Бағдод эмиш масканим- жойим,
Мусофир йўллара солди худойим,
Шул кун жоним чиқса йўқтур парвойим,
Талонлар тушибдур умрим гулина.

Қардошим демишдир Шоҳсанам сани,
Диёримдин кетган Ғарибим қани?
Гулжамол дер: тангри қўймади мани,
Бугун навбат етар ажал қўлина.

Андин сўнг Ақча келиб, буларға кўнгиллик бериб, бир сўз дегани бу турур:

Ёлғончи фоний дунёда,
Ҳеч кимса омон қолмади.
Яхши кетиб навбатида,
Ўлмайин одам қолмади.

Ўлим учун емагил ғам,
Ўлмайин қолмайди одам,
Шукрини қил, ўтар бу дам,
Суд ила зиён қолмади.

Ўзини бозора солған,
Бир қиз келиб сотун олган,
Миср элинда подшоҳ бўлган,
Юсуфи канъон қолмади.

Дунёни бир кўзда кўрган,
Оқил бўлиб юртни сўрған,
Дев сарини додин берган,
Шоҳи Сулаймон қолмади.

Искандар дунёдин кечти,
Жамшид ажал майин ичти,
Не шаҳбозлар мундин кечти,
Рустами достон қолмади.

Ҳақнинг дўстидур Муҳаммад,
Уммат учун чекар заҳмат,
Бу дамни билгил ғанимат,
Шул фахри жаҳон қолмади.

Абу Бакр, Умар, Усмон,
Умматларға бўлди ёрон,
Фароҳинда пири яздон,
Ул Шоҳимардон қолмади.

Бу дунё бир кўҳна сарой,
Неча йил кечти, неча ой,
Навбатида шоҳи сарой,
Айланиб замон қолмади.

Гулниҳол дер: ёнди юрак,
Ўлмасликдин борму дарак,
Барча одам ўлса керак,

Мунда келан жон қолмади.

Андин сўнг Шоҳсанам айди: Ман бориб Ғарибнинг мозорина ёстониб «ётмасам бўлмас», - деб бир сўз дегани бу турур:

Эмди ман кетарман Ҳалаб Ширвона,
Ёрсиз бу ўлкада қарор этманам.
Сира қайғурмасман эмди бу жона,
Ёрсиз бу ерларда мадор этманам.

Бориб ёстонайин ёр мозорина,
Тўлдирди дунёни ишқ озорина,
Тангри ўтга солсун Бакр диёрини,
Бу ерларда қайтиб гузар этманам.

Ёрим тутти Ҳалаб Ширвонда ватан,
Дунёда бормикин бизлардай ўтан,
Жоним чиқиб тупроқ бўлгунча бу тан,
Ўзга била суҳбат барор этманам.

Замона бўлубтур кун-кундин баттар,
Кунда юз хаёллар бошимдин ўтар,
Фироқинг ўтина куйганим етар,
Эмди заҳар ичтим хумор этманам.

Санам айтур: ўтга ёндим жаҳонда,
Ёра етмай тоқат қолмади жонда,
Ёрим ўлган бўлса Ҳалаб Ширвонда,
Бу ерда мен эмди қарор этманам.

Шоҳсанам Бобохон деган шотириға: «Мани Ҳалаф Ширвонга олиб боринг», -деди. Бобохон қабул қилди. Шоҳсанамнинг анга бир сўз дегани бу турур:

Бир қарич тифл эдим, боқдинг, бажардинг,
Сандин ўзга ғамгусорим йўқ манинг.
Онамнинг ўрнинда қўл сутин бердинг,
Сандин ўзга меҳрибоним йўқ манинг.

Мунда турсам зарра кўнгил хушим йўқ,
Кўриб йиғламоқдин ўзга ишим йўқ,
Сандин ўзга сирим айтур кишим йўқ,
Қўлимдин туткудек ёрим йўқ манинг.

Мани олиб борғил Ҳалаб Ширвона,
Мунда кўзим тушар яхши-ёмона,
Умрим гулин бердим боди хазона,

Кўнглим истагудек ёрим йўқ манинг.

Ёрим мозорини қучиб ётойин,
Бу дунёда ман ёр-ёр деб ўтайин,
Қайтиб чиқмас юлдуз каби ботайин,
Бу ватанда ҳеч турорим йўқ манинг,

Санам айтур: Ғариб солди ҳижрона,
Манго йўл бошлағил Ҳалаб Ширвона,
Бориб ўлсам раҳм айлагин бу жона,
Тирикликка ихтиёрим йўқ манинг.

Андин сўнг Шоҳсанам Ақчани Бобохон шотирга қирқ кун муҳлат олиб келиш учун отасининг олдиға юборди. Ақча каниз Шоҳ Аббоснинг олдиға бориб, Бобохон шотирга қирқ кунгача муҳлат олиб келди. Андин сўнг Шоҳсанам бирла Бобохон шотир йўлга равона бўлди. Ақча узоқдаги Аз-бархўжасиға етказгин деб Бобохон шотирга бир сўз айди:

Мундин агар борсанг ёрим ёнина,
Орадан муҳаббат кечди дегайсан.
Ўзи унда кириб гулу гулзора,
Ваъдалар узоға тушди дегайсан.

Ҳеч баҳра очолмас ёзу баҳорда,
Сайр этиб кезарлар гулу гулзорда,
Кимса бел боғлидур аҳду иқрора,
Кимлар билан бошин қўшди дегайсан.

Хўжа деб бош қўйдим отанг дорина,
Шоҳ дедим илиндим зулфинг торина,
Тўққуз йилдур бу ночорнинг ерина,
Ҳар бир куним ойдай ўтди дегайсан.

Шиддатли савдолар тушубдур бадтар,
Чеккан оҳим қачон ул ёра етар,
Ҳар еган овқатим қон бўлиб ўтар,
Муҳаббатнинг қуш учди дегайсан.

Гулниҳол дер: бизга фалак қасд этар,
Бу айрилиғ бир ниҳолни нест этар,
Фироқинг косаси мани маст этар,
Бол ўрнига оғу ичди дегайсан.

Андин сўнг Шоҳсанам канизлари бирлан хайр-хўшлашиб, аларга қараб, бир сўз деди:

Кетарман Ҳалаб Ширвона,

Қариндошлар, хуш қол эмди.
Бизнинг билан юрган жонлар,
Биродарлар хуш қол эмди.

Бизнинг билан хилват тутиб,
Оғу болин бирга ютиб,
Ақча келин от кўтариб,
Гулниҳолим, хуш қол эмди.

Барчани бир кўзда кўран,
Элу халқнинг додин беран,
Тангрининг даврини суран,
Жоҳил отам, хуш қол эмди.

Тўққуз ой, ўн кун кўтаран,
Боқиб камола етиран,
Кулли меҳнатдин ўтиран,
Ғариб онам, хуш қол эмди.

Бир кўрмадим ул маҳрами,
Ёрим кетар чоқдан бари,
Қирқ канизимнинг сардори
Гулниҳолим, хуш қол эмди.

Эмди пора куяр жоним,
Қўзғолди оҳу фиғоним,
Меҳнатли солғон чорбоғим,
Ватандошлар, хуш қол эмди.

Бизни тангри бўйла этди,
Ёр ўлди, деб хабар етди,
Шоҳсанам Ширвона кетди,
Диёрбакр, хуш қол эмди.

Бобохон шотир Шоҳсанамни олиб кетти. Неча вақтлар йўл юриб борур эрди. Бобохоннинг кўнгли айниб: Муни Ширвонга олиб боргунча ўзим олсам бўлмасми? – деб Қозоқ қалъасиға олиб кетти. Йироқдан бир минора кўринди. Анда Шоҳсанам: -Бу на Ширвон минорасидурму? –деб сўради. Бобохон: -Бу Ширвон минорасидур, -деди. Шоҳсанам Ширвон қалъасиға келдим, -деб бир сўз деди:

Шукр эмди келдим Ҳалаб Ширвона,
Ёр мозори бўлган ера етишдим.
Бакр тепасида ваъда айтишиб,
Ғариб келиб ўлан ера етишдим.

Етти йилдур ёрим шунда бўлубдур,
Ўзин ошиқ бозорина солибдур,
Манинг учун армон билан ўлубдур,
Ёрим тупроқ бўлан ера етишдим.

Манинг учун ўзин солиб ҳижрона,
Мусофирлик била бўлуб ҳамхона,
Гўзал ёрим кўрсам мунда ғойибона,
Мусофирлик бўлан ера етишдим.

Етти йил қўшулдим нотавон билан
Кўриша билмадим Ғарибжон билан,
Ёрим улфат бўлуб хорозмон билан,
Ёр адашиб кетан ера етишдим.

Шоҳсанам қиз ёнди ҳижрон ўтина,
Қойилман Ғарибнинг эътиқодина,
Ёр-ёр деюб ёндим ажал ўтина,
Жанозасин қилан ера етишдим.

Андин сўнг Бобохон «Эй Шоҳсанам, ўлик арслондин, тирик сичқон яхшироқ. Ғариб ўлибтур, эмди мани қабул қилғил, сани Қозоқ шаҳрига олиб келдим», -деди. Анда Шоҳсанам унга қараб бир сўз деди:

Кўнглим эмди кечгил фоний дунёдин,
Бир муршид этагин тутмасам бўлмас.
Эмди қўл кўтардим ҳирс дунёсидин,
Бош олиб бир ёна кетмасам бўлмас.

Ёр кўрмакка тангри тақдир этмаса,
Жон боринда жасад пора этмаса,
Шотир мани сўзим қабул этмаса,
Кўз юмиб дунёдин ўтмасам бўлмас.

Қаҳбо фалак қўймас ёра бормоға,
Ёр боринда ўзим қарор этмоға,
Бу ерга келтурди мани олмоға,
Ман бунинг бошиға етмасам бўлмас.

Ҳалаб деб кетирди Қозоқ тушина,
Мани олмоқ учун кўнгил хушина,
Ман буни умрининг учар қушина,
Тўр қурибам тутиб олмасам бўлмас.

Кел, Шоҳсанам шукр айлагил бу дама,
Бу ерга келдим деб зарра ғам ема,
Эмди манга кўрмак йўқтур ҳеч кима,
Бир ёт ўлкаларга кетмасам бўлмас.

Анда Шоҳсанам шотирға: Агар манго ошиқ бўлсанг, бу шаҳардин қирқ марта қирқ турли неъмат келтуриб бергил, - деди. Бобохон унинг шартини қабул қилиб, қирқ мартаба қирқ турли неъмат келтириб берди. Анда Шоҳсанам шотирға яна бир сўз деди:

Муҳаббат солиб ороға,
Бу кун ёр жонона юзлан.
Ошиқлик дарди қўзғолиб,
Бугун айши кона юзлан.

Бир-биринан кўнгил олиб,
Дол бўйнима қўлинг солиб,
Фалак сандин жафо олиб,
Бу кун алиф, лома юзлан.

Тўлиб-тошиб Жайҳун бўлуб,
Қизил кийиб гулгун бўлуб,
Бу кун ошиқ Мажнун бўлуб,
Лайли деб коф, лома юзлан.

Муҳаббат эшикин очиб,
Юлдуз каби ёниб-ўчиб,
Қутилдик Диёрдин қочиб,
Қўл тутиб салома юзлан.

Шоҳсанам дер: қайнаб-жўшиб,
Муҳаббат билан беллашиб,
Икки ниҳолдек чирмашиб,
Эмди бу айёма юзлан.

Андин сўнг Шоҳсанам Бобохонға: Аввал чашмага тушиб, ўзингни покиза қилиб кел, -деди. Бобохон чашмага тушиб, бир замон туруб эрди, унинг бели синди. Андин сўнг Шоҳсанам унга қараб бир сўз деди:

Арз этайин фалак санинг қўлингдин,
Ҳар замон ғавғоли фоний дунёсан.
Кеча-кундуз ёндим афкорлиғингдин,
Бир мақом этмали фоний дунёсан.

Ҳар кун анчаларга кўзинг тикарсан,
Деганингки, охир уйин йиқарсан,
Жон берганинг бирин охир ютарсан,
Суди йўқ зиёни фоний дунёсан.

Ҳар киши бошига мурассаъ кияр,
Мафтункор дунёни ман олдим деяр,
Дунёда ҳар кимса лойиқ от қўяр,
Ҳаммага мотамли фоний дунёсан.

Шоҳсанам дер: -Бу кун ғариблар бўлдим,
Бир тоза гул эдим, эмди ман сўлдим,
Мунингдек номарда ман дучор бўлдим,
Барчага мотамли фоний дунёсан.

Шоҳсанам шу тариқа шотирни ўлдириб, анинг кийимларини кийиб, йўлға равона бўлиб, бир сўз деди:

Ғам ея, ғам ея келдим бу ерга,
Эмди бу жаҳондин беғам излайин.
Мусофирлик билан тушдим бу ерга,
Ўзимга бир улфат, ҳамдам излайин.

Ғариб учун якка туштим бу юрта,
Ҳамроҳ бўлдим Бобохондай номарда,
Эмди кўнглим, бу кулфата, бу дарда,
Бир йўлдош бўлғуси одам излайин.

Ғариб учун бўлдим беҳуду дарбанд,
Манга оғу бўлди, санго шакар-қанд,
Бу куна шукр этиб бўлайин хурсанд,
Қачонгача мунда мотам излайин.

Келгин кўнглим эмди дўнма дунёдин,
Юсуф каби юз қайтармам жафодин,
Ҳақ айирди сани номард ҳамроҳдин,
Бир хароба жойи манзил излайин.

Шоҳсанам дер: ёрсиз не куним кечар,
Қаҳбо фалак кунда юз тўним бичар,
Биров таниб дўст-душмандин сўз қочар,
Киши кўрмас ерда мотам излайин.

Шоҳсанам Қозоқ шаҳри ичига кириб борур эрди, миршаб тутиб, уни зиндонға ташлади. Санам чоҳнинг ичинда ўтириб бир сўз деди:

Ғариб дўстим санинг учун,

Яхши куним ёмон бўлди.
Зулайҳо деб Юсуф каби,
Манзилгоҳим зиндон бўлди.

Мусофирлик тушти боша,
Зор ўлдим қавм-қардоша,
Боғда гул эрдим бинафша,
Замон нечук замон бўлди.

Ғам фироқингда қолибман,
Сарғайиб гулдай сўлибман,
Ёвуз туҳматга қолибман,
Суд ишларим зиён бўлди.

Фалак солди ёвуз дарда,
Йўлиқдим ҳар бир номарда,
Ёр истаб келдим бу ерга,
Қутилмоғим гумон бўлди.

Шоҳсанам дер мискин бошим,
Тинмай оқар кўздин ёшим,
Чоҳнинг ичинда йўлдошим,
Илон бирлан чаён бўлди.

Шоҳсанам шоҳ ичида ўлтуриб, қариндош-уруғларини ёд этиб, бир сўз деди:

Яратган биру бор- қодир худойим,
Ўзинг етуш оҳу зорима манинг.
Қисматим шу бўлди, надур гуноҳим,
Ўтлар солдинг кору борима манинг.

Барчанинг отаси ҳазрати Одам,
Санга пайғамбарлик бўлди мусаллам,
Бу чоҳнинг чинда қўлим тут бу дам,
Раҳм айлағил ҳоли зорима манинг.

Бехабар ваҳий келтран Жаброил,
Иброҳим Халилнинг ўғли Исмоил,
Ҳақнинг фармонига бўлибтур қойил,
Раҳм айлағил ҳоли зорима манинг.

Ҳақнинг бир расули Ҳазрати Мусо,
Ой нуридин бўлған Ҳазрати Исо,
Бошға арра қўйған ҳазрат Зикриё,

Раҳм айлағил ҳоли зорима манинг.

Зиндонда бўлубтур хўблар била хўб,
Ҳақнинг балосига сабр этган Аюб,
Юсуфнинг отаси ҳазрати Яъқуб,
Раҳм айлағил ҳоли зорима манинг.

Зиндонда бўлубтур ғамим фаровон,
Ҳақнинг дўсти бўлған ул Шоҳимардон,
Абу Бакр, Сиддиқ, Умар ҳам Усмон,
Раҳм айлағил ҳоли зорима манинг.

Ул Юсуф худодин топди камолот,
Чоҳнинг ичиндин чиқди саломат,
Бу кун манго тушди ваҳм -қабоҳат,
Раҳм айлағил ҳоли зорима манинг.

Санда ҳеч бўлмади мундайин мақсуд,
Қайда борсам ишим бўлмади беҳбуд,
Забурни хатм этган Ҳазрати Довуд,
Раҳм айлағил ҳоли зорима манинг.

Мани бу зиндондин айлағил халос,
Ҳазрат Али, Аббос, ёхуд Алғиёс,
Ўзингсан сирдошим ё ибн Аббос,
Раҳм айлағил ҳоли зорима манинг.

Ҳеч кимса бу ерда бўлмади ғамхор,
Мусофирман ҳақдин ўзга кимим бор,
Пирим Султон Вайис ул ибн Ғаффор,
Раҳм айлағил ҳоли зорима манинг.

Ҳасан бирла Ҳусан шоҳиду шодмон,
Ҳамроҳим бўлубтур қоронғи зиндон,
Шоҳсанамнинг пири ул Шоҳимардон,
Раҳм айлағил ҳоли зорима манинг.

Зиндонбон Шоҳсанамнинг овозини эшитиб, бориб подшоҳга айди. Анда подшоҳ: Андоғ бўлса, олиб кел, кўрай, - деди. Зиндонбон Шоҳсанамни олиб борди. Подшоҳ ундан: -қайдин бўлурсан? –деб сўради. Шоҳсанам ўз ҳолини баён қилиб, подшоҳга бир сўз айди:

Бир гўзал жонон дардидин,
Туганмас ҳижрона душдим.
Мажнун каби Лайли деюб,

Чўлдин чўлистона душдим.

Бўлмади ҳеч киши ҳамдам,
Ишим бўлди кунда мотам,
Яхшилик кўрмадим бир дам,
Кундин-кун афгора душдим.

Охир ўларман бул ғамдин,
Дардим ортар дамба дамдин,
Қутилмадим бул дардлардин.
Дарди бедармона душдим.

Бир шотир кетурди мунда,
Юртимда шоҳ, мунда банда,
Миршаб тутиб қилди зинда,
Туҳматдин зиндона душдим.

Ўз элимда озода ман,
Бир парига дилдора ман,
Аббос ўғли шаҳзода ман,
Келиб бағри қона душдим.

Бу сўзни эшитиб подшоҳ Шоҳсанамни тахтга чиқарди. Неча кундин сўнг Шоҳсанам ўз вилоятиға кетар бўлди. Подшоҳ унга Отажон бўлус деган шотирни ҳамроҳ қилиб юборди. Неча кун йўл юриб у Диёрбакрга борди. Шотирни неча кунлаб зиёфат қилиб сийлаб яна қайтариб юборди. Ўз шаҳриға келиб, ҳолини Ақчаға баён қилиб бир сўз дегани турур:

Бўлмағайдим кошки бошда онамдин,
Бу дунёга келиб роҳат кўрмадим.
Ғариб бирла аҳди паймон этгали,
Қайғу-ғамдин ўзга неъмат кўрмадим.

Ғарибим кетали Ҳалаб Ширвона,
Мани қўйди қайғу била ҳижрона,
Топмадим дардима ҳаргиз дармона,
Сиримни айтмоққа улфат кўрмадим.

Ўзи учун олиб борди Қозоға,
Ул мани солондир чўх-чўх балоға,
Бобохондин юз йил бўлдим содоға,
Ҳеч кимдин яхшилик асло кўрмадим.

Шотирни ўлдирдим қирқ йўл югуртиб,
Сувға солдим заҳар пардасин йиртиб,

Ўзим чоҳа солдим насибам тортиб,
Қайғу меҳнат ичра роҳат кўрмадим.

Шоҳсанам дер: умрим хуши бузилди,
Муҳаббат риштаси мандин узилди,
Пешонама бу қисматлар ёзилди,
Ғамдин ўзга зарра роҳат кўрмадим.

Алқисса, андин сўнг неча маҳал ўтди Шоҳ Аббос Шоҳсанамни Шоҳвалад деганга берур бўлди. Шоҳ Аббос Шоҳсанамга киши йибардиким, қизим қабул қилсин. Санам айди: «мандин даркорлиғи бўлса, етти ой тўй берсун», -деди. Шоҳсанамнинг кўнглига келдики, етти йилдин етти ой қолибтур, деди. Етти ой тўйнинг овозаси етти ойлик йўлга кетар, деди. Агар Ғариб омон бўлса, эшитиб келадур, деди. Шоҳвалад қабул қилиб, етти ой тўй берур бўлди. Тўйни бошладилар. Диёрбакрнинг улуғ-кичиги, созанда гўяндаси Шоҳсанамнинг кўшки атрофида қўш тутуб, етти ойгача завқ томошо қилдилар. Аммо неча кунлардин сўнг бир кеча саҳар чоғи Шоҳсанам уйқудин уйғонди. Кўнглига айди: Бу Шоҳвалад неча кунлардин бери тўй берур. Қани кўрайин неча ой бўлибтур, деб ҳисоб қилди. Етти кун қолибтур. Шоҳсанам бетоқат бўлуб, кўшкнинг устига чиқди. Кўрдиким, кўшкнинг атрофинда одамлар ётибдур. Ўшал вақтда субҳидамнинг шамоли эсиб ўта берди. Шоҳсанамнинг йўлга қараб бир сўз дегани бу турур:

Эсуб-эсуб келан субҳнинг шамоли,
Мани арзим севар ёра дегайсан.
Бир очилғон янги тоза гулзори,
Йиғлаб-йиғлаб яна қолди, дегайсан.

Тоғларнинг бошини олибдур туман,
Ялончи дунёда соғ бўлсун омон,
Яқоси тугмали, обрўси камон,
Мани йиғлаганим зора дегайсан.

Манинг ёрим фироқ ичра ётибдур,
Ишқин ўти тинмай жондин ўтибдур,
Ҳажри озор жигарима ботибдур,
Тўлибдур жигари қона дегайсан.

Ҳаётим бўлмишдур манинг ғамхона,
Кўрган одам ҳайрон қолур мастона,
Шоҳсанам қиз бағри бўлди бирёна,
Борсанг бирин-бирин сўра дегайсан.

Алқисса, андин сўнг Ақча уйқудин уйғониб кўрдиким, Шоҳсанам ёнинда йўқ. Қулоқ солди, Шоҳсанамнинг овози кўшкнинг устидин келадур. Ақча Шоҳсанамнинг ёниға борди. Айди: Эй, Шоҳсанам, сан қабоҳат ишни

қилдинг. Сани овозингни номаҳрамлар эшитти, деб қўлидин тутуб тортти. Шоҳсанам айди: «Эй, Опа, бу дардки манга етибдур, ман билурман сан на билурсан, ман санга деяйин, эй Ақча опа», деб бир сўз айтғони:

Ман санго деяйин эй, Ақча опа,
Дардим кучлук бўлса, йиғламайинму?
Боғим хазон уруб, гулим сўлдуруб,
Дардим кучлук бўлса, йиғламайинму?

Манинг ёрим ўзи йиғлаб келадур,
Манинг юрак бағрим қона тўладур,
Ё бир бевафоға кўнгил берадур,
Дардим кучлук бўлса, йиғламайинму?

Дошимдадур ғам-қайғунинг думони,
Ёр солди бошима охир замони,
Бугун билмай дўстлар яхши-ёмони,
Дардим кучлук бўлса, йиғламайинму?

Ман найлайин бағрим пора бўлибтур,
Айролиғ дардини Олло солибтур,
Шоҳсанам дер: бахтим қаро бўлибтур,
Дардим кучлук бўлса, йиғламайинму?

Алқисса, андин сўнг Ақча айди: Эй Шоҳсанам, санинг ёрингдин айрилғонингға етти йил бўлибтур. Манинг айрилғонимға ўн йил бўлибтур. Дўст-душманға бир нуқта сўз айтғоним йўқ. Кўб бесабр бўлмоғил. Келғил саҳарға таҳорат қилиб икки ракъат намоз ўқуғоли. Қани сан ёрингни тушингда кўрарсан. Ё ман кўрарман;-деди. «Агар сан кўрсанг Ғариб келур-деди. «Азбархожа келса, кароматли хожадур», деди. «Этагига ёпуш-ёпушсанг муродинг ҳосил бўлур, деди. Етиб келиб иккиси ёттилар. Шоҳсанам ёрини тушинда кўрмади.

Аммо Ақча ёрини тушинда кўрди. Азбархўжа келиб турур. Шоҳсанамнинг кўшки остиға йилмояни миниб чин-чин, ҳалқа-ҳалқа камари баландда, тумоғли қуш қўлинда, келиб турди. Ақча бу ҳолатни кўрди. Уйқудин уйғонди. Кўрди, туши фарз вақти кўрибтур. Шоҳсанам ҳам уйқудин уйғонди. Иккиси таҳорат қилдилар. Намоз ўқуб бўлдилар. Ақча айди: «Эй Шоҳсанам, ёрингни тушингда кўрдингму?». Шоҳсанам айди:«Эй опа ёримни тушимда кўрмадим, сан кўрдингму?»-деди. Ақча айди: «Ори, балли ман кўрдим, келиб турур». Шоҳсанам айди: «Эй, Ақча, манинг кўнглум паришондур. Кўрган тушингни соз бирла айтғил, эшитайин», -деди. Ақча хўб бўлур, деб соз олиб сўз айтғони бу турур:

Шу кеча ётурдим бир аҳвол кўрдим,
Магар раҳмон ила шайтон вакилдур.

Ки ман шайтон дедим, раҳмон экандур,
Вали, авлиёлардин алар вакилдур.

Ки пирлардин Али шери худо бор,
Ҳасан бирла Ҳусайин карбало бор,
Худонинг навкари Ғавсул Ғиёс бор,
Мадад айлар бу дам қуръон вакилдур.

Ки зулфим халқаси ёрнинг белинда,
Тумоғли қарчиғай бордир қўлинда,
Раият бор фироқининг чўлинда,
Бу сир-асрор эранлардин вакилдур.

Лаби ширин-шакар ул оби ҳаёт,
Ки тиллари эрур ҳам қанду новвот,
Қилай бу аҳволни мен санго иршод,
Бу сир-асрор эранлардин вакилдур.

Ақча Шоҳсанамдин бу сўзни эшитиб, йўлга равона бўлди. Ҳалабга бориб, Ғарибга Шоҳсанамнинг аҳволини баён қилуб, бир сўз деди:

Келтур деб юборди мани,
Қаро бағрин қон айламиш.
Ишқинг бирла ақли шошиб,
Кўзини гирён айламиш.

Ийдгоҳда деюб ани,
Бир киши куйдирди мани,
Рост демиш Ғариб ўлгани,
Санам саргардон айламиш.

Эшитиб девона бўлиб,
Бизни сизга элчи қилиб,
Хонумонин ўтга солиб,
Санам кўп афғон айламиш.

Гулниҳол дер: эй, меҳрибон,
Шу кун бўлди охир замон,
Яхши куни бўлиб ёмон,
Ғам ила афғон айламиш.

Бу сўздин сўнг Ақча бирлан Ғариб Диёрбакр йўлиға равона бўлдилар. Неча кунлар йўл юриб, Диёрбакрга етдилар. Ақча Ғарибни Шоҳсанамнинг чорбоғиға қўйиб ўзи маликасининг ёнина борди. Ғариб қани? – деб Шоҳсанам унга қараб бир сўз деди:

Ҳар сабо келмадинг гулдай очилиб,

Бориб ўлибмудур, келмас Ғарибим.
Тўтидай оғзидин дурлар сочилиб,
Бориб ўлибмудур, келмас Ғарибим.

Қаҳбо фалак ёққан юрак ёғимдур,
Манинг бўйла хазон урган боғимдур,
Биза бўйла қисмат кўнгил доғимдур,
Бориб ўлибмудур, келмас Ғарибим.

Узоқ йўллармидур, анда қолдиму,
Ё хаста бўлдиму, йўқса ўлдиму,
Йўқса ўзга дигар кўнглин олдиму,
Бориб ўлибмудур, келмас Ғарибим.

Шоҳсанам қиз дерлар манинг отима,
Бир оҳ урсам олам ёнар ўтима,
Яратган худойим етгил додима,
Бориб ўлибмудур, келмас Ғарибим.

Шоҳсанам чорбоқға бориб, Ғариб бирлан дийдорлашиб, анинг бошини тизига олиб ўтирди. Анда Ғариб унга қараб бир сўз деди:

Юзи гул, сочи сумбулим,
Хабар ол булбуллар нерда?
Хўблардин хўб қизил гулим,
Сўзла, ширин тиллар нерда?

Кўнглим гинасини очай,
Жон бирла жононни қучай,
Санамжон сувдан бер ичай,
Қуйиб бергил боллар нерда?

Ман сани тиларам ҳақдин,
Фироқинг чектим йироқдин,
Бир бўса бергил яноқдин,
Тутсам нозик қўллар нерда?

Ғариб деюр: будир моҳим,
Тоғлардин ошибдур оҳим,
Рўзи қилса шул худойим,
Қучсам нозик беллар нерда?

Ғариб Шоҳсанам бирла қўшулиб, олти ой даврон сурди. Кунлардин бир кун Шоҳ Аббос қуръачисини олдиға чақириб, бўлаётган воқеалардин хабардор қилишни буюрди. Қуръачи Ғарибнинг Шоҳсанам бирла чорбоғда

эканлигини шоҳға маълум қилди. Отасининг хабар топганидин бохабар бўлган Ғариб Шоҳсанамга қараб бир сўз дегани бу турур:

Бўйним буриб, маълул-маълул сўзлайин,
Йиғла, Санам, айрилиғнинг кунидир.
Кесиб-кесиб қаро бағрим тузлайин,
Йиғла, Санам, айрилиғнинг кунидур.

Ман маълул бўлмайин ахир найлайин,
Дол бўйнинга тилла ҳайкал осайин,
Оқ қўлингга қизил хино қўяйин,
Йиғла, Санам, айрилиғнинг кунидур.

Бўйним буриб, маълул-маълул сўзлайин,
Қарор этган ваъдаларни кўзлайин,
Армоним, ҳасратим кўпдир сўзлайин,
Йиғла, Санам, айрилиғнинг кунидур.

Жудолиғни худо солди найларсан,
Эмди бизни маҳшар куни кўрарсан,
Сиё зулфинг тол-тол этиб ўрарсан,
Йиғла, Санам, айрилиғнинг кунидур.

Сиё зулфинг паришондин тузатма,
Фурсат бўлса, бизни ёрим узатма,
Ғариб келмади, деб йўллар кузатма,
Йиғла, Санам, айрилиғнинг кунидур.

Ғариб яна тазйиқдин қочиб, Бағдод томон равона бўлди. Неча кунлар йўл юриб, Бағдод шаҳриға етти. Шаҳарга кираверишда подшоҳнинг ўғлиға учради. Подшоҳнинг ўғли уни саройға олиб борди. Унинг бир божиси бор эрди. Ани Ғарибға берди. Ғариб ани қабул қилмади. Шу тариқа подшоҳнинг хизматида юриб эрди. Кунлардин бирида саройда икки гадо пайдо бўлди. Ғариб гадоларға қараб бир сўз деди:

Гашт этиб келган гадолар,
Шоҳсанамни кўрдингизму?
Жонлари чиқса фидолар,
Шоҳсанамни кўрдингизму?

Каромат этур хўжалар,
Қарорим йўқтур кечалар,
Маккадан келган ҳожилар,
Шоҳсанамни кўрдингизму?

Йиғилиб келган яхшилар,
Сифатин айган яхшилар,
Мажлисин қурган яхшилар,
Шоҳсанамни кўрдингизму?

Ғариб айтур: ўта куйдим,
Ёмон бўлди манинг дардим,
Чиққон тутун оҳим дедим,
Шоҳсанамни кўрдингизму?

Бағдод подшоси қизини Ғарибға никоҳ қилиб бериб эрди. Орадан бир ой ўтти ҳамки, Ғариб ани қабул қилмади. Подшоҳ бундан хабардор бўлиб, Ғарибни олдиға чақириб, андин сабабини сўради. Ғариб унга жавоб бериб бир сўз деди:

Эй, ёронлар, мусулмонлар,
Ман бир ёр учун йиғларман.
Юзин қайтарди гулёрим,
Севар ёр учун йиғларман.

Дардли жоннинг дармони дўст,
Ғамлик кўнгил армони дўст,
Вале кўнглум хушхони дўст,
Вафодор учун йиғларман.

Ҳар кимни дўст тутиб бўлмас,
Дўст тутиб унутиб бўлмас,
Қизил гулни сотиб бўлмас,
Харидор учун йиғларман.

Май ичарлар тўли-тўли,
Бизга тегди хазон қўли,
Дўстман деган кўптур вале,
Жонажон учун йиғларман.

Ғариб деяр:эзди дарди,
Тўтиёдур пойи гарди,
Маъшуқа қизларнинг марди,
Шоҳсанам учун йиғларман.

Бу сўздин сўнг подшоҳ Ғарибға рухсат берди. Ғариб яна йўлға равона бўлди. Борур эрди, ногоҳ бир маъраканинг устидин дохил бўлди. Сози илкида, ёр фироқи кўнглида алар Ғарибни ушлаб олдилар. Ғариб аларға арзини айтиб берди. Ул маъракада йигитлар қирқ киши эрдилар. Алар: «Сенга кўнгил хушлагудек қиз олиб берайлик», - дедилар.

Анда Ғариб аларға қараб ўз ёрини таъриф этиб, бир сўз деди:

Ёндирди жонимни, ёқди бағримни,
Сурмалидур қаро кўзлари анинг.
Сеҳрлади ишқи манинг дилимни,
Шакардин ширидур сўзлари анинг.

Ишқим зоҳир бўлди халқим, элима,
Шум рақиблар тушти манинг йўлима,
Кўзимдин оққандур қонлар белима,
Қародур қошлари, кўзлари анинг.

Нозли ёр қаҳр этиб сира боқмаса,
Ўзганинг боқиши манго ёқмаса,
Замонли ёр ишқин биза тақмаса,
Тошдин ҳам қаттидур нозлари анинг.

Ғариб ошиқ муножатда худоға,
Санинг раҳминг келмас оҳу нолаға,
Бир назар айлангиз мискин гадоға,
Қишга дўнар бўйла ёзлари анинг.

Ғарибдин бу сўзни эшитган йигитлар унга кетишга рухсат бердилар. Неча кун йўл юриб Ғариб Диёрбакрға бориб етти. Тўғри Шоҳсанамнинг чорбоғиға кириб борди. Ғариб бирла Шоҳсанам яна олти ой даврон сурдилар. Кунлардин бир кун Лазон деган канизак Ғарибға ҳазил-мазах қилиб эрди. Ғариб кишан бирлан ани урди. Каниз додлаб подшоҳнинг олдиға югурди. Дарғазаб бўлган Шоҳ Аббос Ғарибни олиб келиш учун икки ясовулни юборди. Ясовуллар бориб Ғарибни топмай келдилар. Шоҳ Аббоснинг олдиға кириб: «Топмадук», -дедилар. Бурунғидин қолған подшоҳнинг бир кекса вазири бор эрди. У Ғарибнинг олдиға бориб: «Сен дарҳол Ҳалаб Ширвонға кетғил», -деди. Ғариб яна неча кунлар йўл юриб Ҳалабға етиб келди. Анда Ғариб Азбархўжаға учради. Азбархўжа ёрини ёд қилиб бир сўз деди:

Намозгарда чиқдим Ҳалаб Ширвондин,
Ҳижронда ўртаниб қаддим дол эди.
Ёр сўроғин олдим ул Санамжондин,
Манинг ёрим оти Гулниҳол эрди.

Чошгоҳ маҳал келдим Санам ёнина,
Руҳим тоза бўлди сабз маконина,
Етти йил учрадим ҳажр конина,
Манинг ёрим оти Гулниҳол эрди.

Олтиндин тузатмиш кўшкини Санам,
Арзи ҳол этмоға йўқ отам-онам,

Ёримни йитириб саргардон манам,
Манинг ёрим оти Гулниҳол эрди.

Шоҳ Аббос ёрима қизим демишдир,
Шоҳсанам кўшкина олиб келмишдир,
Ақча кеин демак не ёмон ишдир,
Манинг ёрим оти Гулниҳол эрди.

Азбархўжа деюр: бозиргон эрдим,
Умрим хуш ўтказган бир султон эрдим.
Бир ёрнинг изинда саргардон эрдим,
Манинг ёрим оти Гулниҳол эрди.

Андин сўнг Ғариб Азбархўжани Диёрбакрга юборди. Азбархўжа бориб Шоҳсанамнинг хизматига дохил бўлди. Шоҳсанам ундан ҳол сўраб бир ғазал айди:

Шоҳсанам: Сўйла эй бозиргон қайдин келурсан,
Чор тарафдин қандай хабар берурсан.
Ростин дегил хўжа, йўқса ўлурсан,
Кўрсанг, билсанг Ғарибимдин хабар бер.

Азбархўжа:
Қилмишим не эрур, недур гуноҳим,
Масканим узоқдур, Халабда жойим,
Яратган биру бор бўлсин паноҳим,
Хабар айлай, соғдур келур Ғарибинг.

Шоҳсанам: Кишини севдиги шўйла бўларму,
Аввал суюб охир кўздин соларму,
Ёрин шуйла йиғлатибон қўярму,
Кўрсанг, билсанг Ғарибимдин хабар бер.

Азбархўжа: Ғариб бирла бизлар қардош бўлали,
Қиёматлик дўсту сирдош бўлали,
Хизматингда мудом ўйнаб, кулали,
Хабар берсам, соғдур келур Ғарибинг.

Шоҳсанам: Ростин дегил, хўжам, бўлай қариндош,
Кўз ёшим оқадур қонлар аралаш,
Ҳалаб Ширвон кетгил бўлайин йўлдош,
Кўрсанг, билсанг Ғарибимдин хабар бер.

Азбархўжа: Бизнинг билан кетсанг зотинг сўрарлар,
Ҳукм айлаб беклар тутиб оларлар,
Бизга шум рақиблар иснод қилурлар,

Хабар берсам, соғдур келур Ғарибинг.

Шоҳсанам: **А**нга хабар этмай, йўқдир қарорим,
Бошимдин кечдим, йўқ номусим, орим,
Яратган биру бор бўлсин паноҳим,
Кўрсанг, билсанг Ғарибимдин хабар бер.

Азбархўжа:
Масканим Халафдур, отимиз Азбар,
Ул турур Муҳаммад жаҳонға сарвар,
Ғариб учун Ақча қизни бизга бер,
Сабр айла, соғ эрур, келур Ғарибинг.

Шоҳсанам:
Хўжа, раҳминг келсин Шоҳсанам қиза,
Тоқ қолам, Ақчани беролмам сиза,
Ошиқим Ғарибни кетургил биза,
Кўрсанг, билсанг Ғарибимдин хабар бер.

Андин сўнг Азбархўжа айди: «Ман ўзим бориб Ғарибни топмасам, на қилурман». Шоҳсанам: «Ўзинг айдинг, Ғариб манга омондур, безарардур, -деб. Мундин маълум бўлди, гапингнинг бирон калимаси, ростлиги йўқ эркан». Алқисса, Ғарибнинг бир пичоғи минам рўмоли қолиб эрди. Уни Шоҳсанам Азбархўжаға берди. Яна бир узукни ва яна кўп зар берди. «Эй, хўжа, мундин Халаб Ширвонға борсанг, худойи тўй бер, ҳамма созандаларни йиғ»-деди. Сўнгра Ғарибни танимоқнинг аломати шу бўлурки, томоша қилиб юрурсиз. Ҳамма одамлар айш-ишрат билан машғул бўладурлар. Магар Ғарибки, ўйнамас, кулмас. Ўшанда сиз айтинг: «Эй йигит, на учун сиз гўшт тўғрамайсиз?» анда Ғариб айтур: «Эй хўжам, пичоғим йўқтур». Анда сиз шул пичоғ ва рўмолни беринг. Агар Ғариб бўлса, пичоқ ва рўмолни таниб олур. Рўмолни белиға боғлаб, пичоқни қўлиға олиб гўштни тўғрар. Агар бошқа одам бўлса, пичоқни ва рўмолни уй эгаларининг олдиға қўяр. Шундан сиз билурсиз-деди.

Андин сўнг бир коса шаробға бу узукни солинг, қўлингизға олиб чақиринг: «Шоҳсанамни севган одам шаробни ичсун»-денг. Агар шунда Ғариб бўлса келур, -деди. Андин сўнг Шоҳсанам унга қараб бир сўз деди:

Бозиргон, хўжаси Макка ҳожиси,
Оғзими талх этди фироқ ожиси,
Йиғламоқдин кўр бўлубтур божиси,
Борсанг салом дегил, келсин Ғарибим!

Бозиргон хожаси, юкин боғлади,
Санам рўмол олиб гирён йиғлади,
Олтмиш кунлик йўлни уч кун чоғлади,
Борсанг салом дегил , келсин Ғарибим!

Ота-онам қувладилар кетмадим,
Оқ юзима пардаларни тутмадим,
Шоҳваладни ҳаргиз қабул этмадим,
Борсанг салом дегил, келсин Ғарибим!

Кийган куйлагимни анга бердилар,
Гулларимни бирим-бирим тердилар,
Шоҳсанамни Шоҳваладга бердилар,
Борсанг салом дегил келсин Ғарибим!

Қиёматлик хўжам, оғам деяйин,
Айролиғ доғина токи куяйин,
Ёримни келтурсанг, ёринг берайин,
Борсанг салом дегил, келсин Ғарибим!

Йўл юрса, билурман Ошиқнинг изин,
Кўр бўлсин, кўрмасун, рақибнинг кўзи,
Отим Шоҳсанамдур, Шоҳ Аббос қизи,
Борсанг салом дегил, келсин Ғарибим.

Андин сўнг Азбархўжа кетар бўлди. Шул ерда Ақча анга қараб, бир сўз айтганининг баёни бу турур:

Жоним хўжам, қулоқ солғил додима,
Хўжам, яраларим тилим-тилимдур.
Тоқатим йўқ айролиқнинг дардина,
Хўжам, яраларим тилим-тилимдур.

Ман бу қилғон ишларингдин адоман,
Бу дардимга даво истаб гадоман,
Яна қисматдурки, ёрдин жудоман,
Хўжам, яраларим тилим-тилимдур.

Бизинг бирла на ваъдалар қилурсиз,
Жафо тиғи бирла бағрим тилурсиз,
Яна кўздин бизни солиб кетурсиз,
Хўжам, яраларим тилим- тилимдур.

Ўшал бошдин нега онадин бўлдим,
Бўйним буруб маълул-маълул йиғладим.
Бир гул эдим, булбулимдин айрилдим,
Хўжам яраларим тилим-тилимдур.

Ҳар сабо йиғларман айтиб додина,
Оҳ айласам тушарманму ёдина,

Гулниҳолнинг Ақча дерлар отина,
Хўжам яраларим тилим-тилимдур.

Андин сўнг Азбархўжа жавоб айтиб бир сўз деди:

Қаро қоши сиё дилбар ўлғунча дўнманам сандин,
Жоду кўзли аё дилбар ўлғунча дўнманам сандин.

Айтмангиз фироқ ўтини, ишқнинг ўти ёмон эркан,
Тангрим берган омонатин олғунча дўнманам сандин.

Тепадин тўкилур тупроқ манго осон, санго ёмон,
Кўзима тўкилган тупроқ тўлғунча дўнманам сандин.

Азроил бошима келиб азиз жоним олур бўлса,
Азиз жоним ер остиға солғунча дўнманам сандин.

Элтиб лаҳадга соланда, мункир-накир келанда,
Санинг раббинг ким, деганда Азбарам дўнманам сандин.

Андин сўнг Азбархўжа ўз вилоятиға борди. Уч кеча-кундуз тўй берди. Созанда-гўяндаларни жам қилди. Ҳамма одамлар ўз завқи бирлан бўлдилар. Ғариб бу хабарни эшитиб, эрта бирлан Азбархўжанинг тўйиға келди. Кўрар тўй-анжуман. Ҳар ким ўз хушвақтлиғида юрубтур. Ғарибни кўрсанг ҳеч завқи-шавқи йўқтур. Ўзини бир четга олиб ўлтурубдур. Азбархўжа Ғарибни кўрди: «Эй, йигит, сан нега гўшт тўғрамай ўлтурибсан», -деди. Ғариб айди: «Эй, хўжам, пичоғим йўқ. Анда Азбархўжа ўша пичоқ бирла рўмолни берди. Ғариб пичоқ-ла рўмолни таниди. Рўмолни белиға боғлаб, пичоқни қўлиға олиб гўшт тўғрай бошлади. Андин сўнг Азбархўжа бир коса шаробни қўлиға олди, узукни шаробға солди. Айдиким: Шоҳсанамни севган одам бу шаробни ичсун. Бир, икки, уч марта чақирди. Ҳеч ким жавоб бермади. Алқисса, тўртланчида Ғариб бориб шаробни ичди. Узук оғзига келди. Ғариб: «во дариғо, Шоҳсанам ўлган эркандур», -деди. У: «бу узук минам рўмолни, пичоқни Азбархўжа минам юборибдур, манго билдирмакка», -деди йиғлаб. Ғариб зор-зор йиғлаб бир сўз деди:

Бевафо дунёи фоний, айролиғим билмадингму,
Юракима солиб доғинг, беш кун омон қилмадингму?

Қани биздин ўтан жонлар, Довуд ўғли Сулаймонлар,
Неча асҳоб ила ёрлар, жонин олиб қўймадингму?

Найлайин эмди излари, эссиз тандаги жонлари,

Етурмай ғунча гуллари, хазон урмай қўймадингми?

Ғариб ёридин айрилиб, ер тубинда пинҳон қолиб,
Дийдор қиёматда қолиб, бир мурувват қилмадингму?

Андин сўнг, Азбархўжа: «Эй, Ғариб, йиғлама. Шоҳсанам омондур», -деди. Шунда Ғарибнинг кўнгли бузилиб, бир сўз деди:

Қўй мани зор-зор йиғлай, аҳли хаёлим олдурдим,
Подшоҳдин бўлди зулм, тоза ниҳолим олдурдим.

Ёрнинг қўли баҳробозли, доимо суҳбатли, созли,
Тўти оғизли, гул юзли, ғунча даҳоним олдурдим,

Забун бўлди манинг ҳолим, чиқар Санам учун жоним,
Бу дарда йўқтур дармоним, зулфи ҳилолим олдурдим.

Бўлмасдур эмди омоним, саримдин кечди хаёлим,
Айрилиб руҳи равоним, қоши камоним олдурдим.

Ғариб айтур: Санам ёрим, хазонлар урди гулзорим,
Кўнгилда қолди армоним, номусу орим олдурдим.

Андин сўнг Азбархўжа яна Ғарибга деди: «Эй, Ғариб, йиғлама, Шоҳсанам омондур». Ғариб: «Бу хўжа рост сўзни айтмади. Бунга бир қаттиқ сўз айтайин», -деди:

Ғариб: Бошинга дўнайин гул юзли хўжам,
Манинг ул ёримни сен нерда кўрдинг?
Ҳам кунум бир йилдур, кундузим- кечам,
Сан манинг ёримни қаерда кўрдинг?

Азбархўжа:
Шоҳсанам қиз йиғлар севар ёрим деб,
Бир рўмол гўндарди ёдигорим деб,
Шоваладдин гизлаб сени ёрим деб,
Мен сенинг ёрингни шулайча кўрдим.

Ғариб:
Шоҳсанам қиз, дерлар азиздур боши,
Йиғломоқдин ўзга йўқтур дил хуши,
Қирилдими анинг қавми қардоши,
Сан манинг ёримни қаерда кўрдинг?

Азбархўжа:
Шоҳсанамнинг кўпдур сансиз фироғи,
Жамолинг орзуси кўнглинда доғи,
Ки ҳар ҳар вилоятдин қилур сўроғи,

Мен сенинг ёрингни шулайча кўрдим.
Ғариб:
Парвоз этиб бизнинг ёрға бордингму?
Ғунчалардин тоза гулни тердингму?
Ёрим билан кўриб даврон сурдингму?
Сан манинг ёримни қаерда кўрдинг?
Азбархўжа:
Гул юзина ниқоб олиб ўтирди,
Китобини очиб, боқиб ўтирди,
Мани ёринг қиёматлик оғам деди,
Ман сани ёрингни шулайча кўрдим.
Ғариб:
Доғи ҳасрат қўйдинг кўнглим ичинда,
Мушку анбар ёрнинг қаро сочинда,
Мани ёрим етти парда ичинда,
Сан манинг ёримни қаерда кўрдинг?
Азбархўжа:

Қиёматлик синглинг бўлайин деди,
Худони ўртаға солайин, деди,
Ёримни келтургин, ёринг ол, деди,
Ман сани ёрингни шулайча кўрдим.
Ғариб:
Санам оқ кийибму йўқса қоралар,
Ханжар билан жигар-бағрим поралар,
Эмди бизга ҳаром ўлди жўралар,
Сан манинг ёримни қаерда кўрдинг?
Азбархўжа:
Шоҳсанамга тегди фаслинг ҳавоси,
Ёрдин айро тушиб тутибдур ёси,
Кийгани оладур, мискин либоси,
Ман сани ёрингни шулайча кўрдим.
Ғариб:
Чиқар эдим айвонина-кўшкина,
Ботар эдим анбарининг мушкина,
Сани, мани яротғоннинг ишқина,
Сан мани Санамим қаерда кўрдинг?
Азбархўжа:
Ҳеч ҳасрати йўқтур анинг гулиндин,
Шароби ноб ичар фироқ алиндин,
Уч куни қолибдур етти йилингдин,
Ман санинг ёрингни шулайча кўрдим.
Ғариб:

Санамнинг йўлдоши ул божим, онам,
Ғариб, Шоҳсанам деб ёнадур онам,
Хўжам, яхши сўзларингдин ман қонам,
Сан манинг ёримни қаерда кўрдинг.

Азбархўжа:

Азбархўжа айтур: бу на савдодур,
Шул замонлар Шоҳсанамга ғавғодур,
Санга сабаб бу иллати сафродур,
Ман санинг ёрингни шулайча кўрдим.

Алқисса, андин сўнг Азбар хожа Ғарибни олиб кетар бўлди. Ғариб айди: «Эй, хожа етти йилдин бери бул ерда юруб бу шаҳарда ёр – ошналар пайдо бўлғандур, ман боруб алар бирлан хўшлашиб келайин. Сиз боруб, Султон Табризийни зиёрат қилиб ўлтурунг. Ман ўшал ерга борурман», - деди. Ғариб ўзи бўладурғон момонинг уйиға келди. Момо бирлан хўшлашиб бир сўз айғони:

Ман кедарам Диёрбакр элина,
Жон моможон, сиз бу ерда хўш қолинг.
Булбулам қўнарман ёрнинг гулина,
Жон моможон, сиз бу ерда хўш қолинг.

Гўзалдур бу элнинг қишу ёзлари,
Кўлдин сув ичадур ўрдак-ғозлари,
Бу элларнинг қирқ кокилли қизлари,
Кетар бўлдим жон моможон, хўш қолинг.

Биза мунда ҳамдамликни қилонлар,
Паришон ҳолима назар солонлар,
Қавм – қардош оға-ини бўлонлар,
Кетар бўлдим қадрдонлар хўш қолинг.

Ғариб айтур: рухсат беринг кетайин,
Парвоз қилиб ёр ёнинда борайин,
Ёрим билан завқу сафо сурайин,
Кетар бўлдим жон элларим хўш қолинг.

Алқисса, андин сўнг Ғарибға рухсат бердилар. Шул вақтда нонвойнинг қизи зор- зор йиғлаб Ғарибнинг ёниға келди. Ғариб шунда анга қараб, бир сўз айғони:

Ман санга деяйин гул юзли ёрим,
Санго кўнгул берсам анда ёр йиғлар.
Инсофимни берсун ул биру борим,
Санго кўнгил берсам анда ёр йиғлпар.

Ҳасрат ўти бирлан бағрим доғладим,
Ишқ риштаси бирлан белим боғладим,
Етти йилдур йўлға қараб йиғладим,
Санго кўнгил берсам, анда ёр йиғлар.

Бўйнунг буруб, бизни маълул қилмағил,
Кўздаги ёшингни Жайҳун қилмағил,
Ўзунг Лайли, бизи Мажнун қилмағил,
Санго кўнгил берсам, анда ёр йиғлар.

Сиёҳ зулфунг сен паришон қилмағил,
Ишқ ханжари бирла бағрим тилмағил,
Келгил ёрим чашми гирён бўлмағил,
Санго кўнгил берсам, анда ёр йиғлар.

Ғариб дерлар чин ошиқнинг ўзидур,
Жоним олғон шум рақибнинг сўзидур,
Мани ёрим Шоҳ Аббоснинг қизидур,
Санго кўнгил берсам, анда ёр йиғлар.

Алқисса, Ғариб йўлға равона бўлди. Ҳалаф Ширвонда бир бобо Ҳасан ошиқ деган бор эрди. Ул етти йилдин бери айтурдиким: «Ғарибни бир кўрсам», - дер эрди. Шул кун эшитти, Ғариб кетти, деб. Созини қўлиға олиб Ғарибнинг йўлиға келди. Ғариб ани устиға келди. Бобо Ҳасан ошиқнинг бир сўз айғони:

Ният этиб, чиқдим ман шаҳри Макка,
Сўрарман жон болам, қайда борурсан?
Бу йўлларға ўзунг борурсан якка,
Сўрарман жон болам, қайда борурсан?

Ғариб айди:

Ният этдим Диёрбакр бормоқға,
Ҳасан бобо Санамжонға борурман.
Етти йилдур бир қарора келмоқға,
Ҳасан бобо Санамжонға борурман.

Ҳасан айди:

Ошиқ бўлмас киши тенги бўлмаса,
Танимаслар ани тўни бўлмаса,
Кашанданинг сира баҳри очилмас,
Ёнинда бир қабза банги бўлмаса.

Ғариб айди:

Доимо оғзинда чилимнинг найи,
Гуноҳкордур андин қирқилса пайи,
Дўзахға тушмишдир тутилиб шайи,
Ҳасан бобо Санамжонға борурман.

Бобо айди:

Осон эрмас мунда бекор ўлтурмоқ,
Аҳли дил халқина хизматлар қилмоқ,
Қари, дема болам раводур ўлмоқ,
Сўрарман жон болам, қайда борурсан?
Ғариб айди:
Тириклайин куя-куя ҳок бўлдум,
Чу дарди ишқдин сийна чок бўлдум,
Санамнинг йўлинда ман чолок бўлдум,
Ҳасан бобо, Санамжонға борурман.
Бобо айди:
Жонинга тушубтур Санамнинг ишқи,
Юракинг жўш урар селобдур ашки,
Кўзима кўринур ёрингнинг кўшки,
Сўрарман, жон болам, қайда борурсан?
Ғариб айди:
Бу дардли кўнгила дармонни солдинг,
Ошиқнинг жонина ҳижронни солдинг,
Мани ёримни кўшкин қайларда кўрдинг,
Ҳасан бобо, Санамжонға борурман.
Ҳасан айди:
Ҳасан ошиқ дерлар билсангдур отим,
Худо берсун мани жумла муродим,
Мажнун дерлар эмди манинг устодим,
Сўрарман, жон болам қайда борурсан?
Ғариб айди:
Мани сўрсанг бул ерга келганима,
Етти йилдур бу жойда юрганима,
Агар, сўрсанг, Ғариб, дерлар одима,
Ҳасан бобо, Санамжонға борурман.

Алқисса, андин сўнг Бобо айди: «эй, Ғариб, келганингда агар танҳо келган бўлсанг, танҳо борғил. Агар ҳамроҳ бирлан келган бўлсанг ҳамроҳ бирлан борғил», - деди. Бир неча насиҳат ҳам қилди. Ғариб бобонинг насиҳатини олди. Азбархўжанинг олдиға келди. Азбархўжа: «юргил кетали», - деди. Ғариб кетмади. Азбархўжа якка кетди.

Андин сўнг Ғариб тўй аҳлиға қараб: «Мани йўлға солиб юборинглар, ман вилоятимға кетурман», - деб бир сўз айғони бул турур:

Ҳар ким билмас ватаним бор, элим бор,
Ман Ғарибман, мани солинг йўлима.
Айрилиғ йўлида, дўстлар, ўлим бор,
Ман Ғарибман, мани солинг йўлима.

Ғариб бўлғанларнинг кўнгли сиқиқдур,
Бу жисмим ичинда жоним куюкдур,

Манинг ошиқлиғим халққа таниқдур,
Ман Ғарибман, мани солинг йўлима.

Бизинг доғлар сизинг доғдан аччиқдур,
Сизинг сўзлар бизинг сўздан сучикдур,
Бизга хабар келди ёрдан нечукдур,
Ман Ғарибман, мани солинг йўлима.

Бизга берган доғлар сиза ўтадур,
Қавм-қардош, оғам биза отадур,
Ожиз ерда ошиқ тутмиш хатодур,
Ман Ғарибман мани солинг йўлима.

Андин сўнг бу сўзни эшитган тўй аҳли Ғарибға рухсат бердилар. Ғариб йўлға равона бўлди. У юриб-юриб бир овулға етиб келди. Овулнинг четида икки хотин нон ёпиб, иккитаси навбат кутиб ўлтириб эрди. Улар олдиға Ғарибни чақирдилар. Ғариб уларнинг олдиға келди. Улар сўрдилар: «Қайға борурсан?» Ғариб: «Диёрбакрға борурман», -деб жавоб берди. Булар Ғарибға: Диёрбакрда киминг бор? Кетмагил, санга шу ердан бир яхши қиз олиб берурмиз, юргил дедилар. Ғариб бунга кўнмади ва ўз шаҳримға кетурман, -деди. Шунда хотинлар: «Нон пишсин, берайлик, шунгача бир нарса айтғил, -дедилар. Ғариб Шоҳсанамнинг васфини баён этиб бир сўз айди:

Дилбарим таърифин эшит,
Ой десам ойлара мангзаш.
Хўб келишибдур қомати,
Бўйлари чинора манзаш.

Гўзалларнинг подшоси,
Хўб келишибдур либоси,
Сўм тиллодин жиғоси,
Юзи олма нора мангзаш.

Санинг сўйлаган сўзларинг,
Жоним олибдур кўзларинг,
Юзима тушса юзларинг,
Гўё ширин жона мангзаш.

Қайрилибдур қалам қоши,
Бир замон бўлсам йўлдоши,
Бўйла анга ёлборишим,
Мандай интизора мангзаш.

Мискин Ғариб халққа банда,
Орзу мандин кўпдур санда,

Гул юзли ёрим келганда,
Сўзлари ул ёра мангзаш.

Андин сўнг бу ерда бир қиз Ғарибға танини бағишламоқчи бўлди. Анда Ғариб Санамнинг дардидин бир пора сўз баён қилди:

Бир сўзим бор ўртанурман демакка,
Десам ўлдурурлар, демасам ўлам.
Интизорман мен ёримни кўрмакка,
Кўрсам ўлдирурлар кўрмасан ўлам.

Сан мани сўрасанг жон ила дилдин,
Ман сени севмакка қўрқаман андин,
Хитойи бармоқли, хиноли қўлдин,
Тутсам ўлдирурлар, тутмасам ўлам.

Юр кетали ахтариб ёр изларин,
Таърифин деяйин шайдо қизларин,
Қаймоқ дудоқларин, бол оғизларин,
Эмсам ўлдурурлар, эммасам ўлам.

Гашт этали париларнинг кўзина,
Арзимни айтайин шайдо қизина,
Камон қошларина ойдек юзина,
Боқсам ўлдурурлар, боқмасам ўлам.

Келинг гашт этали, фалак ўйнина,
Шул ёрими қўлин солсам бўйнима,
Ғариб ошиқ Шоҳсанамнинг қўйнина,
Кирсам ўлдурурлар кирмасам ўлам.

Андин сўнг хотинлар «Ёрингни таърифин қилғил», -дедилар. Шунда Ғариб ошиқнинг бир сўз дегани:

Эшикли, айвонли боғчали боғли,
Хуш ажаб жойлари бордур Санамнинг,
Ошиқ ўлдурмакка гулгун жамоли,
Юзинда холлари бордур Санамнинг.

Ўзи хуш қилиқли, қўли созлидур,
Олғир лочин қушли, табли, бозлидур,
Боғли, сарҳовузли, қувли, қозлидур,
Қўлинда сўнаси бордур Санамнинг.

Гўзалдин кўп бўлур гўзалнинг фарқи,
Ҳар кима етирмак аларнинг нархи,
Қуёшдай жамоли фалакнинг чархи,

Паризод онаси бордур Санамнинг.

Келибдур ошиқлар жондин кечмакка,
Ошиқларнинг ботил йўлин очмакка,
Дилбарнинг лабидин шароб ичмакка,
Тиллодин жиғоси бордур Санамнинг.

Шоҳсанам қиз, моҳлар ичра моҳимдур,
Ою-йил чекканим шунинг оҳидур,
Ғариб Шоҳсанамнинг қиблагоҳидур,
Тилида саноси бордур Санамнинг.

Андин сўнг Ғариб яна йўлға равона бўлди. Бир пора йўл юриб эрди, ногоҳ бир оқ отлиқ изидин етти. Ғарибдин сўрди: «Қайда борурсан?» Ғариб жавоб берди: «Диёрбакр борурман». У Ғарибға айди: «Отға мингил». Ғариб отға минди. «Кўзингни юмгил», -деди. Ғариб кўзини юмди. «Кўзингни очғил», -деди. Ғариб кўзини очди ва Шоҳсанамнинг кўшкини кўрди. Ғариб отдин тушди. Ул отлиқ айди: «Эй, Ғариб, ман Ҳазрати Хизр бўлурман. Билгилки, йиғлаб-йиғлаб онанг бирла синглингнинг кўзи кўр бўлғандур. Бу дулдулнинг оёғи изидин бир сиқим тупроқ олғил. Ани онанг бирла синглингнинг кўзиға суртғил, -деди. Ғариб от оёғи изидин тупроқни олди. Қарасаки, ҳеч ким йўқ. Шоҳимардон ғойиб бўлдилар. Ғариб яна йўлға равон бўлди. Ёнидин бир қиз чиқди. Ул Шоҳсанамға монанд қиз эрди. Ғариб шул қиз учун бир сўз айди:

Дилбар мастона юрушинг,
Юрушинг ёрима мангзар.
Таманно айлар турушинг,
Туришинг ёрима мангзар.

Булбулам, қўнам боғлара,
Чидабилмам бу доғлара,
Ўтоғлардин бу ёғлара,
Чиқишинг ёрима мангзар.

Ишқ ўтини солдинг жона,
Ғам бирлан қилдинг ҳамхона,
Боқурсан сен ёна-ёна,
Боқишинг ёрима мангзар.

Ғамза бирла ўтға солдинг,
Танимдин жонимни олдинг,
Қаҳ–қаҳ отиб ўйнаб-кулдинг,
Кулишинг ёрима мангзар.

Ғарибни ўта ёқишинг,

Тиллодин хайкал тақишинг,
Ҳар ёна ярим боқишинг,
Боқишинг ёрима мангзар.

Алқисса, андин сўнг бу кўчадаги одамлар Ғарибни урдилар. Чопонларини йиртдилар. Ғариб намозшом онасининг уйиға келди. Кўрдиким, ўзининг дутори турубдур. Ғариб тилаб олди. Бир-икки нағма созлаб чалди. Буларнинг кўнгли бузулди. Йиғладилар. Ғарибнинг ҳам кўнгли бузулуб, бир нимарса дегани будур:

Мусофирлик қайғулара,
Сан йиғла, ман ҳам йиғлайин.
Меҳнатлар кўрган бул зора,
Сан йиғла, ман ҳам йиғлайин.

Юракдаги бу жўш бирлан,
Бу дилдаги хуриш бирлан,
Булбул айтур: саруш бирлан,
Сан йиғла, ман ҳам йиғлайин.

Қаро кўзлик ёшлик ўлур,
Булбул кўнгли хушлик ўлур,
Саҳарда нолишлик ўлур,
Сан йиғла, ман ҳам йиғлайин.

Бари кел эмди ҳалолим,
Булбула ҳамдам бўлолим,
Булбулдай нолиш қилолим,
Сан йиғла, ман ҳам йиғлайин.

Ман эмди йиғлаб юрубман,
Бағримни тиғлаб юрубман,
Ўғлунгдайин ман ғарибман,
Сан йиғла, ман ҳам йиғлайин.

Андин сўнг Ғарибнинг кўнгли бузилиб, онаси ва синглисиға ўзини танитмай, янабир сўз деди:

Қиссалар узоқ бўлмаса,
Она, ман ғарибман, ғариб.
Қулоқ сол орзу ҳолима,
Она, ман ғарибман, ғариб.

Бута боғларам белима,
Дуторим беринг қўлима,
Мавлон етказди элима,

Она, ман ғарибман, ғариб.

Дўсту душман қойил бўлмас,
Жафо тиғин ёра билмас,
Ғариб деб ҳам мойил бўлмас,
Шогирди Ғарибман, ғариб.

Тоғларга тушган қор эдим,
Олтин қозиқда нор эдим,
Ман Ғарибга шогирд эдим,
Шогирди Ғарибман, ғариб.

Ғариб отлиғ куюб-пишиб,
Сийнасига чўғлар тушиб,
Гул юзингга юзим тушиб,
Божи ман ғарибман, ғариб.

Андин сўнг Ғарибнинг онаси йиғлаб бир сўз дегани турур:

Етти йилдур, болам, сандин айрилдим,
Ситам этди дардинг кўзима манинг,
Айролиқ дардина туро билмадим,
Қачон тушгай юзинг юзима манинг,

Мадорим кетибдур, ҳолим кетибдур,
Баҳорим кетибдур, ёзим кетибдур,
Шаҳримнинг эгаси жоним кетибдур,
Овозинг ўхшайдур, қўзима манинг.

Қатордаги манинг норим кетибдур,
Боғларим кетибдур, борим кетибдур,
Қўйнимдин айрилиб қўзим кетибдур,
Овозинг ўхшайди қўзима манинг.

Кўзимнинг нури – равшаним кетибдур,
Дилимнинг қуввати – жоним кетибдур,
Гули гулшаним, бўстоним кетибдур,
Овозинг ўхшайдур қўзима манинг.

Ғам-андуҳлар бирлан ёзим кетибдур,
Бу дунёдин учиб ғозим кетибдур,
Кўпларим кетибдур, озим кетибдур,
Овозинг ўхшайдур, қўзима манинг.

Андин сўнг Ғарибнинг божиси Гулжамол йиғлаб бир сўз айди:

Шу кеча ётурдим, бир аҳвол кўрдим,

Эранлар келдилар шу ён ўтдилар.
Алар илгин тутиб, ёнинда юрдим,
Чилтанлар келдилар шу ён ўтдилар.

Ҳалабдин эранлар шу ён келдилар,
Ки бир даста гулдин манга бердилар,
Бошимға бир тилло жиға қўйдилар,
Азизларни кўрдим, шу ён ўтдилар.

Ғарибнинг кўзими, Санам юзини,
Оғам дерман бу сўзнинг эгасини,
Қуйиб олдим қулоғимга сўзини,
Азизларни кўрдим, шу ён ўтдилар.

Жоним бўлсун, оғамизнинг нисори,
Худоға ёлвориб айларман зори,
Етти йилдур оғамнинг йўқ хабари,
Азизларни кўрдим, шу ён ўтдилар.

Иккимиз ҳам бир эмчакдин талашиб,
Мурувват айлайин анга учрашиб,
Анга айтур эрдим: келгил келишиб,
Азизларни кўрдим, шу ён ўтдилар.

Гулжамол дер: манинг ақлу ҳушим йўқ,
Йиғламоқдин ўзга бошқа ишим йўқ,
Баҳор етар моҳим, ёзу қишим йўқ,
Азизларим кўрдим, шу ён ўтдилар.

Андин сўнг Ғариб зор-зор йиғлаб, яна ўзини танитмай, бир сўз дегани бу турур:

Аҳволимни баён қилай, эшитгил,
Ғарибингдин хабар берай, эшитгил,
Мани кўрдинг Ғарибингни кўргандай,
Ғарибингдин нишон айтай, эшитгил.

Ғарибинг келадур эмди бу ёна,
Ғарибингдин санго айтай нишона,
Ғарибингдур саломат, ҳам омона,
Ғарибингдин хабар берай, эшитгил.

Саломатдур Ғарибинг хўб бажодур,
Яқиндур ул бу манзилга келодур,
Санамнинг устинда хўб можародур,

Ғарибингдин хабар берай, эшитгил.

Ғарибим қайда, деб андиша қилма,
Ғами ҳижронни сан ҳеч пеша қилма,
Ба эъзоз сабр-тоқат сан пеша қилма,
Саломатдур Ғарибинг, сан эшитгил.

Андин сўнг саҳар вақти Ғариб Шоҳсанамнинг тўйиға кетар бўлди. У онасиға: «Эй момо, бугун Шоҳсанамнинг тўйининг охирги кунидур. Бу кеча никоҳ қиладурлар. Шоҳсанам айтибдурким: ҳар ким созанда бўлса, келиб манинг тўйимда бир ашула айтиб берса, минг танга берурман. Агар келмаса, зурриётини қирарман». «Шул дуторни берсангиз, бориб бир байт қўшиқ айтсам. Ман минг танга бирлан бир тўн олсам, тўнни кийсам, минг танга бирлан дуторни сиза келтуруб берсам»-, деди. Онаси: «Бу дуторни кўрсам, ўғлимни кўргандай бўлурман, агар уни санга берсам, келтуруб бермассан», -деди. Ғариб: «Албатта, келтурурман», -деди. Ғарибнинг синглиси: «Менинг акам ҳам шундай ғариб бўлиб юргандир. Дуторни беринг», -деди. Алқисса, дуторни бердилар. Ғариб дуторни олиб, Шоҳсанамнинг кўшки остиға борди. Кўрди бир ҳужрада чироғ ёнадур. Ғариб бориб кўрди. Бир девона қаландар ўлтирубдур. Ғариб салом берди. Иккиси кўрушди. Ғариб айди: «Сиз қайдин бўлурсиз?» Қаландар айди: «Ман Бағдод шаҳридин бўлурман», -деди. Бағдод шаҳрида Тоймас деган бир подшоҳ бор эрди. Ман эшитдим отам подшоҳнинг вазири эрди. Кунлардин бир кун подшоҳ вафот қилди. Ўғли юртини олдурди. Диёрбакр вилоятиға келди. Шоҳ Аббосға вазир бўлди. Неча кундин сўнг Ҳасан вазир ўлди. Ўғли Ғариб қолди. Айдим Ғарибни бориб кўрсам. Андин сўнг эшитдимки, Ғариб Шоҳ Аббоснинг қизиға ошиқ бўлибдур. Ғариб Ҳалаб Ширвон кетти, дедилар. Андин эшитдимки, Шоҳ Аббос Шоҳсанамни Шоҳваладга берадур, дедилар. Шоҳвалад Шоҳсанамға тўй берадур, дедилар. Етти ой тўйдин эмди ўтибдур. Шул кеча-кундузларға никоҳ қилиб берур экан, дедилар. Ман келиб шул уйда паноҳ қилдим. Кечаси шу ерда бўлурман. Кундузлари гадолиқ қилурман. Шоядки Ғарибни шу ерда топиб, мулоқот қилсам, деди. Ғариб айди: «Ман ўша Ғариб бўлурман», -деди. Боз қайтиб икковлари қучоқлашиб воғурди қилдилар. Қаландар Ғарибға бир тўн берди. Икковлари таҳорат қилиб, намоз ўқидилар. Андин сўнг Шоҳсанамнинг тўйиға бордилар. Андин сўнг Ғарибнинг шунда бир ворсоқи дегани бу турур:

Қодир олло ёрим бирлан,
Юрдигим ерлара келдим.
Ҳасратинда қон йиғлаб,
Турдуғим ерлар келдим.

Етган йиғлатиб булбули,
Гул юзли сочи сунбули,
Севар ёрнинг ширин тили,

Севдугим ерлара келдим.

Булбул кирибдур бу боға,
Овози кетар йироға,
Ёрим бирлан оқ ўтоға,
Кирдуғум ерлара келдим.

Ёрим билар сафо деюб,
Мурод-мақсудина етиб,
Оқ қўлин бўйнимға солиб,
Турдуғим ерлара келдим.

Ғариб Ошиқ ҳайрон бўлуб,
Ишқ ўтинда бирён бўлуб,
Ёр қўйнина урён бўлуб,
Ётдуғим ерлара келдим.

Алқисса, андин сўнг бу номани эшитуб, минг танга бирлан бир тўнни Ғарибға бериб, яна бир нома айтишни сўрадилар. Шунда Ғариб ёрининг берган рўмолиға қараб бир сўз айди:

Ёрим берган оқ рўмолим,
Сени қайда қўёйин ман.
Боғдан қизил гулни узиб,
Қирмизиға бўёйин ман.

Ёрим жабр айлама биза,
Сиё зулфни тўкма юза,
Сени бермам юз минг қиза,
Кел ёнима, севайин ман.

Эйнингизда бордур ола,
Бири гулдур, бири лола,
Санамжон кетма хаёла,
Қўш норингни ўйнайин ман.

Юзингдин ниқобинг олиб,
Куйдирма мени уялиб,
Сенинг бирлан қўл ушлашиб,
Кел ёнима, севайин ман.

Ошиқ Ғариб қайнаб жўшиб,
Ишқнинг ўтина тутошиб,
Карбало чўлиндин ошиб,
Кел ёнима севайин ман.

Бу сўзни эшитгандин сўнг Шоҳсанам яна бир неча моли-дунё, зари зебо ташлади. Энди Ғарибжон сал қаҳрланиб яна беш калима сўз айтар бўлди:

Ошиқларнинг иши халққа аёндур,
Манго сиз ёр керак, дунё керакмас.
Бу дунё деганинг бир бевафодур,
Манго сиз ёр керак, дунё керакмас.

Ғариб эдим кал қўйдилар отимни,
Кимга айтай сийнамдаги доғимни,
Паризодим сен эшитгил додимни
Манго сиз ёр керак, дунё керакмас.

Ҳақ олдида кечар оҳ ила зорим,
Кеча-кундуз фикри, ёди хаёлим,
Чин ошиқ на қилур дунёнинг молин,
Манго сиз ёр керак, дунё керакмас.

Ғариб ошиқ айтур: бу сўзим ростдур,
Бу дунё деганда ҳузур абасдур,
Санамжон ёр, санго, манго ким дўстдур,
Манго сиз ёр керак, дунё керакмас.

Шоҳсанам кўшкинда етти қат парда ичида ўлтуруб эрди. Ҳар созандаки келса, қулоқ солур эрди. Аммо Ғариб шул бўлғайму, деб муни билди. Ғарибни сўради. Шоҳсанам ўзини кўшкдин ташлар бўлди. Ақча келиб Шоҳсанамни қучоқлаб тутти. Айди: «Эй, Шоҳсанам, аё Ғариб бўлғой ё бўлмоғой, яна минг танга бирлан бир тўн бергил», -деди. Ғарибға яна минг танга минам тўн бердилар. Ғариб Шоҳсанамға келганин тариқасини баён айлаб, созини қўлға олиб, бир сўз айтғони бу турур:

Оғалар тун кеча Ҳалаб Ширвоннан,
Муҳаббат шаробин ичдим-да, келдим.
Айб этмангиз, дўстлар, мани келди деб,
Бир ёр савдосина тушдим-да келдим.

Юзингни ўхшатдим байрам ойина,
Қошингни мангзатдим камон ёйина,
Дилбарим, ботибман ғамнинг лойина,
Ҳалабдин бир тун-кечдим-да келдим.

Жоми майдин сўнгра бердилар биза,
Кун пешинда келдим Султон Табриза,
Ҳолу аҳволимни айтайин сиза,
Ўлинча даврими сурмакка келдим.

Дард бирла тунлари йиғлаб ўлтурдим,
Бул бошни тошлара уриб ўлтурдим,
Муҳаббат шаробин солиб ўлтурдим,
Ҳалабдан тун-кеча чиқдим-да келдим.

Худо тақдирина мен бардош этдим,
Бу кўз хуморина мен бардош этдим,
Тақдирнинг зорина мен бардош этдим,
Ҳалабдан тун-кеча чиқдим-да келдим.

Ҳалабдин чиқмишам эртадин-эрта,
Карбало чўлидин ўтдим гунорта,
Баланддан югуриб, ошоққа йўрта,
Кўп баланд тоғлардин ўтдим-да келдим.

Эранлар йўлимни қилди равона,
Дедилар: Эй, Ғариб, борғил бу ёна,
Қўлима бердилар ёрдин нишона,
Хизр нажот берди, учдим-да келдим.

Тун оқшомда кедим кулбахонама,
Сирим билдирмадим божим, онама,
Ишқнинг ярасини чекдим сийнама,
Дарё каби тўлиб-тошдим-да келдим.

Эгилсин, букилсин рақибнинг ўзи,
Ҳамиша кўр бўлсин, кўрмасин кўзи.
Қора бўлсин икки дунёда юзи,
Ишқнинг балосиннан чошдим-да келдим.

Қурбон ўлам ёрнинг қадди бўйина,
Созимни олибам кирдим уйина,
Ғариб ошиқ Шоҳсанамнинг тўйина,
Мавлон қанот берди, учдим-да келдим.

Андин сўнг юзига етти қават парда тортиғлиқ кўшкда ўтирган Шоҳсанам Ғарибга қараб бир ғазал айди:

Ғарибжон, эшитгил манинг зорими,
Санинг келганингни било билмадим.
Тарк айладим номус ила оримни,
Санинг келганингни било билмадим.

Ота-онам қувладилар кетмадим,
Гул юзима пардаларни тутмадим,

Шоҳваладни ҳаргиз қабул этмадим,
Ғарибжон, келганинг било билмадим.

Ночорман кейнингдин бора билмадим,
Сан кетгали ҳаргиз ўйнаб кулмадим,
Ғарибжон, ман санга ҳамдам бўлмадим,
Ёрим келганингни било билмадим.

Айролиғ дардидин йиғлаб юрдингми,
Ё бир ёт ўлкада сойил ўлдингми,
Ўшал борганингдан энди келдингми,
Ғарибжон, келганинг било билмадим.

Шоҳсанам дер: Шоҳ Аббоснинг қизина,
Қон йиғлатиб ёш тўлдирдинг кўзима.
Қарорим йўқ урар эрдим юзима,
Ғариб, келганингни било билмадим.

Алқисса, андин сўнг Шоҳсанам: «Эй, Ғариб, мани тутғил», -деб орномусдин кечиб кўшкдин ўзини Ғарибнинг устига ташлади. Ғариб қучоғини очиб, дарҳол қопчиб олди.

Иккови қучоқлашиб эсидин кетиб йиқилдилар. Эли-халқ буларнинг зулфи сунбулини ва ишқибозлигини кўриб ҳайрон қолдилар. Шул вақтда Шоҳсанам ҳушиға келиб, Ғарибжонга қараб бир сўз айди:

Етти йилга кетган ёрим,
Хуш келдингиз сабо билан.
Кўзим йўлда, куним кечди,
Ишим жабру жафо билан.

Ойға туташди доғлар,
Булбулнинг ўрниға зоғлар,
Ёридин айрилған йиғлар,
Етишакўр ибо билан.

Кўп бўлар ёрнинг армони,
Санамнинг қийналди жони,
Ўртади доғи ҳижрони,
Душманлара топо билан.

Қурбон бўлай ёр бўйиға,
Қўлимни солай бўйниға,
Ғариб Санамнинг қўйниға,
Кирса керак ибо билан.

Алқисса, андин сўнг, бир неча киши Ғарибнинг уйига бориб, онасиға: «Муборак бўлсин сизларға, Ғариб келди», деб хабар бердилар. Дулдулнинг изидин олинган тупроқни аларнинг кўзлариға суртдилар. Аларнинг кўзлари очилди. Кўпдан-кўп хурсандлик пайдо бўлди. Шул вақтда подшо бундан хабардор бўлди. Ул дарқаҳр бўлиб, ханжарини олиб, Шоҳваладнинг қўлиға берди. Буларни бошини кес! –деди. Шоҳвалад ханжарни қўлиға олиб бошини кесай, - деб ёниға борди, буларнинг ҳолини кўриб: «Эй, тақсир, булар учун манинг бошимни кесинг», -деб подшоҳнинг оёғиға бошини қўйди. Алқисса, аларнинг ҳолини кўриб, подшоҳ ҳам раҳм қилди. Отининг бошини буриб тўйхонадин чиқиб кетди. Ул вақтда Шоҳсанам бирла Ғарибни оқ кигизга солиб, бардор-бардор қилиб, эъзоз икром бирла кўшкка чиқариб қўйдилар. Анча вақтдин сўнг улар ўзиға келдилар. Шунда Шоҳвалад: «Эй, Ғариб, ман етти ой тўй бердим, сан ошиқи ҳақиқат эркансан», -деди. Алқисса, Ғариб бирла Шоҳсанамни Шоҳ Аббоснинг олдиға олиб бордилар. Шунда Шоҳ Аббос: «Эй, Ғариб, сан манинг бу тўйимни мотам қилдинг. Манинг қаҳримдин қўрқмадинг. Сани дорға оссам кучим етмасму? –деди. Одамлар: Шоҳвалад Шоҳсанамни Ғарибга бахшида қилди, -дедилар. Ғариб анда бир сўз деди.

Шум рақиблар ёра ёмон билдурди,
Ўлдирсалар ғайри ёр манго найлар.
Кечибман жонимдин, кулли боримдин,
Эмди номус ила ор манго найлар.

Намак каби, ҳар қозонда қайнарам,
Тушиб ишқнинг дарёсина бўйларам,
Аждарҳодек ганж устинда ўйнарам,
Ўзим ўлмагунча ёр манго найлар.

Қурбон бўлай Мустафонинг одина,
Ҳар кимни етурсин ўз муродина,
Ғариб ошиқ Шоҳсанамнинг ўзина,
Парвойи дўзах йўқ нор манго найлар.

Андин сўнг подшо маноди қилдириб, етти кеча-кундуз тўй-томоша қилди. Қози, муфтиларни чақириб никоҳи мусулмончилик бирла Шоҳсанамни Ғарибға бердилар. Андин сўнг Ғариб бирла Шоҳсанам кўшкка чиқиб, кўнгиллари жам бўлиб, ўйин-кулгига машғул бўлдилар. Анда Ғариб ноз этиб ўтирган Шоҳсанамға қараб бир сўз айди:

Ғамза бирла жоним олиб,
Ноз устина ноз айларсан.
Қабоқ қоқиб, кўзинг сузиб,
Ноз устина ноз айларсан.

Ман келибман Мажнун бўлиб,
Кўз ёшларим Жайхун бўлиб,

Жигарларим пурхун бўлиб,
Ноз устина ноз айларсан.

Ғарибнинг ҳолини сўрмай,
Қўлингни бўйнима солмай,
Бу жонингни фидо қилмай,
Ноз устина ноз айларсан.

Алқисса, андин сўнг Шоҳсанам: «Нечук ноз этдим», -деб Ғарибнинг бу сўзидан хафа бўлиб бир сўз айтғони:

Дарёлар ёқасин сайрон этардим,
Сайронлар этмадим, сан ёр кетгали,
Гўзал ошиқларни ҳайрон этардим,
Ҳайронлар этмадим, сан ёр кетгали.

Сан кетгали ақлим ҳайрон бўлибдур,
Молу мулким манинг вайрон бўлубдур,
Йиғлай-йиғлай бағрим бирён бўлибдур,
Йиғладим, кулмадим сан ёр кетгали.

Сарингга дўнайин, эй ёри Мустафо,
Шоҳсанам сурмади завқ бирлан сафо,
Онт ичали, келгил, гўзал, мусаффо,
Кулиб ўйнамадим, сан ёр гетгали.

Андин сўнг Шоҳсанам бирла Ғариб гиналарини унут қилиб, яна ўйин-кулгига машғул бўлдилар. Шунда кўшкка Азбархўжа кириб келди ва: «Эй, Шоҳсанам, сан муродингға етдинг. Ман эса қолдим», -деб бир ғазал айтғони бу турур:

Шоҳсанам, сан эшит арзи ҳолимни,
Ҳар кима ўзининг ёри керакдур.
Манго бергил бугун Ақча ёримни,
Ҳар кима ўзининг ёри керакдур.

Сан мани қиёмат оғам деярдинг,
Ёрим келтир, ёринг берай деярдинг,
Худонинг ҳақини ўртаға солдинг,
Ҳар кима ўзининг ёри керакдур.

Шоҳсанамжон хизматингни битурдим,
Ёрими деб хунобалар ичирдинг,
Анда Ғарибжонни бориб кетурдим,
Ҳар кима ўзининг ёри керакдур.

Андин сўнг Шоҳсанам бу сўзни эшитиб, уч кеча-кундуз тўй-томоша қилиб, Ақчани Азбархўжаға никоҳ қилиб берди. Ошиқлар муродиға етдилар. Тамматул китоб баавни маликул ваҳҳоб, омин!

О Ш И Қ А Л Б А Н Д

Аммо ровийлар андоғ ривоят қилурларким, Ганжи Қорабоғда бир подшо бор эрди. Отиға Шамсиқамар подшо дер эрдилар. Анинг бир ўғли бор эрди отиға Албанджон дер эрдилар. Албанджон бир куни отасининг ёниға келиб узр қилди. Эй, ота манго жавоб беринг, ман шикор қилурман. Анда подшо ўғлиға югурик от бериб, олғир қуш бериб, овға юборди. Анда отаси қирқ йигитни ёниға қўшиб, фотиҳа бериб юборди. Булар шикорға юриш қилдилар. Бир чўли майдонда борар эрди, бир товшон туриб қочди. Албанджон қуш солди, қуш товшонға назар солмай кунчиқар тарафга равона бўлди. Албанджон қушнинг изидан от чопиб кетди. Қирқ йигит ҳам кетдилар. Ул қуш қирқ кун учди. Бориб бир боға қўнди. Албанджон бориб, отдин тушиб, сиғган еридин кирди. Кўрса боғ, гуллар очилиб, булбуллар сайраб, қумрилар дам чекиб, чумчуқлар нақши маъво ўқиб турған. Эрса бу боғ Бибитарлихон парининг боғи эрди. Албанджон қушни олиб сайри ҳовуз бўйиға борди. Ондин ўтиб кўшк олдиға борди. Қопини очди, аммо тахт четида бир паризод, каниз ўрнидин турди. Албанджон буларни кўриб беҳуш бўлди. Яна ўзига келиб, кел буларни бир сўз бирлан таъриф этайин деб, алина созини олиб бир сўз айди:

Ганжи қорабоғдин келдим қошинга,
Санго жоним фидо қилмасам бўлмас.
Қўшармисан бошинг мани бошима,
Йўлингда бошимни бермасам бўлмас.

Парим ўхшар ўн тўрт оқшомли оя,
Оқ юзинда сиё зулфлари соя,
Базм айлаб ўлтириб тилло сароя,
Жавоб берсанг очиб кирмасам бўлмас.

Эгнинга кийибсан савсон даройи,
Юз минг одам олар тилло саройи,
Қошимда туғибдур муғони ойи,
Тиласа бир бўса бермасам бўлмас.

Сайр этиб юртинга келдим намозшом,
Мани кўриб нечун чиқмадинг дешон,
Агар сан чиқмасанг ҳолим паришон.
Саройдин соллониб чиқмасанг бўлмас.

Ошиқманам бир худоға ёлвориб,
Ҳасратингда келдим сани ахтариб,
Ишқ ўтинда заъфарондай сарғайиб,
Манинг бу ҳолимни сўрмасанг бўлмас.

Ошиқ Албанд айтур тинкам етурдим,
Оқ сийнамни аёзларда қотирдим,
Навкарларим боғ дешинда ётирдим,
Бир замон қучоқлаб ётмасам бўлмас.

Алқисса, Албанджоннинг бу сўзлари паризоднинг қулоғига кириб, уйғонди. Ул паризодға Бибитарлихон дер эрдилар. Канизни уйғотиб айди: «Дешонда бир одам келганга ўхшайдур, бор». Канизи ташқари чиқиб кўрарким, бир ўғлон, қўлинда соз, эгнинда қуш. Каниз сўради: «Эй ўғлон, не ердан келурсан ва қайға борурсан?» Албанджон айди: «Ганжиқорабоғдин келурман, отима Шамсиқамар подшо дерлар. Ов овлаб юрур эрдим, қушимни қочирдим. Қушим шу боға келди», - деб бир-бир баён этди. Анда каниз қайтиб, бориб: «Эй жон, эшигинга бир йигит келиб турур. Қўлинда сози ва қуши бор бир барно йигит», - деди. Паризод айди: «Чақир». Каниз чақирганидин сўнг, салом берди. Паризод айди: «Эй яхши йигит, бу жоя қуш келса қаноти куяр, қулон келса туёғи куяр. Сан нечун қўрқмай бу жоя келдинг?» Албанджон алина созини олиб бир сўз айди:

Ганжақорабоғдин келдим кўрмака,
Юрсанг ёр айланай оёқларингдин.
Сиё зулфинг тараб, қараб ўзинга,
Лабингдин бол томар, дудоқларингдин.

Билманам ниччадур ёр санинг ёшинг,
Қаламдин қийилган қорадур қошинг,
Сан айт манго, борми ўзи йўлдошинг,
Юрсанг ер инжилмас туёқларингдин.

Бу дунё беш кундур ёлғончи фоний,
Оч юзинг кўрайин мен бир меҳмони,
Ҳулладин ўрабсан бошинга шойи,
Юрсанг ер инжилмас оёқларингдин.

Пайғамбар деб ўтар умринда ошиқ,
Киприкинг кўзинга ошиқу маъшуқ,
Бибим сўзимда йўқ хеч ёлғон-яшиқ,
Қирмиздан ёқимли тирноқларингдин

Ошиқ Албанд бугун келди бу ёна,
Йўлингда жонимни берсам қурбона,
Гул юзларинг мангзар ҳуру ғилмона,
Олмаларинг олсам ман қўлларингдин.

Алқисса, андин сўнг Бибитарлихон канизларидин жавоб олиб: «Ўғлон, кетгил бу манзилда турма, отам кўрса сани ҳам ўлтирур, мани ҳам ўлтирур», - деди. Анда Албанджон алина соз олиб бир сўз айди:

Заржиға бордур бошингда,
Бер жавобингни эй пари.
Ўзингсан ўн беш ёшингда,
Бер жавобингни эй пари.

Оёғингда гулли жўроп,
Ўлтирибсан ҳулла ўраб,
Узоқ йўлдан келдим сўраб,
Сен дебон келдим, эй пари.

Соғу сўлинга боқмағил,
Қиймириб қошинг қоқмағил,
Жилвалар бирла ёқмағил,
Мен гирифторинг, эй пари.

Келибман санго алданиб,
Ёнимға келсанг солланиб,
Кунда юз минг хиёлланиб,
Ман гирифторинг, эй пари.

Бошқа ёринг йўқ бу кунлар,
Сийнамда доғ-доғ тугунлар,
Суҳбатнинг вақти шугунлар,
Ўтирма вақтинг, эй пари.

Албанд айтур, бер муродим,
Ошиқ Ойдин пир устодим,
Кўнглим сенда паризодим,
Мақсудим бергил, эй пари.

Алқисса, Бибитарлихон Албанджонға қараб бир сўз айди:

Булбулни ҳуркизди боғнинг боғбони,
Хазон урса ғунча хандон топилмас,
Бу йигитнинг кўнглиндадур армони,
Дунё ўтар беш кун даврон топилмас.

Бу на деган гўзал ваъдада турмас,
Бу на деган гулруҳ ҳеч раҳми келмас,
Кўнгил бир шишадур синса тузалмас,
Қолса кўнгил, чиқиб бу жон топилмас.

Васфингни айтмоққа дилим чекилди,
Фироқинга дўзмин белим букилди,
Кўзларимдин қонли ёшлар тўкилди,
Булбул фиғон этар бўстон топилмас.

Кежалар нолама олам уёнур,
Кўздин оққан ёша жисмим бўялур,
Ошиқ деган маъшуқина суянур,
Бу ишқнинг ўтина дармон топилмас.

Тарлихон дер: ёрим йўймағил мандин,
Олло омонатин олмағил мандин,
Агар айро тушсам Албанджон сандин,
Балли кезмакима макон топилмас.

Алқисса, Бибитарлихон пари Албанджонни ёниға олиб, бўйниға қўл солиб, сани манго олло етирди, деб бирга ўтирдилар. Анда Албанджон-нинг завқи зиёда келиб паризодға қараб хушвақт бўлиб бир сўз айди:

Арзим эшит ақлим олған паризод,
Раҳм этакўр, саннан ёринг айлансин,
Сансиз ишим манинг дод ила фарёд,
Раҳм айлагўр, саннан ёринг айлансин.

Вафо айла саннан қолсин яхши от,
Ғаниматдур бир-бировға одамзод,
Ишрат айла, турма келгил паризод,
Раҳм айлагўр, саннан ёринг айлансин.

Узоқдин келганим сан ёр учундур,
Жафолар чекканим дилдор учундур,
Ёр юртинда турғум сан зор учундур,
Раҳм этакўр, саннан ёринг айлансин.

Мақсуд пайдо бўлмас жафолар чекмай,
Кўнгил хуш бўлмайди ўйнамай-кулмай,
Дийдора тўймоқ йўқ ўлмай-қаримай,
Босған қадамингдин ёринг айлансин.

Малоҳатлар айлаб ақлимни олдинг,

Туганмас дардлара бошимни солдинг,
Бир замон кўрмасам қонима қолдинг,
Қоши қапоғингдин ёринг айлансин.

Алқисса, Албанджон бу хушомадларни айтиб Бибитарлихон парининг ақлини ҳайрон қилди. Бетоқат бўлиб анинг қарори қолмади. Албанджоннинг бўйниға қўлини солиб, боғ ичига борурмиз деб, қопуға келдилар. Паризод беихтиёр бўлиб, манглайини юқори бўсағага урди. Қон равона бўлди. Албанджон ёрининг аҳволини кўриб, бир сўз айди:

Паризодим юргил белинг букилмай,
Севар ёрим асло бел инжилмасин,
Хабардор бўл, яна калланг тегмасин,
Оёқинг қараб бос, ер инжилмасин.

Борарсан-келарсан кўрарсан ёрни,
Ман мудом чекарман оҳ ила зорни,
Омонда сақласин ҳақ биру борни,
Оёғинг босганда ер инжилмасин.

Борарсан-келарсан боғни очарсан,
Истарсан:ёр бирла қучоқлашарсан,
Бу кеча ёр бирла оқшомлашарсан,
Гардан оғримасин бел инжилмасин.

Кўп ситам айладинг бу ширин жона,
Росни десам бу сўзинг ёрим ёлғона,
Манинг юрагимни тўлдирдинг қона,
Тирноғинг қайрилиб, қўл инжилмасин.

Гул юзинга тушмиш шамс ила қамар,
Шул дилбар ошиқнинг лабидан ичар,
Эгнина турли хил мурасса кияр,
Остон ўрнингнан тур бел инжилмасин.

Албанд айтур севар ёринг деярсан,
Ёр йўлинда ширин жонни қийнарсан,
Насиб этса ёрим ўйнаб-куларсан,
Дудоқ дарпанмасин бел инжилмасин.

Алқисса, андин сўнг Албанд айди: эй, нозлим не учун беқарорсан, ўзингни бунча жафоға солурсан? Анди Бибитарлихон пари айди: Мани сан номусға қўйдинг кет, сандин манго ёр ўлмас деб, Албанджонни қўлини силтаб ташлаб юраберди. Албанджон ёрина қараб беш калима сўз айди:

Келиб оромижон дилбар,
Нега ваъдангда турмисан?
Ақлли бўл гули сарвар,
Манинг ҳолимни сўрмисан?.

Ничиксан бераҳим жаллод,
Қилиб юз ишвалар бунёд,
Алингдан ман истарман дод,
Нега ваъдангда турмисан?

Ақлсиз беадаб ночор,
Мани жоним санго тайёр,
Мани сандин умидим бор,
Нега ваъдангда турмисан?

Ўзинг кўрмакка зор эрдим,
Ман ўзим беқарор эрдим,
Йўлингда интизор эрдим,
Нечук ваъдангда турмисан?

Солдинг юрагима ёра,
Қайрилиб буёна бир қара,
Гунг ўлдинг ҳолим сўрора,
Нега ваъдангда турмисан?

Юрагим бўлди садпора,
Бўлиб ҳалқ ичра оввора,
Ёнди Албандинг бечора,
Нега ваъдангда турмисан?

Алқисса, Албанджон бу сўзни айтгандин сўнг, шояд кўнгли бўшаса деб туриб, яна бу сўзни ҳам айди:

Бир кўриб жамолингни,
Бағрим бўлди минг пора,
Маъшуқамсан, ошиқман,
Сендек жилвали ёра.

Сувратингда бўлдим ман,
Девона ҳам бечора,
Кел бари, боқиб пари,
Кўзим тушди гулзора.

Билмайки соташибман,
Бу дарда улошибман,

Парига учрашибман,
Қилди мани оввора.

Ишқ ўтина туташдим,
Қайғу -ғама улашдим,
Ғофилликда ёндащдим,
Сандай жўги айёра.

Ёндим ман, адо бўлдим,
Муштоқу фидо бўлдим,
Ишқимдин жудо бўлдим,
Ўзим санго дилхораю

Албанддир манинг отим,
Ошиқ ойдин устодим,
Бибитарлихон ёрим,
Қўйма мани озора.

Алқисса, андин сўнг Албанджон Бибитарлихон паризодға айди: баракалло санинг золимлигинга, манинг аҳволимни сўрасанг ёки жавоб берсанг, деди. Анда паризод айди: Санинг на ҳолинг бор? Анда Албанд айди: ҳолим кўп тангдур. Шунда Бибитарлихон чаккасидаги гулни олиб Гулчеҳра деган канизига берди, муни элтиб Ошиқ Албандга бергил, деди. Яна айдики, бориб айт, отам шикордан қайтгач, сўраб Албандга танимни бахш этарман, деди. Анда Гулчеҳра каниз гулни элтиб берди. Албанд гулни искаб айди: бу не меҳрибонлиғ? Каниз айди: отасидан қўрқинчи бор, отаси келгандин сўнг танини санго бахш этур, деди. Анда Албанд айди: отаси келгунча бизни термултириб қўярмикан? Эмди қўлимға созимни олиб, беш калима сўз айтай, шояд отам даркор эмас, дегай деб бир сўз айди:

Ўзим билган севар ёрим,
Аҳволимни билурмисан?
Қизил гулдин чаман боғлаб,
Биза совғат берармисан?

Жоним қурбон бу юзинга,
Қўлим солсам гул бўйнига,
Қучоғим очсам қўйнингга,
Паризодим олурмисан?

Қизил гуллар ҳарён сари,
Ёниб адо бўлдим ори,
Кел Бибитарлихон пари,
Сийнангда жой берармисан?

Эгнингда бир гирди куйлак,
Бандлари ипакдан ипак,
Худо қўшса биза керак,
Сўзим қабул қилурмиса?

Гул сийнангнинг чети оқди,
Шуҳрати оламни ёқди,
Кўксингиз ажаб юмшоқди,
Қучоғингни очармисан?

Ҳасратингда қон йиғласам,
Дийдам устида сақласам,
Пинҳон кўриб қучоқласам,
Кўп савдоға солурмисан ?

Бошингда бор қатор гажак,
Вақтидир берсанг ўпижак,
Айт отанг қачон келажак,
Шунго дейин юрармисан?

Жамолинг мисли қуёшди,
Кўрганнан ишқим дўлашди.
Ақлим кетиб бошим чошди,
Биза бошинг қўшармисан?

Сийнам чокдир, бағрим пора,
Бу сўз бўлсинму ошкора,
Худо қўшса надур чора,
Иқроримни олурмисан?

Ол қўлинга ханжар-пичоқ,
Сочвоғингни учи сочоқ,
Яхшидур очсангиз қучоқ,
Сан сийнанга олурмисан?

Нағма билан қадам боса,
Ман тиладим бир жуфт бўса,
Канизак қўлинда коса,
Ишратинга олурмисан ?

Ошиқ бўлдим ман бўйинга,
Қўлимни солсам бўйнинга,
Қучоғинг очиб қўйнинга,

Албанджонни олурмисан?

Алқисса, андин сўнг паризод айди: отам бўлса бўлаверсин, бу ой танамни санго бахш этарман, деди. Каниз бориб чақириб келди. Паризод юзидин пардани ташлаб, юз турли нозу карашма, минг турли мулоқатлар қилди. Албанд паризоднинг жамолини кўриб, бехуш бўлиб, ёр норина қўлини узатди. Анда Бибитарлихоннинг қаҳри келиб, торт қўлингни деб силтаб ташлади. Анда Табризда беникоҳ ишрат қилмоққа бўлмас, деди. Шунда Албанд яна чидамсизлик қилиб, чап норига қўлини узатди. Анда паризод яна қўлини силтаб ташлаб, айди: эй беадаб ҳароми, эмди сан харомийлиққа юз қўйдингми? ёки иззат бирлан бош қўшмоққа келдингми, деди. Анда ошиқ Албанд қўлини тортиб айди: йигит кўнгли йипак бўлур, эмди сандин кечдим, деди. Ҳар вақтки манинг ихлосим санго кўп эрди, бевафолиқ эттинг, Агар инонмасанг ихлосимни баён этайин деб, шул ерда бир ғазални ўқиди:

Қора кўзли, қамар юзли,
Ҳуснингни кўрмоққа келдим,
Паризод тарифли, сўзли,
Ҳолингни сўрмоқа келдим,

Жамолинг этайин тавоб,
Ҳасратингда бағрим кабоб,
Бир бўса берсангиз савоб,
Зулфингни ўпмака келдим.

Ойга мангзайди қабоғинг,
Қоғоздан юпқа дудоғинг,
Болдан ширидур сақоғинг,
Хизматда турмоқа келдим.

Чинора чиқдим тирмашиб,
Келибман дарда улашиб,
Санингла ётсам дўлашиб,
Қучоға кирмака келдим.

Жавҳардай қора кўзларинг,
Жонимни олар сўзларинг,
Анорга мангзар юзларинг,
Гулингни термака келдим.

Кийибсан зари зебони,
Салтанат тутар айвони,
Тарифин ёзар девони,
Жамолинг кўрмака келдим.

Албанд дер манинг одимни,
Ойдин дер пир устодимни,
Қуринг чеш, кўрай норингни,
Норингни олмоқа келдим.

Алқисса, андин сўнг Бибитарлихон икки марта қўлини силтаб ташлаганина пушаймон қилди, ақлсизлик этган эканман, деб энди ҳарчанд бўлса ўзим тавалло қилайин деб, қўлина ишқ боваротидин ўлган қамбара созини олиб, дузиб иккиси бир сўз айтдилар. Сўзлари бу турур:

Албанд:

Сандек пари бўлса, ман диндин кечдим,
Керакмассан пари кетдим ман энди,
Ошиқ ойдин пирнинг шаробин ичдим,
Керакмассан бикам, кетдим ман энди.

Тарли:

Тасаддуқинг бўлсин бу ширин жоним,
Сан ёр бўлдинг эмди дарда дармоним.
Бир олсам қўйнима йўқдур армоним,
Муносибман қий никоҳни, ол мани.

Албанд:

Оқ сийнанг устинда ётқизсанг гизлаб,
Изимда юрсанг-да бутадай бўзлаб,
Ман кетарман энди бахтимни излаб,
Керкмассан бикам, кетдим ман энди.

Тарли:

Қишни куни зимистонни ёз этгум,
Қизил кийиб қизлар билан соз этгум,
Қошим қоқиб, жилва бирла ноз этгум,
Лозим кўриб никоҳ қийиб, ол мани.

Албанд:

Узоқ ердан бир паризод кўринди,
Уни кўриб юрак бағрим эриди,
Истаганим шул парини ўзиди,
Сандин кечдим, керакмассан, қўй мани.

Тарли:

Тасаддуқинг бўлсин танда ширин жон,
Ғазал ўқиб-ўқиб бўлди бағрим қон,
Отимни сўрасанг Бибитарлихон,
Ошиқ Албанд никоҳинга ол мани.

Албанд:

Албанд ошиқинга кўрсат ўзингни,
Ғамза бирла сўзлаб қоқғил кўзингни,
Зое этма бикам қолғон сўзингни,

Олтин бирла борсанг олмасман сани.

Аммо бу сўзни қилғондин кейин Бибитарлихоннинг қаҳри келиб, шунчалик зарландим, нечук мани олмайди, деб қисинди. Кейин, Албанд-нинг жуфт ёқасиннан тутиб, ерга урсам, пора-пора бўлмасми, ё бўлмаса қўлимға ханжар олиб тўрт пора қилсам, шерларга ташласам бўлмасми, деб ўз кўнглича ўйланди. Яна ўйланиб айди: муни ўлдириб на ишим бор эрди. Бирининг отиға Йўлимбой, яни бирининг отиға Эломон, яни бирининг одиға Шоҳсувор дер эрдилар. Паризод оларни чақириб айди:бу ўғлоннинг қўлларини чизим билан теракдин боғланглар пашшада турсин, деди. Андин сўнг уч қул келиб, ўғлоннинг қўлларини товлаб орқасина банд этдилар. Анда ошиқ Албанд тўрт ёқина термулиб айди: эй Бибитарлихон жаҳонда уч юз олтмиш авлиё ўтибдур ҳеч қайсисиға роҳат кўргузмай азоб берган эрканлар, эмди ҳарна қилсанг, розиман, роҳатсиз азобни худо кўтармас деб беш калима сўз айди:

Бикам сизни излаб келиб,
Шул бўлдими мақсад манго,
Сизни дейиб, ҳасрат чекиб,
Шул бўлдими мақсад манго.

Ўлтирибсан андишанг йўқ,
Гулоб эзмакка шишанг йўқ,
Азобдан ўзга пешанг йўқ,
Шул бўлдими мақсад манго.

Ёр деюбон қайнаб-жўшиб,
Пирларнинг шаробин ичиб,
Парим сандан айро тушиб,
Шул бўлдими мақсад манго.

Рангим залил, сариқ чўпдур,
Ошиқлик аввалдин хўпдур,
Бизлар дейин бўлғон кўпдур,
Шул бўлдими мақсад манго.

Ман чекдим қайғу-изони,
Сандин топмадим мазани,
Синдирма бикам сазони,
Шул бўлдими мақсад манго.

Бибижон бу на марака,
Қўйма қулларни ҳалака,
Мани боғламанг терака,
Шул бўлдими мақсад манго.

Албанджон сийнасин доғлар,
Пашшага таланиб йиғлар,
Уч қул келиб қўлин боғлар,
Шул бўлдими мақсад манго.

Алқисса, андин сўнг Бибитарлихон ман шуни банд қилиб на чорам етар деб қулларига айтди: бориб халос қилинг, харгиз Табризда мандин баланд ёр топилмас. Ҳар вақт ёр қадрини билганда ўзи ҳам, аёғима йиқилиб келур деди. Ғуломлар ўғлонни ёздирдилар. Албанд халос бўлиб кетди. Эмди бу сўзлар бу ерда турсин, сўзни Гулиасрордин эшитинг. Гулиасрорнинг таърифи опасидан сад чандон баланд эрди. Анинг бир маҳрам канизи бор эрди, отини Сакина сардор дер эрдилар. Ул айди: арзим бор, деди. Бир қошиқ қонимдин ўтсанг айтурман, деди. Бикаси Гулиасрор пари: ўтдим, деди. Анда Сакина сардор айди: юртингга бир ўғлон келибдур. Андоғ ўғлон шаҳарда меҳмон бўлғон эрмас. Онанг бирлан кўп дохиллар қилишиб эрди. Бир важ устидин кўнгли қолиб, койишибдур, яна бир шарт қилиб турур сани олмишман, деб. Зоҳир хабари бор турур, Ботин хабарин олло таоло билур. Ва яна канизи айди: Боғ сайрина чиқсангиз, шул ўғлон гулларнинг орасинда чаман боғлаб ўлтирибдур, деди. Анда Гулиасрор парининг вақти хуш бўлиб айди: баракалло, каниз озод хатингни берайин сенинг, хазина дафинанинг калитини берайин, бибилик керак бўлса муҳримни берайин, деб ўзига оро бериб, ҳар зулфига тўрт гавҳар тақиб, сочвоғига саккиз гавҳар осиб, бир канизи тилло силобча, яна бир канизи кумуш қумғон, яна бир канизи зумрад чойнак кўтариб, бадастури подшоҳ бирлан ва яна ёниға қирқ каниз олиб, саллона-саллона, мастона-мастона минг ишваю нози-карашма бирла боға юриш қилдилар. Боға бориб бир чаманда ўлтириб, қўлинда ишқ китобидин бўлғон қамбара созини олиб минг жилва бирла бу сўзни айди:

Опамиз бирла урушиб, бўлмоғил сан ёр хафа,
Қайда бўлсанг истаюб ман олайин сани топа,
Кетгуси канизларим боғни эшикини ёпа,
Отингни бошин тутуб келсанг бу маскана чопа,
Бари кел кўришали суҳбат қурали иккимиз.

Тасаддуғи кетайин мен қопоқ устида қошни,
Йиғлабон ҳар дам тўкайин ман кўзимдин ёшни,
Ёрсиз ман найлайин, урсам юракка тошни,
Мақсудим берса худо бошға қўшайин бошни,
Бари кел кўришали даврон сурали иккимиз.

Қўлим булғаб мен санго, ёнғанимдин сўз айтаман,
Тези даст қилсанг агар, жонингни жона қотаман,
Сўзни синдирмай келсанг ёнимда олиб ётаман,
Гоҳи душман келсалар ўзим сани уйғотаман,

Косадин майлар ичиб суҳбат қурали иккимиз.

Боғ ичида оҳ уриб, ман йиғлюб ёнди юрак,
Опами юзи қора, лозиммудир санго терак,
Дури зумуррад кийиб, қирмизидир бул оқ билак,
Олло таоло рози қилса, сан йигит бизга керак,
Айшу ишрат, завқ-сафо келгил, сурали иккимиз.

Бу боғи атрофини сабза қилмиш фасли баҳор,
Ёнганимдин ман бўлибман, эмди санго интизор,
Халқ орасинда қўшарму иккимизни биру бор,
Ҳуснимиз ойла баробар, отимиз Гулиасрор,
Қўйсак элни сийналарда доғи ҳижрон иккимиз.

Алқисса, андин сўнг Ошиқ Албанд айди: эй паризод санинг айтган гап-сўзларинг қулоғимға симобдай ўрнашди. Аммо ғазалнинг сўнггида "қўйсак элни сийналарда доғи ҳижрон иккимиз" дединг, бу сўзингни тушунмадим. Анда Гулиасрор айди:сан бефаҳм экансан, анинг сабабли опам сени қувлаб юборган экан, деди. Ва тушунтириб айдики, кўп одам Табриздадур, шулардин айрилиб, Ганжиқора боғда бош қўшиб, ётсак элнинг сийнасида доғ қўйганимиз эмасму, деди. Анда Ошиқ Албанд ўз-ўзина инсоф бериб, дахлсиз манинг кўнглимни олганина қара, деб бир сўз айди:

Эй манинг кўнглимни олған офатижон қизғина,
Жонима ўтларни солған Ҳури ғилмон қизғина.

Қолмади ишқингда ором ҳам қарору тоқатим,
Ҳолима раҳм этмаган номусулмон қизғина.

Гул юзингни кўрдиму ишқингда бўлдим мубтало,
Эй мани сийнамда қўйған доғи хижрон қизғина.

Айласак бирга ишрат пир этиб бизга илтифот,
Яшнаган кўнглимни айвонида жавлон қизғина.

Юз жафо бирла висолингдин мани маҳрум этиб,
Эй малоҳат авжи узра моҳитобон қизғина.

Партави солсанг на бўлди бу бузуқ кошонама,
Ҳусни гардун узра эй меҳри дарахшон қизғина.

Ҳажри меҳнат боши бирлан санга борон айлабон,
Қилмадингму каъба кўнглимни вайрон қизғина.

Кўрсатиб ўзни пари янглиғ бўлиб кўздин ниҳон,
Ўтни Албандиға солған ҳури ризвон қизғина.

Алқисса, андин сўнг Гулиасрор айди: сан мани Бибитарлихон бирла баробар кўрма, вафоли ёримсан, сани алдаб қочмасман на еримда ҳазинг бўлса топиб олғил, муродингчалли иш қилғил, деди. Анда ошиқ Албанд айди: эй паризод, ростингму ё ёлғонингму? Анда Гулиасрор айди:агар манинг ўйиним бўлса, отамиз ҳазрати Одам рози бўлмасин, деди. Бу сўздин Ошиқ Албанднинг зиёда вақти хуш бўлиб, Гулиасрорни таъриф этиб бир сўз айди, ғазали Албанджон бу турур:

Кел ҳо кўнглим уллисидин қайтали,
Сўрсам энди киччисини тилиннан,
Киччисини таъриф этиб айтали,
Сўрсам энди киччисининг тилиннан.

Яғирнина солур қирқ ўрим сочин,
Бириси паридур, бириси лочин,
Киччисининг бўйи эрур уч аршин,
Сўрсам энди киччисининг тилиннан.

Бир кўнглим айтади қуш бўлиб учсам,
Бориб киччисининг белидан қучсам,
Лабидин ошиқлик шаробин ичсам,
Болин сўрсам киччисининг тилиннан.

Покизадир якто дунёда ўзи,
Кўнглимда жойлашди ҳар айтган сўзи,
Жаллода мангзайди кўрганда кўзи,
Болин сўрсам киччисининг тилиннан.

Ошиқ айдин маҳтал этмамиш андин,
Кўйлаги елвирар шамол урандир,
Ўлтирур киччиси боғнинг тўринда,
Олиб сўрсам киччисининг тилиннан.

Гул ичинда турар ойнинг пораси,
Ўлтиргани турур гуллар ораси,
Олло қўшса топилади чораси,
Олиб сўрсам киччисининг тилиннан.

Покизадир якто дунёда ўзи,
Кўнглимда жойлашди ҳар айтган сўзи,
Жаллода мангзайди кўрганда кўзи,
Болин сўрсам киччисининг тилиннан.

Ганжи қорабоғда қўй-қўчқор сўйиб,
Базм этибон бирга дийдора тўйиб,
Оқ сийнани яна сийнага қўйиб,
Қучиб сўрсам киччисининг тилиннан.

Уллиси қўлиннан келибман дода,
Мунинг каби пари йўқдур жаҳонда,
Ўзидай ишқибоз йўқдур дунёда,
Яна сўрсам киччисининг тилиннан.

Ман парини таъриф этарман бунда,
Жўгидир уллиси, киччиси сода,
Киччисидай пари йўқдур дунёда,
Бориб сўрсам киччисининг тилиннан.

Парим санинг танинг сутдан оқ экан,
Ман сани кўрганда кўнглим чоқ экан,
Сенинг бирлан ўлсам армон йўқ экан,
Яланг сўрсам киччисининг тилиннан.

Суратингни кўриб бўлдим девона,
Киччиси ақлимни олди ғойбона,
Ҳасратда ғуломинг бўлса парвона,
Сўрсам эди киччисининг тилиннан.

Гуласрор сочларин қирқ ўрим ўриб,
Юзларим сарғайди қайғуга тўлиб,
Очиб сийнасини иккига бўлиб,
Болин сўрсам киччисининг тилиннан.

Ман жаҳонни таъриф этмишам бунда,
Ман каби жаҳонда йўқдур бир банда,
Манинг ақли ҳушим сандадур, санда,
Оқшом сўрсам киччисининг тилиннан.

Ошиқ Албанд келдим пари боғина,
Таъриф этсам етолмиман сонина,
Қайтиб ҳеч бормасман опанг ёнина,
Сўрсам энди киччи пари тилиннан.

Алқисса, андин сўнг Гулиасрор пари айди: ман санинг сўзингга муштоқ эрурман, суҳбат мақсудинг бўлса даврон сургил, деди. Ошиқ Ал-банд айди: биз сиздин ҳам муштоқ турурмиз, деди. Анда Гулиасрор пари

диздин тўшак, белбоғдин ёстиқ солиб, икки ошиқ бир-бирина қўшилиб, Лайли-Мажнундек бўлиб сийнани сийнага қўйиб, жаҳондин асло хабарлари бўлмай, дароқлашиб ётабердилар. Булар бу ерда айшу ишрат суриб, завқи сафо, аҳду вафо бирлан маст бўлиб, ишқ шаробиға тўйиб ётаберсинлар, эндиги сўзни Бибитарлихондин эшитинг. Албанджонни юборгандин сўнг, нера кетганини билмади. Боғнинг чор атрофини қидириб, гуллар орасини, тамоми ерларни қараб, топмай ичи-бағри куйиб, оҳ уриб, кўшкига келиб, қараб ҳайрон бўлиб ўлтирур эрди, қибла тарафдин бир шамол эсар эрди. Тарлихон шу шамолға қараб зор-зор йиғлаб бир сўз айди:

Эй сабо арз айларман дилдорима мандин салом,
Қошлари ёй киприки гулборима мандин салом,
Ёр учун қоним тўкарман дўстима мандин салом,
Бориб айтинг турмайин дўстима мандин салом.
Лаблари ширин – шакар жононима мандин салом,
Йиғлабон шому саҳар армонима мандин салом.

Қуш қушлаб келиб бунда турибдур манинг шаънима,
Қадрини ман билмадим ўт солди ширин жонима,
Элу халқим тушса гар ўлдирмакнинг қонина,
Маскани Ганжи Қорабоғ қурбонман сужи жонина,
Азри додимни етир гул ёрима мандин салом.

Бориб айтинг дўстима кўнглини мандин олмасин,
Бу мани қилған ишима кўнгли яна қолмасин.
Кўнглима етди шўриш дилдорима мандин салом.

Кўрсангиз айтинг яна аҳволима арз айларам,
Қошими ёйдин қоқиб кулиб-кулибам сўйларам,
Кўнгли қолғон ёрими нечук энди хуш айларам,
Гул юзи, шаҳло кўзи ул меҳрибонима салом.

Тарлихон ман найларам қайдин топарман ёр сани,
Гулзор узра изларам шому саҳарлар зор сани,
Бармоғимнинг устина тилло узук лойиқ мани,
Ҳақнинг ўзи салмоғай орамиза шармандани,
Гулюзи, шаҳло кўзи ул жонажонима салом.

Алқисса, Тарлихон пари бу сўзларни айтиб, ҳайрон бўлиб ўлтириб эрди, оҳ уриб, йиғлаб, юз пушаймонлар қилур эрди. Оқшомни йиғлаб ўтказди. Тонг отғонидин сўнг, ўз кўнглина шубҳа қилди. Шул боғнинг ичинда бўлмасин, деб равона бўлди. Гулиасрор пари опам охири келур, деб кўшкка чиқиб ўлтирди. Тарлихон паризод Гулиасрорнинг боғина бориб, гуллар орасини бир-бир қараб топмади. Кўшкина равона бўлди. Бориб са-

ройнинг қописини очди. Қараса Албанджон ноз уйқусинда ётибдур. Тарли пари қаради, қолган кўнгли хуш бўлиб, ёрини уйғотмоқ ишқида бир сўз айди:

Чиқдим хоса хонадин,
Кўзим тушди шул оя.
Кўриб ёрнинг жамолин,
Шукр айладим худоя.

Қора кўзли, қора соч,
Ёринг келди кўзинг оч,
Ҳазар қил, ағёрдин қоч,
Ёринг келмиш тур уйғон.

Икки юзинг лоладур,
Боқишинг жон оладур,
Ишқинг ўта соладур,
Ёринг келмиш, тур уйғон.

Келдим қошимни қоқа,
Жилвада элни ёқа,
Оч кўзинг, манго боқа,
Ёринг келмиш, тур уйғон.
Кўзларинг кўрсам анор,
Шаҳлоси ўтдай ёнар,
Ўпганни меҳри қонар,
Ёринг келмиш, тур уйғон.

Мисли ойдек юзларинг,
Боғингда булбулларинг,
Маржон каби лабларинг,
Ёринг келмиш, тур уйғон.

Оламда бир ўзлари,
Балли айтган сўзлари,
Шаҳло турур кўзлари,
Оч кўзингни, тур уйғон.

Бош учингда соз этдим,
Зимистонни ёз этдим,
Қошим қоқиб ёз этдим,
Ёринг келмиш, тур уйғон.

Маъзур санго Албанджон,
Ёлборурман бағрим қон,

Келди пари Тарлихон,
Тур ерингдин, тур уйғон.

Алқисса, андин сўнг Албанджон мунда уйғонмади. Гулиасрор пари учакда туриб, туйникдин томоша қилур эрди. Бибитарлихон Албанджонни уйғотмоқ учун яна Албанджонға қараб бу ғазални айди:

Ошиқ бўлдим рафторинга, созинга,
Қоматинга жоним қурбон нигорим.
Тасаддуқман ишва бирла нозинга,
Ҳасратингда қийналди жон нигорим.

Бошинга санчибон олтин ўтоға,
Хўблар ичра кириб сайр этар боға,
Бир тори мўйинга олам садоға,
Юз нозанин қиза жувон нигорим.

Оразинг зебодур шамси қамардин,
Лабларинг ширидур шаҳду шакардин,
Ғамзанг ўқи тешиб ўтар жигардин,
Ўсмали қошингдур камон нигорим.

Гулчеҳралар кўксин тутар дошинга,
Ўргиларман парвонадек бошинга,
Бош эгарман паризодлар қошинга,
Дўни гулгун моҳитобон нигорим.
Кеча кундуз васлинг айлаб сўроғин,
Кўнглим узра ёқдинг ишқинг чироғин,
Жон ичра асрадим ҳасратинг доғин,
Бибитарлихон дер қурбон нигорим.

Алқисса, Гуласрор уйнинг устинда туриб айди: эй отангга лаънат, на деб тотраб турибсан, санго ёр уч юлдузда, Тарлихон айди:укам, ёш киччи ёш уллини ёнинда одобли бўлса керак. Гулиасрор айди:Ҳурилиқо билан Ҳуризаъфарон Ҳамроға ошиқ бўлди. Ҳурилиқо якбора Ҳамрони танлади , деб Гулиасрор опасиға қараб бир сўз айди:

Сийпалатмадинг мамангни,
Ёр маники, ёр маники.
Мундин узгил сан таъмангни,
Ёр маники, йўл саники.

Арзим эшит, мани опа,
Анинг учун бўлма хафа,
Тур кетавер чопа-чопа,
Ёр маники, йўл саники.

Опажон санго на бўлди,
Ўтди баҳор гул совулди,
Бир ҳисобдан куёв бўлди,
Ёр маники, йўл саники.

Омонлиқ опа, омонлиқ,
Қўлингдин келмас ёмонлиқ,
Санго тегсин бир замонлиқ,
Тур кетавер, йўл саники.

Инон сан манинг сўзима,
Термулиб қора кўзима,
Бир сўзда олдим ўзима,
Ёр маники, йўл саники.

Боға чиқдим қиёс билан,
Хўжа Хизр Илёс билан,
Топиб олдим ҳавас билан,
Ёр маники, ёр маники.

Албанджона бошим банда,
Сан бўлиб қолдинг шарманда,
Лабим шарбатин олганда,
Ёр маники, ёр маники.

Ганжи Қорабоғ элиннан,
Маза топдим ёр дилиннан,
Қучоқлаб нозик белиннан,
Ёр маники, ёр маники.

Ёш бўлсамда ақлим доно,
Сан қолурсан ёна- ёна,
Эмди лабим қона-қона,
Ёр маники, ёр маники.

Бу сўзлардин йўқдур пайдо,
Ошиқ Албанд санго қайда,
Лозим эрмас ишқи шайдо,
Ёр маники, йўл саники.

Наврўз бўлди фасли баҳор,
Гуллар очилур лолазор,
Бу сўзни айтди Гуласрор,

Ёр маники, йўл саники.

Алқисса, Бибитарлихон айди: номаъқул сўзларни айтма, деб Албанджон ёнина бориб, ёшим тўкилур, қоним ҳам тўкилса жонимни ҳам санинг йўлингда қурбон қилурман, деб Албанджоннинг ёқасиннан тутиб, юр бизнинг саройға деб, чакаливарди. Гулиасрорнинг қаҳри келиб, рўмолини опасининг бўйнина солиб, бўғди, ўлар ҳолинда юбарди. Кўп вақ тдин сўнг, ўзина келиб айди: сани отангга айтиб терингга сомон тиқтираман деб, туриб юраверди. Бориб отасиға арз қилди. Эй ота, арзим бор, деди. Отаси:на арзинг бор Тарлихон, деди. Тарлихон айди: синглимнинг ёмонроқ сўзи қулоқима тегди, ростму, ёлғонму деб бориб кўрсам, Албанд деган бир ўғлон бирла даврон суриб ётарлар, деди. Эрса подшо тўрт жаллодни юборди. Бор, Албандни дорға осинглар, деб. Жаллодлар йўлға равона бўлдилар. Канизлардан бири буни кўриб боғға кириб, Гулиасрорнинг кўшки саройина бориб хабар берди:эй биби, манглайинг қора бўлди, устинга жаллодлар келдилар. Гулиасрор жаллодларнинг олдиға чиқиб, зор-зор йиғлаб бир сўз айди:

Баён айланг, тўғрисини сўзланглар,
Рост сўзланг, жаллодлар кима келдингиз?
Дилбаримнан мани айро солманглар,
Сўзланглар, жаллодлар кима келдингиз?

Бугун кечдим номус билан оримдин,
Айирманглар мани севар ёримдин,
Айро тушар бўлдим бул нигоримдин,
Рост сўзланг, жаллодлар кима келдингиз?

Зор, қилманглар гулғунчадек болани,
Гирифтор айламанг ман мубталони,
Ўз бошима ўзим солдим балони,
Рост сўзланг, жаллодлар кима келдингиз?

Ман кетарман энди қопу-уйина,
Кўп гирифтор бўлдим ранги рўйина,
Ўзим ҳавас бўлдим, ёрнинг бўйина,
Рост сўзланг, жаллодлар кима келдингиз?

Опам кофир ёмон ниятлар ёзар,
Ёнимдаги ёрнинг ранглари озар,
Ошиқни бузганда худойим бузар,
Рост сўзланг, жаллодлар кима келдингиз ?

Гуласрор айтадур:бўлдим мусофир,
Мани опам бугун бўлибди кофир,
Устимиза келди икки шум кофир,

Рост сўзланг, жаллодлар кима келдингиз?

Алқисса, жаллодлар айдилар: эй Гулиасрор, тилло берсанг, сани қўйиб, ёрингни олиб кетурмиз, дедилар. Яна ҳам либосларингни бергил, бир гўваржинни ўлдириб, қониға бўяб Гулиасрорни ўлдирдик, деб борамиз. Тез бўл, подшонинг амри зоҳир бўлмасин. Гулиасрор айди: эй жаллодлар, бир замон туринг, ман Албанджон бирла розилашиб, андин сўнг чиқарман, деб Албанджоннинг ёниға бориб, бўйниға қўл солиб айди:эй Албанджон, сани подшо ўлимга буюрибдурур. Қопуда икки жаллод келиб турур, на жавоб берурсан? Албанджон ҳеч чора йўқ деб, зор-зор йиғлаб ёриға қараб бир сўз айди:

Қурбон бўлай, жоним санинг жонинга,
Ўзинг ўлдир, берма мани жаллода.
Ким интизор бўлса мани қонима,
Ўзинг ўлдир, берма мани жаллода.

Ганжи Қорабоғдин келдим пиёда,
Ҳуснингни қарасам ойдан зиёда,
Дор остинда қўйма мани уята,
Ўзинг ўлдир, берма мани жаллода.

Ўн беш йиллик йўлдир доғи-дараси,
Сандин ўтмас покизанинг сараси,
Юрагим қуввати, жоним ўраси,
Ўзинг ўлдир, берма мани жаллода.

Жон қуши банд бўлиб кезар чўлларда,
Сочинга қарасам тиллодан майда,
Маннан айро тушиб ўлтирма уйда,
Ўзинг ўлдир, берма мани жаллода.

Ошиқ Албанд дерлар отимиз бизим,
Йиғлаб қона тўлди ёр икки кўзим,
Пирларни ёд этиб турғил сан ўзинг,
Ўзинг ўлдир, берма мани жаллода.

Алқисса, Албанджон шул сўзларни айтиб йиғлаб эрди, жаллодлар копуни очиб, Албанджоннинг қўлларини боғлаб, олиб чиқдилар. Боғ дешинда юзига ниқоб парда тортиб, турган Бибитарлихон бу аҳволни кўриб, парданинг орасидан қараб кулди. Албанджон уни таниб, бундан қаҳри келиб, бир сўз айди:

Ўзинг ошиқ бўлдинг биза,
Ёр эканинг ёлғон экан.
Ёш келтирдинг қора кўза,

Ёр эканинг ёлғон экан.

Ошиқ эканингни билиб,
Изимдан мисқириб кулиб,
Ман кетган сўнг қолдинг ўлиб,
Ёр эканинг ёлғон экан.

Юлдуздай ёқарлар тонга,
Ўзинг ошиқ бўлдинг манго,
Фаҳм айлагил пандим санго,
Ёр эканинг ёлғон экан.

Шаҳрингда танҳо, яккамиз,
Кўз ёшимизни тўкамиз,
Маъзур санго жон бикамиз,
Ёр эканинг ёлғон экан.

Яратдинг айшу ишратинг,
Кўп чекдим ранжу меҳнатинг,
Кўрмадим анда роҳатинг,
Ёр эканинг ёлғон экан.

Ёрим, мувофиқинг манам,
Ёниб турган ошиқ манам,
Ўлгунча сайёдинг манам,
Ёр эканин ёлғон экан.

Раҳминг келсин ёру жоним,
Эшитгил оҳу фиғоним,
Жаллодлар ичарлар қоним,
Ёр эканинг ёлғон экан.

Дилимдадур зикри сано,
Манго мадод бергай пано,
На ёзиқ этдим, на гуноҳ,
Ёр эканинг ёлғон экан.

Чизим боғладинг қўлима,
Қаратмин соғу сўлима,
Боқиб қоларсан йўлима,
Ёр эканинг ёлғон экан.

Бугун ёниб бўлдим адо,

Тушар бўлдим ёрдин жудо,
Жоним санго бўлсин фидо,
Ёр эканинг ёлғон экан.

Ошиқ Албанд дер худойим,
Ошиқ Ойдин пир устодим,
Дор остинда ажал жойим,
Ёр эканинг ёлғон экан.

Алқисса, жаллодлар Албанджоннинг оёғини боғлаб дарров ерга текизмай олиб юрабердилар. Изидан Гулиасрор ҳам юраберди. Албанджонни дор остига олиб бориб боғладилар. Кўчанинг одамлари, ҳаммалари жим бўлдилар. Подшо қаҳрланиб, ўлдиравер, деб буюрди. Гулиасрорнинг қарори қолмади. Ул ҳам бориб йиғлаб турди. Албанджон ёрина қараб бир сўз айди:

Сани деюб шоҳ олдина тутилдим,
Қурбонинг бўлайин сен ҳам келдингми?
Иброҳим Халилдай нора отилдим,
Қурбонинг бўлайин сен ҳам келдингми?

Санинг билан даврон сурдим боғингда,
Юрагим сўлибдур ишқнинг доғинда,
Кўзингдин ёш тўкиб йўқлар чоғингда,
Ҳоли паришоним сен ҳам келдингми?

Йиғламағил ёрим, уйинга борғил,
Рақиблар дуймасин, пинҳон йиғлағил,
Опам-онам бўлиб паноҳ сақлағил,
Ҳоли паришоним сен ҳам келдингми?

Жаллодлар банд этди мани бу дора,
Бул дор оёғинда бўлдим бечора,
Манинг учун йиғла қодир жаббора,
Қурбонинг бўлайин сен ҳам келдингми?

Ошиқ Ойдин пирим бирга бўлмади,
Бу кофирлар мани кўза илмади,
Икки ошиқ боғда ўйнаб- кулмади,
Дийдаси гирёним сен ҳам келдингми?

Ошиқ Албанд айтур: кўп колди армон,
Ёр йўлинда бўлдим дийдаси гирён,
Бугун топилмади дардима дармон,
Ҳоли паришоним сен ҳам келдингми?

Алқисса, Албанджон бу сўзларни айтиб, зор-зор йиғлаб эрди, Гулиасрор айди: дунёда сандин қолиб юргунча, бурунроқ кетганим яхши деб, отасининг ёнина тўғри бориб, юзиннан ниқобини олиб, отасина қараб арз қилиб бир сўз айди:

Арзим эшит жоним ота,
Ман ёра қурбона келдим.
Бу сўзимда йўқдур хато,
Албанда қурбона келдим.

Қорабоғли дурур ўзи,
Бир шоҳнинг эрка ёлғизи,
Дора термулибдур кўз, и
Ман ёра қурбона келдим.

Пардани чекдим юзимдин,
Ёш оқиб икки кўзимдин,
Аҳволни сўрсанг ўзимдин,
Ман ёра қурбона келдим.

Сийналар чок, бағрим пора,
Бу сўз бўлмасин ошкора,
Жоним отам чекма дора,
Ўғлона қурбона келдим.

Хўжа Хизир ё машойих,
Эшитинглар, эй халойиқ,
Албанд ўғлон биза лойиқ,
Ман ёра қурбона келдим.

Ўзи Ганжи Қорабоғли,
Ёр ишқида юрак доғли,
Ростин айтсам ул адоғли,
Бир ёра қурбона келдим.

Қўшган бўлса ҳақ биру бор,
Пирларим бўлғай мададкор,
Арка қизинг Гулиасрор,
Шул ёра қурбона келдим.

Алқисса, отаси Гулиасрорнинг бу сўзларини эшитиб, вазирина қаради. Вазири айди эй подшойим, мунга андиша даркор эмас. Мунингдин ошиқ-маъшуқ аввал-охирдин бор, худо тақдиридур. Никоҳ қилиб бермак керак, деди. Андин сўнг подшоға бу сўз маъқул бўлиб, умаролари бирлан маслаҳат қилиб, 40 кун тўй бошлади. Албанджонни дордин чешиб келтирдилар. Устига

сарпойи шоҳона кийдириб, ўжоқ қаздириб, 40 кун тўй қилиб бердилар. Албанджоннинг вақти хуш бўлиб, ёрина қараб бир сўз айди:

Ул кун келиб опанг бирла танишдим,
Ёзғит бўлғонидин опанг бўш қолди.
Ошиқ Ойдин пирнинг шаробин ичдим,
Ёр алинда қанду шакар нўш бўлди.

Аввал чекдим азоб бирла меҳнати,
Жафонинг сўнгида кўрдим роҳати,
Очди қучоғини кўрдим жаннати,
Икки кўзим қона тўлиб ёш бўлди.

Шукур олло кўрдим ёрнинг жамолин,
Худойим раҳм этсин ошиқнинг ҳолин,
Ёрим эмди бергил лабингни болин,
Ҳақ таоло берди вақтим хуш бўлди.

Чаман боғлаб олдим ёрим гулларин,
Завқин топдим сайраган булбулларин,
Ширин-шакар қанду новот дилларин,
Сўриб, юракларим қайнаб жўш бўлди.

Жоним садқа бўлди санингдек ёрдин,
Умидворман сийнангдаги жуфт нордин,
Отангнинг олдида тиладинг дордин,
Олло никоҳ солди тилак душ бўлди.

Ошиқларни ҳақ етирди мурода,
Айшу ишратини қилди зиёда,
Табризда соташдим сандин зурёда,
Ошиқлик муносиб ажиб иш бўлди.

Мажнун каби мажнун бўлдим ўйингдин,
Оқ билагим чекиб олдим бўйнингдин,
Икки жаллод тортиб олди қўйнингдин,
Дапама ургани икки мушт бўлди.

Отанг дор тиғида томоша қуриб,
Ман мунда термулдим сарғайиб-сўлиб,
Насиб этиб кетиб, қучоқни очиб,
Ошиқ Албанд қайта вақтим хуш бўлди.

Албанджон бирла Гулиасрор бир неча кун даврон суриб ётаберди. Бир куни Албанджон туш кўриб, ўз элини соғиниб кетарман бўлди. Гулиасрор-

ни:тур, тез кетамиз деб қистайверди. Подшонинг ёниға бориб, жавоб тилади. Подшо рози бўлди, минг ғулом , минг сарбон, минг тилло, минг тева, оржоси бирла совғайи инъоми бирлан фотиҳа бериб юборди. Бибитарлихон буни эшитиб, синглим бирла розилашиб қолайин деб, ёнина икки канизини олиб, синглиси ёнина келиб бир сўз айди:

Кеча- кундуз қайғу кулфатда қолдим,
Биза бу қисматлар худодин бўлди.
Юрагима доғи армонлар солдим,
Биза бу қисматлар худодин бўлди.

Сани ёмонладим каъбам отанга,
Жавобин бер энди сан бугун манга,
Худо ёзган экан бош қўшди санга,
Биза бу қисматлар худодин бўлди.

Танда роҳат, юракда қуриди жон,
Сабил бўлди сўнгаким, тўкилди қон,
Кетсанг олло ёринг, хўш эй Гулижон,
Биза бу қисматлар оллодин бўлди.

Тарлихон парининг бағрини ёқди,
Кўзимда ёш қолмин сел бўлиб оқди,
Бизни қўйиб Албанд сиза йўлиқди,
Манго бу қисматлар худодин бўлди.

Алқисса, Тарлихон пари хўшлашиб йиғлаб қолди. Булар Ганжи Қорабоға равона бўлди, бир неча кун йўл юриб, Шаҳарнинг қораси кўринди. Албанджон ёрина қараб, вақти хуш бўлиб бир сўз айди:

Эй севгилим соллониб, юз минг жилва билан кел,
Ғамзанг била қош қоқиб, қўлинг бўйним сола кел,
Тўти каби суханвар сўзла ширин тила кел,
Қирмизи тўн кийганим саҳар вақти гула кел,
Илким товлаб қучайин шунқоримсан қўла кел,
Ағёра бош қўшибсан рақибдин қасд ола кел.

Беҳуда ошиқ ўлдим сандек паризода ман,
Юз минг машаққат бирла олсанг жоним ризоман,
Кундуз кўриб сувратинг кежалар бемазаман,
Ағёрлар қилмишидан доим аламзадаман,
Ол алинга ханжарни бағрим тила-тила кел.

Гўзалларнинг ичинда қиё-қиё боқарсан,
Дурни ёқиб, зумрадни Гарданинга тақарсан,
Рақиб бирла бош қўшиб жонима ўта ёқарсан,

Сан бир тўти қуш каби биёбона чиқарсан,
Гули Асрор ёрининг исм-жисми лома келди.

Ҳабибим ман ўқидим айши калома келди,
Гўзал ёрим боғина келди, салома келди,
Албанджоннинг сўзлари охир тамома келди,
Ман яхши ошиқингман сан нигорим бўла кел,
Илким булғаб қичқирсам шунқор бўлиб қўла кел.

Алкисса, Албанджон юртиға бориб, ҳамма бирла кўришиб, сўрашиб 40 кун тўй берди. Созанда, гўянда барчанинг вақти хуш бўлиб, Албанджон кўшкина чиқиб, айшу ишратда даврон суриб ётдилар. Орадан бир неча кун ўтди. Энди сўзни бошқа ердин эшитинг. Тақдири оллоға тадбир йўқ. Аммо Албанджон жума оқшоми, саҳарнинг шайтони қочиб, раҳмони келур чоғинда бир туш кўрди. Тушинда Шоҳимардон, тўрт чаҳориёр ва яна қирқ чилтан жам бўлиб Табриз шаҳринда Шоҳ Маҳмуднинг қизи Сўнажонни келтириб, иккисини бир ерда ўтқазиб, никоҳ қилиб, фотиҳа бериб қайтиб кетдилар. Албанджон сесканиб турди, туш эркан. Намозини ўқиб, беқарор бўлиб пири Ошиқ Ойдиннинг ёнина бориб, кўрган тушини баён қилиб бир сўз айди:

Жуманинг кечаси саҳар чоғинда,
Кўзима бир моҳитобон кўринди.
Жамоли барқ урар олама султон,
Сўна отли ажаб мастон кўринди.

Дуода бор эрди улуғ чилтанлар,
Соғу сўлим олди хирқа кийганлар,
Бу дунёдин ўтган тўрт минг пайғамбар,
Ҳақ саносин айтган пирлар кўринди.

Келди соғ ёнимдин бир қора киши,
Жаҳонни фатҳ этар қилғон койиши,
Хутбада турурлар ўн икки киши,
Ўтган имом тўрт чориёр кўринди.

Сийнамға тушибди ишқдин яра,
Ошиқлар ишқина бормикан чора,
Ўнг ёнимда турди ул Вайсул қора,
Қулоҳ кийган ул Норимжон кўринди.

Бағрим узра бордур манинг бир нишон,
Дуо қилсин деди ул Шоҳимардон,
Абу Бакир, Сиддиқ ул Умар, Усмон,
Баҳовуддин сармаст бузург кўринди.

Соғ ёнинда турди халифаи дин,
Қўлларинда бордур силласи шугун,
Душанба кечаси тушимда бугун,
Мақсадимни берган пирлар кўринди.

Албанд айтар: жавоб берсанг кетарман,
Худо берса мақсадима етарман,
Бу тушимни сиза баён этарман,
Ақлим олган Сўнажоним кўринди.

Алқисса, Албанджон бу сўзларни баён қилди. Пири айди:эй болам, Олло таоло санго бу давлатни бериб турур, бор санго жавоб бердим, деб фотиҳа берди. Андин сўнг отасининг ёниға бориб, жавоб тилаб турди. Отаси айди: яна на гўрлара кетарсан, деди. Адбанждон айди: тушума Сўна паризод кирди, жавоб берсангиз, шунга борурман. Подшо айди: бу шаҳарда ҳар кимнинг қизини хоҳласанг олиб берайин, ё бўлмаса Халифаи Жаҳонгирнинг қизини олиб берайин, отини Сўна қўйиб, севар ёр қилсанг бўлмими, деди. Анда Албанджон отасига қараб бир сўз айди:

Арзим эшит, одил шоҳим,
Кетурман мунда нам қолди.
Ёр йўлинда ёнди жоним,
Борурман мунда нам қолди.

Сўна дейиб бағрим бирён,
Одил бўлиб сўзла султон,
Кетмасам қолади армон,
Борурман мунда нам қолди.

Ошиқ ишқинда қолурман,
Сўнажон дейиб йиғларман,
Ёр учун кўксим доғларман,
Кетурман мунда нам қолди.

Ҳар ғамзаси жоним ёқар,
Карашмали қошин қоқар,
Зулфларина гавҳар тақар,
Кетурман мунда нам қолди.

Ҳар қиздин Сўна бўлурму,
Қилиғи жоним олурму,
Қиздин бошқа иш бўлурму,
Кетарман мунда нам қолди

Бордур анда лаъли маржон,

Ёрим дейиб чексам армон,
Ёдимдан чиқмас Сўнажон,
Изларман мунда нам қолди.

Ошиқ Албанд хақға йиғлар,
Ёр дейиб бағрини доғлар,
Гашт этибон чўлу тоғлар,
Кетарман мунда нам қолди.

Алқисса, Албанджон бу сўзларни айтиб, зарра қарори қолмади. Анда Ошиқ Ойдин пири подшонинг юбормаганини эшитиб, подшонинг ёниға келди. Бир неча сўзларни айтиб, подшодин жавоб олди.

Ошиқ Ойдин пири Албанджонга қараб бир сўз айди:

Жавоб санго инди гул юзли Албанд,
Бор Албандим, Сўна қизи изликўр.
Илойим чўлларда бермагай меҳнат,
Бор Албандим Сўна қизи изликўр.

Ошиқ бўлсанг бир оллони унутма,
Зинҳор номаҳрамнинг алиннан тутма,
Кетавер жон болам йўлингдин қолма,
Бор Албандим Сўна қизи изликўр.

Жиловингда ҳозир никоҳ қилғанлар,
Мадад бергай санго вакил бўлғанлар,
Йўлдошингдур болам раф-раф минганлар,
Бор Албандим Сўна қизи изликўр.

Ошиқларнинг тоза гули сўлмағай,
Бу ширин жонинга заҳмат бўлмағай,
Табризнинг йўллари узоқ бўлмағай,
Борғил қўзим Сўна қизни изликўр.

Бу чўлларда ҳозир ғойиб эранлар,
Қўлингдин тутгайлар рухсат берганлар,
Никоҳ қийсин болам санго чилтанлар,
Бор, Албандим, Сўнажонни изликўр.

Ойдин пиринг йўла айлади равон,
Кўнглингда армоннинг кўпдир Албанджон,
Кетмасанг Сўна деб бўларсан ҳайрон,
Бор Албандим Сўна қизни изликўр.

Алқисса, андин сўнг, пири фотиҳа берди. Албанджон зотли тарлониға миниб, рухсат олиб йўлға равона бўлди. Халифайи Жаҳонгирнинг қизи

Албанджоннинг олдиға чиқиб, ман сандин ҳозиргача умидвордурман, на учун ташлаб кетиб борурсан деб бир сўз айди:

Олғил Албанд Савсон пари саломин,
Мани қўйдинг ёрим ҳижрон ўтина.
Тилингда тутурсан ҳақнинг каломин,
Мани қўйдинг ёрим ҳижрон ўтина.

Табриза келганча бўлибсиз равон,
Сиза ошиқ эдим ман бағри бирён,
Ёрим йўлларингда кўзларим гирён,
Мани қўйдинг ёрим ҳижрон ўтина.

Сиё зулфим дол гардана солайин,
Рўзи қилса оқ синама олайин,
Боғбон бўлсанг боғим инъом қилайин,
Мани қўйдинг ёрим ҳижрон ўтина.

Кўрмасам йўқ манда заррача қарор,
Жамолинга этдинг мани интизор,
Санго бержак тўққиз кеча инъом бор,
Мени қўйдинг ёрим ҳижрон ўтина.

Сан бўлмасанг бу ерларда нишларман,
Йигитжона бу заҳматни бошларман,
Ёр олмасанг бу кўшкимни ташларман,
Мани қўйдинг ёрим ҳижрон ўтина.

Гулсавсон дер: бизни айладинг ҳайрон,
Бузилғон кўнглимни сан этдинг вайрон,
Биздин яхшимикан ёринг Сўнажон,
Мани қўйдинг ёрим ҳижрон ўтина.

Алқисса, Албанджон Савсон қизға қараб, бир сўз айди:

Юрагимда кўпдир азалдин армон,
Инжитма нозанин кўздин сол мани.
Сийнангни устинда ганжи хиромон,
Инжитма нозанин кўздин сол мани.

Ошиқ бўлғон бевафога қарарми,
Ошиқлара бад иш лойиқ бўлурми,
Ёридин ўзгага назар солурми,
Инжитма нозанин кўздин сол мани,

Табризнинг элинда манинг нигорим,

Бизга хабар юборибдур дилдорим,
Шул ёра ярашур ҳусну жамолим,
Инжитма нозанин кўздин сол мани.

Етти йил кезарман Муғон чўлинда,
Бош қўйибман Сўна қизнинг йўлинда,
Бир армоним бўлса ёрим боғинда,
Инжитма нозанин кўздин сол мани.

Сўнанинг ишқиға бўлдим беқарор,
Керакмас Сўнадин ўзгача дилдор,
Лайлига Мажнундек бўлдим интизор,
Инжитма нозанин кўздин сол мани.

Манинг ёрим шоҳ Маҳмуднинг қизидур,
Бизни кўрса яланг жилва юзлидур,
Тилларинда мудом ширин сўзлидур,
Инжитма нозанин кўздин сол мани.

Қўй дастимни манинг, йўлға кетарман,
Ҳақ ишқинда манинг, йўлға кетарман,
Шул дилдорнинг жуфт норидин тутарман,
Инжитма нозанин кўздин сол мани.

Албанд айтар: кўзда ёшим равондур,
Шул ёрнинг алинда бағрим бирёндур,
Ошиқнинг хўстори қодир мавлондур,
Инжитма нозанин кўздин сол мани.

Алқисса, Албанджон бу сўзларни айди, анда Савсон қиз айди: эй Албанджон, санго бир васият сўз айтайин, ҳоҳ қулоғингда тут ҳоҳ тутма, деб бир сўз айди:

Йигит санго бир насиҳат сўзим бор,
Аданнан топилса тўра ўтмангиз.
Сўнанинг йўллари қийиндур душвор,
Зинҳор мани ташлаб туриб кетмангиз.

Жилва бирла ишва нозлар манда бор,
Карашмали таманнолар манда бор,
Олсанг ё олмасанг санда ихтиёр,
Зинҳор мани ташлаб туриб кетмангиз.

Эр йигитсан дўстим, хайрод қилиб кет,
Кўнгил бир каъбадур қадрин билиб кет,

Ҳар ёнимдин бир жуфт бўса олиб кет,
Зинҳор мани ташлаб туриб кетмангиз.

Дилбар ҳайрон этдинг мани ҳуснинга,
Булбулдайин сайраб қўнсам гулинга,
Қўйиб кетсанг зор бўлибон изинга,
Зинҳор мани ташлаб туриб кетмангиз.

Дўстим мани десанг алифдай товлан,
Каломда бисмилло аввал ёзилған,
Расули худодир, умматим деган,
Мани кўзда ёшим гирён этмангиз.

Одимға демишлар ҳам Гули Савсон,
Ёр изингда чекар бўлдим кўп армон,
Садаганг бўлайин сани Албанджон,
Юрак -бағрим эзиб гирён этмангиз.

Алқисса, ул қиз бул сўзни айди. Анда Албанджон қизға қараб-қарамай йўлға равона бўлди. Шаҳардин чиқиб, чўлга тушиб, ничча тоғдин ошиб юрибарди. Бир неча кунлар йўл юриб, бир ўбанинг устидин етиб борди. Бу ерда Хўжа Ғойиб деган киши йўлнинг кунботаринда бир қуйи солдириб эрди. Кун чиқари боғ эрди. Ул боғда уч юз олтмиш қиз бор эрди. Бир нечаси гул териб, бир пораси завқ этиб томоша қилур эрдилар. Албанджон қизларни кўриб, ёрини сўраб бир сўз айди:

Суюкли ҳамдамлар, соҳиб таъмизлар,
Излаган Сўнадин нишон топмадим. .
Боғда сайрон этиб термадим гуллар,
Излаган Сўнадин нишон топмадим.

Сўна дейиб қолдим ажаб доғларда,
Сайраган булбуллар гул будоғларда,
Тушимда кўринди саҳар чоларда,
Излаган Сўнадин нишон топмадим.

Арз айладим сиза очилган гуллар,
Еткургил ёрима мани эй пирлар,
Сўнанинг боғинда сайрар булбуллар,
Излаган ёримдин нишон топмадим.

Ошиқ чўлда бўлиб зори саргардон,
Тиларман ёримни қодири Раҳмон,
Сўнанинг боғидур ганжи хиромон,
Излаган ёримдин нишон топмадим.

Эмди ничик айролиқа дўзарман,
Сўнасиз бу чўлда ничик кезарман,
Ажал етиб ёрдин умид узарман,
Истаган дилбардин нишон топмадим.

Қизлар Ошиқ Албанд айлар изҳори,
Пари қизлар кўрдингизми дилдори,
Билмам қайда Сўна қизнинг гулзори,
Эзилдим Сўнадин нишон топмадим.

Алқисса, қизлар Албанджоннинг бу сўзларини эшитиб, бир-биридин сўрадилар, танимадилар. Сўна отли қизлар йўқ, дедилар. Аммо уларнинг орасинда Меҳригул деган паризод бор эди, Албанджон қараб бир сўз айди:

Опа-сингил икковимиз таманно
Юринг дилбар завқи сафо сурали
Муродина ўзи еткургай олло
Юринг боғда завқи сафо сурали.

Тушимиза кириб эдинг баногоҳ,
Ошиқлар севинур ёрига ҳаргоҳ,
Опа-сингил иккимиза бўл ҳамроҳ,
Юр дилбарим боғи сафо сурали.

Боғ ичинда булбул бўлиб сайрикўр,
Ошиқ бўлсанг биза гулдан теракўр,
Иккимиза хайрод қилиб кетакўр,
Юргин боға завқи сафо сурали.

Жонимни тикарман хуснинг боғинда,
Қўйма мани айролиқни доғинда,
Неча кунлар излаб ёр сўроғинда,
Юргин боға завқи сафо сурали.

Меҳригул дер: бошлар ошиқ ишқини,
Очгай ҳар бандани манглай бахтина,
Кел нозанин тер боғчанинг гулини,
Юр, Албандим завқи сафо сурали.

Алқисса, андин сўнг Албанджон кўнглина шайтон васваса солиб, Сўна деб мудом ўртаниб юргунча буларнинг боғинда бир неча кун даврон суриб ўтсам яхши бўлмасмикан, деб отдин тушиб турган замони Ошиқ Ойдин пири ҳозир бўлиб, ҳай-ҳай болам, қабоҳат бўлди, деб Албанджонга қараб бир сўз айди:

Мундин кетар бўлсанг болам Албандим,
Жон қўзим ўзингдин хабардор бўлғил.
Шоир бўлсанг олғил насиҳат пандим,
Жон болам чўлларда хабардор бўлғил.

Тарозида ўлчаб мезон қилурлар,
Ёзиқли бандани ўтга солурлар,
Маҳшаргоҳда қаттиқ савол сўрарлар,
Жон болам ўзингдин хабардор бўлғил.

Бизни беш кун учун яратмиш жаббор,
Билиб-кўриб бўлакўрма гуноҳкор,
Синоат устида қўзим мезон бор,
Жон болам чўлларда хабардор бўлғил.

Бир буроқни ҳулла бирла безарлар,
Олтин-кумуш, қизил-яшил дўзалар,
Тўрт фаришта олиб келмиш деюрлар,
Жон болам ўзингдин хабардор бўлғил.

Болам сани бу ишларинг кўп хато,
Жаҳаннам устида сирот, гузаргоҳ,
Шул ерда солурлар бошинга жиға,
Жон болам алардин хабардор бўлғил.

Қулоғингда сақла Ойдиннинг сўзин,
Болам беникоҳни кўрмасин кўзинг,
Бор болам излайкўр Шоҳ Маҳмуд қизин,
Жон қўзим ўзингдин хабардор бўлғил.

Алқисса, Ошиқ Ойдин пири айдилар: эй болам манинг фарзандим бўлсанг асло бадномлиғ қилма деб, отга миндириб, фотиҳа бериб юбордилар. Албанджон йўлина равона бўлди. Чўли биёбонларда саргардон бўлиб юрди. Аммо узоқдин бир ёғоч кўринди. Эрса анинг тўғрисина борди. Кўрса бир чинор эркан. Соясида бир момо ўлтириб турур, Албанджон бориб салом берди. Анда момо айди: саломингнинг ҳаққи-ҳурмати учун тегмайан, йўқса икки ямлаб бир ютар эрдим, беш куннан бери карвон ўтгани йўқ эрди одам гўштига орзу эрдим. Албанджон айди:эй момо ман жаҳонгашта турурман, деди. Шул вақт чинорнинг орқасидин икки паризод келиб, Албанджоннинг жиловидин олиб кетарман бўлдилар, Албанджон отиға қамчи солди, от юрмади. Анда Албанджон худоға сиғиниб бир сўз айди:

Ерни -кўкни бор айлаган зулжалол,
Қутқар мани бевафонинг алиннан.
Арз айларман сиза яратган жаббор,

Қутқар мани бевафолар алиннан.

Бевафолар бермадилар йўлимни,
Сўлдирдилар манинг тоза гулимни,
Ёда солиб ман йиғларман бибимни,
Қутқар мани бевафонинг алиннан.

Бу чўлларда бир гадоман бенаво,
Бевафо дунёсан, аслинг бевафо,
Чўл ерларда солма бошима жафо,
Қутқар мани бевафонинг алиннан.

Қачон борсам бевафолар йўлимда,
Гашт этмадим Сўна қизнинг боғинда,
Ҳақ ўзинг сақлағил Муғон чўлинда,
Қутқар мани бевафонинг алиннан.

Ошиқ Албанд айтар қўлим боғланди,
Бевафодин юрагимиз доғланди,
Фалак мундин ничик кажрав айланди,
Қутқар мани бевафолар алиннан.

Алқисса, андин сўнг ул момо қизлариға айди. Эй ҳаромилар, валади зинолар, ошно эрдингизми, мунинг бирлан? Шул ҳам иш бўлдими, сўрашмай-кетишмай ёпишаверасизлар, дин бор, ислом бор, шариат бор, никоҳ бор, деди. Анда қизлар айдилар:бизлар мулла Эшматни топиб келтирурмиз, сан мундин хабардор бўл, қочмасин деб мулла ахтариб кетдилар. Албанджон кетарман бўлди. Момо юбормади, отининг жиловидин тутди. Албанджон қамчи солди. От момонинг ярмидан юқорисини юлиб олиб учиб равона бўлди. Анда икки қиз муллани келтирса, момоси ўлиб ётур. Опаси иккиси аспи жаҳонгирни миниб Албанднинг изидин қувдилар. Бир соатда изидин етиб, отининг устидин Албанджонни кўтариб санинг этингни итларга берурмиз, деб олиб қайтавердилар. Албанджон зор-зор йиғлаб, пирларини ёд этиб, бир муножот айди:

Оламни яратган қудратли Раҳмон,
Қутқар мани паризоднинг алиннан,
То қочсам топарлар Шому Ироқдин,
Қутқар мани паризоднинг алиннан.

Қаёна борғанда мани эзарлар,
Ўлдирмакка доғ ичинда кезарлар,
Мадад беринг манго ғойиб эранлар,
Дод этарман паризоднинг алиннан.

Ёхти жаҳон манго бўлғондур думон,
Ё раббона мани сақлайкўр омон,
Дарда даво этган ҳазрати Луқмон,
Дод этарман паризоднинг алиннан.

Ажал мандин жон олмоқни ҳавоси,
Ё раббано бер дардима давоси,
Ман санго арз этдим ё Санжар Мози,
Дод этарман паризоднинг алиннан.

Истадим, топмадим ул сарвинози,
Пирим Ойдин биздин ҳам бўлсин рози,
Мадад бериб пирим этса ихлоси,
Дод этарман паризоднинг алиннан.

Ошиқ Албанд қолдим бу душман қўлда,
Ёрсиз адо бўлдим биёбон-чўлда,
Саид ота тутди қўлимни берда,
Ёд этарман бевафонинг алиннан.

Алқисса, андин сўнг Ошиқ Ойдин пир ҳозир бўлди, Албанджонни қизлардин қутқарди. Эй бахтиқаро, бу манинг ўғлим, тегманглар, деб бир шаппот урдилар. Аспи Жаҳонгирни миниб ул икки пари ҳам кўкка учдилар, ўз юртлариға равона бўлдилар. Албанджон ҳам ўз йўлиға равона бўлди. Йўлда юриб борур эрди. Узоқдин бир чанг пайдо бўлди. Кўрса савдогарлар турурлар, Албанджон буларга қараб бир сўз айди: Арзимни эшит карвонлар,

Манинг ёрим Табриздадир.
Тўқсон беш раф-раф минганлар,
Манинг ёрим Табриздадир.

Раф-раф миниб аршда кезғон,
Умматини тилаб олғон,
Бир худоға банда бўлғон,
Он ҳазрати йўлдошимдур.

Борму ошиқларда гуноҳ,
Ўқилурму тилда сано,
Ҳурматли етти қат само,
Исо манинг йўлдошимдур.

Аввал азон айтган Билол,
Ҳақнинг ўзинда ихтиёр,
Баҳовиддин меҳри кулол,

Шери дарға йўлдошимдур.

Карвон такаббурлик қилма,
Яккасан деб кўп дам урма,
Юрагима ханжар солма,
Саҳобалар йўлдошимдур.

Албанд айтар:бўлдим сабил,
Саттор ўзи бўлғай кафил,
Тиғ кўтарган шайхи Кабир,
Алар менинг йўлдошимдур.

Алқисса, савдогарлар айдилар: сан бу сўзни айтурсан, неча пирларнинг отини билурсан, санда бир нишона бор эркан, иншоолло муродинга етарсан деб, рухсат бериб юбордилар. Албанджон Табризга равона бўлди. Бир неча кунлар йўл юриб, бир булоқға етишди. Кўрса қизил сув оқар, қона мангзар. Ул ерда бир замон турди. Кўрса бир бўлак кийик ҳозир бўлди. Сув ичмак бирлан бўлдилар. Албанджон буларға қараб, Сўна ёрини сўраб бир сўз айди:

Чўл ерларда жам юрарлар жайронлар,
Биза хабар беринг ёрни кўрдингми?
Бизни синаб кийик бўлиб келганлар,
Хабар беринг бизни ёрни кўрдингми?

Отдин тушиб борсам пойи пиёда,
Ҳақ етиргай барча қулни мурода,
Ёр деб кездим танҳо чўлни зиёда,
Сўзла, бизни севар ёрни кўрдингми?

Арш тубинда бордур пок ила нокас,
Ҳақ буйруғи келмиш чақирур овоз,
Истагим Табризда Сўна Сарвиноз,
Хабар беринг севар ёрни кўрдингми?

Менингдай бўлмағай жафода қолғон,
Ранжи машаққатсиз мурода етғон,
Ишқнинг ўти манинг бағримни тилғон,
Сўзла жайрон нозли ёрни кўрдингми?

Сабоқнинг бошидур сура таборак,
Сўнанинг гул юзи бўлғай муборак,
Бормикан бизлара Сўнани кўрмак,
Хабар беринг шул дилдори кўрдингми?

Албанд боқмас эдим, кийика-боза,
Номамни еткуринг шул сарвиноза,
Айланиб кезарсан Шома, Табриза,
Жониворлар Сўна қизни кўрдингми?

Алқисса, алар пари халқи эрдилар. Ўзларини танитиб айтдилар: эй, Албанджон сўзинга тушиниб билмадик деб, йўлға равона бўлдилар. Албанджон ҳам йўлға равона бўлди. Борур эрди, олдида бир тоға ўхшаш нарса учради. Осмон бирла баробар. Албанджон зор-зор йиғлаб пирларини ёд айлаб бир сўз айди:

Сиёсатли баланд тоғлар,
Йўл беринг, тоғлар, йўл беринг.
Ёда тушди гўзал боғлар,
Йўл беринг, тоғлар, йўл беринг.

Ажал келиб, ёқанг тутар,
Санинг жисмингни ҳок этар,
Сендек неча тоғлар ўтар,
Йўл беринг, тоғлар, йўл беринг.

Подшо эрдим, бўлдим гадо,
Ҳақ йўлинда айтдим дуо,
Пирим Алидур Муртазо,
Йўл беринг, тоғлар, йўл беринг.

Юсуфни сотдилар қул деб,
Ман ишқни истадим гул деб,
Сўнажон ёрим бўлар деб,
Йўл беринг, тоғлар, йўл беринг.

Қанотим йўқ учай десам,
Учиб Табриз кетай десам,
Ёр дастидин тутай десам,
Йўл беринг, тоғлар, йўл беринг.

Албанд айтур:бўлдим кафил,
Ёр ишқида бўлдим сабил,
Арз айларам Шайх Жалил,
Йўл беринг, тоғлар, йўл беринг.

Алқисса, андин сўнг Албанджон ҳайрон бўлиб турди. Осмондин икки девона келиб Албанджонни кўтариб, тоғдин ошириб, қўйиб айдилар: эй Албанджон, шул кўринган Табриз вилояти деб кўздин ғойиб бўлдилар. Албанджон яна йўлға равона бўлди. 40 кун чўлда йўл юриб, узоқдин бир ёго-

члик кўринди. Албанджон ёрнинг маконига келдим деб, хушвақт бўлиб, бир сўз айди:

Эй ёронлар, мусулмонлар
Етишдим ёр маконина.
Мадад бергандир чилтанлар
Етишдим ёр маконина.

Сиё зулфи алвон-алвон,
Айлади бағримни бирён,
Ақлим олғон нозли жонон,
Етишдим ёр маконина.

Ошиқлар ўтга ёнарми,
Кўрса кўзим қувонарми,
Бир ошиқ йўлин оларми,
Етишдим ёр маконина.

Булбул кезар гулим дейиб,
Судхўр кезар пулим дейиб,
Ман кезарман Сўнам дейиб,
Етдим ёрнинг маконина.

Кеча кунлар чўлда юрдим,
Кўрмаган жойларни кўрдим,
Улли пирлара сиғиндим,
Етдим ёрнинг маконина.

Албанд айтар: мен бечора,
Сиғиндим қодир Жаббора,
Узоқдан кўринди қора,
Етишдим ёр маконина.

Алқисса, андин сўнг Албанджон яна тўққиз кун йўл юриб, Табриз вилоятига етди. Аммо қалъанинг ташқарисида бир қаландархонанинг устидин борди. Бир оқсоқол улли киши номоз ўқиб ўтирур эрди. Албанджон бир замон қараб турди. Ул киши номоздин фориғ бўлғондин сўнг, Албанджон бобоға салом берди, кўришди. Бобо сўрдилар: эй болам, бизни танирмусан? Албанджон айди: кўп замон бўлди, кўзима танишдек кўринурсиз, деди. Сиз кимсиз? Бобо айди: эй болам, ман пирингман деб Албанджонга қараб бир сўз айди:

Ошиқга буйруқдир кўп бориб-келмак,
Кўп йиғлама, севар ёрни кўрарсан.
Болам Албанд муродинга етарсан,
Кўп қийналма, севар ёрни кўрарсан.

Булбул каби қизил гула қўнарсан,
Ёр боғинда қизил гуллар терарсан,
Сабр қилсанг мақсадинг етарсан,
Кўп қистанма нозли ёрни кўрарсан.

Муяссар айлагай ёрингни кўрмак,
Магар ошиқларнинг ўрнини билмак,
Санго насиб этсин ўйнамак-кулмак,
Кўп йиғлама нозли ёрни кўрарсан.

Санинг ёринг гўзалларнинг шоҳидур,
Сийнанга чекилган ишқнинг ёйидур,
Сенингдек ошиқлар ёри худойдур,
Кўп қистанма, нозли ёрни кўрарсан.

Ақлинг олар болам, юз минг ғамзали,
Кўзлари ишвали қадди зеболи,
Боғинда омондур қоши ҳилоли,
Кўп қистанма нозли ёрни кўрарсан.

Танисангиз нафас этган пирингман,
Ошиқларнинг мақсадини билурман,
Санго дуо этган Ойдин пирингман,
Кўп йиғлама нозли ёринг кўрарсан.

Алқисса, Албанджон ҳам зор-зор йиғлаб бир сўз айди:

Сўна қиз деб сафардона дўнибман,
Сўзланг бобо севар ёрни кўрдингми?
Бобо ҳамроҳ бўлинг ёрнинг боғинда,
Кўп ўртама, севар ёрни кўрдингми?

Булбулдек қўнали гул будоғина,
Ошиқ термулмасин сўлу соғина,
Насиб қилсин кирмак ёр қучоғина,
Сўзланг бобо, севар ёрни кўрдингми?

Борсам Шоҳи Маҳмуд ғазаб қилмасин,
Бул ширин жонима заҳмат етмасин,
Душманлар бошима ғавғо солмасин,
Сўзла пирим, шул дилдорни кўрдингми?

Худо ҳаққи излагали дилдори,
Ўн йил бўлди дуо этдим пирлари,

Биз боргунча сўлармикан гуллари,
Сўзла бобо, севар ёрни кўрдингми?

Ёдимдан чиқмайди гўзал Сарвиноз,
Сўнани кўрмака айладим парвоз,
Каломни ҳаққинда айларман пешвоз,
Сўзла пирим, севар ёрни кўрдингми?

Бош қўйибман Сўна қизнинг бўйина,
Юринг бобо энди Табриз юртина,
Ошиқ эрдим ёрнинг қадди бўйина,
Сўзла бобо, севар ёрни кўрдингми?

Албанд ошиқ бечорадур, бенаво,
Пирлар ошиқлара бўлурлар ҳамроҳ,
Биза ҳамроҳ бўлинг эй ойдин бобо,
Сўзла бобо, севар ёрни кўрдингми?

Алқисса, андин сўнг, Ойдин пири: эй болам, қўрқоқ бўлма, марднинг ишни қилғил, деб, ғойиб бўлди. Албанджон шаҳарга қараб равона бўлди. Дарвозадин кириб, кўча бўйлаб равона бўлди. Бир баққол дўкониға бориб отдин тушди. Баққол айди: на корасан? Подшо лашкаридан десам қушинг йўқ, деганда ул баққолға қараб бир сўз айди:

Арзимни эшит:эй баққол,
Севар ёримдин хабар бер.
Манго айролиқни солғон
Зулфи торимдин хабар бер.

Узоқ йўллардин келурман,
Топмасам ёрни найларман,
Ҳақ насиб этса кўрарман,
Олма норимдин хабар бер.

Табриздадур ёр макони,
Тарк айлай моли дунёни,
Истаб келдим Сўнажонни,
Эрка жонимдин хабар бер.

Баҳор ўлиб гул очилса,
Булбулга гул жафо қилса,
Кошки ёрдин хабар берса,
Қоши камондин хабар бер.

Шул ёра бўлали меҳмон,

Дилимда сирлари пинҳон,
Ҳижрондан кўп қийналди жон,
Кўнгил ҳушимдин хабар бер.

Йигитнинг ёри оллодур,
Албанда Ойдин паноҳдур,
Сўнанинг ваъдаси бордур,
Ўшал ёримдин хабар бер.

Алқисса, андин сўнг айди: эй, баққол сан қиёматлик отам бўл, манинг ёрим шул маконда бўлғай. Сўнанинг васли бизга насиб бўлғай деди. Албанджон шул ерларда юраберсин, энди сўзни шоҳ Маҳмуддин эшитинг. Шоҳ Маҳмуднинг Арслон деган вазирининг ўғли бор эрди. Сўнажон шул вазирнинг ўғлиға назр этилған эрди. Сўнажонни бермакчи бўлиб ўн беш кундин бери тўй бошлаб юриб эрдилар. Вазирнинг ўғлининг бир қули бор эрди. Созанда қидириб юриб эрди. Баққолнинг дўконининг олдидин ўтиб борур эрди. Албанджоннинг овозини эшитиб баққолнинг ёнина борди. Айди:эй баққол ман бахши қидириб юрурман, Сани ўзинг бахши айтдириб ўтирибдурмисан. Буни подшоға айтиб, теринга самон тиқдираман деб сиёсат қилди. Албанджонни олиб кетар бўлди. Шунда Албанджон ман икки оғиз ғазал айтиб кетайин, агар санго ёқса сан бирлан борурман деб, бир сўз айди:

Арзимни эшитгин Сўнанинг қули,
Биз борғанда Сўнажоним омонми?
Бориб узажакман боғнинг гулини,
Ман борғанда Сўна бибинг омонми?

Чин ошиқлар айролиқа дўзарми,
Ошиқлар оҳ уриб бағрин эзарми,
Банда бўлған ўз пиридан ўзарми,
Хабар беринг, Сўна бибинг омонми?

Жоним бу нечундур айролиқ ишқи,
Айролиқ ишқининг савдоси яхши,
Боғдан сўнг хизматкор бўлар бу бахши,
Хабар беринг, Сўна бибинг омонми?

Ҳавас этдим бугун юрти Табризи,
Ёдима тушмишдур Сўнанинг сўзи,
Агар борсак ул ҳам истарми бизи,
Хабар беринг, Сўна бибинг омонми?

Ошиқ Албанд сўроқ солди Табриза,
Ман ошиқ бўлмишам ул зебо қиза,
Не учун сан жавоб бермайсан биза,

Сўзла биза Сўнажоним омонми?

Алқисса, Албанджондин бу сўзларни эшитиб, вақти хуш бўлиб, санингдек бахши яхши учради, санингдек бахши оламга келган эрмас. Сани бир тўйға олиб борурман. Аммо санго инъом бўлса иккимиз шерикмиз деб, тўйға олиб борди. Албандни меҳмон йигит деб тўрга чиқардилар ва ўтқаздилар. Андин сўнг бахшини эшитмакчи бўлдилар. Алар айдилар:меҳмон йигит айтсин, дедилар. Албанджон ажаб бўлур деб, қўлина созини олиб, ўлтирғон бекларга қараб бир сўз айди:

Арзимни эшитгил Табризнинг шоҳи,
Табризнинг беклари, Сўна келдими?
Бу сўзни айтурман сизга фидойи,
Табризнинг беклари Сўна келдими?

Бечора шоирлар сўзлар ҳар сўзи,
Бу дунёда кўпдир жонон гул изи,
Ахтариб топмадим Шоҳ Маҳмуд қизи,
Табризнинг беклари Сўна келдими?

Ростин айтсам сиза эй паризоди,
Алифла ёзилмиш каломнинг хати,
Бузилурми бир худонинг ёзғити,
Табризнинг беклари Сўна келдими?

Ул Сўнанинг эрур қомати зебо,
Бошима бузурглар солдилар савдо,
Биза хабар берган Норимжон ота,
Табризнинг беклари Сўна келдими?

Ростин айтсам Сўна қизнинг ёриман,
Аввалдин охири харидориман,
Кўп ранж чекиб жондин бўлдим безорман,
Табризнинг беклари Сўна келдими?

Албанд айтур: берган сўзи ёдимда,
Сўна қизни ёд айларман дуомда,
Ёр учун келурман кўнгил шодимда,
Табризнинг беклари Сўна келдими?

Алқисса, андин сўнг Албанджон бу сўзни тамом этди. Сўзни эшитиб, вазирнинг ўғли Назирбекнинг қаҳри келиб, Албанджонни бир тепди. Анда одамлар айдилар: бир мусофир йигит бўлса, на учун урурсан, дедилар. Анда Назирбек айди: на учун Сўна деб манинг ёримни отини айтур, деди. Одамлар айдилар, санинг ёрингдин ўзга Сўна йўқму? Ўзи бечора бўлса, муни урмоқ раво эрмас, дедилар. Анда Назирбек айди, яна бир сўз айтсин,

яна ёримнинг отини яйтса ўлтирурман, деди. Албанджон ажаб бўлур деб, турганда саройнинг панжарасига кўзи тушди. Ул ерда қизлар қарашиб турур эрдилар. Албанджон буларга қараб бир сўз айди:

Дарча узра турған қизлар,
Нозли ёра салом етир.
Албанд отим, чекдим армон,
Сўна қиза салом етир.

Бир хабар олсин ёр биздин,
Айланурмиз қошу кўздин,
Дод этурман ман Табриздин,
Эрка жона салом етир.

Эшитдингми ёр канизи,
Чин ошиқ демишлар бизи,
Ўзи Шоҳ Маҳмуднинг қизи,
Шул Сўнаға салом етир.

Ёримнинг қўли хиноли,
Юришлари бор ғамзали,
Сўзлаган сўзи мазали,
Шул дилдора салом етир.

Ёр боғина қўйсам қадам,
Отамиз ҳазрати Одам,
Сиё зулфи дарам-дарам,
Бика қиза салом етир.

Албанд мудом ёр деб сўзлар,
Бу золимдин сўзин гизлар,
Дарча узра боққан қизлар,
Сўнажона салом етир.

Алқисса, Албанджон бу сўзни тамом этди. Назирбек айди: кўрдингизми Шоҳ Маҳмуднинг қизи деб ўтди, буни боға элтинглар, азоб берурмиз, деди. Қуллар ажаб бўлғай деб, Албанджонни Сўнанинг боғина элтиб, гулларнинг ичинда бир даракдин боғлаб, либосларини олиб кетди. Аммо номозшомғача турди. Пашшалар зўр қилди, ҳамма аъзоси пашшанинг қони бирлан бўялди. Албанджон охири худоға ёлвориб бир сўз айди:

Еру кўкни халқ айлаган ё Раҳмон,
Бу пашшадин мани озод айликўр.
Мундин қутилмоқа йўқ манда гумон,
Махлуқингдин мани озод айликўр.

Қудрат бирлан дин каломин ёздилар,
Етти ердин қисим тупроқ олдилар,
Сафиулло дунё узра эндилар,
Сафиулло мани озод айликўр.

Қочай десам қўл-оёғим боғланган,
Ҳасратингда юак-бағрим доғланган,
Сўна қиза мани бошим боғланган,
Бу пашшадин мани озод айликўр

Ман сиза арз этдим ё бобо пирим,
Ман бечорадурман жафолар кўрдим,
Юсуф каби мунда зиндонда қолдим,
Мани бу пашшадин озод айликўр.

Албанд айтур: ман ўқирман ҳақ калом,
Мани бу меҳнатдин қутқарғил мавлон,
Сўна деб дунёдин ўтарман мудом,
Олло бу пашшадин озод айликўр.

Алқисса, Албанджон зор-зор йиғлаб, қолди. Ошиқ Ойдин пири ҳозир бўлдилар. Албанджонни бошини кўтардилар айдилар: эй болам, Албанджон, эмди мақсадинг яқин бўлур, болам, деб қўли-оёғини халос қилдилар. Либосларини келтириб, устларига кийдирдилар. Яна оқ фотиҳа бердилар. Сан бу ёрдин бошқа жойға кетма, ман Сўна ёрингни келтирурман, деб, кўздин ғойиб бўлди. Вақти саҳар Сўнажоннинг ёниға бориб, душинда айди: Ул беш йиллик йўлдин сани излаб келиб дурур. Гулларнинг орасида ётиб пашшага таланди, деди. Сан не учун хабар олмассан, деди. Сўнажон дарҳол сичраб туриб, канизларига қараб бир сўз айди:

Баҳор бўлса, қизил гуллар очилур,
Юр канизлар боға сайр қилали.
Ел ўйнаса мушки анбар сочилур,
Юр канизлар, боға сайр қилали.

Ёронлар кўксима солғанлар ханжар,
Ёр хабарин берди бизга эранлар,
Уйқудин уйғонинг энди ёронлар,
Юр канизлар, боға сайр қилали.

Тонг сабода булбул қўнар гуллара,
Сўзлашмоқ муяссар бўлди тиллара,
Канизлар бош қўйиб эмди йўллара,
Юр канизлар, боға сайр қилали.

Сиё зулфни тараб-тараб ўрали,
Ҳақ ошиқдир ёрни бориб кўрали,
Албанд билан бирга даврон сурали,
Юр канизлар, боға сайр қилали.

Саҳарда пирлардин бўлғандир хабар,
Манинг боғим ичра бўлмиш беқарор,
Боғда омон бўлғай ой юзли дилдор,
Юр канизлар, боға сайр қилали.

Ошиқ Сўна қирмиз бўлиб даранди,
Нечук ёрим айролиқа дўланди,
Албанд ёрим мани излаб галанди,
Юр канизлар, боға сайр қилали.

Алқисса, Сўнажон канизлари бирла боғ сайрина равона бўлдилар. Сарҳовуз бўйиға бориб, ўлтириб, канизларини юборди, қаранг, Албанджон нерда бўлса топинглар. Оқшом тушимда пирлар хабар бердилар, деди. Сўнажоннинг Гулзор деган бир канизи бор эрди. Агар бизлар топсак сиза бермасмиз, деди. Канизлар боғни қидириб топмадилар. Сўнажон зор-зор йиғлаб бир сўз айди:

Ошиқ Сўна айтур йўқдур қарорим,
На сабабдин севар ёрдин айрилдим,
Ўн беш йилдир манинг шул интизорим,
На сабабдин севар ёрдин айрилдим.

Манинг ёрим гўзалларнинг шоҳидур,
Гул юзим Албанднинг ҳоки пойидур,
Масканлари боғнинг яхши жойидур,
На сабабдин севар ёрдин айрилдим.

Гуноҳим не эрди қодир худойим,
Ёрим учун бисёр манзил-маконим,
Ёрима буюрсин, бу ишрат жойим,
На сабабдин севар ёрдин айрилдим.

Канизларим, дилбаримни соғиндим,
Ёрнинг келганини ман тайин билдим,
Заъфарондек бўлиб сарғайиб-сўлдим,
На сабабдин севар ёрдин айрилдим.

Алқисса, Сўнажон йиғлаб қайтарман бўлди. Албанджон ёрим қайтмоқчи бўлди деб, ҳўвил қилиб, ёриға қараб бир сўз айди:

Бикам манинг учун ёлвор худоға,
Кўп йиғлама бикам ёринг омондир,

Мени деб ўзингни солма ўтларга,
Кўп йиғлама бикам ёринг омондир.

Истасанг бари кел эй Сўна бикам,
Бул кеча ўтгунча парланди жиғам,
Гуллар орасинда гизландим пинҳон,
Йиғламағил ёринг боғда омонди.

Гул ичинда қуриб боғда қолайин,
Туриб келгил қоматингни кўрайин,
Эмди изламайин сени найлайин,
Йиғламағил ёринг боғда омонди.

Санинг учун сайрон этдим чўлларни,
Бизга инъом берсанг бир жуфт гавҳарни,
Бизга насиб бўлғай ёрнинг тумори,
Йиғламағил ёринг боғда омонди.

Гулнинг соясинда сақлаб ўзимни,
Қулоқ сол Бибижон англа сўзимни,
Танҳо келиб олиб мани ўзимни,
Хавф айлама мунда ёринг омонди.

Ошиқ Албанд йўқса ўзим кўрсатинг,
Келинг бикам биза боға сайр этинг,
Инъом бўлса кўксинг узра энайин,
Кўп ўртанма боғда ёринг омонди.

Алқисса, андин сўнг ёрнинг келганига ишонди ва тахтнинг устига келди. Сўнажон ериндин туриб адаб бирлан салом берди, Албанджон Сўнанинг ноз бирла берган саломиға алик қайтариб бир сўз айди:

Учдин сўнг пуч бўлар тангри саломи,
Сўнгак бежо эрур бел инжилмасин.
Мунча жилва бирла этарсан икром,
Дудоқдин ўпганда тил инжилмасин.

Рафторинг ўртанур, термулуб кўзинг,
Ахтариб чўлларда изладим ўзим,
Гул юзингдин бўса олайин ўзим,
Юзингдин ўпганда тил инжилмасин.

Қистанурман қўйнингиза тушмака,
Бир армоним кўксингиза кезмака,
Қўл узатсам ёр норини узмака,

Куйлагинг ичинда тан инжилмасин.

Сиё зулфинг белларингни қуршиди,
Ҳар бир жилванг ҳур- ғилмона ўхшийди,
Биби биза инъом берсанг яхшиди,
Инъоминг олганда қалб инжилмасин.

Ошиқ Албанд мудом истайди ёрин,
Ахтариб топибдур Сўна дилдорин,
Чеш қурингни, шамол ўпсин аноринг,
Шамол бежой тегиб нор инжилмасин.

Алқисса, андин сўнг Сўнажон минг карашма бирлан Албанджонга қараб бир сўз айди:

Севикли, ҳамдам нигорим,
Аввал қошим инъом санго.
Бўса олсанг, ол ёноғим,
Ул ҳам бўлсин инъом санго.

Сиё зулфинг қатор –қатор,
Сўзлар сўзинг ҳайрон этар,
Бу дунёдин охир ўтар,
Ширин жоним инъом санго.

Ширин тилим ҳам дудоғим,
Бўса олмоққа сақоғим,
Бошимда зарли қалпоғим,
Алар бўлсин инъом санго.

Сўна санго ихтиёрдур,
Жуфт норим санго қурбондур,
Қўлинг бўйнима дўлондир,
Ол сақоғим инъом санго.

Энди жонимни бахш этдим,
Истаб оллоға йиғладим,
Юрак-бағримни тиғладим,
Бу морқа тан инъом санго.

Бошимда бор қатор садаф,
Ошиқ учун этдим адаб,
Албанд келдинг даврон истаб,
Кел, Сўна қиз инъом санго.

Алқисса, андин сўнг Сўна айди: Албанджон энди кўшкда бориб даврон сурали деб юриш қилдилар, кўшкка бориб ишратда бўлдилар. Сўнажон айди: манинг қошимда бир неча муддат ўлтирғил, анда Албанджон айди: эй нозанин, сўз вақти эрмас, тур, анда Сўна айди: эй канизлар, муни уриб боғдин чиқариб юборинглар, деганда Албанджон бир сўз айди:

Қўрқаман бикам, қаҳрингдин,
Қаҳр этма бикам, қаҳр этма.
Айланай ман дийдорингдин,
Қаҳр этма бикам, қаҳр этма.

Нега мани ўртаюрсан,
Ҳақни ёзғитин билурсан,
Нечун манго зўр қилурсан,
Ноз этма бикам, ноз этма.

Ноз айлабон инъом беринг,
Адаб бирла салом беринг,
Гулоб тўлдириб жом беринг,
Қаҳр этма бикам, қаҳр этма.

Қўйсанг мани эл айб этар,
Бевафо кўлимни тутар,
Ошиқлик муроди кетар,
Зўр этма бикам, зўр этма.

Олтин-кумушдин пуллари,
Тушмадим кўшкдин илгари,
Эй эрка қиз, келинг бари,
Ноз этма бикам, ноз этма.

Сен Албандни койиш этма,
Турли балоға дуч этма,
Дўсту душмана билдирма,
Қаҳр этма бикам, қаҳр этма.

Алқисса, андин сўнг булар даврон суриб ётдилар. Сўнажоннинг Гулзор исмли бир канизи бор эди. Ул каниз Албанджонни кўриб, ошиқи беқарор бўлиб, охири чидамай, бир куни кўшк эшигини қоқаберди. Сўнажон айди:кимсан, уялмайдурсанми?. Анда каниз ёрининг бир неча кунга ушр-закотга бер деб бир сўз айди:

Қурбонинг бўлайин гул юзли биби,
Севар ёринг тилаб келдим бир оқшом.
Ман бир ошиқ эрдим шу тоза гула,
Дийдорингни тилаб келдим бир оқшом.

Уч ёшимдин бери хизматкор юрдим,
Албанд деб термулиб қошингга келдим,
Ман ҳам тўққиз кеча ишрат тиладим,
Ё бўлмаса жавоб беринг шул оқшом.

Ўрдакин учирган кўла мангзарман,
Лочинин учирган чўла мангзарман,
Ғазаб этган хизматкора мангзарман,
Севар ёринг тилаб келдим шул оқшом.

Гулзор дер ёр учун қаён борайин,
Бермасанг бошинга ғавғо солайин,
Хизматкорман хизматингда юрайин,
Севар ёринг тилаб келдим шул кеча.

Алқисса, Гулзор каниз бу сўзни тамом этди. Эй отанга лаънат, ман муни санго бериб, бу манинг ўйнашимму, бу бирлан чилтанлар бизни қўшдилар . Санго бир оқшом бериб ушр-закот бўлмайди, деди. Канизларига буюриб либосларини чиқариб, тўрт тарафдин таёқ урдилар. Тамоми аъзои бадани қон бўлди. Ўлди, деб айдилар. Сўна айди: Боринг, боғдин чиқариб ташланг, деди. Боғдин чиқариб ташладилар. Гулзор бечора бир кеча-кундуздин сўнг ҳушиға келиб, худоға шукри сано қилиб, жоним қолмади, деб туриб, қалъага равона бўлди. Подшонинг даргоҳиға бориб, арзи жой-инда туриб, подшоға қараб бир сўз айди:

Арзимни эшитинг одил подшоҳим,
Манго Сўна бибим жафо айлади.
Сиз эрурсиз бу дунёда хўсторим,
Манго Сўна бибим жафо айлади.

Уч ёшимда мани зар бериб олдинг,
Ёвуз кунлар манинг бошима солдинг,
Бир неча ёнимда додимни бердинг,
Додини бер, бибим жафо айлади.

Албанд аввал меҳмон боға келибдур,
Сўна бибим ихтиёрин олибдур,
Юрагимга доғи дугун солибдур,
Додини бер, бибим жафо айлади.

Қўлимдин ёримни Сўнажон олди,
Шул Сўнаға хизматкорлик айлади,
Ёрим деб борғанда юзима урди,
Манго Сўна бибим жафо айлади.

Ул Албанджон бикамиза меҳмондур,
Айшу ишрат кеча-кундуз даврондур,
Бикам биза кўп хўрлиқлар бергандур,
Сўна бибим биза жафо айлади.

Гулзор деяр:танда жоним қолмади,
Ёр қўлимдин кетди бағрим эзилди,
Эмди Сўнажондин умид узилди,
Манго Сўна бибим жафо айлади.

Алқисса, андин сўнг подшо Гулзорнинг бу сўзини эшитиб, айди: Сан кетавер, ман ўзим бориб, сўзлашурман, деди. Андин сўнг Арслон вазирина айди:сан боға бориб кўргил, на-гап сўзлар. Вазир боға равона бўлди, ростму, ёлғонму деб. Вазир давот қалам олиб бориб иккисидин сўраб, ёзиб хат этиб подшоға элтай деб борса, Албанджон Сўнанинг тиззасина бош қўйиб ётур. Вазир айди: бу на иш бу? Бежолик қилурсан, деди. Сўнажон зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб, вазир бобоға қараб бир сўз айди:

Арзимни айтайин эй Арслон вазир,
Бул ишлара мани худо бошлади.
Бағдоднинг юртина мани элтдилар,
Ҳақнинг дўсти Расулилло бошлади.

Раф-раф миниб кўкка чиққан Муҳаммад,
Умматиға азиз, оламға сарвар,
Аларға аёндур барча каромат,
Ёнинда тўрт чориёни бошлади.

Келди Албанджоннинг Ойдин бобоси,
Отини ўйнатиб келди ниччаси,
Бирисинда бордур Расул жандаси,
Ҳақнинг дўсти Расулилло бошлади.

Бир бобо келдилар, бошинда кулоҳ,
Шул маҳал кечаси бўлдилар пайдо,
Икки қаландар бор ўзлари шайдо,
Шоҳи Машраб бу ишларни бошлади.

Сўнгра келди икки шайдо ўтганлар,
Тасбеҳ осиб ҳақ амрини тутганлар,
Ёдимдадур сўзни ҳазор айтганлар,
Ҳасан-Ҳўсин шайди аъло бошлади.

Сўна айтур: сўзни шулдур баёни,

Ошиқ иши бир худонинг аёни,
Бу сўзлардур эранлар бошлағони,
Бу ишлара мани худо бошлади.

Алқисса, вазир айди: ҳар неки воқеалар бўлса подшонинг ёниға келиб хатни берурман, деб келтуриб подшонинг қўлиға берди. Аммо подшо ўқиб кўриб айди: эй вазир, азалдан тақдири худо бергани шул экан, бул ишларни ким қила биладур, деб, буларни бир-бирига никоҳ қилиб бердилар ва аларға-бахт саодат тилаб, етти кеча-кундуз тўй бердилар. Албанджон бирлан Сўнажон даврон суриб ётдилар. Бу ошиқлар даврон суриб ёта берсинлар эндиги сўзни Санжар бахшидан эшитинг:

Ёронлар дунёнинг чархи фалакин,
Мавж уриб, айланиб туришин кўринг.
Назарбек бошлаган тўйи Сўнанинг,
Албанджоннинг келиб олишин кўринг.

Худонинг тақдирин ҳеч ким бузолмас,
Ошиқлар мурода етишмай қолмас,
Вафосиз ошиқлар ҳаргиз эл бўлмас,
Олло деган банда балоға қолмас.

Бу дунёда ҳаргиз манманлик қилма,
Ғарибни оғритма, дуо бад олма,
Ўзингни золимлик йўлиға солма,
Золимларга жафо келишин кўринг.

Манманликдан шайтон динидин озди,
Лайли Мажнунни деб тоғларда кезди,
Ширин учун Фарход тоғларни қазди,
Уларнинг дунёдин кетишин кўринг.

Бир кеча ошиқлар кетдилар тўзиб,
Севар ёринг висолидан қўл узиб,
Албанджон чўлларда ничча кун кезиб,
Сўнанинг боғинда ётишин кўринг.

Худо ҳар кимсага бўлса меҳрибон,
Тайин билинг хор ўлмасдур бегумон,
Ҳақ таоло берса биза бир ўғлон,
Юрт йиқиб, томоша беришин кўринг.

Бечора котиблар ёзған хатлари,
Мулла Бўжон дерлар исми отлари,
Кўп таъриф айладим паризодлари,

Аларни кўп такрор қилишин кўринг.

Алқисса, андин сўнг Албанджон Табриз шаҳринда Шоҳ Маҳмуднинг қизи Сўна паризод бирла бир неча кун даврон суриб, ўн ой турдилар.

Кунлардан бир куни Албанджон юртиға кетарман бўлди. Подшонинг даргоҳиға бориб, подшоға арз қилиб бир сўз айди:

Шоҳим жавоб берсанг эмди кетарман,
Каъбанинг дийдори тушар ёдима.
Отам-онам бориб жавоб оларман,
Боғи бўстонларим тушар ёдима.

Етти йилдур айро тушди ёримдин,
Сайраб билмас ул булбули зоримдин,
Кунда бир дуосин олиб пиримдин,
Ошиқ Ойдин пирим ёдима тушди.

От яроғ ҳамойил қилиб белинда,
Қўл қовшириб юриб соғу сўлинда,
Қирқ коса май шароб ичар қўлинда,
Дўсти ёронларим тушар ёдима.

Ўйнаб-ўсган манинг бўстонларим бор,
Тенги тушим қардош дўғонларим бор,
Ошиқ Ойдин пирим устозларим бор,
Мурғзорли чўллар тушар ёдима.

Отамиз подшодир тахти алвона,
Боғи боғча, қуш учириб ҳар ёна,
Ман келибман ёр йўлинда девона,
Сайрон этган боғлар тушар ёдима.

Уч юз олтмиш авлиёларнинг манзили,
Султон Ваис бирла Норимжон Вали,
Қадамжодир чилтан ота сарвари,
Зиёратгоҳ жойлар тушар ёдима.

Эй подшоҳим, жавоб беринг кетарман,
Отам-онам хизматина етарман,
Ўтган валиларни тавоб этарман,
Боғи бўстонларим тушар ёдима.

Ошиқ Албанд бўлмас ҳаргиз қарори,
Худо насиб этди олдим дилдори,
Кўзимдин ёш тўкиб йиғладим зори,

Сайрон этган боғлар тушар ёдима.

Хизматкор ёнинда-қирқ бир канизлар,
Жавоб берсанг олиб кетармиз бизлар,
Ҳамроҳ бўлиб кетса бу гўзал қизлар,
Севикли дилдорим тушар ёдима.

Ҳар ким ўз элинда, тенги тушинда,
Ҳар кимнинг бор бир ғариблик бошинда,
Ошиқ Албанд Сўна қизнинг қошинда,
Ғариблик жафоси тушар ёдима.

Алқисса, Албанджон бу сўзни айтиб тамом қилди. Сўна паризод зор-зор йиғлаб, онаси ҳам зор-зор йиғлаб, хўшлашиб ўлтирдилар. Шул ерда ўлтирган қизларга, дўсти ёриға, боғи бўстониға қараб, хўшлашиб Сўна паризод бир сўз айди:

Аввало дунёга келдим,
Каъбам онам хуш қол энди,
Ўйнаб-ўсган ўвболарим,
Хонадоним, хуш қол энди.

Неча кунлар сайрон этиб,
Ман кездим боғи гулларим.
Хуш ҳавоси арғувона,
Нола чекиб булбулларим.

Сарҳовузли чаманларим,
Ҳам қадрдон элларим,
Ман кетарман ёри дўстлар,
Меҳрибонлар хуш қол энди.

Бир худонинг ёзғити,
Тақдири оллодир азал,
Мунда бўлмай етти йиллик,
Йўлда бўлмишдур гўзал.

Кешки бўлса отадин
Икки ўғил бир азал,
Эгасиз қолди бу боғ деб,
Булбулим ўқир ғазал.

Энди бу жойларда бўлсам,
Сўнажон сандин асар,
Ман кетарман ёри дўстлар,

Жона жонлар хуш қол энди.

Алқисса, подшо Албанджон бирла Сўна паризоддан бу сўзларни эшитиб Албанджонға кетиш учун жавоб берди. Ёнига қирқ йигит қўшиб, ўн туя тилло берди. Оби озиқи бирла, ёнинда қирқ канизи бирла йўлға равона бўлдилар. Албанджон шунда кетар олдиндан боғ ичида Сўнажонга қараб бир сўз айди:

Қалам қошли Сўна отли дилдорим,
Ўз юртимға ёрим кетмали бўлдим.
Мунда турмоқ учун йўқдур қарорим,
Ўз юртима ёрим кетмали бўлдим.

Неча кунлар кездим чўли майдонни,
Ким кўрди вафосин кўна дунёни,
Ўз элимда бориб сурсам давронни,
Ўз юртима ёрим кетмали бўлдим.

Отангиз бердилар бизлара жавоб,
Сен ёрни деб бўлди жигарим кавоб,
Йиғлар каъбам онам йўлларим қараб,
Ўз юртима ёрим кетмали бўлдим.

Не учун йиғларсан кўзинг гирёндур,
Неча ошиқ маъшуқ учун қурбондур,
Биза бу қисматлар тақдир оллодур,
Ёрим ўз юртима кетмали бўлдим.

Бу қоронғи кеча бўлмишдур ёруғ,
Ман кетарман ёр дўстларим ахтариб,
Ҳақдин келиб етмиш Албанда буйруқ,
Ёрим ўз юртима кетмали бўлдим.

Алқисса, андин сўнг Албанджон Сўна қизни ўз юртиға олиб келибдур. Қирқ кеча-кундуз тўй бериб, ёр-дўстлар бирла мулоқотда бўлиб, тиздин тўшак, белдин ёстиқ тўшаб, даврон суриб ётдилар. Муроду мақсадлариға етдилар. Илоҳо ҳамма ҳам мурод мақсадиға етсин. Омин, оллоҳу акбар!

МИСКИН ВА ГУЛҚАНД

Ровийлар андоғ ривоят қилурларким. Хоразм вилоятинда бир подшо ўтди. Анинг отиға Абдулло деб от берур эрдилар. Подшонинг Мискин исмли бир ўғли бўлиб, бир куни ул супанинг устида ухлабдир, тушинда бир парига ошиқ бўлиб, ҳушидин учиб, ётиб қолди. Дарҳол подшоға хабар бердилар. Подшо воқеани эшитиб, мунажжимлар ва қуррадўзларни йиғнаб, қурра со-

линг, деб буюрди. Эрса қурадўзлар айдилар:эй подшои олам, эй султони бо-карам, ўғлингизға ишқнинг асари тегибдур, дедилар. Анда подшо буюрдиким, Мискин Шарифни олиб келинглар, эрса дарҳол олиб келдилар. Анда подшо ўғлим сенга не бўлди, деди. Анда Мискин Шариф отасиға қараб бир сўз айди:

Бир кеча ётурдим, бир аҳвол кўрдим,
Тур ўғлим, пиринга суян дедилар.
Қўлида асоли бир турфа киши,
Тўғри йўлда илдам юргил дедилар.

Бир жойларда ўзим ничик турайин,
Пирим берган насиҳатин қилайин,
Рўзи қилса шу парини олайин,
Шабистон юртина борғил дедилар.

Ҳасрат бирла ўтди қиш билан ёзим,
Саргардон бўлибман эмди ман ўзим,
Мискин Шариф айтур: кўп манинг сўзим,
Гулқанднинг боғина киргил, дедилар

Алқисса, отаси ўғлидин бу сўзни эшитиб, ноилож бўлиб, худои та-борак таолоға топшириб, авлиёларға сиғиниб, бир сўз айди:

Бир отингдир қодир оллоҳ,
Ёлғизим санго топширдим.
Чўлда кезган Хизир ота,
Ёлғизим санго топширдим.

Эгамнинг отидур Раҳмон,
Сарғартирма, мани алвон,
Ё пирим ҳазрати Полвон,
Ёлғизим санго топширдим.

Бу сўзнинг аслиға етиб,
Бош олибон бундин кетиб,
Пирим эрур Шайхул Латиф,
Ёлғизим санго топширдим.

Бу дардим санго айтайин,
Ман ўзим йўлға кетайин,
Ё пирим сиз Баҳовиддин,
Ёлғизим санго топширдим.

Яхшиларға ёғар раҳмат,
Худонинг дўсти Муҳаммад,

Туркистонда Хўжа Аҳмад,
Ёлғизим санго топширдим.

Абдуллахон менинг отим,
Раҳм айлаю эшит додим,
Қодир олло биру борим,
Ёлғизим санго топширдим.

Алқисса, бу сўзни айтиб Мискин Шарифнинг отаси зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлаб, боласиға қараб бир сўз айди:

Санинг учун кечдим дунё молимдин,
Болам сани бир оллоға топширдим,
Санинг учун куядур танда жоним,
Қўзим сани бир оллоға топширдим.

Қўлларимға қўнған қушим сан эрдинг,
Беҳишту фирдавсим эмди сан эрдинг,
Кўрар кўзим, манинг жоним сан эрдинг,
Қўзим сани бир оллоға топширдим.

Яратған оллоға кўп эрур зорим,
Ман ташладим номусим бирла орим,
Бир замон кўрмасам йўқдур қарорим,
Болам сани бир оллоға топширдим.

Ман ўзим бўлмишам юз минг овора,
Ман ўзим урмишам соғу сўллара,
То келгунча икки кўзим йўлларда,
Қўзим сани бир оллоға топширдим.

Тоғларнинг бошида бўлибдур думон,
Кўзим ёши тўлиб мисоли уммон,
Бу сўзни айтайин ночор мехрибон,
Болам сани бир оллоға топширдим.

Алқисса, отаси бу жавобни айтгандин сўнг, Мискин Шарифнинг бир ночор синглиси бор эрди, оғасининг кетганига бетоқат бўлиб, бир сўз айди:

Орадин бир сўз кечмайин,
Оғамжон, қайға борурсан?
Кафан тўнимни бичмайин,
Оғамжон, қайға борурсан?

Сан кетарсан бошинг олиб,
Қайғу кулфатда ман қолиб,

Ман ночорни қон йиғлатиб,
Оғамжон, қайға борурсан?

Азалда қаттиғдур бошим,
Оғу бўлди ичган ошим,
Тинмай оқур кўзда ёшим,
Оғажон, қайға борурсан?

Қизил гулим дўнди хора,
Мани қўйма интизора,
Топширибман биру бора,
Оғамжон, қайға борурсан?

Сан борурсан кундек бўлиб,
Ман қолурман гулдек сўлиб,
Хиромонни қон йиғлатиб,
Оғамжон, қайға борурсан?

Алқисса, Мискин Шариф Синглисидин бу жавобни эшитиб айди: эй ота, эй она сизларга ул маҳбуб қутлуғ бўлсин, деди. Анда отаси айди: эй ўғлим, бу дунёда маҳбуб бўлса ўзим олиб берайин, деди. Эрса отасининг сўзини қабул қилмай, отасиға қараб бир сўз айди:

Нозанин савдоси тушди бошима,
Тавалло айламанг, жонлар кетарман,
Йўлинда йиғларман доим интизор,
Тавалло айламанг, жонлар кетарман.

Ишқнинг савдолари тушди бошима,
Эранлар йиғилди, тегра-тошима,
Ёр билан ўйнадим кеча тушимда,
Тавалло айламанг, жонлар кетарман.

Бир парининг қолдим ўзим доғинда,
Ақлимни олибдур чошгоҳ вақтинда,
Манинг севар ёрим эрам боғинда,
Тавалло айламанг, жонлар кетарман.

Ман учрадим офат билан даврона,
Таъриф этсам оғзи писта даҳона,
Мискин Шариф сиғинурман Мавлона,
Рўзи қилса Гулқанджона кетарман.

Алқисса, бу жавобни Мискин Шарифнинг ота-онаси, Оразхон деган ёри эшитиб, Мискин Шарифнинг изидин келиб, зор-зор йиғлаб бир сўз айди:

Бир оллоға кўпдир зорим,
Нозли ёр кетмали бўлди.
Икки юзи қизил норим,
Севар ёр кетмали бўлди.

Бир қушинг отидур сунбул,
Юракларим ёнди буткул,
Бугун ишим бўлди мушкул,
Ёр босиб ўтмали бўлди.

Юрагим лахта қон бўлди,
Ичим ишқ ўтина тўлди,
Манинг ишим забун бўлди,
Бир ватан тутмали бўлди.

Заҳар бўлди ичган ошим,
Манинг ғамда қолди бошим,
Тинмай оқар бўлди ёшим,
Бизни унутмали бўлди.

Ёд этинг меҳру вафони,
Суралик завқи сафони,
Ораз чекди кўп жафони,
Нозли ёр кетмали бўлди.

Алқисса, Оразхон бу жавобни айтгандин сўнг Мискин Шариф ёрининг кўнглини хуш қилмоқ учун ёриға қараб бир сўз айди:

Нозли гўзал сандин рухсат олурман,
Йиғлама севгилим, кетсам келарман.
Хижрон азобини боша солурман,
Йиғлама севгилим, кетсам келарман.

Эгам раҳм айласа Раҳиму Раҳмон,
Анинг қудрати зўр қодири осмон,
Бу дунёға келмас нозанин ўғлон,
Йиғлама севгилим, кетсам келарман.

Эгнинга кийибсан тамоми зарбоф,
Бўйингни кўрганда рашк этар офтоб,
Оқ юза урибсан яна бу гулоб,
Йиғлама севгилим, кетсам келарман.

Саҳарларда бир худоға зорим бор,
Боға кирсам олма бирла норим бор,
Мискин Шариф ҳар ғазалда отим бор,
Йиғлама севгилим, кетсам келарман.

Алқисса, Мискин Шариф бу ғазали бирла ёрининг кўнглина тасалли берди. Анда Оразхон йиғламоқни қўймади. Анда Мискин Шариф муни яна бир сўз бирлан алдағайин деб, бир неча ерлардин мисол келтириб. Бу жавобни айди:

Ўн бармоқда олтин узук,
Айланай нозли ёр саннан.
Ёрим, қоши -кўзинг сузук,
Нозли ёр айланай саннан.

Тушимда кўрдим бир пари,
Бошима солди маҳшари,
Ўзи гўзаллар сарвари,
Айланай нозли ёр саннан.

Кўпдир ошиқлар аъмоли,
Керакмас дунёнинг моли,
Уйингдур олтин миноли,
Нозли ёр айланай саннан.

Боғинг ичра бўлсам боғбон,
Бир боқишинг жона дармон,
Санинг бирлан сурсам даврон,
Айланай нозли ёр саннан.

Сарҳовузинг шосупали,
Боғларинг олма, анорли,
Оқ юзингда қўша холли,
Айланай нозли ёр саннан.

Мискин Шариф бўлса қисмат,
Пирим сиздан бўлсин ҳиммат,
Манга бул ёр билан қисмат,
Айланай нозли ёр саннан.

Алқисса, бу жавобни айтгандин сўнг йигитларнинг орасинда бир Ваисжон деган жўраси бор эрди. Мискин ани зиёда яхши кўрар эрди, ул ҳам тавалло қилиб, Мискинжон жўрасиға қараб бир сўз айди:

Азалда қаттиқдир бу манинг бошим,
Ёри жоним соғлиқ билан керакдур.

Бир мактабда ўйнаб ўсган сирдошим,
Жўражоним соғлиқ билан керакдур.

Бу оламда кўпдир олиму зоҳид,
Ишқ йўлинда яна жонингни койит,
Улуғ китоблардан бири ҳақойиқ,
Жўражоним соғлиқ билан керакдур.

Ёшликда қўшилиб бўлиб қариндош,
Бир мактабда ўқиб бўлдик сабоқдош,
Санингдек топилмас биза бир сирдош,
Жўражоним соғлиқ билан керакдур.

Ман бир сир айтайин қилма эътироз,
Сўзимни айлагил мани имтиёз,
Бу сўзларни деган санго Ваисёз,
Тенги тушим соғлиқ билан керакдур

Алқисса, жўраси бу сўзни айтиб кетар бўлди ва андин кейин вазир, вакил, оталиқ, иноқ, подшо жами, устоларни йиғнаб бир кема ясатиб, кемага озиқ юклаб, беш кемага бир-бир юздин беш юз одам миниб, дарё тўридин равона бўлдилар. Бир неча кунлар дарёда юрдилар. Андин сўнг баногоҳ бир куни гирдоби хунхорга гирифтор бўлдилар . Ана шу гирдоб ичида айланиб юрдилар. Бир куни вақтики, қўл кўтариб худойи табораки таолоґа муножот қилдилар. Худойи табораки таоло дуоларни мустажоб қилиб, бир шамол эсди, кемаларни гирдобдин чиқардилар. Шул вақтда Мискин буларґа қараб бир сўз айди:

Ёри дўстлар ман кетарман,
Сирдошларим хуш қол энди,
Кунма кундин ҳам битарман,
Қадрдоним хўш қол энди.

Айтган сўзим бўлди аён,
Ёлґончи дунё бепоён,
Эзиб кўнглим қилма вайрон,
Нуқтадонлар хуш қол энди.

Кундуз ўн иккидур соат,
Қолмади жонимда тоқат,
Иншоолло сўнгдир роҳат,
Улли-киччи хуш қол энди.

Бир оти эгамнинг Ґаффор,
Яна бир отидир Қаҳҳор,

Барчага ўзингдир ғамхор,
Аҳли эшон хуш қол энди.

Сирингни айтма номарда,
Ишқнинг ўти ҳардам ўртар,
Ман қолибман ёвуз дарда,
Бекзодалар хуш қол энди.

Мискин Шариф боши қотди,
Ишқнинг тиғи жона ботди,
Манинг севгилим Гулқантди,
Тенг тушларим хуш қол энди.

Алқисса, Мискин Шариф бу жавобни айтгандин сўнг дарёи ум-монға айди: Манго устангдин йўл бер, ўтайин, деб дарёға қараб бир сўз айди:

Мавж уриб қайнаб тошарсан,
Уммон дарё ман ўтайин.
Магар бир ёра ошиқсан,
Жайҳун дарё ман ўтайин.

Бўлибман ўзим оввора,
Юраклар бўлди садпора,
Кел ўтсин Мискин бечора,
Уммон дарё ман ўтайин.

Алқисса, Мискин бечора бу жавобни айтгандан кейин Султон Ваисга сиғиниб машриқ бирла мағрибдағи ётган эранларға ёлбориб, ўзининг бечо-ра бўлғониға , тахти тожидин, ёри жўрасидин, қавму қариндошидин мусо-фир йўлдошидин айрилғаниға зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлаб, бир сўз айди:

Муҳаммад Мустафо олама сарвар,
Раҳм этакўр ҳоли зорима мани.
Келган ошиқ бўлған сарви санобар,
Раҳм этакўр ҳолима зорима мани.

Бир оллоға йиғлаб манинг ўзим зор,
Худонинг чин дўсти Аҳмаду Мухтор,
Султон Ваис бўлсин биза мададкор,
Раҳм этакўр ҳоли зорима мани.

Яхшиларға ёғар доимо раҳмат,
Туркистонда ётган пирим Хўжа Аҳмад,
Садаганг бўлайин Паҳлавон Маҳмуд,
Раҳм этакўр ҳоли зорима мани.

Ман учрадим бир бАқчали бўстона,
Қадам босиб уйдан чиқдим мастона,
Шайхул Мухтор Вали улуғ остона,
Раҳм этакўр ҳоли зорима мани.

Олимлар йиғилиб топмади далил,
Ман санго сиғиндим ё пирим Жалил,
Садағанг бўлайин ё Шайхул Жамил,
Раҳм этакўр ҳоли зорима мани.

Бир турлик ўзима айлади ҳавой,
Ҳазрати Полвондир Мискинга гувоҳ,
Бир мадад айлангиз пирим Навоий,
Раҳм этакўр ҳоли зорима мани.

Бир-биринда бўлур ошиқнинг жони,
Кечалар ёд этар насиҳат шоми,
Навоийнинг пири мавлоно Жомий,
Раҳм этакўр ҳоли зорима мани.

Ёлғончида севди айшу ишратни,
Ошиқларнинг кўпдир ранжи меҳнати,
Бу дунёда ўтган Шоҳи Хисрави,
Раҳм этакўр ҳоли зорима мани.

Саҳарларда туриб қилгум муножот,
Ҳар кимнинг фарзанди бўлса-саодат,
Мискин Шариф сан ҳақ зикрини ёд эт,
Раҳм этакўр ҳоли зорима мани.

Алқисса, Мискин бу сўзни айтгандин сўнг, булар бирлан видолашиб, чиқиб йўлға равона бўлдилар. Неча-кундуз йўл юриб борур эркан йўл уч бўлинди, бир йўл кун чиқар тарафа кетди, яна бири орқа сари кетди, бири қибла сари кетди, эрса бу уч йўлнинг бошида туриб қайси йўлға кетайин деб, ҳайрон бўлиб худойи таолоға зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлаб бул байтни ўқиди:

Бир отингдир қодир оллоҳ,
Ўзинг етир ёра мани.
Чўли кезган Хизр ота,
Ўзинг етир ёра мани.

Ёр кетиб бўш қолди сарой,
Ҳеч кимнинг бўлмади жарой,
Ёрим Саид Муҳаммад моҳрўй,

Ўзинг етир ёра мани.

Мавж уриб оқади денгиз,
Хабардор бўлғай эгамиз,
Хирқа кийган Султон Ваис,
Ўзинг етир ёра мани.

Кийган чакмонларим мовут,
Ёримсиз Ҳазрати Довуд,
Закота чалган Исмомуд,
Ўзинг етир ёра мани.

Жон чиққанда бўш қолур жон,
Ососини тоға урган,
Жам бўлибам юрган чилтан,
Шугун етир ёра мани.

Жамшид қуърасида бу жон,
Тилак тиларман субҳи шом,
Бир мадад айланг Норимжон,
Ўзинг етир ёра мани.

Қилибман ишимни хато,
Мадад беринг Ҳаким ота,
Пирим қўлданг Саид ота,
Ўзинг етир ёра мани.

Бир сўзди тилимдин нозил,
На ишлар айладинг ҳосил,
Мискин Шариф ҳаққа восил,
Ўзинг етир ёра мани.

Алқисса, Мискин Шариф бу жавобни айтгандин сўнг, худоға таваккал қилиб йўлға равона бўлди. Этагини чармаб бир неча кун йўл юрди. Ногоҳ кўрдиким, узоқ бир бўлак қиз-жувон, ғунча даҳон, мўрча миён, зулфлари чин-чин, халқа-халқа бир жамоа қизлар келур. Гумон қилдиким, магар буларнинг орасинда манинг ёрим Гулқанджон ҳам бўлса деб, буларға хушомад қилиб бир сўз айди:

Булбул сайрар қизил гулнинг устинда,
Сўзла гўзал жоним қайдин келурсан ?
Ўзимни қўймишам санинг дастингдан,
Кўзлари мастоним қайдин келурсан?

Ошиқни инжитма ўзинг тилингдин,

Бир коса май ичсам санинг алингдин,
Бир чаман боғласам қизил гулингдин,
Ғунча занахдоним қайдин келурсан?

Ёқамни чок этиб энди йиғласам,
Йўлингда белимни маҳкам боғласам,
Ишқ ўтиға сабзларим доғласам,
Кўнглимнинг мадори қайдин келурсан?

Бори еринг санинг ноз билан ханда,
Дурри гавҳар, тавалло писта даҳанда,
Ернинг юзи бариси санго банда,
Ғунча занахдоним қайдин келурсан?

Азалдин қаттиғдур бу манинг бошим,
Гўзимда оқади тинмайин ёшим,
Пирим эрур ёнингдаги йўлдошинг,
Қадди туби жоним қайдин келурсан?

Бу дунёдин ничча ошиқ ўтганди,
Ҳеч бириси сани кўрмай ўртанди,
Таърифингни Мискин Шариф айтанди,
Паризод, яхши ёр, қайдин бўлурсан?

Алқисса, Миски Шариф бу жавобни айди. Эрса қизлар бир назар ҳам қарамай, ўз йўлиға кетдилар. Алардин ўтиб Мискин бечора бир замонлар йўл юрди. Бир вилоятга дохил бўлди. Эрса одамлар ғайри вилоят кўриб теграсинда айландилар. Мискин Шариф сўради: на турли одамдурсизлар? Айдилар: бул тўйнинг одамлари, турур. Эрса Мискин Шариф қўлиға созини олиб, тўйни таъриф этиб бир сўз айди:

Ровийлар қилурмиш бундай ривоят,
Баракалло санинг берган тўйинго.
Шоҳим сизга айтай тоза ҳикоят,
Баракалло санинг берган тўйинго.

Мубораклар бўлсин берган сарпойинг,
Улуғларни севинг, йўқдур гуноҳим,
Ёрлақасин сани қодир оллойинг,
Баракалло санинг берган тўйинго.

Хизир ота биза солғандир назар,
Ҳеч кимсадин санго етмасин зарар,
Савдагорлар машриқ, мағрибни кезар,
Баракалло санинг берган тўйинго.

Бир вақтда ўтгандур Ҳобилу Қобил,
Ҳарна барган хайринг бўлсинлар қабул,
Ҳақнинг фармонинда ҳам яна бўлғил,
Баракалло санинг берган тўйинго.

Халойиққа айтай ман ўзим достон,
Бу шаҳар ичинда очилди бўстон,
Ясандилар барча одам гулистон,
Баракалло санинг берган тўйинго.

Бу жойларни кўплар билан кезганман,
Дўсти душман бир-бирини сезганман,
Мискин Шариф ўзим ҳақдин келганман,
Баракалло санинг берган тўйинго.

Алқисса, Мискин Шариф бу жавобни айди, эрса бу шаҳарни икки қизи бор эрди. Бирининг оти Нишот эрди, ва яна бирининг оти Нигор эрди. Бу қизлар Мискиннинг овозасини эшитиб, ғойибона гирифтор бўлдилар. Эрса киши юбордилар, бориб келтирдилар. Эрса алар буюрдиким, Мискинжон, бир ғазал айтғил, дедилар. Мискинжон ажаб бўлур деб, қўлиға созини олиб ул қизларға қараб, бир сўз айди:

Нозли дилдорнинг қўлидин,
Тутсам айлоно-айлоно.
Қучубон инча белидин,
Ўпсам айлоно-айлоно.

Булбуллар сайрар гул учун,
Сочи сиёҳ сунбул учун,
Жафо чекдим шул қиз учун,
Юрсам айлоно-айлоно.

Какликлар сайрар қафасда,
Ҳасратингдин бўлдим хаста,
Етса Сулаймон сурдаста,
Юрсам айлоно-айлоно.

Бир худони қилурман ёд,
Одингизни сўрдим Нишот,
Мискин кўнглин айлагил шод,
Қучсам айлоно-айлоно.

Алқисса, Мискин бу жавобни айди, эрса Нишотжон бирла Нигоржон саллоно-саллоно келабардилар. Шул вақтда Мискинжоннинг кўнгли бузилиб, бир сўз айди:

Баҳорда очилур қизил гул,
Кел эмди, жоним, кел эмди.
Сайрар боғлар ичра булбул,
Кел эмди, жоним, кел эмди.

Ошиқ иши мудом оҳдир,
Сани кўриб ақлим лолдир,
Тўйиб ичсам оғзинг болдир,
Кел эмди, жоним, кел эмди.

Яхши отларни чопарлар,
Бол бўлса ўлчаб сотарлар,
Гул юза гулоб суртарлар,
Гул юздин бўса, бер эмди.

Териб тоғда гулу лола,
Кетмагил юз минг хаёла,
Лабингдаги оққан бола,
Ошиқингни қондир эмди.

Алқисса, Мискин бу жавобни айди: эрса Нигоржон бир рўмол берди. Рўмолини ёзар бўлса, олам турли-туманга, ё яшил, ё алвон рангга дўнар эрди. Мискинжон кўлиґа олиб, равона бўлди. Бир неча кун йўл юриб, Канъон шаҳриґа бориб, ҳазрати Юсуфнинг равзаи шарифлариґа бориб, зиёрат қилиб, орадан бир неча муддатлар ўтди. Анда ётиб, истироҳат қилдилар. Ётґон вақтинда уйқусинда кўрарким, ҳазрати Ёқуб алайҳиссалом айдилар:эй ўґлим, на иш қилиб юрибсан, дедилар. Эрса Мискинжон айди: Худои таоло йўл берса ёримни излаб юрибман, деди. Ёқуб алайҳиссалом айди:андоґ бўлса, йўлинг бўлсин, деб фотиҳа бердилар. Мискинжон сичраб турди. Қараса ётґон ери бир ажойиб муаттар бўлиб турур. Мискиннинг димоґи чоґ бўлиб, йўлґа равона бўлди. Анча кун манзил ва мароқиб тай қилиб, юрибарди, дарёнинг лабига бориб, худои табораки таолоґа муножот қилиб, авлиёґа сиґиниб, мадад тилаб, бир сўз айди:

Барчанинг паноси қодир худойим,
Мушкулим осон эт, қўйма бу зора.
Ёрлақаґил барча қулинг қатори,
Мушкулим осон эт, қўйма озора.

Хоразм шаҳринда ўтгандир Ҳотам,
Имомларґа тутди барчалар мотам,
Барчанинг отаси ҳазрати Одам,
Мушкулим осон эт, қўйма озора.

Яхшилара ёґар доимо раҳмат,

Туркистонда ётган ул Хўжа Аҳмад,
Оллонинг дўстидур Расул Мухаммад,
Мушкулим осон эт, қўйма озора.

Ёз бўлса кўкарур ҳар дурли гиёҳ,
Азиз умрим бўлди йўлингда фидо,
Бошлариға арра кийган Закариё,
Мушкулим осон эт, қўйма озора.

Кўнглимизда эрур доимо Раббий,
Ошиқлара бўлғай худо мураббий,
Фидойинг бўлайин ё Шиши наби,
Мушкулим осон эт, қўйма озора.

Достонингни айтдим ман сани расо,
Туб тоғина чиққан ҳазрати Мусо,
Тўртланжи осмонда ҳазрати Исо,
Мушкулим осон эт, қўйма бу зора.

Қилғаним ҳажодир, ўзим рўйсиёҳ,
Баҳорда кўкарур ҳар турли гиёҳ,
Ошиқлар сарвари Юсуф Зулайҳо,
Мушкулим осон эт қўйма озора.

Кўнглима ўт тушар ҳарна сўз десам,
Дилима келди кўп сўз ёри карам,
Диннинг чироғидур ё Имом Аъзам,
Мушкулим осон эт қўйма озора.

Зиёратга кўп одамлар келурлар,
Маҳшаргоҳнинг куни кўп сиғинурлар,
Мағрибда Машриқда ётган эранлар,
Мушкулим осон эт, қўйма озора.

Бошима келгандур мани бир думон,
Барчаларға бергил ҳам нури имон,
Садаганг бўлайин ўн икки имом,
Мушкулим осон эт, қўйма озора.

Оллони айтурман тилдин ҳар замон,
Чўлларда юрибман зори саргардон,
Бир мадад айлагил ё Шоҳимардон,
Мушкулим осон эт, қўйма озора.

Сўз айтурман тилдин неча минг алвон,
Бу дунё деганинг барчадин қолғон,
Хоразмда ётған ҳазрати Полвон,
Мушкулим осон эт, қўйма озора.

Султонлар олдинда олим этар баҳс,
Қилған ишим манинг барчаси абас,
Садағанг бўлайин ё пири сармаст,
Мушкулим осон эт, қўйма озора.

Бир пора одамлар эрурлар бахил,
Савоба бўлдилар соғиниб дохил,
Садағанг бўлайин ҳазрати Халил,
Мушкулим осон эт, қўйма озора.

Яхшилар хизматин ўзим этайин,
Белим бойлаб рост йўлға кетайин,
Мадад беринг пирим Саид Оловиддин,
Мушкулим осон эт, қўйма озора.

Пайғамбарлар қилур бир худоға роз,
Қулоғима келди бир яхши овоз,
Бир мадад айланглар пирим тўрт шоввоз,
Мушкулим осон эт қўйма озора.

Хайр этиб, сахийлар қолди савоба,
Мадад беринг ўттиз уч минг сахоба,
Мадад беринг пирим, Қора алам бува,
Мушкулим осон эт, қўйма озора.

Қилған ишим манинг доимо хато,
Насибамни манинг хар ерга тортар,
Садағанг бўлайин ё Саид ота,
Мушкулим осон эт қўйма озора.

Бу ерларда ўзим бўлдим оввора,
Истаюб дардима топмадим чора,
Бу сўзларни айтди Мискин бечора,
Мушкулим осон эт, қўйма озора.

Алқисса, Мискинжон бу муножотни айтғондин сўнг дарёға айди:эй, дарё баҳурмати ҳазрати Юсуф, манго йўл беринг, деди. Эрса худои таолонинг фармони бирла, дарё иккига айрилди. Мискин дарёдин ўтиб, йўла раво-

на бўлди. Баногоҳ борур эрди, бир тоғ йўликди, ул тоғга чикди. Эрса кўрсаким бир бўлак одамлар турурлар, аларнинг ёниға бориб эрса Мискинға , бир коса шароб бердилар. Ани ичиб масти лоақал бўлиб, йўлға равона бўлди. Ногоҳ тоғ устидин борур эрди. Кўрарким, йўл еттиға айрилди. Қайси бирисидин кетарини билмай, ҳайрон-саросима бўлиб, бир сўз айди:

Эранлар йиғилди дегра дошима,
Етишакўр Шоҳимардон ё Али.
Ҳайрон бўлиб етти йўлнинг бошина,
Етишакўр Шоҳимардон ё Али.

Пирим берган насиҳатни олмадим
Қайси йўлға кетаримни билмадим,
Эл ичинда ҳаргиз ўйнаб кулмадим,
Етишакўр Шоҳимардон ё Али.

Худонинг саноси бордур дилинда,
Ўрдак бирла ғози бордур қўлинда,
Ман адашдим Карбалонинг чўлинда,
Етишакўр Шоҳимардон ё Али.

Баҳорда очилар лолазор гулим,
Маст бўлиб сайрашур бунда булбулим,
Кунма куннан зиёд бўлди мушкулим,
Етишакўр Шоҳимардон ё Али.

Пайғамбаримиздур Муҳаммад Мустафо,
Бу дунё кимлара қилмади вафо,
Ёримнинг йўлинда чекибман жафо,
Етишакўр Шоҳимардон ё Али.

Ёд айлагил ул Расули сарварни,
Ёнидин айирмамиш бобо Қамбарни,
Ҳийла билан олғон шаҳри Ҳайбарни,
Етишакўр Шоҳимардон ё Али.

Бир оллоға йиғлаб манинг ўзим зор,
Расулилло бўлғай шояд мададкор,
Умримни борича чолғон Зулфиқор,
Етишакўр Шоҳимардон ё Али.

Ҳар сафарда минг қул айладинг озод,
Етмиш йил айладинг кофира ғазот,
Эгам мушкулимни айлагил, кушод,

Етишакўр Шоҳимардон ё Али.

Саҳарлар айладим ҳақға муножот,
Сан билурсан ҳолимни қози ул Ҳажот
Барчанинг тилагин айла мустажоб,
Етишакўр Шоҳимардон ё Али.

Бир ошиқнинг оти Мажнуну Лайли,
Қадимдаги ўтган барчаси Вали,
Мискин Шариф пири ҳазрати Али,
Етишакўр Шоҳимардон ё Али.

Алқисса, Мискин Шариф бу жавобни айди, эрса қибла тарафидин, бир гард пайдо бўлди. Гард орасидин бир қора отли, қора тўнли пайдо бўлди. Мискин Шарифга қараб туриб эрди, келиб айди:эй ўғлим, қўлингни манго бергил, деб, қўлидин тутиб, орқасиға олиб, кўззингни юмғил, деди. Эрса кўззини юмди, Мискин Шарифни олиб ғойиб бўлди. Бир соатдин сўнг кўззингни очғил деди, кўззини очди. Кўрарким бир биёбон. Анда тушди. Шул вақтда хазрати Али айди: Эй ўғлим, худо ёринг бўлсин, деб ғойиб бўлди. Андин сўнг Мискин Шариф ҳайрон бўлиб қайси тарафга борарини билмай, бир тарафга кетаберди. Ногоҳ кўрарким бир бўлак нозанин қизлар товус, пари хиромон айлаб, ҳар турлики ишва билан оламни ёқиб, зулфларига гавҳарлар тақиб, Мискин бечорани саросимага қўйиб, юз минг жилва бирлан ўтавердилар. Эрса Мискинжоннинг кўнгли жўш уриб, аларға қараб бир сўз айди:

Бир қиё айлаб боқарсан,
Кезарлар ҳар ёна қизлар.
Ширин жонимни ёқарсан,
Ўтарлар ҳар ёна қизлар.

Тишинг дурдонадур, садаф,
Бошдан оёғингдур адаб,
Кунма куннан ўзни безаб,
Келарлар саллона қизлар.

Оқар сувларнинг солмаси,
Икки юзининг олмаси,
Жонимни олди ғамзаси,
Юрарлар мастона қизлар.

Қолибман йўл йироқинда,
Куйиб ҳардам фироқинда,
Шукр болли дудоғинда,
Сочарлар ҳар ёна қизлар.

Узоқдир санинг элларинг,
Алифдек инча белларинг,
Шакардин ширин тилларинг,
Ўтлар солар жона қизлар.

Ўзим бўлибман оввора,
Юрагим бўлди садпора,
На билсин Мискин бечора,
Зулфларида шона қизлар.

Алқисса, Мискин Шариф бу жавобни айди. Эрса қизлар бунга қарамай кетабердилар. Мискин бечоранинг умиди бўлмай ёр ёдиға тушиб, йиғлаб борур эрди. Узоқдан бир кўшк кўринди. Ғиштина олтин, кумушлар битикдур. Заъфарон бирла безаб турурлар, баландлиги фалакнинг бошиға чиққан. Мискин бечора хаёл қилдиким, ёримнинг макони шул бўлғай деб юриберди. Эрса яқин борди, кўрарким, боғи жаннатсифат бир жой. Мискин Шариф бундай ораста боғға ҳаргиз киргани йўқ эрди. Ҳайрон бўлиб туриб атрофиға назар солди. Эрса боғнинг орқа тарафинда йўл кетган. Шул йўл бирлан бораберди. Олдиға бир сув йўлиқди. Кўрарким:сув мавж уриб борур. Мискин бечора бу сув на эркан деб, сувни ёқалаб борур эрди. Эрса сув боғға бир дўшикдин ўтиб дурур. Мискин бечора ҳайрон бўлиб қараса, ажаб мунаққашли бир дарча очиқ кўринди. Мискин бечора боғға кирди, ажаб ораста боғ турур. Мевалари алвон-алвон пишибдур. Мискинжон бир неча кундин бери оч эрди. Мевалардин тановул қилиб сероб бўлди. Ногоҳ Гулқанджон кўшк дарчасидин боғға назар солса, бир одамизод юрурким, икки канизакка буюрди, борғил, бу не одам эркан, хабар олғил, деди. Бир канизак отиға Меҳригул дер эрдилар ва яна бирининг отиға Меҳришамс дер эрдилар. Алқисса, булар келиб, Мискинжонни тутдилар. Айдилар:на одамсан? Бу ерга на иш бирла келдинг? Агар қуш келса қаноти куяр, қулон келса туёғи куяр деб, кўп навозишлар қилиб, канизаклар Мискинжонни бибиси Гулқанджоннинг хизматиға олиб бордилар. Кўшкнинг остинда туриб айдилар: Мана келтурдик. Гулқанджон сўради: нечук одам турур? Канизлар айдилар:ўн тўрт кечалик ойдек. Жаҳонга етишгулик деб юқориға чиқардилар. Мискин бечора кўшкнинг биносини кўриб ҳайрон бўлди. Тамоми лаъли марваридлар бирлан муайян турур. Гулқанджон ул кўшкнинг устинда ўлтириб савол қилди:эмди эй йигит қайси боғнинг гулисан, қайси чаманнинг булбулисан ва қайси ошиёндин парвоз қилиб, қайси гулузорға қўнарсан, деди ва яна айди:яхши-ёмондин хабар бер, деди: анда Мискин Шариф айди: Ман саҳройи турурман, деди. Канизлар айдилар: Бул ғалат айтадур. Саҳройи бўлсанг бибимизни таъриф қилсанг қутулурсан ва олло ўлдирурмиз, дедилар. Анда Мискин бечоранинг шавқи ғолиб бўлиб, Гулқанджоннинг кўшкига қараб, қўлиға созини олиб бир сўз айди:

Ман ошиқман меҳри вафо,

Дардима дармона келдим.
Шул ёр учун чекдим вафо,
Жон билан жонона келдим.

Уйингдин кулиб чиқарсан,
Оғзингдин дурлар сочарсан,
Очилған гул тарғунчасан,
Кўзлари мастона келдим.

Бир бўса бер дудоғиндин,
Сийнам ўртанди доғингдин,
Қизил гулдек яноғингдин,
Ғунчаи хандона келдим.

Ўргилай санинг бошингдин,
Ўнтўрта кирган ёшингдин,
Айланай қалам қошингдин,
Дурри зарафшона келдим.

Қошингдур Исфахон ёйи,
Кийиб эгнингда ридойи,
Ўзинг париларнинг шоҳи,
Қадди туби жона келдим.

Мен кечдим энди бошимдин,
Коса май ичдим илгингдин,
Қучсам мен нозик белингдин,
Сарв бўйли жона келдим.

Мискин Шариф бўлгил огоҳ,
Жамолингни кўрсам ногоҳ,
Меҳригулжон бўлгил огоҳ,
Ўзим Гулқанджона келдим.

Алқисса, Мискин Шариф бу жавобни айтғандин сўнг Гулқанджон ҳайрон бўлди. Бул вақтда Мискиннинг кўзи туморға тушиб айди: Тушимда кўрган ёрим шул эркандур деб, ёриға қараб бир сўз айди:

Келинг жоним кўришали,
Хуш келибсиз нигоримиз.
Гуллар узиб теришали,
Хуш келибсиз нигоримиз.

Келинг жоним жаҳд этали,
Боғ ичинда аҳд этали,

Мурод-мақсада етали,
Хуш келибсиз нигоримиз.

Қурбонман чашми мастинга,
Қадам қўй сийнам устина,
Дастингни қўй даст устина,
Хуш келибсиз нигоримиз.

Ошиқ иши мудом олдир,
Сани кўриб ақлим лолдир,
Манинг ёрим Гулқанджондир,
Хуш келибсиз нигоримиз.

Алқисса, бу сўзни эшитгандин сўнг Гулқанджоннинг бир канизи бор эрди. Ул айди: эй бибижон, бу одамға кўнгил берманг, буни синамоқ керак, ошиқми ё ғайрми? Бул вақтда Гулқанджон сиёсат этиб айди:эй одамзод, ман духтори подшо бўлсам, санинг ҳаддингми манинг боғима кирмак ва манго келиб дахл қилмоқ деб, дарғазаб бирлан буюрди: муни зиндона солинг , токи жазосини тортсин. Сазойи киши мундоғ густоҳлик қилмағай эрди, деди. Канизлар Мискинжонни оёқиға кишан, қўлиға занжир солиб, элтиб зиндонға солдилар. Бир неча кун зиндонда ётди. Мискин бечора бир куни саҳар вақти худои таоло таборакка муножат қилиб бир сўз айди:

Бир қиё айлайиб ўзинг боқарсан,
Айб этманг жонларим ман мунда келдим.
Бу ноз ила ширин жоним ёқарсан,
Айб этманг жонларим ман мунда келдим.

Қодир олло манинг бўлса паноҳим,
Бир оҳ урсам чиқар оғзимдан оҳим,
Арзимни эшитинг фарзанди шоҳим,
Айб этманг жонларим ман мунда келдим.

Ошиқнинг дардига ўзинг етарсан,
Боғбон бўлиб терсам нози гулингдан,
Алифдек қоматинг, инча белингдан,
Айб этманг жонларим ман мунда келдим.

Суҳбатда ёримнинг мудом сози бор,
Сарҳовузда ўрдак бирла ғози бор,
Ман олмоқа кирдим минг хил нози бор,
Айб этманг жонларим ман мунда келдим.

Мискин Шариф бир худоға зорим бор,
Ёрим сансан, санда қўша норим бор,

Паризод сифатли манинг ёрим бор,
Насиб бўлса даврон сурмака келдим.

Алқисса, Мискин Шариф бу жавобни айтғандин сўнг, Гулқанджон паризод кўшкдин чиқиб, зиндоннинг дарчасидин қараб туриб эрди, Мискин бечоранинг фарёдини эшитиб, ул ҳам ўзининг аҳволидин Мискинжонни огоҳ этиб бир сўз айди:

Сан ёра бўлдим интизор,
Ёнар бўлдим ёр дастингдан.
Очилди гулли мурғзор,
Ёнар бўлдим ёр дастингдан.

Оҳу зоринг этди мани бедаво,
Сочларинг сиёҳдир, сунбули торо,
Икки юзинг қизил гула мангзаро,
Қайға борай ёр дастингдан.

Бир худоға кўпдир зорим,
Сарф этайин йўқим-борим,
Манам сандай йўқ қарорим,
Ўлар бўлдим ёр дастингдан.

Булбул мудом чекар меҳнат,
Яхши кўрар доим иззат,
Кел эмди тутали суҳбат,
Қонлар ютарман дастингдан.

Ажал манинг қўлим тутди,
Ишқ тиғи сийнама ботди,
Отимни сўрсанг Гулқандди,
Ўлар бўлдим ёр дастингдан

Алқисса, Гулқанджон бу сўзни айтгандан сўнг Мискин бечорани зиндондан чиқариб, шоҳона либослар бериб, боғға кўриниш хонани қадоғон қилиб, канизларига жавоб бериб, зарбоф, кимхоблардан тўшаклар солиб, айшу ишратга машғул бўлдилар. Бир кундин сўнг Мискинжон уйқудин туриб эрди. Эрса ёри унга қараб бир сўз айди:

Қошларинг ёзилмиш сани чун камон,
Хуш келибсиз ёрим жоним устина.
Ҳақ сани яратмиш ўзин нуридин,
Хуш келибсиз ёрим жоним устина.

Кўнглим ичра манинг юз минг армондур,
Йўлинга термулиб кўзим гирёндур,
Ҳасратингдин қизил юзим сарғондур,

Хуш келибсиз ёрим жоним устина.

Қўл тутишиб яна боға кирали,
Оқу қизил олмалардан терали,
Яна санинг билан даврон сурали,
Хуш келибсиз ёрим жоним устина.

Ҳақ зикрини доим ўзим қилдим ёд,
Ғамгин кўнгилларни айла бугун шод,
Бу сўзларни айтган Гулқанд паризод,
Хуш келибсиз ёрим жоним устина.

Алқисса, Гулқанджон паризод бу сўзни айтгандин сўнг, канизи Меҳригулга буюрди: боғнинг меваларидин териб келтиргил, деб. Эрса Меҳригул канизлар билан ничча турли неъматларни лаъл бирлан келтириб олдинда қўйди. Гулқанджон ёри бирлан емоққа машғул бўлди. Анда Мискиннинг ёри ёдиға тушиб, бир сўз айди:

Узоқ йўлдан келдим санго ғойибона,
Шугун ман бир турфа зота учрадим.
Ҳасратингдин бўлиб дали-девона,
Шугун ман бир турфа зота учрадим.

Таърифингни айтсам хўблар хўбисан,
Тилларинг мазали болдан сужисан,
Тангрининг яратган беҳишт, ҳурисан,
Шугун ман бир қизил гула учрадим.

Овозанг тушибдур йироқ ерлара,
Дўланиб, чирмашиб нозик беллара,
Жоним қурбон бўлсин ширин тиллара
Шугун ман бир турфа зота учрадим.

Кеча-кундуз бир оллонинг ёдинда,
Боғи ором солди-санинг одингда,
Қирқ канизи бордир мудом ёнинда,
Бугун ман бир паризода учрадим.

Бу дунёдин ничча ошиқ ўтанди,
Ҳеч бириси сани кўрмай кетанди,
Таърифингни Мискин Шариф айтанди,
Ман шугун бир Гулқанджона учрадим.

Алқисса, бу сўзни Гулқанджон эшитиб, Мискин бечоранинг кўнглини овлаб, бир сўз айди:

Булбул сайрар қизил гулнинг устинда,

Хуш келибсан ёрим, сабо келибсан.
Дастим қўйсам яна санинг дастинга,
Хуш келибсан ёрим, сабо келибсан.

Ман сўзимни қилай санго ирода,
Дардлар ўлди дард устина зиёда,
Санинг бирла етсам мақсад-мурода,
Хуш келибсан ёрим, сабо келибсан

Солмаларнинг суви оқар дўланиб,
Бўйингдин ўргилай сани солланиб,
Санинг бирлан ётсам бирга товланиб,
Хуш келибсан ёрим, сабо келибсан.

Санинг ҳуснинг тар сурата чакилди,
Кўзда ёшим сел бўлибон тўкилди,
Ҳасратингдин яна қаддим букилди,
Хуш келибсан ёрим, сабо келибсан.

Кўп китоблар ўқиб яна қилдим ёд,
Дўсти ёрим ҳолин қилибман барбод,
Бу жавобни айтган Гулқанд паризод,
Хуш келибсан ёрим, сабо келибсан

Алқисса, Гулқанджон паризод бу жавобни айтгандин сўнг, Меҳригул канизи бирлан кўшкдин тушиб, хиёбон гулларини оралаб борур эрдилар, Мискин Шарифнинг кўззи Гулқанджон ёриға тушиб, кўнгли хуш бўлиб, қўлиға созини олиб бир сўз айди:

Ғамгин кўнглимни айлаб шод,
Солланиб Гулқанджон келди.
Мисоли қомати шамшод,
Солланиб Гулқанджон келди.

Тархиноли тирноқларинг,
Ярашиқли бармоқларинг,
Писта янглиғ дудоқларинг,
Солланиб Гулқанджон келди.

Ҳар гўзалнинг бор бир ўйи,
Сарвга ўхшайди бўйи, ,
Хушмулойим хулқи-хуйи,
Солланиб Гулқанджон келди.

Надин тарсиз ёрнинг хавфи,

Таърифинг хўбларнинг хўби,
Қаддингиз мисоли туби,
Солланиб Гулқанджон келди.

Ман қолибман қайғу оҳа,
Юзим қўйдим қиблагоҳа,
Мискин йиғлар бир худоға,
Солланиб Гулқанджон келди.

Алқисса, Мискинжон бу жавобни айди. Эрса Гулқанджон ёрининг кўнглига бир нави тушди. Мискин кўрарким, Гулқанджон ёрининг кўнгли паришон бўлиб, шул вақтда Мискинжон ёрининг кўнглини хушлаб, бир сўз айди:

Маҳшар куни тўртта ошиқ жаъм ўлур,
Юр севдигим, боғни сайрон этали.
Қизил гулдек рангинг сарғариб сўлур,
Юр севдигим, боғни сайрон этали.

Умидим бор олмасидан, норидан,
Ман кечибман номус бирла оримдан,
Айрилмасман Хизир қўшган ёримдан,
Юр севдигим, боғни сайрон этали.

Пир бирла эшонлар қилурлар хилват,
Ёрим биза айлар доим мурувват,
Лабни лабга қўйиб айласанг суҳбат,
Юр севдигим, боғни сайрон этали.

Гулқанд пари дерлар манинг отима,
Гар интизор этсам аҳли зотима,
Яратган оллоҳим етгил додима,
Юр севдигим, боғни сайрон этали.

Алқисса, Гулқанджон бу жавобни айди. Эрса иккалалари қўл тутишиб, кўшкнинг олдинда турдилар. Шул вақтда Мискинжон қўлина созини олиб бир сўз айди:

Кўздан ёшим оқиб манинг сел бўлди,
Кўшк устинда шугун даврон сурали.
Сан ёримдин кўп жафога дуч бўлдим,
Кўшк устинда шугун даврон сурали.

Оллоҳнинг зикрини этсам саҳар ёд,
Искандарга келган ул обу ҳаёт,
Ҳамрожоннинг ёридур пари Саёд,
Кўшк устинда шугун даврон сурали.

Отингни қўяйин мен сани Раъно,
Ҳурилиқо жоннинг ёридур Ҳамро,
Ақли ҳушим олди мани бир барно,
Кўшк устинда шугун даврон сурали.

Тилларингда бордур ҳақнинг саноси,
Саройингнинг бордур олтин миноси,
Кўлларингнинг бордур яшил сўнаси,
Кўшк устинда шугун даврон сурали.

Мискин Шариф манинг отим қолибдур,
Ҳасратингдин озиб юзим сўлибдур,
Бир худодин бизга қисмат бўлибдур,
Шугун кўшк устинда даврон сурали.

Алқисса, Мискин Шариф бу жавобни айтиб бўлгандин сўнг, иккалалари кўшк устинда завқ-шавқ этиб ётдилар. Ногоҳ Мискинжон уйғониб қараса Гулқанджон ноз уйқуда ётибди. Ёрини уйғотмоқ учун қўлина созини олиб, бир сўз айди:

Айланай қора кўзингдин,
Нозли дилдор уйғон энди.
Бўса олсам оқ юзингдин,
Нозли дилдор уйғон энди.

Ман сиғиндим ўтган пира,
Бугун вақтим бўлди тийра,
Булбул ошиқ қизил гула,
Нозли дилдор уйғон энди.

Тоғ устинда битар арча,
Томошаға галинг барча,
Кийганингдир қизил парча,
Нозли дилдор уйғон энди.

Ман қолибман дарда оҳа,
Юзим қўйдим қиблагоҳа,
Мискин йиғлар бир худоға,
Нозли дилдор уйғон энди.

Алқисса, Мискин бу жавобни айди, эрса Гулқанджон парининг иккита канизи бор эрди, бирина Жоншод яна бирина Меҳригул дер эрдилар. Шул вақтда Гулқанджон ёриға қараб, бир сўз айди:

Кўнглимизни айлагил шод,
Хуш келибсиз, вафоли ёр.

Мисоли қоматинг шамшод,
Хуш келибсиз, вафоли ёр.

Сан ёр учун чекдим оҳи,
Юрагима қўйма доғи,
Юзингдир беҳиштнинг боғи,
Хуш келибсиз, вафоли ёр.

Сайр этали мол-минорим,
Бир замон йўқдир қарорим,
Икки юзи олма норим,
Хуш келибсиз, вафоли ёр.

Қилурлар кофирга ғазаб,
Минг ғулом айладим озод,
Одимиз Гулқанд паризод,
Хуш келибсиз вафоли ёр.

Алқисса, Мискинжон бу жавобни айтгандин сўнг, иккалалари бир неча кун айшу ишратга машғул бўлдилар. Бир неча кунлардин сўнг бу воқеани Гулқанджоннинг отаси эшитиб, ғазабнок бўлди. Гулқанджон дарров шаҳарга бориб, пинҳон бўлиб ҳарамина кириб ўлтириб эрди, подшо киши юбариб, боғдин Мискинжонни тутиб, боғлаб, боши-оёғини яланг подшонинг олдиға келтирдилар. Подшо дарғазаб бўлиб, ўлимга бурди. Эрса подшонинг бир доно канизи бор эрди, айди: эй подшоҳи олам, Ваис Султони бокарам, мунинг додиға етмак керакдур, ўлдирмакингиз кўп эрмас. Подшо-зода бўлиши ҳам мумкин, ишқ йўлинда мундоғ ишларни айламак айб эрмас, деди. Эрса подшо айди: ошиқ ишқиға бир ғазал айтсин, деди. Эрса Мис-кинжон ўлимдин халос бўлғаниға қувониб, қўлиға созини олиб, ишқ тўғрисида бир ғазал айди:

Ошиқларни бор айлаган бир худо,
Барчадин от қолди, мандин қолмади.
Ошиқлар сарвари Юсуф Зулайҳо,
Алардин от қолди, мандин қолмади.

Фалак манинг ҳолим этди дигар хун,
Ҳасратида бағрим бўлди жигархун,
Лайли бирлан ошиқ бўлганди Мажнун,
Алардин от қолди, мандин қолмади.

Ҳақ зикрини саҳарларда қилинг ёд,
Яхши овқатимни айладим барбод,
Ширин учун жафо чеккандур Фарҳод,
Алардин от қолди, мандин қолмади.

Жафо чекиб кўззим йўлда қаторди,
Ҳасратингда қизил юзим сарғайди,
Ўн тўрт ошиқларнинг пири ғарибди,
Алардин от қолди, мандин олмади.

Қурбон бўлай Мустафонинг отина,
Ҳаркимни етирсин ўз муродина,
Мискин Шариф ёнмиш ишқнинг ўтина,
Ҳаммадин от қолди, мандин қолмади.

Алқисса, Мискин Шариф бу жавобни айди, эрса подшо айди: мани лашкарим ва навкарларимни бир таъриф қилғил, деди. Эрса Мискин Шариф подшоға қараб, бир сўз айди:

Кийибсиз эмди шоҳона,
Ажаб маҳрамларинг бордир.
Овозанг тушди жаҳона,
Юз лак навкарларинг бордир.

Ўқиб илмин тамом этган,
Ғанимларни қувлаб етган,
Кулли кофирни забт этган,
Чопармон шерларинг бордир.

Мани куйдирма мунчоқли,
Йигитларинг бор ғўччоқли,
Беллари олтин сочоқли,
Яхши сардорларинг бордир.

Ёв куни ўзи юракли,
Санго бариси керакли,
Найзаси заррин папакли,
Отармон шерларинг бордир.

Ислом қиличин чопарсан,
Қиличдин қонлар сочарсан,
Каъбанинг йўлин очарсан,
Азалда иқболинг бордир.

Ман қолибман оҳи доға,
Юзим қўйдим қиблагоҳа,
Мискин йиғлар бир худоға,
Миср деган шаҳринг бордир.

Алқисса, Мискин бу жавобни айди. Эрса подшо айди: гуноҳингни ўтдим. Аммо эмди, панди насиҳат айтғил, деди. Эрса Мискинжон ёри жўралари ёдина тушиб, бир сўз айди:

Саҳарларда туриб қилдим муножат,
Мушкулим осон эт, қўйма бу зора,
Барчани яратган қози ул Ҳожот,
Мушкулим осон эт, қўйма бу зора.

Нега туғиб турур рўзининг ойи,
Ҳар одамнинг бордир бир турфа ройи,
Ҳазрати Полвондир айтган рубойи,
Мушкулим осон эт, қўйма бу зора.

Яхшиларнинг насиҳатини билгил,
Ғофил бўлсанг китоб қўйиб англагил,
Авлиёларда қўйғил чироғу қандил,
Мушкулим осон эт, қўйма бу зора.

Соз этарман неча минг алвон,
Бу дунё деганинг мисоли карвон,
Хоразмда ётғон ҳазрати Полвон,
Мушкулим осон эт, қўйма бу зора.

Ёт ўлкада яна бўлдим оввора,
Истаюб топмадим дардима чора,
Ёвуз гунда юриб Мискин бечора,
Мушкулим осон эт, қўйма бу зора.

Алқисса, Мискин бу жавобни айди, эрса подшонинг вақти хуш бўлиб, кўп сийлаб, инъом берди. Эрса Мискин Шарифнинг овозаси жаҳонга ёзилди. Подшо жар жарлатиб, бек, бекзодалар, қози ул қуззот, хўжазодаларни, жаъми халойиқларни йиғнаб айди: эй халойиқлар, манинг қизим шул йигитга лойиқми ё йўқ, деди: эрса барча халойиқдин овоз келдиким, эй подшои олам, Ваис Султони бокарам, айтғонни қилмоқ керак. Сизнинг қизингизга лойиқдур, дедилар. Эрса подшо қабул қилиб, қирқ кеча- кундуз тўй-томоша этиб, Гулқанджонни Мискин Шарифга бердилар. Эрса ошиқ-маъшуқ муродиға етиб, фароғатда бўлдилар. Кунлардин бир кун Мискин бечора бир оҳ тортди. Гулқанджон айди, эй ёри жоним, на оҳ тортасан, мандин бошқа нозанин борми, агар бор бўлса айтғил, деди. Анда Мискинжон айди: Эй ёри жоним, ман ҳам ўз вилоятимда бўлсам эрди, деди. Анда Гулқанджон айди: Андоғ бўлса отамизнинг ёнига бориб рухсат олмоқ керак, деди. Андин сўнг Мискинжон, подшонинг хизматиға бориб, рухсат тилади. Эрса подшо айди:юз тева мол бирлан, юз ғулом бачча, тамоми зарпўш ва яна қирқ каниз, икки от ясанг. Ул отларнинг юки бирлан берайин, деди. Ул отларнинг жилови

ёқутдин эрди ва яна олмосдин бўлғон икки қилични белларига боғлаб, бир отни Мискин Шариф миниб, ёмғир лақабли отни Гулқанджон миниб йўлға равона бўлдилар. Эрса Мискин бирла Гулқанджон вилоятининг қизу жувон ҳамма яхшилари бирлан видолашиб, йўлға тушиб равона бўлдилар. Шул вақтда Гулқанджон айди: эй ёри жон, чин ошиқ бўлсанг мени шу ерда таъриф қилғил, деди. Эрса Мискинжоннинг кўнгли хуш бўлиб, ёрини таъриф этиб, қўлиға созини олиб бир сўз айди:

Қошларинг ёзилмиш мундин,
Хиноли бармоқинг санинг.
Ҳақ сани яратмиш нурдин,
Хўб инча белларинг санинг.

Кунда юз минг алвон-алвон,
Беш қалъа бириси Гурлан,
Табассум айлабон ҳарён,
Ярошур кулганинг санинг.

Ноз ила зулфингни тараб,
Барча одам санго қараб,
Зар қалпоқли рўмол ўраб,
Очилур гулларинг санинг.

Булбул сайрар гул устинда,
Ўрдак учар кўл устинда,
Дастимни қўйсам дастингда,
Сайрар булбулларинг санинг.

Ёд этай меҳру- вафони,
Сурали завқу сафони,
Мискин чакди кўп жафони,
Гулқанджон олларинг санинг.

Алқисса, Мискинжон бу жавобни айтгандин сўнг барча халойиқлар тамошаға чиқдилар. Эрса Мискинжон бирла Гулқанджон йўлға равона бўлдилар. Мисрдин чиқиб етти кеча-кундуз йўл юриб. Бир ерга етишдилар, тонг отди. Эрса Мискин Шариф ховондор бирла ўрнидин турди. Кўрса ёри ётибдур. Эй нигори жоним, турғил, деб қўлиға созини олиб бир сўз айди:

Ман санго қилай бир достон,
Нозли ёрим, уйғон энди.
Юрган еринг бўлсин бўстон,
Нозли ёрим, уйғон энди.

Эрта туриб зулфинг тара,

Гул юзинга рўмол ўра,
Душман юзи бўлсин қора,
Нозли ёрим уйғон энди.

Сўзла кўнгилни ёз этиб,
Минг ишва бирла ноз этиб,
Тўти қушдай овоз этиб,
Нозли ёрим уйғон энди.

Кўрсам санинг нозик белинг,
Очилибдур қизил гулинг,
Санингсиз ўтмас бир куним,
Нозли дилдор уйғон энди.

Мискин Шариф бўлғил огоҳ
Жамолингни кўрсам ногоҳ,
Ғамзанг оҳи тегар гоҳ-гоҳ,
Нозли дилдор уйғон энди.

Алқисса, бу жавобни айтгандин сўнг Мискин шариф айди: қаровулу-қароқчи дуймасдин бурун йўлға тушали, деб Гулқанджонға қараб бир сўз айди:

Кўнгилнинг мадори жона дармоним ,
Тур ерингдин, Гулқанджоним кетали.
Бир замон кўрмасам йўқдир қарорим,
Тур ерингдин, Гулқанджоним кетали.

Эрта билан оро бергил ўзинга,
Сурма чеккил қоши билан кўзинга,
Қурбон бўлай оқу қизил юзинга,
Тур ерингдин, Гулқанджоним кетали.

Босган оёғингнинг ўпсам тупроғин,
Баҳорда соз бўлар дарахт япроғи,
Навоийда бордур билсангиз соқий,
Тур ерингдин, Гулқанджоним кетали.

Ҳасрат билан ўтар қиш ила ёзим,
Саргардон бўлибман эмди ман ўзим,
Мискин Шариф десам кўп манинг сўзим,
Тур ерингдин, Гулқанджоним кетали.

Алқисса, бу сўзни айтгандин сўнг, Гулқанджон уйғониб, еридин турди. Мискинжон ғуломбаччаларга теваларни еттириб, йўлға равона бўлдилар. Бир неча кун йўл юриб Шом вилоятиға етишдилар. Эрса булар бир

бўлак савдагорлар тушиб ётғон ерга йўлиқдилар. Мискинжон савдогарлар ёниға борди. Алар сўрадики, не ердин келурсиз? Анда Мискин ҳам сўради: алар айдилар:бу йўлда молимиздин, нонимиздин айрилиб келурмиз, дедилар. Анда Мискин Шарифнинг буларға раҳми келиб, оби-озиқ берди. Кўп инъом-эҳсонлар қилиб, дуои хайрларини олдилар. Булар Мискиннинг ҳақиға кўп дуои хайрлар қилдилар . Мискинжон теваларни олиб, йўлға равона бўлдилар. Бир неча замонлар йўл юриб, Бир тоғу чўл-биёбонларни ошиб, узоқ бир юртнинг қирғоғинда дохил бўлдилар. Эрса Мискинга Гулқанджон паризод айди: Мискинжон мандин ортиқ ёринг борму, деди. Анда Мискинжон айди бир ёрим бор турур, Оразжон деган, деди. Эрса Гулқанд паризод ноз билан айди: анда бўлса мен қайтиб кетақўйин, деди. Дарҳол ўрнидин туриб, юрибарди. Шул вақтда Мискин шариф Гулқанджонға ёлбориб қўлиға созини олиб, бир сўз айди:

Саҳар туриб бир худоға йиғларман,
Дурри Зарафшона барманам сани.
Ишқ ўтина сийналарим доғларман,
Балху Бадахшона барманам сани.

Хон бирлан султонлар бордур бекваччa,
Нозли ёрим йўқдур улар санингча,
Ширин жоним фидо бўлсин ўлгунча,
Сулаймон тахтина барманам сани.

Кўзингни ўхшатдим олғир лочина,
Ҳар бир холинг деяр Чини Мочина,
Қўйнинг иси мангзар жаннат исина,
Оби ҳаётиға барманам сани.

Гулқанд пари дерлар сани отинга,
Қулоқ солғил энди манинг додима,
Мискин Шариф айтар санинг отинга,
Бу жаҳон аҳлина барманам сани.

Алқисса, Мискин бу жавобни айтгандин сўнг паризод айди: Ман сизни сийнаб эрдим. Иккиси бир-бирига қўшилиб йўлға равона бўлдилар. Аммо Мискиннинг отасининг бир осиёси бор эрди. Аммо Гулқанджон бирлан ғуломбаччаларни шул осиёнинг қошинда қўйиб, ўзи Оразжоннинг ёниға борди. Савдогарлар шаҳарга кетдилар. Аммо Мискин Шариф Оразжоннинг ёниға бориб, дарчасидин кирди. Эрса Мискин Шарифнинг ичи неча кундин бери оч эрди. Боғнинг меваларидин еб, қорнини тўйдириб, шул вақтда Оразжонни кўриб бир сўз айди:

Юз ноз ила қадам босиб,
Айланай нозли ёр саннан.
Чор тарафа қиё боқиб,

Айланай нозли ёр саннан.

Сўзни сўзлар ибо билан,
Бир неча марҳабо билан,
Гул очилур сабо билан,
Айланай нозли ёр саннан.

Бошим дейди мани тоша,
Бири гулдир, бири тўша,
Сийнангдаги норинг қўша,
Айланай нозли ёр саннан.

Қошларингдур санинг қора,
Кўзларингдур жоним ола,
Ҳар боқишинг жоним олар,
Айланай нозли ёр саннан.

Хат ёзилар девонларда,
Кездик неча майдонларда,
Ўйнаб олтин айвонларда,
Айланай нозли ёр саннан.

Мискин Шариф бўлғил огоҳ,
Жамолингни кўрсам ногоҳ,
Ғамзанг ўртайди гоҳ-гоҳ,
Айланай нозли ёр саннан.

Алқисса, Мискин бу жавобни айди, эрса Оразжон айди: бу овоз манинг ёримнинг овозина ўхшар деб, эрса канизлар ахтариб тополмадилар. Оразжон хафа бўлиб бир сўз айди:

Юрагима қўйма доғи,
Бугун менинг жоним келди.
Юринг гашт этали боғи,
Анда азиз жоним келди.

Кўп одам изингда ёнмиш,
Сандин манинг кўнглим қолмиш,
Бор худоға қилдим нолиш,
Бугун манинг жоним келди.

Сани кўрган қолур ҳайрон,
Ғариб кўнглим қилма вайрон,
Бу жоним йўлингда қурбон,
Манинг севар ёрим келди.

Кечаларда фароғат йўқ,
Кундузлар манго тоқат йўқ,
Мундин ортиқ машаққат йўқ,
Бугун манинг ёрим келди.

Жамшиднинг қубъасидир жон,
Тилак тиларман субҳи шом,
Бу сўзни деган Оразжон,
Манинг севар ёрим келди.

Алқисса, Оразжон бу жавобни айтгандин сўнг Мискин Шариф ёрининг кўшкига бориб, Оразжоннинг жамолиға қараб бир сўз айди:

Жоним фидо бўлсин писта даҳона,
Санинг бирлан даврон сурсак нигорим.
Сиёҳ зулфа эмди урибсан шона,
Мудом хизматингда юрсам нигорим.

Румнинг пошосидур халифа замон,
Ёлғончи дунёда бўлғайсиз омон,
Тоқатим йўқ турур манинг бир замон,
Таърифингни айтсам санинг нигорим.

Бу яхши сўзларинг манго ҳам етар,
Сан чиққанда офтоб яна рашк этар,
Мастона-мастона боғда гашт этар,
Дастингни дастима қўйсанг нигорим.

Савдогорлар нега кетар қалъаға,
Бу қошу кўзларинг жонимни олар,
Ошиқлик деганинг жонинга бало,
Муборак жамолинг кўрсам нигорим.

Ишқинг савдосина ўзим кирибман,
Ҳақиқатнинг шаробидин ичибман,
Ёлғончи дунёдин энди кечибман,
Лабимни лабинга қўйсам нигорим.

Қизил гул очилиб бўлибди барно,
Бу шаҳарнинг оти бир олам маъно,
Мискин шариф айтди бу сўзни санго,
Бизга берсанг бугун бир жон нигорим.

Алқисса, бу жавобни эшитгандин сўнг Оразжон ёрини кўриб худойи табораки таолоға шукр айтиб, ёримни кўрар куним бор экан деб, бир сўз айди:

Сан кетали ҳаргиз ўйнаб кулмадим,
Хуш келибсиз ёрим, сабо келибсиз.
Боғ ичинда сайрон этиб юрмадим,
Хуш келибсиз ёрим сабо келибсиз.

Ошиқларнинг иши қилу қол эрур,
Қизил гулдек юзим сарғариб сўлур,
Сани кўриб яна ақлим лол ўлур,
Хуш келибсиз ёрим сабо келибсиз.

Бу ишларни чиқар энди ўйингдин,
Тасаддуқ бўлайин сарви бўйингдин,
Яна ман айланай сани ўзингдин,
Хуш келибсиз ёрим сабо келибсиз.

Азалда қаттиқдур одамнинг боши,
Билмадим нечадур ёримнинг ёши,
Қаламдай чизилган қорадур қоши,
Хуш келибсиз ёрим, сабо келибсиз.

Оразжон дейдилар мани отима,
Қулоқ солғил манинг қилған додима,
Ҳар кимни етирсин ўз муродина,
Хуш келибсиз ёрим, сабо келибсиз.

Алқисса, бу сўзларни айтгандин сўнг, бир-бирлари бирлан кўришиб, қучоқлашиб беҳуш бўлиб йиқилдилар. Эмди сўзни савдогалардин эшитинг. Ул савдогарлар шаҳарга бориб Мискин Шарифнинг отаси Абдуллахонға суюнчиладилар. Ўғлингиз келди деб. Эрса подшо ўғлининг келганини эшитиб, беку бекваччалар бирлан, тамоми улли-киччи занону мардон, ҳаммаси Мискинжоннинг дўсти Ваисёзжон, ҳаммалари олдиға пешвоз чиқдилар. Ота-ўғил кўришиб, хушвақт бўлишиб бир сўз айди:

Ёр йўлинда чекдим жафо,
Келинг жонлар кўришали.
Омонмакан бизнинг эллар,
Келинг жонлар кўришали.

Ўтиб ничча ою йиллар,
Келинг жонлар кўришали,
Ҳижронда қийналди диллар,
Келинг жонлар кўришали.

Неча йил юрдим биёбон,
Сийналарим бўлди вайрон,
Ёр йўлинда дийдам гирён,
Келинг жонлар кўришали.

Авлиёда бор каромат,
Ҳақ сани қилсин саломат,
Яхшиларға ёғар раҳмат,
Ваис жўрам кўришали.

Ўзим қўп бўлдим оввора,
Юрагим бўлди садпора,
На қилсин Мискин бечора,
Данг-душларим кўришали.

Алқисса, Мискин бу жавобни айтгандин сўнг, ота-онаси, дўсти ёри ҳамма бирлан кўришиб, Оразжон ёрининг ёниға келиб айди: эй Оразжон, Гулқанджонни бориб келтиргил, деди. Эрса Оразжон камоли истиғно қилиб турди. Мискин Шарифнинг ўзи бориб, Гулқанджонға айди: эй Гулқанджон бориб Оразжонни келтиринг, деди. Бул ҳам ибо қилди. Охири Мискин Оразжонни Гулқанджоннинг олдиға келтириб бир сўз айди:

Кийиб эгнинга даройи,
Солланиб Оразжон юри.
Ўзингиз парилар шойи,
Солланиб Оразжон юри.

Ниччасидур пари нозли,
Ниччасидур табли, бозли,
Доимо суҳбатли, созли,
Солланиб Оразжон юри.

Ишимни эт мани балли,
Бошингда рўмолинг зарли,
Солланиб юришинг балли,
Солланиб Оразжон юри.

Нега кўрдим сан гўзални,
Чаман боғланг қизил гулни,
Хос бандалар қучар ҳурни,
Манинг Оразжоним юри.

Мисоли қаддингиз долдир,
Сани кўриб ақлим лолдир,

Қанду шакар оғзинг болдур,
Солланиб Оразжон юри.

Эйнингиза кийиб парча,
Томоша қилинглар барча,
Юзинг гулдур, оғзинг ғунча,
Ноз ила Гулқанджон юри.

Саройи олтин миноли,
Ўзлари яна иболи,
Ўн баромоғи тар хиноли,
Солланиб Оразжон юри.

Ўтима олам туташур,
Ҳуснинг кун билан дўлашур,
Оқ юза зулфинг ярашур,
Ноз ила Гулқанджон юри.

Солланиб қошинг олини,
Ман нетай дунё молини,
Ҳар сўрсам лабинг болини,
Солланиб Гулқанджон юри.

Мискин Шариф бўлғил огоҳ,
Жамолингни кўрсам ногоҳ,
Ғамзанг ўти тегар гоҳ-гоҳ,
Соллониб Оразжон юри.

Алқисса, бу сўзни айтгандин сўнг Оразжоннинг қўлидин тутиб, Гулқанджоннинг ёниға келтирди. Иккиси бир-бирлари бирлан кўришиб, вақтлари хуш бўлди. Алқисса, Абдуллахон чор атрофға от миндириб, ўғлининг келганига тўй берди. Таърифига рос келмагидек яна бир боғ бино қилдириб, ичинда Оразжон бирла Гулқанджонға бир кўшк бино қилдилар. Кўп инъомлар олдилар. Ҳеч кўз кўриб қулоқ эшитмаган улли-киччилар ва яна ничча шоирлар таъриф қилдилар, кўп инъомлар олдилар ва яна ничча назмгарлар, маҳбублар нағма қилиб, андоғ машқлар қилдилар. Жаҳон ҳайрон бўлди, Алқисса, усталар ул кўшкни тайёр қилурда бир тарафида Оразжоннинг, яна бир тарафида Гулқанджоннинг сувратини нақш қилиб эрдилар. Мискинжон бу икки нозанин бирлан кўшкнинг ичинда ўлтириб, айшу ишратга машғул бўлдилар. Оразжоннинг кўзи шул сувратга тушиб сўради: бу на суврат эркан? Мискин бечора айди: Эй жон, бу санинг сувратингдур, деди. Эрса Оразжон, муносиб бир ғазал айтғил, деди: Мискин Шариф ажаб бўлғай, деб қўлиға созини олиб бир ғазал айди:

Билдим дунёнинг бандини,

Солланиб Оразжон юри.
Сўрсам лабингнинг қандини,
Солланиб Оразжон юри .

Гул юзинга бўлай банда,
Бу жоним борича танда,
Сиёҳ зулфингни ёйғанда,
Товланиб Оразжон юри.

Дийдамиз бўлибдур гирён,
Юз минг хили алвон-алвон,
Турфоғини қилай сарбон,
Соллониб Оразжон юри.

Олам бирла бўлдик ёғи,
Ғам юракка солди доғи,
Турғил гашт этали боғи,
Солланиб Оразжон юри.

Асл коса бўлур Чинда,
Ман қолибман ҳасратингда,
Жонингдур жаннат ичинда,
Соллониб Оразжон юри.

Лаъли маржонлар тузарсан,
Соллониб боғда кезарсан,
Кунма кун ўзинг безарсан,
Товланиб Оразжон юри.

Алқисса, Мискин Шариф бу жавобни айди, эрса Оразжоннинг ёнида қиз-жувонлари ўлтуриб эрдилар. Барчаси Мискиннинг бу таърифини шавқу завқ билан эшитиб шод бўлдилар. Андин сўнг Мискинжон Гулқанджонни олиб келганига жаъми одамлар офарин қилди. Андин сўнг Оразжон кўшкнинг остида ничча мусофирлар бирла завқ этдилар. Анда Мискинжон ёрини таъриф қилиб бир сўз айди:

Ҳар нозингни юз гўзала берманам,
Юр кетали боғ сайлина Оразжон.
Бу жаҳонда ҳаргиз сансиз юрманам,
Юр кетали боғ сайлина Оразжон.

Қиёмат кун тўлса яна маҳшари,
Ишқ бошима солди мани ханжари,
Ҳавзи кавсар атрофинда тўрт вали,
Юр кетали боғ сайлина Оразжон.

Умид бирлан боға турли гул экдим,
Кўз ёшимни ҳар эшикда кўп тўкдим,
Сани деб чўлларда кўп жафо чекдим,
Юр кетали боғ сайлина Оразжон.

Ишқингда бўлибман мисоли ёйи,
Фироқингда чекдим оҳ бирла войи,
Эйнинга кийганинг қизил даройи,
Юр кетали боғ сайлина Оразжон.

Ғамзанг ўқи бирдан мани ўлдирур,
Сиёҳ зулфинг учдан уча илдирур,
Ўн кечалик йўлдан кўшкинг кўринур,
Юр кетали боғ сайлина Оразжон.

Мискин шариф манинг рангим сўлғанди,
Ҳасратингда кўзда ёшим тўлғанди,
Бир худодин биза рухсат бўлғонди,
Юр кетали боғ сайлина Оразжон.

Алқисса, бу сўздин сўнг созандалар соз этиб, назмгарлар назм этиб, бир неча вақт хушвақтлик қилдилар. Мискинжон Гулқанджоннинг кўнгли қолмасин деб, кўнгил бериб бир сўз айди:

Жилва берар боғда гули,
Биргина боқ чакки-чакки.
Ҳурмикандир ёки пари,
Биргина боқ чакки-чакки.

Булут келиб бўлур думон,
Манго бўлди охир замон,
Нозли дилдор омон-омон,
Биргина боқ чакки-чакки.

Хизмати ўзим этайин,
Ҳар бирин таъриф этайин,
Моли жоним сарф этайин,
Биргина боқ чакки-чакки.

Йўлингда йиғладим чандон,
Қимматбаҳо турур маржон,
Оғзинг писта лабинг хандон,
Биргина боқ чакки-чакки.

Ман қолибман бу адоға,
Юзим қўйдим қиблагоҳа,
Мискин йиғлар бир худоға,
Биргина боқ чакки-чакки.

Алқисса, Мискин бу жавобни айтгандин сўнг, Гулқанджоннинг кўнгли хуш бўлди. Шул ҳолда шоирлар мунинг тўйини таъриф этиб бир сўз айдилар:

Шаҳринг бордур тўрт ёнинда дарвоза,
Баракалло санинг берган тўйинго.
Олама тушибдур турли овоза,
Баракалло санинг берган тўйинго,

Етти иқлим хонлар сизлара боқар,
Парихон шумлиғи барчани ёқар,
Қизлар дол каравот маржонлар тақар,
Баракалло санинг берган тўйинго.

От яхшиси отчопарда айрилур,
Бир нечаси анинг йўлда билинур,
Барча одам шўйда ўйнаб ўлтирур,
Баракалло санинг берган тўйинго.

Алқисса, шоирлар бу таърифни тамом қилдилар. Тўй ҳам тамом бўлиб, икки ошиқ-маъшуқ муродиға етиб, айшу ишратга машғул бўлдилар. Илоҳо ҳамма уммати Муҳаммадни муроди мақсадиға ўзинг етиргайсан. Омин! ё раббил оламин!

А С И Л В А К А Р А М.

Аммо ровийлар андоғ ривоят қилурларким, Ганжиқорабоғда Зиёдхон деган бир подшо бор эрди. Дунёда фарзанди йўқ эрди. Бир куни вазири айди: Эй шоҳи олам, Ҳазрати Али худонинг яхши бандаси эркан, анинг қабрини дунасанг шояд олло таоло бир фарзанд бергай, деди. Подшо ҳам бир неча теваларга ошу нон юклаб, назр-ниёзи бирлан ҳазрати Алининг қабрига бориб, шери даргоҳнинг қадамларида ўлтириб, бир оят ўқиди. Андин сўнг мақсудини оллодин тилаб, бир сўз айди:

Даргоҳингга юзим қўйдим ё Али,
Зорим айтиб биру бора йиғларман.
Бефарзандман жоннан тўйдим ё Али,
Фарзанд деюб ман оввора йиғларман.

Бизлар беклар бирла бўлсак ошино,
Беклар олтин - кумуш санчар бошина,
Халойиқ йиғналар дегра дошина,

Фарзанд деюб ман оввора йиғларман.

Мунжиқларим дўланади қўлима,
Полвонлари қалқон олар қўлина,
Савашамиз бориб Румнинг элина,
Фарзанд деюб ман оввора йиғларман.

Зиёдхон айтади: ё Али имом,
Банданинг кўнглидан кетмасин гумон,
Аввалда имондур, охирда имон,
Шояд биза фарзанд бер деб йиғларман.

Алқисса, подшо ҳазрат Алининг қабрини дунагандин сўнг, ойдин ой, кундин кун ўтиб, бир куни подшонинг ўғли бўлди. Етти кеча кундуз тўй бериб, отини Муҳаммаджон қўйдилар. Етти ёшиға кирди. Бир куни саҳроға қуш қушламаққа чиқди. Бир майдонда қуш солди, қуш кунботарға қараб кетди. Кўрса қуш бир боғда ўлтирибдур. Қушнинг изидин қараб бадар кетди. Боғга бориб қараса қуш ўлтирибдур. Боғнинг ичинда қирқ нозанин қиз юрур эрдилар. Аммо бу боғ Ганжиқорабоғнинг бир ёнинда бино бўлған эрди. Бу боғнинг атрофинда қирқ минг уйлик армани бор эрди. Боғда қизлар оросинда бир нозанин юрур эрди, қараган инсоннинг ақлини олур эрди. Қизнинг оти Наргисжон эрди. Муҳаммаджон қиздин қушини тилади, мунда юбор, деб. қиз айди ўзинг келиб ол, деб. Муҳаммаджон қизға қараб бир сўз айди, қиз ҳам жавоб берди:

Йигит: Қаршим олиб турған ёқа дугмали,
Юбар келсин тарлонимни Асил ёр.
Ё сан мусулмон бўл, ё ман армани,
Юбар келсин тарлонимни Асил ёр.

Қиз: Узоқ йўлдин келган ола кўз Карам,
Карамжоним тарлонингни келиб ол.
Агар сан келмасанг қонинг тўкарман,
Карам ўғлон тарлонингни келиб ол.

Ман келмишам насиб этса кўрмака,
Номаҳрамсан, сўзинг бовар этмака,
Ман овчиман олган овим барманам,
Карам ўғлон тарлонингни келиб ол.

Йигит: Карам деюр сандан овим оларман,
Зўри қилиб бўйнинга қўл соларман,
Ганжиқорабоға олиб борарман,
Юбар келсин тарлонимни Асил ёр.

Қиз: Асил дер: шартинга ета олмассан.
Омон ўз элинга ета олмассан,
Кўнгил матлубинга ета олмассан,
Карам ўғлон тарлонингни ўзинг ол.

Алғараз шу ерда Муҳаммаджоннинг оти Карамжон қолди, Наргис қизнинг оти Асилжон бўлди. Иккиси бир-бирига ошиқ бўлди. Қиз мунга сирини билдирмади. Кўнглини оғритиб бузмади. Шул вақтда Карамжон зор - зор йиғлаб, ёлвориб Асилжон паризодга қараб бир сўз айди:

Кўзинга дўнайин йўла кел, йўла,
Мулойим қўлларинг бўйнима дўла,
Тўпиннан айрилған яшил бош сўна,
Ё сан мусулмон бўл, ё ман армани.

Соллониб-соллониб мундин ўтарсан,
Ошиқинг ўлдириб қонин тўкарсан,
Аввалги ёримсан, нера кетарсан,
Ё сан мусулмон бўл, ё ман армани.

Бошинга ўрабсан шоли турмани,
Кўзинга чакибсан қора сурмани,
Иқрорда турмаган кофир армани,
Ё сан мусулмон бўл, ё ман армани.

Сан манго ёр бўлсанг бирга кетали,
Қозидин, муфтидин никоҳ олали,
Ҳар дин қабул бўлса шунго кирали,
Ё сан мусулмон бўл, ё ман армани.

Карам деюр ҳолим кўргил на зордур,
Бу дунё кўзима қоронғу дордур,
Пайғамбардин қолғон сўзларим бордур,
Ё сан мусулмон бўл, ё ман армани.

Андин сўнг қушини қўлина берди. Карамжон айди: эмди билдим, Асилхоннинг бизга майли бор экандур. Мунда бориб кўрарман деб, яна олдиға келиб, бир сўз айтишғонлари бу турур.

Карам: Қува - қува жайронимни йитирдим,
Йитирдим бу йўлда бергил муроди.
Гўзаллар боқибон хандон этарлар,
Олдилар жайроним бергил муроди.

Асил: Қува - қува сан жайронни йитирсанг,
Йитириб жайронни топдинг муроди.
Ёлғиз ёр йўлдошинг ман бўла қолсам,

Йитириб жайронни топдинг муроди.

Карам: Саринга дўнайин ола гўз пари,
Йўлингда қўймишам жон била сари,
Устоди босабо очилди гули,
Соташди гўззима бергил муроди.

Асил: Магар ўғлон бўлдинг дали девона,
Арзингни айлагил султона – хона,
Ҳар кимса учраса барча боғбона,
Бориб авлиёдин топдинг муроди.

Карам: Сан дод этдинг ман келибман бу дода,
Ханжар чекдинг, бағрим пора бу дода,
Ё бир хонзодасан ё духторзода,
Чўлошибдур топа олмай муроди.

Асил: Магар ўғлон борми санда эътибор,
Гўзалларнинг дилда кўп-кўп лофи бор,
Кўзлаганинг тарлоннгни ола қол,
Чўлошибдур гул шохина тарлонинг.

Карам: Булбул эдим айро тушдим гулимдин,
Мунисимдин, ҳамдамимдин, элимдин,
Зиёдхон ўғлиман, Карам дилимдин,
Қолсин орамизда бир қарор энди.

Асил: Йигитлари бордур суҳбатли, созли,
Гўзаллари бордур ғамзали нозли,
Отам Қорамалик асли Шерозли,
Отимиз Асилхон, хабар ол, юри.

Андин сўнг иккиси аҳди-паймон қилиб, сўзни бир ерда қўйиб, Карамжон айди: ман бориб совчи юборурман, деди. Уйига бориб Асилхон дардидин бир уйга кириб ётди. Ҳеч киши бирла сўзлашмади. Отаси эшитиб, келиб сўради. Анинг бирла сўзлашмади. Охир отаси вазирини юборди, бориб андин сўради. Вазир Карамжонни ўз ихтиёрига қўймади. Анда Карамжон айдики, эй вазири бобо, ман Қорамалик армани қизиға ошиқ бўлдим, шуни отам олиб берса берсин, бўлмаса манда ихтиёр, қарор қолмади, деб вазирга қараб, ёлвориб бир сўз айди:

Вазир бобо тарлонимни қочирдим,
Тоқатим йўқ то алима олғунча.
Асилхоннинг қурбониман, қулиман,
Қул кетарман то алима олғунча.

Қурбон бўлай зулфларининг торина,
Армони йўқ Карам етса ёрина,
Бир гул бердим Алихоннинг алина,
Тоқатим йўқ гулни уннан олғунча.

Қурбон ўлам зулфларининг торина,
Тўкиб юрар ҳам соғина сўлина,
Дўстим, қўйнинг мангзар жаннат боғина,
Ўлтирсанг то анда боғбон қувғунча.

Ўзинг хон бўл, қардошларинг бек бўлсин,
Бизлар қилған насиҳатлар кўп бўлсин,
Қўйғанингдин ўлдирганинг нек бўлсин,
Қаҳр этибон бизни йўлға солғунча.

Ғам қўлидин ғам юкини боғларман,
Ханжар олиб жигарларим доғларман,
Карам деяр: Асилхонни изларман,
Излаб кетам ани токи ўлгунча.

Алқисса, андин сўнг вазир Қорамаликнинг ўзига борди. Қорамалик иззат - ҳурмат қилди. Вазир айдики, ман санинг қизингға совчи бўлиб келдим. Қорамалик айди: сизлар мусулмон, бизлар кофир, иккимизнинг суякимиз қўшилмайдур, деди. Вазир айди: Ҳарна бўлса бергил, кўп зорланди. Армани элатини йиғнаб бу сўзни машварат қилди. Ҳаммаси бир - бировига майл боғладилар. Вазир муродиға етолмай қайтди. Орадан бир неча кунлар ўтди. Аммо Карамжоннинг бир ҳамроҳи бор эрди, анга айди, сан бориб эл оёғи тингандин сўнг Асилхоннинг боғина борғил, деди. Аммо Асилхон паризоднинг ёниға борди. Ул ҳамроҳининг оти Лола эрди. Лолани кўриб, сан нега келдинг, Карамжон нечун келмади, деди. Иккиси шул жавобни айтишдилар. Бир - бирига қараб сўзлаганлари бу турур:

Асил: Ман саннан айланин қора кўз Лола,
Сўзла Лола, Карам нечун келмади?
Ёнар ўтни солди манинг сийнама,
Мани қўйди, нечун Карам келмади?

Лола: Сан кўп мағрур бўлма, армани қизи,
Карам сандин гила қилди, келмади.
Сандин хабар ол деб юборди бизи,
Боши ғамда қолди ўзи келмади.

Асил: Узоқ тушди манзилимнинг ораси,
Бағрим, бошим тамом ҳижрон яраси,

Қани тўйда қўйған қалбинг хиноси,
Тўғри сўзла Карам нечун келмади?

Лола: Думонда қолдим ман чақириб келиб,
Тут қўлимдин санго турай суяниб,
Ҳар юзингдин бир бўса бер уялиб,
Ман олурман Карам сани олмиди.

Асил: Тўғри сўзла қурбон бўлай бўйинга,
Омон юбормасман сани уйинга,
Али Зулфиқори тегсин белинга,
Хабар бергил, Карам нечун келмади.

Лола: Гўзал билсанг саннан номус-ор айлар,
Қизил гулни билмай ани хор айлар,
Кел, ўзингни Лолажонга ёр айла,
Кел, ман олай сани Карам олмиди.

Асил: Асил деяр ман бу жондин кечмишам,
Дўстим бирла душманимдан кечмишам,
Диннинг ҳақи бир қарорга келмишам,
Тўғри сўзла Карам нечун келмади?

Алқисса, андин сўнг Асилхоннинг қаҳри келиб, ура-ура Лолани чиқариб қувди. Лола юзи- кўзи қонга булғаниб Карамжоннинг ёниға борди. Карамжон сўради: на бўлди? Анда Лола айди: ёмон гаплар учун бир пора гаплар айтганим учун мани мундоғ қилди, Карамжон билдик мусулмон бўлмайдур, деди. Карамжон ҳам кўп ғамгин бўлиб, ҳар куни намозшом Лола бирла бориб кўрур эрди. Қиздин кунда хабар олур эрди. Бир куни Карамжон боғда ухласам деса, Асилхон айди: Отам келса не деб жавоб берурман, ўлтурур, деди. Шунда отаси боғдин кириб кела берди. Карамжонни турғизди. Карамжон еридин туриб, ошоқға тушиб келур эрди. Армани юқориға чиқди. Зинанинг ўрта еринда бирбирига дучор бўлдилар. Арманининг қаҳри келиб, изина қайта берди. Бориб, элатина жар чекдирди, энди бу юрт манго ҳаром бўлди, деб ҳаммаси буни маъқуллаб, кетарман бўлдилар.

Қирқ минг уйли арманининг ихтиёри шунда бўлиб, бутун кемаларни тайёрладилар. Саҳарнинг вақтида теваларга юк юклаб ўғлон-ушоқларни аларга миндирдилар. Асилхоннинг кўшки бирлан теванинг устига миндирдилар. Асилхон кажавада ўлтириб, саҳарнинг файзли вақтинда Карамжондин айрилдим энди, деб, бир сўз айди:

Қорамалик элларимиз кўчибдур,
Кўчар-қўнар бу тоғларнинг устина.
Ёрим Карам айро тушди ёнимда,
Қўё билмай дўдоқ дўдоқ устина.

Бобомнинг давлати торма тор ўлди,
Ғам лашкари босди душман зор ўлди,
Кўзим ёшли, юракларим тор ўлди,
Нега шабнам тушди гулнинг устина.

Кўрсам ёрим кўнглин олай ноз билан,
Ишим йўқдур баҳор билан ёз билан,
Қўлларинда ўйнар ўрдак ғоз билан,
Ўйлаб-ўйлаб қадам босдим устина.

Каъбага борганлар этарлар тилак,
Қаҳбо фалак қуймас шод этиб кулмак,
Осмон фалак, армонлисан дод фалак,
Юз доғим бор, минг доғ қўйдинг устина.

Асилхон дер: қўлим тутдим домона,
Бу дунё қолмади шоҳ мусулмона,
Олакўз Карамни олсам қўлима,
Қўйсалар зулфини зулфим устина.

Алқисса, андин сўнг Асилхон зор-зор йиғлаб эрди, анда отаси сиёсат қилиб бир сўз айди:

Йиғлама жон қизим, фиғон айлама,
Зиёд ўғли Ганжасини устина.
Кўз ёшингни тўкиб равон айлама,
Ёшинг тушар икки дизинг устина.

Дўсту-душманларинг биза боқдирма,
Жигар бағринг ишқ ўтина ёқдирма,
Кўз ёшингни гул юзингга оқтирма,
Қизим ёшинг тушар гулнинг устина.

Дўсту душманларинг асло кулдирма,
Аччиқ йиғлаб ғунча гулни сўлдирма,
Сан Асилжон паймонангни тўлдирма,
Қилич ўйнаб тушар бошинг устина.

Мажнун каби бой бермагил қушингни,
Оқизма кўзингдин қонли ёшингни,
Қорамалик бобонг олар бошингни,
Қарға қушлар қўнар лошинг устина.

Пирим деяр сўзим санга сўзларман,

Хабар олиб бағрим бошин тиларман,
Бу сўзни бобонгга баён этарман,
Ничча бир доғ қўяр сийнанг устина.

Алқисса, андин сўнг, Карамжон бир кеча-кундуздин сўнг арманининг хизматиға кириб, рухсат тилади. Аммо отаси жавоб бермади. Отасидин рухсат тилаб савол-жавоб қилғани бу турур:

Отаси: Кетма болам ман дўнарман сарингга,
Севар бўлсанг, севма қўзим, Асилни.
Бори юртни йиғнаюрман алдингга,
Севар бўлсанг, севма қўзим, Асилни.

Карам: Сиё зулфи оқ юзина ҳеч ўлур,
Биза рухсат беринг, ман кетар бўлдим.
Анго чеккан меҳнатларим ҳеч ўлур,
Биза рухсат беринг, ман кетар бўлдим.

Отаси : Лаънат бўлсин ул тарсонинг қизина,
Севар бўлсанг, севма қўзим, Асилни.
Кечкил ундин қарамағил юзина,
Севар бўлсанг, севма қўзим, Асилни.

Карам: Овчи бўлған олар овнинг дангини,
Танимаслар султонини, бегини,
Юз йил кезсам топмам ундай парини,
Биза рухсат беринг, ман кетар бўлдим.

Отаси: Сан бўлибсан арманининг ошиқи,
Аввал ошиқ этар, сўнгра маъшуқи,
Кўзимнинг ошиғи, кўзим очиғи,
Севар бўлсанг, севма қўзим, Асилни.

Карам: Карамжон дер: ман кечмишам жонимдин,
Молимнан, мулкимнан хону монимдин,
Манки айрилманам Асилжонимдин,
Биза рухсат беринг, ман кетар бўлдим.

Отаси: Зиёдхон дер: хон тахтина хон чиқар,
Ман йиғларам кўзларимдин қон чиқар,
Араб отлар дупурлашиб данг чиқар,
Ўғлим севар бўлсанг, севма Асилни.

Алқисса, андин сўнг Карам сичраб еридин туриб, отасининг сўзига қулоқ солмади, қаҳрланиб, туриб бадар кета берди. Бир неча кунлар йўл юриб борур эрди. Отаси изиндин вазир бирлан қирқ минг лашкар юборди, сан бориб қайтариб кел, деб. Вазир бир жойда Карамжоннинг изидин етиб, қайтғил,

Карамжон деб таволло қилди. Карамжон асло қайтмасман деб вазирга қараб бир сўз айди:

Вазир бобо бу гўзалдин,
Ман дўнарман, кўнглим дўнмас.
Севиш ҳам рўзи азалдан,
Ман дўнарман, кўнглим дўнмас.

Гадуклар боғланар қордан,
Тевалар юкланар зардан,
Асилхондек севар ёрдан,
Ман дўнарман, кўнглим дўнмас.

Эшитинг Карамнинг додин,
Асилхон паризод ёдин,
Қўлдин бермай ўз сайёдин,
Ман дўнарман, кўнглим дўнмас.

Қора кўз қоши ҳилолим,
Раҳм этиб сўраб боралим,
Кечалар тушса хаёлим,
Ман дўнарман, кўнглим дўнмас.

Нозли ёрим келар ёндин,
Қиличлар бўялсин қондин,
Карам айтур:Асилхондин,
Ман дўнарман, кўнглим дўнмас.

Алқисса, андин сўнг арманилар бир неча кунлар йўл юриб, бир майдонга чиқдилар. Кўрсалар бир чўпон қўй боқиб юрур. Булар шул ерда манзил синдирдилар. Чўпон Зиёда забардаст эрди. Асилхонни кўриб ошиқ бўлди. Арманилар бир-бирлари билан ўлтириб, андин сўнг кета бердилар. Асилхоннинг бир кийики бор эрди, қўйларнинг орасиға юборди, кетиб эрди. Аммо Карамжон бирла Лола булар ҳам чўпоннинг ёниға бордилар. Қўйларнинг орасидин Асилхоннинг кийикини таниб бир кофир бирлан ишим тушибдур иложим етмас деб, Лола бобоға боқиб кўнгли бўшаб зор-зор йиғлаб бир сўз айди:

Эй оғалар, гилона боқ гилона,
Асилхоннинг жайронлари бу жайрон.
Сарим қурбон бўлсин ёрнинг юзина,
Асилхоннинг жайронидир бу жайрон.

Жайрон бўлиб чўлдин чўла кезарсан,
Ўрдак бўлиб кўлдан кўла сузарсан,
Сўзла жайрон сан бу ерда найларсан,
Асилхоннинг жайронидир бу жайрон.

Азалда оқ бўлар жайроннинг юзи,
Тепасинда бўлар қора қундузи,
Худо бермуш санго бу сурма кўзи,
Асилхоннинг жайронидир бу жайрон.

Қоп-қора бўйинларни олдирган,
Ханжар олиб бағрим бошдин тилдирган,
Араб отин чекиб, този урдирган,
Асилхоннинг жайронидир бу жайрон.

Думон келур тоғ тошинда айланур,
Шамол эсиб икки ёна товланур,
Лола, Карам қопусинда тиланур,
Карам Асли жайронидур бу жайрон.

Алқисса, андин сўнг чўпон бу сўзни эшитиб, буларни ўлдирмоқчи бўлиб, бир сўз айди, буларга юриш қилди. Карамжон айди маъшуқамнинг изидин келурман. Они кўрмай ўлсам юрагимда армон қолур эрди, деди. Чўпон келиб сўради: ҳей йигитлар не ердин келдингизлар? Анда Карамжон айди: ман Ганжиқорабоғдин Зиёдхоннинг ўғли турурман, арманлар изидин келурман, ёримни олиб қочиб кетдилар. Шуни ахтарурман, деди. Дарҳол чўпон еридин туриб кўришди. Айди, ман бобонг хизматкори эрдим. Арманилар мандин бир ҳийла бирлан қутилиб кетдилар. Энди санинг бирла бориб, ёрингни олиб берайин, йўқса дунёга не деб келдим ман, деди. Чўпон Карамжонга Асилхон паризоднинг хабарини айтиб бир сўз айди:

Мундин келиб кечди ничча армани,
Карам Аслинг кўчди Саёд элина.
Бир қиз гўрдим қизил гулнинг пармони,
Карам Аслинг кўчди Саёд элина.

Сиё зулфи даста-даста юзинда,
Йиғлаганда қонлар оқар кўзинда,
Ёрингни ман кўрдим кўзи изинда,
Карам Аслинг кўчди Саёд элина.

Андай гўзал келмас бўйла жаҳона,
Душманларинг ўғрасинлар ёмона,
Киприклари ўқдир, қоши камона,
Карам Аслинг кўчди Саёд элина.

Кажава ичинда кўрдим ўзини,
Оқ юзинда олма каби нозини,
Ҳар ёнинда тўққиз ўрим сочини,

Карам Аслинг кўчди Саёд элина.

Чўпон эрур Қорамалик чўпони,
Асилхони манго ваъда қилонди,
Сани ўлдирмакни ваъда этанди,
Карам Аслинг кўчди Саёд элина.

Андин сўнг Карамжон чўпон бирлан бир манзил юрди. Карамжон айди: мунда бориб арманиларнинг теварагини олсоқ андин сўнг Асилхонни манго бермай ўзи олса, яна юрагимда армон қолур деб, чўпонни тавалло қилиб, изина қайтариб юборди, Лола бирлан ўзи юриш қилди. Қорамалик армани чўлда бир неча кун бўлиб, тонг отгач ул ердин кўчиб, бадар кетдилар. Карам Лола бирлан ул ерга тушдилар. Шул вақтда бир чол соқол бобо бир қизни отнинг устига миндириб келди ва аларнинг олдидан ўта берди. Анда Карам бобоға қараб бир сўз айди:

Саҳарларда учрадим бобом алдина,
Бобо қайдин олдинг бу тарғунчани?
Мушки анбар сочилмушдир сочина,
Бобо қайдин олдинг бу тарғунчани?

Юзи ўхшамишдур боғнинг гулина,
Муроднинг қушини олмиш қўлина,
Ота-оналари қолмиш қонина,
Бобо қайдин олдинг бу тарғунчани.

Булбул каби қараб сўзима боқди,
Жамоли шуъласи оламни ёқди,
Сўнгра Нўширавон тахтина чиқди,
Бобо қайдин олдинг бу тарғунчани.

Олтин ароқчинни қўйди бошина,
Қора қаламларни чекди қошина,
Магарам кирмишдир ўн тўрт ёшина,
Бобо қайдин олдинг бу тарғунчани.

Бобо, Карам айтур кўзларинг қора,
Бу дарда учраган билмасдур чора,
Санго берган олло бизгам берса зора,
Бобо қайдин олдинг бу тарғунчани.

Андин сўнг бобо мунинг сўзина қулоқ солмай кетаберди. Карамжон Асилжоннинг дардидин беқарор бўлиб, зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб бир сўз айди:

Оғалар таърифин айласам ёрнинг,
Яна тарлон бўлур эрмиш тарлонинг.

Кеча-кундуз ман ёнмишам алиннан,
Юрагимда қолди доғи шул ёрнинг.

Ҳавоға чиққанда қанотин очар,
Парвоз айлаганда нурини сочар,
Уялса маралдек диркилдаб қочар,
Юрагимда қолди оти шул ёрнинг.

Бой деганда бойдин аввал айтилур,
Уйин кўргач қанчалари қайтилур,
Сонин сўрсак қимматбаҳо сотилур,
Жаври ҳам жафоси бордур шул ёрнинг.

Бориб чўланмишдур олтин кумуша,
Сувнинг қироғинда юрмиш ҳамиша,
Ёрнинг қўйни мангзар мисли беҳиша,
Олмаси, меваси, нори шул ёрнинг.

Бири юк юкламиш Ҳалаб Ширвондин,
Ҳар кунимиз ўтар бир йил, бир ойдин,
Карамжон тилагинг тила худойдин,
Ҳануз ўтмади ҳеч вақти шул ёрнинг.

Андин сўнг бир неча кун йўл юриб, тоғга бордилар. Кўрсалар бир бўлак қизлар завқ тамоша бирлан ўйнаб юрган эрканлар. Бир-бирига ҳазилу мазаҳ қилишиб, сўз айтишиб юрур эрдилар. Шул ерда Карамжон қизлардин ёрим Асилхонни кўрдингизми деб бир сўз айди:

Гулистондин чиққан мастона қизлар,
Қизлар, ёрим бул диёра келдими?
Борингизнинг қаддингиздин айланай,
Жонлар, Асил бул диёра келдими?

Юлдузлар ой билан кўкда кезарлар,
Ёдинга тушганда бағрин эзарлар,
Сандин хабар олай нозанин қизлар,
Қизлар, ёрим бул диёра келдими?

Очилибдур қизил гулнинг хирмони,
Юкланибдур бу дардимнинг дармони,
Онаси мусулмон, қизи армани,
Арманилар бул диёра келдими?

Онаси Марямдур, Қорамалик отаси,
Қиёматда манинг оҳим тутаси,

Қизил ёғочдадур наргис бутаси,
Қизлар, ёрим бул диёра келдими?

Карам айтур: ёрим излаб кезарман,
Ўйлаб андин умидимни узарман,
Паризод овларман Асил кўзларман,
Қизлар, Асил бул ерлара келдими?

Андин сўнг қизлар қарамай кетдилар. Карамжон ёрим сиёҳилик қилибдур деб аларга қараб бир сўз айди:

Кўр-кўр ошиқ кўзинг чиқсин,
Сани шайдо қилон келди.
Тангрим олло додим берсин,
Ширин жонинг олон келди.

Санинг ёринг бир гулжабин,
Дол гардина тўкар сочин,
Боши тумоғли бир лочин,
Қуша тарлон солон келди.

Келди ул хўбларнинг хони,
Солланиб келди остони,
Юзи гул, офати жони,
Изимиза тушан келди.

Юзда анбардин қаболи,
Кийинибдур олма болли,
Карамжон сан турмоқ йўлли,
Бир маҳбуби пинҳон келди.

Аммо шул тоғнинг бир ёнинда бир авлиё бор эрди, қизларнинг бириси донороқ эрди, ул айди: эй йигит сан мунда ўлтур, ман бориб ёрингни келтириб берайин деб кетаберди. Карамжон бир қисм зар берди. Ул зарни олиб туриб кетди. Асилхоннинг ёниға бориб айди: эй барно сан бу ерда на бехабар ўлтирибсан, ўзингга бир парво қилмассан. Тоғларда гуллар очилиб ётар. Қўйлар қўзилаб, тевалар бўталаб, ажаб бир хушҳаво бўлиб турур, бу на ўлтириш, деди. Асилхон паризодни бирга олиб юриш қилдилар. Бирга йўл юриб яқин етдилар. Карамжон тоғнинг бир ёнинда турур эрди. Қизларни ёнида кўриб томоша қилди. Қизларнинг келишина Карамжон дуза билмай бир сўз айди:

Наврўз бўлиб бўйла чиқди гўзаллар,
Гўзаллар сайлингиз муборак бўлсин!
Товус каби сайрон этиб кезарлар,
Жононлар ийдингиз муборак бўлсин!

Бирининг қўлинда кумушдин гуллар,

Қорагажак қўйиб соллиб келар,
Кафт уриб сўзлашар неча гўзаллар,
Гўзаллар сайлингиз муборак бўлсин!

Бирининг кийгани атлас, доройи,
Бирисининг қадди ўхшар сулоя,
Бирисининг юзи ўн тўрт кун оя,
Севдигим, сайлингиз муборак бўлсин!

Бири қиё боқмиш шамшод қўлина,
Бири эса шоли қуршаб белина,
Бириси ўрдакдур, бириси сўна,
Гўзаллар сайлингиз муборак бўлсин!

Андин сўнг Карамжонни қизлар атрофини қуршаб олдилар. Карамжон еридин туриб, қизларга қарши юриб кела берди, қизларга қараб бир сўз айди:

Соллона-соллона юриган қизлар,
Келган бозоргондур ё бир хўжадур.
Бизлар бориб усталардин дарс олсак,
Менинг дарсим алиф бедур нечадур.

Алифни ўқидим, бордим нуқута,
Ошиқ маъшуқини ўртар унута,
Бўйла кирдим ой киргандек булута,
Куни ботмиш қоронғудир-кечалар.

Асил чақир бу майдоннинг мардини,
Ошиқ билур маъшуқининг дардини,
Ничча кундир ман чакмишам дардими,
Сўрмасалар ёр аҳволинг нечадур.

Уйларни ҳам бейик- бейик солдилар,
Ханжар олиб бағрим бошин тилдилар,
Қизлар кўз остиннан боқиб кулдилар,
Бу ерни ёронлар айтинг на ердир.

Бу тоғнинг отига нима ер дерлар,
Дардларнинг дармони Асилхон дерлар,
Карамжонни кўрса тутиб ўлдирар,
Дўст этиб ёрига васфин айтадур.

Андин сўнг Асилхон айди: сизлар бу йигитни билмассизлар, манинг маъшуқим деб, қизларга ошиқлигини билдириб бир сўз айди:

Қизлар чиқинг томошаға,
Карам келди, Карам келди.

Ошиқ бўлмишам бир шоҳга,
Карам келди, Карам келди.

Бу келган шамси қамардур,
Қадди бўйи мунаввардур,
Кокили мушки анбардур,
Карам келди, Карам келди.

Келандур алинда сози,
Кўл бўйинда ўрдак, ғози,
Манинг жоним қиё нозли,
Карам келди, Карам келди.

Қорамаликнинг қизиман,
Мажлиснинг сўзлар сўзиман,
Барча қизларнинг кўзиман,
Карам келди, Карам келди.

Бизни яратганди тангри,
Ман чекарман бунда зори,
Асилхоннинг севар ёри,
Карам келди, Карам келди.

Андин сўнг Карамжон Асилхоннинг ёнина келиб, қўлини бўйниға солиб, бир-бирларина етишиб, ҳар замондин сўнг ҳушлариға келиб Асилхон Карамжонға қараб бир сўз айди:

Бу тоғларнинг қори каби эрдим ман,
Омон Карам мани бадном айлама.
Бунда кўнгли думон каби эрдим ман,
Эмди Карам мани бадном айлама.

Кетма-кетма мунда келиб изимдин,
Сан обдол бўл куёвлигинг билайин,
Кел айвонда ўлтир нори қилайин,
Эй Карамжон мани бадном айлама.

Йигитлигинг қўй сан соз кўтардинг,
Ман ғарибнинг хижронида ўлтирдинг,
На сан ўлдинг, на ман ўлдим алингда,
Омон Карам мани бадном айлама.

Насибамни отам тоғдин ўтирди,
Отам мани бу жойлара етирди,
Ман ночора жабру жафо етирди,

Эмди Карам мани бадном айлама.

Қошларинг қорадур олар жонимни,
Кипригинг наштари тўкар қонимни,
Оллодин розиман берса ёримни,
Карамжоним мани бадном айлама.

Андин сўнг Карамжон айди: Олдимизда Арзирум тоғи бор эрур. Андин туша билмай ўлсак қиёматга қолурмиз деб, зор-зор йиғлаб бир сўз айди:

Шукур юз минг манго бўлди тасалли,
Қолди қиёмата дийдоринг Асил.
Ўзим билдим мани санго қўшмаслар,
Қолди қиёмата дийдоринг Асил.

Эмабилмам лабларингнинг болиннан,
Ўпа билмам юзларингнинг холиннан,
Соғ алимнан тутсанг яна сўлимнан,
Қолди қиёмата дийдоринг Асил.

Мушки анбарини солмиш юзина,
Кўринг, сурмаларни чекмиш кўзина,
Куннинг оқшоминда кирсам қўйнина,
Қолди қиёмата дийдоринг Асил.

Жонимсан лоласан, ёнибсан алвон,
Қабул қил бизларни бўлали меҳмон,
Армани мусулмон эмасдур ёмон,
Қолди қиёмата дийдоринг Асил.

Карамжон бу сўзни сизга сўзларман,
Ўзим айрилмишам, кимдин кўзларман,
Асилхон ман сани ничик изларман,
Кел, ўтир бошингдан айланай Асил.

Андин сўнг Карамжон бирлан хўшлашиб, тоғнинг устига бориб, бир-бирларидан айрилиб кета бердилар. Карамжон ёрининг орқасидин қараб бир сўз айди:

Санинг лабинг шакар экан, қанд экан,
Сарви бўйинг салотиним қиз, юри.
Вафоли ёримсан дўнай бўйингга,
Эгри юрма Асил ёрим, дуз юри.

Қошинг камон, киприкларинг узарсан,
Нечук ўзинг доғи дошни кезарсан,
Ҳар нечук ёт бирлан қарши келарсан,

Эгри юрма Асил ёрим, дуз юри.

Қошинг камон, киприкларинг ўқ эди,
Санинг васфинг бу жаҳонда йўқ эди,
Ғариб юртда топдим, қайғум йўқ эди,
Эгри юрма Асил йўлни, дуз юри.

Карам бирлан ваъда қилдинг иқрори,
Эмди қайтиб кўрарманми сан ёри,
Беҳиштнинг меваси кўксингнинг нори,
Олло ёри бўлсин энди дуз юри.

Карам айтур билганимни ёзарман,
Ҳақ йўлинда бу жонимдан озарман,
Ман севмишам, бу чўлларда кезарман,
Сан ёқамға олтин дугма дуз юри.

Андин сўнг Асилхон бир пора йиғлаб, ёри бирла хўшлашиб ўзининг уясига қараб кетди. Борди, шу куни қирқ минг уйли армани ҳам Рум шаҳриға қараб кўчдилар. Шул кеча ётдилар эртаси Лола бирлан Карамжон туриб кетар вақтида изимиздан чиқиб бу тоғдин ўта билмаслар деб эдилар. Анда Карамжон айдики, Зиёдхоннинг ўғлони бўлсам, манго ор-номус йўқми, етти йилдан бери юрибман, энди қайтарманми, деб ўзини шоҳ тутиб тоғга юриш қилдилар. Бориб тоғга қадам қўйдилар. Йўл зиёда буюк эрди Лола йиқилиб кетди. Ул Карамнинг бир вазири бор эрди, ул юриб қошиға келди. Карамжон зор-зор йиғлаб йўлдошимдин айрилдим деб бир сўз айди:

Мусофирликда йўлдошим,
Лолажоним қолди мунда.
Кўздан оқар қонли ёшим,
Руҳи гадо қолди мунда.

Йиғласам етмас фарёдим,
Ёзарман нақши бунёдим,
Изинда йўқдир Зурёди,
Армон билан қолди мунда.

Мани деб ўйнаб кулмади,
Айтган сўзларим билмади,
Юртина бориб ўлмади,
Лоши чўлда қолди мунда.

Отаси йиғлар элинда,
Булбули уркди гулинда,
Асилдек Румнинг элинда,

Лоши чўлда қолди мунда.

Карам айтур: ёндим ўта,
Ҳасратим кўпдир зиёда,
Лолани йўқлаб дунёда,
Дўнди бағрим қона мунда.

Андин сўнг Карам изина қайтди. Бир одамнинг изидин бориб, ани тутиб айди: мани бу тоғдин ўткириб кўйсанг уч юз туман берурман деб, юриш қилдилар. Бориб Лоланинг ёниға етишдилар, шул ерда Карамжон тоғлардин гила қилиб бир сўз айди:

Бугун йиғлаё-йиғлаё,
Эмди келдим санго тоғлар.
Жигар доғлаё-доғлаё,
Арза келдим санго тоғлар.

Ўрдак учмасин кўлингдин,
Кийик қочмасин чўлингдин,
Қорли доғ сани алингдин,
Бир арз бордир хона тоғлар.

Саринга думон етмасин,
Гулу гиёҳинг йитмасин,
Устингдин карвон ўтмасин,
Бўлғайсан вайрона тоғлар.

Очилган гулни сўлдирдинг,
Дўсту душманни кулдирдинг,
Бугун Лолани ўлдирдинг,
Қолдинг ноҳақ қона тоғлар.

Келибман мундин ўтмака,
Мурод мақсуда етмака,
Асилхон дейиб ётмақа,
Хон карам дод этар тоғлар.

Андин сўнг Арзирумнинг кўкига қараб қадам босдилар. Тоғнинг боши думон бўлиб, қор ёмғир бошланди, шул ерда Карамжон тоғга қараб бир сўз айди:

Арзирумнинг кўки узра борганда,
Кўрдим шунда дона-дона қор келур.
Лола деди: кел қайтали бу йўлдин,
Кўрдим шунда дона-дона қор келур.

Арзирумнинг юртларина борганда,

Асил дейиб ёрни излаб юрганда,
Совуқ олди оёғимни юрганда,
Энди манинг тириклигим гумондир.

Ўлар бўлсам ман бу ерда ўлмайин,
Дўст-душманни таънасини қилмайин,
Асилхона ваъда бериб бормайин,
Карам айтур куним охир замондир.

Кўз берибди кўрмак учун кўзлари,
Дард берибди дармон учун ўзлари,
Шум рақибнинг таъна эрур сўзлари,
Анда биза номус била ор келур.

Ёр ёнинда бошим қўйдим бошина,
Дўст ёнинда на ғам бордир бошима,
Эй оғалар бир ҳилоли сиёҳим,
Кечирмишам тарлон учун ёр кегалур.

Сайёд эдим ман бир ёрнинг изинда,
Ўлар бўлдим қонлар оқиб кўзимда,
Қабз бўлиб ман бу ерни юзинда,
Банд ўлмишам бир гирдоба қолмишам.

Яна келди фасли баҳори ёзли,
Юрагимда қолди Асилнинг доғи,
Булбул қизил гула бўлибдур боғли,
Карам айтур: боша неча иш келур.

Андин сўнг бироз йўл юрганидин сўнг яна бир зўр қилди, булутлар бошинда буланиб турдилар. Карамжоннинг ҳоли машаққат бўлди. Яна Карамжон тоғлара қараб бир сўз айди:

Эй оғалар Асилхонни дардидин,
Бори тоғлар йиқилибдур бўйнима.
Ё Али, Карамга мадад айла сан,
Ватан сари гуллар солди гулима.

Хароб бўлсин бўйла чархи замона,
Бори тоғлар ғарқ бўлибдур думона,
Қалбим тўла алам бирла гумона,
Ғамлар тоғи йиқилибдур бўйнима.

Ҳар ўлкага бордим андин кўчдилар,
Кўчиб ҳам кўп қорли тоғдин ошдилар,

Бегуноҳ ёримни олиб қочдилар,
Ишқ савдоси тушмиш манинг бўйнима.

Қўрқинчим бор хато чиқар дилимдин,
Ал кўтардим мунисимдин, элимдин,
Сан кўрган бекликлар кетди алимдин,
Анинг учун шол киймишам бўйнима.

Карам дерман узоқ йўлдин келурман,
Кўкрагимда яратганни билурман,
Бу ерларда ман бесавоб эрурман,
Қиёматда сандин олгум хунимни.

Андин сўнг қор-ёмғир ёғиб, юрурга йўл топилмади. Ўз танҳо шул ерда қолди. Карамжон шул ерда туриб бир сўз айди:

Арзирумга чиқдим йўл икки бўлди,
Ман бу йўлни қайсисина борайин.
Оқди гўзим ёши сел каби бўлди,
Селдин ўтиб ман қайсина борайин.

Думон гала-гала бизни қасд этди,
Шул яратган иқболимни паст этди,
Юзи баланд йўлдин бошимдин ўтди,
Танҳо ўзим қайсисина борайин.

Мадорим йўқ бора билмам йўллара,
Думон келди кечди соғу сўллара,
Кўздин ёшим оқди манинг еллара,
Ман бу йўлни қайсисина борайин.

Бир гул эдим Зиёдхоннинг боғинда,
Очилурман ҳам сўлинда-соғинда,
Лола қолди Арзирумнинг тоғинда,
Йўлдошим йўқ ман қаёнга боройин.

Қарри фалак хон Лоланинг қасдинда,
Бош олибон қайси ёнга борайин,
Санинг бобонг мани кўздин солибдур,
Ман бу йўлнинг қайсисина борайин.

Совуқ олди оёғимни, алимни,
Қоронғуда ман йитирдим йўлимни,
Карамжон дер: тайин билдим ўлимни,
Ман бу йўлнинг қайсисина борайин.

Андин сўнг Карамжон зор-зор йиғлаб ерда ётиб қолди. Устига қор ёғиб қолди. Эртанг бирлан карвон етиб келди. Ёғочда бир дутор осилиб турур эрди. Бозиргон дуторни кўриб, карвонбошининг ёниға келди, айди: Ман дарахтдин бу дуторни топдим, деди. Карвонбоши айди: эгасиз эрмас турур, бориб қара. Бориб қарадилар, Карамжонни ахтариб топдилар, оғзига сув қуйдилар, ҳушиға келди. Кўрдилар, сўзлар айтадур. Анда Карамжон карвонбошиға қараб бир сўз айди:

Эй оғалар, Асилхонни дардидин,
Кеча-кундуз оҳи фиғон айларман.
Оқшом тинмай токи тонглар отгунча,
Мажнун каби тоғни сайрон айларман.

Қоши мангзар марал каби сиёға,
Ола кўзли мани солмиш балоға,
Ўшал жоним келиб бизнинг сароя,
Кўз устинда ани меҳмон айларман.

Шум рақибнинг борин қўймай қирсалар,
Бир-бирини бир диёра сурсалар,
Ҳар кишини севганина берсалар,
Сийнам узра ани меҳмон айларман.

Карам деяр: отдинг манинг дошимни,
Кўзимдин оқиздинг қонли ёшимни,
Карвошбоши бу мол бирла бошимни,
Асилжон йўлинда қурбон айларман.

Карам айтур: бўлдим юртимдин жудо,
Тилагимни қабул айласин худо,
Қон йиғлар юртимда ота ҳам она,
Аларни иншолло тезроқ кўрарман.

Андин сўнг карвошбоши ҳам тавалло қилди, қулоқ солмади. Охир жавобини айтиб юборди. Карамжон юра-юра бир жойға борди. Бир дарахтнинг соясинда ўлтирди. Кўнглига келди: на учун ўз юртимға кетмадим деб, зор-зор йиғлаб бир сўз айди:

Мани урса бу ерларда ҳароми,
Кело кўнглим, кел ватанга борали.
Бағрим бошин очиб кўргил яроми,
Кело кўнглим, кел ватанга борали.

Кўкда кўрдим икки турфа қизлари,
Иккимизнинг сийнамизда ерлари,
Насиб бўлса бирга юрта борали,

Кело кўнглим, кел ватанга қайтали.

Лочин уриб қўл қанотим қайирмиш,
Кўкда кўрдим икки турна узилмиш,
Оғзин тишлаб бўлагидин айрилмиш,
Кело кўнглим, кел ватанга қайтали.

Саҳар бўлиб тилла созлар жойланди,
Шул шунқорлар бири ердин солонди,
Бахтимиза карвонбоши галанди,
Кело кўнглим, кел ватанга борали.

Манинг ёрим шул тоғлардин ошонди,
Севдигимнинг оти бил, Асилхонди,
Карам айтур: кўнгилда кўп армонди,
Кело кўнглим, кел ватанга борали.

Андин сўнг Карамжон айди: Энди Рум шаҳрина борсам деб бир йўл топди. Тоғ устига чиқиб, бир жойни кўрди. Карамжон бориб гулларни кўриб, ўшал ерда бир дам ўлтириб ором олди. Ул вақтда худоий таолонинг қудрати бирлан бир паришта келиб, бир гул узиб, ерга туширди. Бир булбул келиб, олиб учди. Бир жойға қўниб дарҳол жон берди. Карам номус этиб, белидин яроғини олиб бўйниға солди, ўзини осди, ўлар ҳолда ҳазрати Хизр ҳозир бўлди. Ул арқонни кесди. Карамжон бир замондин сўнг ўзига келди. Булбулга қараб бир сўз айди:

Бир булбулнинг ҳасратинда,
Сан йиғлама, ман йиғларам.
Ғариб жонда қолган булбул,
Сан йиғлама, ман йиғларам.

Булбул бўлған доғдан ўтар,
Нолиши оллоға етар,
Ман ҳам булбуллардан батар,
Сан йиғлама, ман йиғларам.

Булбулим кийибдур яшил,
Сийнанг сийнамга чўлошур,
Йиғламоқ манго ярошур,
Сан йиғлама, ман йиғларам.

Булбулим кийибдур қора,
Юрагимда қўйди ёра,
Сан гулга йиғла, ман ёра,
Сан йиғлама, ман йиғларам.

Булбулим кийибдур оқи,
Юрагимда қўйди доғи,
Карамнинг чашми чароғи,
Сан йиғлама, ман йиғларам.

Андин сўнг Карамжон тоғдин тушиб, Рум шаҳриға юриш қилди. Эмди арманлардан сўз эшитинглар.

Асилхон паризод бир ўтинчиға бориб, изимизда бир йигит фалон ерда ётибдур ва тез бора кўр, деб айди. Ёмон ердин бир балога учрамасин, деди, ўтинчи бобо сўрди: ул кимдур? Асилхон айди: отиға Карамжон дерлар. Йўл юриб, шул ерга бориб қараса киши йўқдур. Карамжон йўлға тушиб, ўз-ўзидин бир сўз айди:

Эй оғалар, беклар, бизга сўзламанг,
Манинг бир севгили ёрим кетибдур.
Алар айтур девонадур, далидур,
Шул ёр билан номус-орим кетибдур.

Ҳар сабо, ҳар сабо йўл қирғоғинда,
Зулфи тўкилибдур бел дароғинда,
Ёримни йитирдим йўл қироғинда,
Зулфи сиёҳ севар ёрим кетибдур.

Чашмалар қайнашур жўйлара қарши,
Сайрашур булбуллар гуллара қарши,
Ёримни йитирдим эллара қарши,
Суянганим, ҳар тарлоним кетибдур.

Манинг дардим дард устина қолондур,
Билмам ёрим на дард билан бўлондур,
Хабар келди анинг иши нолондур,
Карам айтур: кулли молим кетибдур.

Андин сўнг бир оз йўл юриб, боғистонға борди. Кўрса бир бўлак йигитлар қўш қўшиб юрурлар. Карамжон аларни кўриб, бу жойларға ёрим келдиму деб, алардин сўраб бир сўз айди:

Асл араб отли бек ўғлонлари,
Табриза бир бўлак сўна келдими?
Кўзлари шамчироқ ҳамда мастона,
Шул ера бир бўлак сўна келдими?

Табризнинг тўртта ёғи яйлоғдир,
Устимизда турган қарри фалакдур,
Онаси ҳур турур, қизи малакдур,
Табриза бир бўлак сўна келдими?

Очилди ғунчалар, гул бўлди боғда,
Тўрт ёна термулиб қолибман тоғда,
Ақлимни йитирди йўлиққан чоғда,
Табриза бир бўлак сўна келдими?

Булбулим келибдур мундин ўтмака,
Қарорим йўқ ани мен ҳам тутмоқа,
Нозли ёрим кетмиш сайрон этмака,
Бул ерлара бизнинг сўна келдими?

Мунда Карам деюр: манинг дилимдин,
Уч юз олтмиш оғам бордир элимда,
Дедилар топарсан Асил дилбанди,
Шул ерлара бизнинг сўна келдими?

Андин сўнг бу йигитлар туриб, бадар кетдилар. Карамжон бориб бир қавмга тушди. Улар анинг ҳолини кўриб кўп паришон бўлдилар. Шунда Карамжон эсиб турган шамолга қараб бир сўз айди:

Илоҳидан кўп иш тушди сарима,
Дейса манго дейсин ёра деймасин.
Асил бир ўқ отди дейди сийнама,
У-да манго дейсин ёра деймасин.

Гўзаллар ичинда гўзаллар хони,
Бир замон кўрмасам чекиб фиғони,
Қишнинг аёзию, ёз саратони,
Дейса манго дейсин ёра деймасин.

Очилибдур ёр боғинда лолалар,
Ани кўриб булбул қилар нолалар,
Кўкдан ерга энган минг бир балолар,
Дейса манго дейсин ёра деймасин.

Очилгандир дўстнинг боғи азали,
Қўлни қўлга бериб бирга газали,
Эл устинда шум рақибнинг назари,
Дейса манго дейсин ёра деймасин.

Бошина тақибдур қарқара талли,
Ёримнинг юриши узоқдан балли,
Бунда Карам деяр: ажалнинг ели,
У-да манго дейсин ёра деймасин.

Андин сўнг бир неча кунлар юриб, Рум шаҳриға борди. Ҳеч киши танимас эрди. Бир момо ўтин кўтариб ўта берди. Ани изига тушиб уйига борди, момо сўради: эй болам, манда на ишинг бор? Мунда нишаб юрибсан, деди. Аммо Карамжон: шул оқшом меҳмондорлик қилинг деб, момонинг уйинда қолмоқчи бўлди. Эртанг момо эшикка чиқиб кетди. Момонинг чархини уриб синдирди, ёқиб исинди. Момо ташқаридан келиб ғавғо қилди. Карамжон момони алдаб бир қисим зар берди. Момо сўрди: манго бу зарни нечун бердинг? Анда Карамжон айди: эмди сиз қиёматлик онам бўлинг, аммо қирқ минг уйли арманини изларман. Қизини Асилхон дерлар. Ман анга ошиқман. Мандин қочириб, Рум шаҳрина келтирдилар. Онинг хабарини билурмисан, ёримни топиб берсанг, яна кўп зар берурман, деди. Анда момо айди: Рум шаҳри улуғ шаҳар турур, ҳар қайда бўлса сўраб истаб топарман деб бир неча вақтлар йўл излаб юриб топди. Қопусини балли қилиб, Карамжонни келтириш учун уйига борди. Асилхон паризоднинг онаси Марям эшигина чиқиб эрди, кўзи Карамжонга тушди. Аларнинг эшигина Карамжон келиб турур эрди. Момо бирла Карамжон ночор либосини кийиб бордилар. Тиш олувчи киши борми, деб баҳона бирла қопуға бориб турдилар. Бир уйдин сўради нима ишинг бор, деб. Анда момо айди: Боламнинг тиши оғрийди. Ани олдирсам деб хабар берди, ичкари кирдилар. Асилхон келиб Карамнинг бошини тутди. Бир соғ тиши туриб, чап ёнидин бир тишини олдирди. Алғараз, Карамжон тиш оғриғим қолмади деб айтгани бу турур:

Яна сабо бўлди, дунё дирилди,
Дандонкаш истадим ҳолим ёмондур.
Мани оғам Али бугун дирилди,
Гар шафқат этмаса ҳолим ёмондур.

Ёнғонимдин чиқдим учрадим дарда,
Сарим қурбон бўлсин сан каби марда,
Юкланмиш карвонлар келур бу ерда,
Ҳам юки Асилман дарда дармондур.

Бу фалак айирмиш мани ул гулдин,
Ман сани севмишам жон била дилдин,
То ўлгунча айрилманам Асилдин,
Жон ҳушим соғ ўлсин токи омондур.

Бизни ҳамдам билиб кўнглин хушламиш,
Гуноҳимни мани ҳақ бағишламиш,
Қарри онасининг қўлин ушламиш,
Қўй, қиз келсин анинг қўли дармондур.

Бир ёнимда боғча, бир ёним боғдур,
Бир ёним дарёдур, бир ёним доғдур,

Карам деяр: ёрнинг кўнгли кўп чоғдур,
Ёр билан сурганим ажаб даврондур.

Андин сўнг Карамжон соғ тишларидин бир ёнидин ўнини олдирди. Қизил қон ерлара лолазор бўлиб оқди. Асилхон танимади. Шул вақтда Карамжон ўзини танитиб, баҳона қилиб бир сўз айди:

Севдигим бошдин оёқа,
Бўйинг қирмизи кийибдур.
Саримдур санго садаға,
Ёрим қирмизи кийибдур.

Сиё зулфинг бўғим-бўғим,
Юрагимда қўйдинг тугун,
Сайрашур булбуллар бугун,
Гуллар қирмизи кийибдур.

Дўлонали бошдин боша,
Қурбон ўлам қалам қоша,
Оқ юзинда қўша-қўша,
Холлар қирмизи кийибдур.

Боқдим ман ёрнинг юзина,
Сурма чекибдур кўзина,
Шакардин ширин сўзина,
Тиллар қирмизи кийибдур.

Боқинг оллонинг ишина,
Ишқ ўти тушди бошима,
Чакдинг Карамнинг тишина,
Оғзим қирмизи кийибдур.

Андин сўнг булар туриб, момо додиман фарёд этиб, арманига арз қилди, айди: ман ўғлимни бир тишини ол десам ҳамма тишини олиб қўйибсан деб, орада жангу жадал эта берди. Армани бир тишига бир тумон берди. Момо давлатманд бўлди. Асилхон бир неча кундин сўнг келиб, хизматкори бор эрди. Анинг бирлан таом юборди. Карамнинг вақти хуш бўлиб бир сўз айди:

Нозли ёр нома кўрсатди,
Бир у ёндин, бир бу ёндин.
Зулфина шона дузатди,
Бир у ёндин, бир бу ёндин.

Нозли ёрнинг номалари,
Қордин оқдур жомалари,
Бер оғзима мамалари,
Бир у ёндин, бир бу ёндин.

На бўла ёрим, на бўла,
Ман шодон ўларман бўйла,
Қўлларинг бўйнима дўла,
Бир у ёндин, бир бу ёндин.

Бу тоғларинг боши қордур,
Умидим сандин кўп бордур,
Оқ юзида қўша холдир,
Бир у ёндин, бир бу ёндин.

Уча доғларни бошини,
Оқдирдим кўзим ёшини,
Чақдирдинг Карам тишини,
Бир у ёндин, бир бу ёндин.

Андин сўнг энди сўзни бошқа ердан айтурмиз. Эмди сўзни Рум шаҳридин эшитинг. Рум подшосининг бир қизи бор эрди. Бир кечада ўттиз қирқ қиз келтириб базм этар эрди. Бир куни Асилхонга навбат етди. Хабар берди, бунда келсин деб. Қирқ қиз бирла момо Карамжонга ҳам қиз либосини кийгизиб юбордилар. Мастликдин Карамжон оғзина келганини айтур эрди. Подшонинг қизи айди: бу на бало бу? Асилхон айди: бир одамнинг қарриганда бўлган қизи турур, худо карам этиб берди деб онинг отини Карам қўйибдур, деб айтди. Қизлар ароқ-шароб ичиб маст бўлиб турдилар. Асилхон Карамжон бирлан сўз сўзлашур эрди. Подшонинг қизи еридин туриб айди: ажаб Караминдин берган экан олло таоло, бу номуносиб ишдур, деди. Анда Асилхон айди: бул манинг ўн йилдин бери изимда эрди, отам мани мунга бермай, мани қочириб мунда келтирди, деб сўз айди. Ҳамма қизлар уйғонгандин сўнг Асилхон айди: манинг сирим ошкора бўлди деб бир сўз айди:

Соқий тўлдир пиёлани,
Мажлисга хўблар келибдур.
Тўлдириб бергил шишани,
Нозли маҳбублар келибдур.

Уйда келган аввал балли,
Қарқарали ширин тилли,
Сонжоқи олтин-кумушли,
Сонсиз булбуллар келибдур.

Кийикдай қора қошлари,
Инжудай оқдур тишлари,
Товус мисол юришлари,
Нозли маҳбублар келибдур.

Юринг ўнгда келган бирлан,
Қора қошли жонон бирлан,
Бу Карамнинг жонин олған,
Соллониб қизлар келибдур.

Шул вақтда Асилхоннинг канизаклари ўйнашиб сўзлар эрдилар. Зиёда уйқуға мойил эрдилар. Карамжон Асилхонга дийдор ғаниматдур, жоним деб бир сўз айди:

Оқи оқ, қораси қора,
Асилхон санинг кўзларинг.
Мани ёнар ўта солиб,
Асилхон санинг кўзларинг.

Санинг кўзларинг оладур,
Манинг жонима балодур,
Мани ўтлара соладур,
Севар ёр санинг кўзларинг.

Санинг кўзларинг ол айлар,
Манинг кўзим хаёл айлар,
Охир бизни обдол айлар,
Аркахон, сани кўзларинг.

Сочинг гули Чина мангзар,
Эйнинг ўн арчина мангзар,
Бир олғир лочина мангзар,
Севар ёр санинг кўзларинг.

Гул чеҳранг кумуша мангзар,
Бўйинг дол қамиша мангзар,
Кўкдин учган қуша мангзар,
Асилхон санинг кўзларинг.

Андин сўнг тонгга яқин сўз айтур эрдилар. Подшонинг сеислари овозни эшитиб келдилар. Ўлтириб эрдилар, соз эшитдилар. Ўғрилар келиб тамоми отларни ўғирлаб кетдилар. Сеислар кўрсалар бир от ҳам йўқ. Бориб подшоға арз қилдилар. Ҳамма сеисни чақириб, сўрадики, бу на воқеа турур? Булар айдилар: бизлар ўлтириб эрдик. Қирқ қиз кўшкда соз айтур эрдилар. Бориб бизлар ҳам эшитдик, қайтиб келсак отлар йўқ эрур, ўзга хабарни билмасмиз, дедилар. Қизларнинг орасида бир йигит сардор эркан, дедилар. Подшо қизини чақириб, ул йигит кимдур, деб сўради. Қиз айди: арманида бир қиз бор эркан, чақириб эрдим, онинг маъшуқи бор эркан, ночор либосини кийдирибдур. Тонг вақтида билдик, деди. Анда чақиртиринг, деди. Карамжонни олиб кел-дилар. Карамжон айди: ман бир ҳаромзодадин қочиб, мунда келдим. Энди мунда ҳам қўймайдур. Энди бадном бўлдим, ҳеч иложини билмасман, деди.

Подшо буюрди: бориб ўлдиринглар деб. Миршаблар бориб момонинг уйини ўтлаб, Карамжонни бир майдонга олиб бориб, ўлтирур бўлдилар. Олло таолонинг амри бирлан Шоҳимардон, тўрт чориёр турна суратинда бўлиб, ҳозир бўлдилар. Шул вақтда Карамжон жаллодлардан муҳлат тилаб бир сўз айди:

Турнам кетар дузум-дузум,
Турнам кўп-кўп дуо салом.
Турнам манинг икки кўзим,
Қон йиғларман кўп-кўп салом.

Турнам кетадур яйлона,
Кўкда булона-булона,
Ҳам гўрона, ҳам соллона,
Турнам биздин дуо салом.

Турнам кетадур курдлара,
Қўнарлар қўҳна юртлара,
Данги душим йигитлара,
Биздан турнам дуо салом.

Турнам кетарлар кошона,
Йўлда дўшана-дўшана,
Бир рўмол берам нишона,
Бизнинг юрта кўп-кўп салом.

Андин сўнг турналар ёнига тушди. Бир қўша рўмолини бериб юборди. Турналар учиб бадар кетдилар. Жаллодлар бориб подшоға арз этдилар. Ул гуноҳкор банда осмондаги турналарни ерга туширди. Аларга дуойи салом бериб юборди. Подшо айди: мунда келтиринглар, деди. Жаллодлар олиб келдилар. Подшо айди:яна шу турналарни туширсанг. Ҳар муродинг бўлса берурман. Йўқса ўлдирурман, деди. Карамжон осмонга қараб, худоё-худо, мани шармисор қилма деб бир сўз айди:

Шафоат айлади хунхор подшойим,
Кела турнам, кел изинга қайт энди.
Ёрлиқ берди биза қодир оллойим,
Кела турнам, кел ватана қайт энди.

Кўкда кўрдим бўлак учар турналар,
Иккимизни сийнамизни тирналар,
Барча турна бизинг юрта боралар,
Кела турнам, кел изинга қайт энди.

Саҳар бўлса сабо бирлан бурлона,
Шул шунқорлар билан учуб соллона,
Бошчи турна бўлак, булар бегона,

Кела турнам, кел изинга қайт энди.

Турна бориб ўшал кўкдин ошғандур,
Севдигимнинг оти бил, Асилхондур,
Карам айтур: қайтиб келгил омондур,
Кела турнам, кел изинга қайт энди.

Андин сўнг турналар келиб рўмолни бериб бадар кетдилар. Анда подшо айди: манинг юртимни таъриф қилиб бир-икки оғиз сўз айтғил, деди. Карамжон подшонинг юртини таъриф қилиб бир сўз айди:

Биздин салом бўлсин ул олимлара,
Ул ничик манзилдир оёғи етти.
Учмингда уч юздир маҳзаб ичинда,
Ёнар шуъла урар чироғи етти.

Уч юз дарвозаси уч юз минг бозор,
Уч юз минг подаси яйловда кезар,
Уч юз мачит бордур бари лолазор,
Олийшон минбарнинг оёғи етти.

Ул на гулдур, тўймоқ бўлмас у гулдин,
Ул на қушдир, келса айтар дилидин,
Оқиб турса тўймоқ бўлмас сувидин,
Бошимдин бир қуяр оёғи етти.

Уч юзминг боғининг бир боғбони бор,
Етти дарёси бор, етти тоғи бор,
Мунда Карам дейди: дилда доғи бор,
Саккиз юз айвонда саройи етти.

Андин сўнг арманига киши юбордилар мунда келсин даб. Бориб олиб келдилар. Подшо айди: Карам бизнинг ўғлимиз бўлди, эмди сан қизингни берурсан, деди. Армани айди: эмди бўлмади, берсам берурман. Санинг манго марҳаматинг кўп бўлди, эмди тўй тадорикин тутарман деб қайтди. Уйига бориб қирқ кунгача тилсим тузди, Карамжон муродиға етмасин, ҳар бирина қўл урса ёниб кул бўлсин деб. Қирқ кундин сўнг хабар қилди қизимни олсин деб. Киши юборди. Никоҳ қилиб олдилар. Дастури бирла куёвдан уч кунгача хабар олмас эрдилар. Аларни бир жойга солиб қўюр эрди. Карам айди: кел Асилхон, муродимизға етдик. Меҳнат яхши турур. Асилхон айди: мани қирқ кунлик тилсим этдилар. Ҳар еримдин қўл урсанг ёнарсан, қирқ кунгача манго тегма, деди. Шул вақтда Карамжон Асилхонға қараб бир сўз айди:

Муродимға етиб мунда,
Севдигим сўнгра ўлсайдим.
Ота-онамнинг дийдорин,
Кўрибам сўнгра ўлсайдим.

Ёрим, кўрмадим вафони,
Сурмадим завқу сафони,
Ул Муҳаммад Мустафони,
Кўрибам сўнгра ўлсайдим.

Саринда кўрдим қумрини,
Ҳақ бўлган сўзлар тўғрини,
Алининг ўн бир ўғлини,
Кўрсайдим, шунда ўлсайдим.

Чиқдим Албанднинг йўлина,
Юзимни суртдим дошина,
Ҳасан-Ҳусанни қошина,
Етишиб шунда ўлсайдим.

Сеислар чекди азони,
Рақиблар тортсин жазони,
Маҳшарда имом Ризони,
Кўрибам сўнгра ўлсайдим.

Карамжон дерлар отима,
Етишмадим муродима,
Мақсудима, матлубима,
Етсайдим, шунда ўлсайдим.

Карамжон Асилхоннинг сўзини қабул қилмади, бандини ечар бўлди. Бир ёнидин очса, бир ёнидин ёна берди. Карамжон ҳайрон бўлиб, ҳеч иложини билмадим, санинг ўзинг очғил деб зор-зор йиғлаб бир сўз айди:

Оллодин тиладим душдинг алима,
Асилхон ўзинг чеш дугманг бандини,
Ҳеч вафо қилмадинг манинг сўзима,
Аркахон, ўзинг чеш дугманг бандини.

Думон бўлиб тоғ бошини босарсан,
Сайёд бўлиб юрагимни азарсан,
Карам деяр: дугмаларни чешарсан,
Асилхон ўзинг чеш дугманг бандини.

Думон бўлиб тоғи тошда юрарсан,
Ёмғир ёғиб ола қорни азарсан,
Дугма қўйган куйлакингни чешарсан,
Жоним ўзинг чешгил дугмаларингни.

Мушкни иси келур ёрим ичидин,
Қиё боқмоқ ўрганибдур лочиндин,
Дейсанг ўт чиқади ичи дешиндин,
Жоним ўзинг ечгил, дугманг бандини.

Эгнингда камзуринг, эгри тизингдин,
Чиқиб кетсанг қараб қолин изингдин,
Бир бўса бер занахдонли юзингдин,
Ёр чешагур ўзинг дугманг бандини.

Карам айтар: мунда бағрим порадур,
Йиғламоқдин жигар бағрим ёродур,
Асилхон парининг ёқаси дордур,
Ёрим ўзинг ечгил, дугманг бандини.

Андин сўнг Карамжоннинг оёғи билмасликдин тегиб эрди, ёна бошлади. Ўт пайдо бўлиб, шул вақтда кўрдилар, шишада бир нимарса бор турур, дарҳол олиб қўйдилар. Карамжон шул вақтда зор-зор йиғлаб бир сўз айди:

Ўт ёпишди бармоғимдин,
Ёнарман, Аслим ёнарман.
Бошимдин ҳам оёғимдин,
Ёнарман, Аслим ёнарман.

Ўзим айладим, ўзима,
Ҳеч ким инонмас сўзима,
Ўт қочиб чиқди тизима,
Ёнарман, Аслим ёнарман.

Ўрдакман учам кўлима,
Кийикман қочам чўлима,
Ўт чиқиб тегди белима,
Ёнарман, Аслим ёнарман.

Ўт сичраб чиқди душима,
На ишлар келди бошима,
Қувват бермас бардошима,
Ёнарман, Аслим ёнарман.

Карам дода жўша келди,
Жўшиб ҳаддан оша келди,
Паймонаси чоша келди,
Ёнарман жоним, ёнарман.

Андин сўнг Карамжон ёниб кул бўлди. Асилхон бир уйда соч ёзиб йиғлай берди. Уч кеча-кундуздин сўнг ёнина отаси келди. Кўрса қизи йиғлаб

турур. Асилхон отасини кўриб, охир мани ёримдин айирдинг деб зор-зор йиғлаб ҳақ таолонинг даргоҳинда муножот айлаб бир сўз айди:

Она сен келсанг кел отам келмасин,
Гўри қиёматда жойи бўлмасин.
Ҳаргиз ўғил истагидин қолмасин,
Ота, Карам ёнди манам ёнаман.

Карам бўлган ишин баён айларман,
Тумон дарда ничик бардош айларман,
Ман Карамсиз энди ничик чидарман,
Ота, Карам ёнди манам ёнаман.

Асил чақир бу майдоннинг мардини,
Ошиқ билур маъшуқининг қадрини,
Шайдо булбул билур гулнинг қадрини,
Она, Карам ёнди манам ёнаман.

Асилхон дер: ман кечмишам жонимдин,
Молимдин, мулкимдин, хону монимдин,
Бугун айро тушдим Карамжонимдин,
Она, Карам ёнди манам ёнаман.

Андин сўнг отаси қайтиб кетди, Асилхон Рум подшосининг хизматина борди. Ҳамма воқеаларни бир-бир баён қилди, анда бир сўз айди:

Дод этарман эй подшойим,
Карам ёнди, Карам ёнди.
Дод ила фарёд этарман,
Карам ёнди, Карам ёнди.

Қора бўлди манинг бахтим,
Очилмади тожи тахтим,
Карамжонни ўта ёқдим,
Карам ёнди, Карам ёнди.

Ёрим қолди банда боғли,
Ҳижронда юрагим доғли,
Мадад тиларман ё Али,
Карам ёнди, Карам ёнди.

Кўнгил бердим бошда марда,
Йиғлаб қолди қийин дарда,
Руҳи гадо қолди мунда,
Карам ёнди, Карам ёнди.

Етдинг ажалнинг додина,
Икки нодоннинг ўтина,
Хўб етиринг муродима,
Карам ёнди, Карам ёнди.

Андин сўнг қирқ минг арманини чақириб тутиб ўлдирдилар. Подшо айдики, Асилхон, агар мунда қолсанг ҳарна муродинг бор бўлса биткарурман, деди. Асилхон айди: манинг муродим тўрт йўлнинг бандинда бир гумбаз солдириб берсанг, то умрим боринча анда бўлурман, деди. Подшо жар чакдириб тўрт йўлнинг бандинда бир гумбаз солдириб берди, беш манзилдан кўринар эрди. Асилхон анда бориб жой бўлди. Ҳужраларда қори қуръонлар қўйиб, ўзи тоат ибодатларга машғул бўлди.

Баъзилар 40 йил, баъзилар 60 йил дерлар анда бўлди, кўзи ожиз бўлди, бели букилди, тиши тўкилди, сочлари оқарди. Бир куни ўлтириб нажот қилур эрди ҳазрати Али бува бобо Қамбар бирлан ҳозир бўлдилар. Асилхон аларни гадоймикан деб айди: ман бир бечора турурман, манда на еярга бор, на ичарга бор, шаҳарга боринглар, деди. Ҳазрати Али айдилар: ман пирингман, дегач, Асилхон бир сўз айди:

Мусофирман бу шаҳарни найлайин,
Пирим сиздин Карамжонни тиларман.
Иложим йўқ дардим кима сўзлайин,
Пирим сиздин Карамжонни тиларман.

Отам мани мундин олиб қочирди,
Мани мунда ширин жондин кечирди,
Фалак барча умидларим сочирди,
Пирим сиздин Карамжонни тиларман.

Отам кофир, ман мусулмон бўлмишам,
Эранлардин мадад истаб келмишам,
Додим мудом ибодатда дурмишам,
Пирим сиздин ман ёримни тиларман.

Фалакнинг ишина йўқдур эътибор,
Ман ғарибман, бу ўлкада кимим бор,
Сиғиндим ман сиза яратган жаббор,
Пирим сиздин Карамжонни тиларман.

Бенишондур, руҳи гадо бўлмасин,
Мунда ёлғиз ўзи ҳайрон турмасин,
Раҳм этагўр ёт элларда қолмасин,
Пирим сиздин Карамжонни диларман.

Асилхон дер: манинг инон отима,

Отам етишмади мани додима,
Мунда келиб ёнди манинг ўтима,
Пирим сиздин Карамжонни тиларман.

Асилхон бу сўзларни йиғлаб айта берди. Шул ерда ҳазрати Али икки ракат намоз ўқиди, қиблаға қараб ўлтириб. Жаъми ўтган авлиёларни тилига келтириб бир сўз айди:

Барча ўғил Зиёдхондин нишона,
Расулилло мадад берар кунингдур.
Ғариб умматларинг ҳолини сўрғил,
Расулилло мадад берар кунингдур.

Ғариб давлат магар меҳнат бахти бор,
Ўзи подшо Ганж элинда тахти бор,
Бу ўлимнинг кимга қарар вақти бор,
Расулилло мадад берар кунингдур.

Ман тиларман саннан барча гуноҳим,
Ўзингдурсан ҳамма жойда паноҳим,
Қабул этгил муножотни худойим,
Расулилло мадад берар кунингдур.

Қизил гулдур сарғарибон сўлмасин,
Етиб паймонаси мунда қолмасин,
Мақсудим шул эрур оди ўчмасин,
Расулилло мадад берар кунингдур.

Ёлғиз ўғил мунда қолмасин лоши,
Ўзи шаҳзодадур азизлар боши,
Ноҳақдан оқибдур кўзинда ёши,
Расулилло мадад берар кунингдур.

Али айтур: бағишлағил жонини,
Вайрон этма эгам хону монини,
Юборма гавҳари нур имонини,
Расулилло мадад берар кунингдур.

Андин сўнг Алининг тилаги олло таолонинг даргоҳинда қабул бўлди. Асилхон баҳаққи таслим қилди. Шул вақтда каптарлар хабар бериб бордилар. Бир каптар гумбазнинг устина чиқиб қўнди, ҳазрати Али айдилар: ул каптар сенинг ёринг турур дедилар. Асилхоннинг гуруҳи ҳам каптар бўлиб учиб, ик-киси қанот қоқиб кетдилар, аларни ҳамиша дуо бирла ёд қилғайлар ва оллоҳу аълам биссавоб, тамматул китоб ба авну маликул ваҳҳоб. 1241 йил ҳижрий.

Х И Р О М О Н П А Р И

Аммо ровийлар андоғ ривоят қилурларким, шаҳри Ганжақорабоғда бир подшо бор эрди. Отиға шоҳ Рустамшоҳ дер эрдилар. Анинг бир иниси бор эрди. Ўзи ўрниға вазири аъзам қилиб эрди. Бу дунёнинг айши ишратларини бирга кўрар эрдилар. Аммо булар бефарзанд эрдилар. Олло таоло буларға қирқ ёшларинда фарзанд каромат қилди. Эрса подшоҳнинг бир ўғли бўлди. Вазирнинг ҳам бир ўғли бўлди. Бир неча кун тўй-томоша қилиб, хайр-эҳсонлар бера бошладилар. Аммо подшоҳ бўлғон тўраларға от қўёр бўлғонда тамоми уламои дарвишларға қараб қўй, инъом, сарпойлар бериб подшоҳ арзиҳохлик қилиб айди: эй уламои азизлар шул фарзандларнинг отини ўзим қўйсам, деди. Анда ҳаммалари подшоҳға ижозат бердилар. Подшоҳ айди: бефарзанд одамнинг куни қоронғу бўлур эркан. Олло таоло мани ёхтилиқа чиқарди. Фарзандимнинг оти Мунавварсултон бўлсин, иним вазирнинг ўғлонининг оти Зеваржон бўлсин, деди. Уламолар қўл кўтариб, дуо қилдилар, халойиқлар омин дедилар. Орадин тўрт йил ўтди. Ўғлонлар беш ёшиға кирди. Суннат қилиб, илм устодиға берар бўлғонда вазир айди: Эй подшоҳим бу ўғлонлар муроди бирлан илм ҳосил қилобилмаслар, бир улуғ мадраса бунёд этармиз. Икки шаҳзода: бири Мунавваржон, бири Зеваржон устозлари бирла мадрасада қарор топдилар. Орадин ўн йил ўтди. Шаҳзодалар ўн беш ёшиға кирдилар. Муборак юзларидин нур ёғилур эрди. Подшоҳ устозлариға инъомлар бериб, шаҳзодаларни оталарингизнинг хизматиға олиб борурмиз деб, йўлға равона бўлдилар. Ул орада икки шаҳзода бирлан подшоҳнинг олдида салом бериб турдилар. Подшоҳ алик олди. Подшоҳ кўрарким, олдида икки шаҳзода юзлари заъфарондек сарғайиб турур. Подшоҳ айди:эй жигар гўшаларим аъзоларингиз ожиз бўлиб турур. Ҳар бирингизнинг хизматингизга 40 барно йигит олиб, йилқи, қушлар олиб, бедов отларға мининг, деди. Амр қилди, шаҳзодалар отланиб шикорга кетар бўлғонларинда Рустамшоҳ ўғилларини худоға топшириб бир сўз айди:

Мундин кетар бўлсанг азми шикора,
Тилингда тасбеҳинг астаҳбор ўлсин.
Ғайри машрў иша қилма наззора,
Исломнинг пирлари мададкор бўлсин.

Бандаларнинг ҳақға етар фарёди,
Фарзанд эрур отанинг гул, муроди,
Арвоҳи шод этиб пири муроди,
Шоҳимардон санго мададкор ўлсин.

Дарёларнинг пири ё Ғавсул Ғиёс,
Чўлларда ҳозирдир ё Хизр Илёс,
Дуоға қўл кўтар ё ато Ҳаннос,
Фарзандлар шикоринг муборак ўлсин.

Шоҳ Рустам дер:мани етир мурода,
Насибанг бундан ҳам бўлсин зиёда,
Мунавваржон кўнглинг бўлсин озода,
Илоҳим хуш иқбол муборак ўлсин.

Алқисса, андин сўнг подшоҳ икки шаҳзодаға фотиҳа бериб, шикорға равона бўлдилар. Ҳар бирлари қирқдин саксон бўлиб, шикорға юрдилар. Етти кеча-кундуз ўтди. Зеваржон вазири аъзамларининг ўғли қирқ йигит бирлан бир ёнға кетар бўлдилар. Мунавваржон бир хушжамол, юзи оламни равшан қилиб, йигитлари бирла қўшилиб борур эрдилар. Ул ҳолда тамоми маҳрамлар ов овламоқға машғул эрдилар. Лекин Мунавварсултон кун чиқар тарафга назир қилса, бир оқ нарса кўринди. Яъни жаҳоннинг хуршидидек бир соҳибжамол кўринди. Мунавваржоннинг кўзи шул паризодға тушди. Отнинг устидин тушди. Шул вақтда паризод ул йигитга қараб, қайдин келиб, қайга борурсан деб бир сўз айтиб турғони:

Қурбонинг бўлайин хўб нишон ўғлон,
Тур кетали, бизнинг юрта Шамшода.
Бу ҳусну жамолинг ақлимни олғон,
Тур кетали, бизнинг юрта Шамшода.

Ногаҳондин гул юзингни кўруб ман,
Ҳусну латофатға ҳайрон қолибман,
Умид айлаб хизматингда бўлурман,
Тур кетали, бизнинг юрта Шамшода.

Бизнинг юртнинг сафолидур эллари,
Чаманларда минг алвондур гуллари,
Ҳар муқома дўнар ширин тиллари,
Тур кетали, сир айтмака Шамшода.

Заргар фарзандиман отим Хиромон,
Ҳасратинда куяр жисмимдаги жон,
Ғафлатда кўп ётма нозанин ўғлон,
Тур кетали, бизнинг юрта Шамшода.

Алқисса, андин сўнг Мунавварсултон мастликдин жудо бўла билмади. Ул Хиромонжоннинг мурис отли бир рўймоли бор эрди. Ани бошидин олиб етти дона қандим кўмур, сақол тароқни ҳам ул рўймолга солиб банд қилиб бошиға боғлади ва ўзи кўздин ғойиб бўлди.

Эмди сўзни вазирнинг ўғлони Зеваржондин эшитинг. Йигитларига бош бўлиб келса, Мунавваржон маст бўлиб ётур. Зеваржон Мунавварсултонни олиб, шоҳ Рустамнинг хизматиға борди. Подшоҳ Мунавваржонни кўриб бетоқат бўлди. Бир неча уламоларни, бир неча қуръандозларни жам қилдилар. Подшоҳ амр қилди. Ҳар ким Мунавварсултонннинг дардиға дармон қилса кўп молу дунё берурман, деб ваъда қилди. Ҳеч ким жавоб бермади.

Аммо шаҳарда бир момо бор эрди, отиға Зайнаб момо дер эрдилар. Ул момо подшоҳнинг хизматига бориб, қўлларини алиф-лом қилиб айди: эй подшоҳи олам ва эй султони бокарам, бу рўймол бир қиздин ишорат турур. Қандим кўмир заргарга даркор бўлур, қизнинг отаси заргар эркан. Бу сақол тароқи шамшод ёғочидин бўлур, юрти Шамшодда эркан, деди. Ул вақтда подшоҳ айди: эй момо донишманд эркансан, Мунавваржоннинг дардига даво топсанг санго қаддинг баробари зар берурман деб ваъда қилди. Зайнаб момо бир неча ерлардин тимсол келтириб, Мунавваржонға қараб бир сўз айди:

Тур ўрнингдин, Мунавваржон ётмағил,
Сан ошиқи беқарора мангзарсан.
Кўнгил қушин ҳар тарафа отмағил,
Сан ошиқи беқарора мангзарсан.

Инжитмағил бовар айла сўзимни,
Қибла сари айлантирғил юзингни,
Соғ эрурсан тугал этма ўзингни,
Сан ошиқи беқарора мангзарсан.

Қирқ кунлик йўл эрур ёрнинг макони,
Билмам на ерларда манзил макони,
Ёрнинг қўйни эрур жаннат макони,
Заргар қизи Хиромонни изларсан.

Марҳабо рўймоли нишона берган,
Шаҳри Шамшод дейиб башорат этган,
Ул нишона эрур сийнада битган,
Оқ сийнада жуфт анора мангзарсан.

Момо Зайнаб эрур дардлига дармон,
Ҳеч қолмас кўнглингда бир зарра армон,
Ёрингнинг отидур сарви Хиромон,
Оқ юзинда қўша хола мангзарсан.

Алқисса, бу сўздин сўнг Мунавваржон мастликдин айрилди. Мунавваржон подшоға қараб айди: эй падар, шул момонинг айтган сўзи рост турур, деди. Ул замон вазир, донолар айди: эй подшоҳи олам ва эй султони бокарам Мунавваржон ва Зеваржон бир-бир далолатға борсалар, хусусан шаҳри Шамшода минг тева мол бирлан қирқ барно йигит маҳрами савдогар қилиб юбормак керак, деди. Эрса бу сўз подшоҳга маъқул бўлди. Бир неча йигитларга кўп молу дунё бериб, шаҳри Шамшод кетар бўлдилар. Анда подшоҳ айди: боринг, йўлингиз оқ, ҳамроҳингиз ҳақ бўлсин деб, фотиҳа бериб юбордилар. Икки шаҳзода оталаридин руҳсат олиб бир неча бекваччаларга бош бўлиб, шаҳри Ганжиқорабоғдин чиқиб, ёрнинг юрти шаҳри Шамшода равона бўлдилар. Орадин етти кун ўтди, шаҳарда савдогарларга бош бўлиб, бир жойға

тушдилар. Шул кеча шул жойда ором олдилар. Бир неча завқи сафо бирла таоми нўш қилиб, тамом қилмай Мунавваржон бир оҳ уриб беҳуш бўлди. Ярим оқшом вақти эрди, ҳушиға келди. Зеваржон қирқ барно йигит бирлан сўрадилар: Эй Мунавваржон нечун таом нўш қилмай оҳ тортарсиз, шул ҳолда Мунавваржон зор-зор йиғлаб, ёрнинг ҳасратидин кўнгли дард қилиб бир сўз айди:

Қулоқ сол, сўзима Зевар султоним,
Сарвихиромоним тушар ёдима.
Ул сўзингдур манинг дарда дармоним,
Муборак сўзлари тушар ёдима.

Ногоҳон кезардим гулли гулшанда,
Сарвихиромоним кўрдим чаманда,
Боди сабо бўлиб шамол эсанда,
Зарафшон зулфлари тушар ёдима.

Саллона-саллона қоздек юриши,
Алифдек қомати, камондур қоши,
Ўн-ўн тўртда саломат эрур ёши,
Ул Юсуф нишоним тушар ёдима.

Мунаввар дер ёрни кўрибман анда,
Мискин бўлиб, лабда болин олонда,
Ҳақ буюрса дол қучоға киранда,
Завқу томошалар тушар ёдима.

Алқисса, , бу сўздин сўнг ўтганларнинг ҳақиға хатми қуръон ўқиб, бахш қилдилар, андин сўнг йўлға равона бўлдилар. Лекин орадин ўн тўрт кун ўтди. Эмди шаҳри Шамшодда Хиромонжон паридин сўз эшитинг. Боғ ичинда ётиб эрди, туш кўрди. Сесканиб уйғонди, яна бир неча канизлариға бош бўлиб, боғи сафо деган боғ ичинда сарҳовузнинг бўйинда жой ораста қилиб ётиб эрди, тушинда бир неча азизлар келиб Хиромонжон бирлан Мунавваржонға никоҳ қилдилар. Уйғониб, воқеани канизлариға бир-бир баён қилиб бир сўз айди:

Расулилло кириб мани тушима,
Бир неча насиҳат баён этдилар.
Кушойиш бердилар мани ишима,
Фарзандим, ғафлатдин уён дедилар.

Бахтинг шулдир ёринг бўлса вафоли,
Эътиқодда бўлмағай ҳеч жафоли,
Тўрт ёр кўрдим бир-биринан сафоли,
Абубакр, Умар, Усмон дедилар,

Ғафлатда ётурдим дедилар кабо,
Жам бўлиб келдилар неча саҳобо,
Сиздин рухсат тилаб олдим жавобо,
Динингнинг қуръони равшан дедилар.

Бириси дедилар ғафлатдин уён,
Бириси дедилар пирингга суян,
Баъзиси қон безаб, қизил тўн киян,
Кўрганинг ул ўн икки имом дедилар.

Хиромонжон айтур жонима савоб,
Жонима танима тушди изтироб,
Зарафшон кокилли келди сўроғлаб,
Ёринг бўлғай Мунавваржон дедилар.

Алқисса, булар бу боғда айшу ишратға машғул бўлсинлар. Энди сўзни Мунавварсултондин эшитинг. Бир неча кун йўл юриб шаҳри Шамшода яқин борур эрдилар. Узоқдан Хиромон парининг боғи сафоси кўринди. Зеваржон айди: Эй Мунавваржон албатта шу боғ сафоли жой, ораста, кўшки олий нишон, олло таоло ёрим бўлса, шу паризоднинг макони бўлур, деди. Эмди от устидин тушгил, теванинг устида тахт бордур, онинг устиға мингил, бир замон роҳат қилғил, шояд ёрингнинг жамолини кўрганда кўзларинг ожиз бўлмағай деб насиҳат қилди.

Мунавваржон ажаб бўлғай, деб от устидин тушиб, тахтға минди кўзига уйқу келди. Шу ҳолда карвон ул боғи Сафонинг ёнидин ўтиб борур эрдилар. Хиромонжоннинг канизлари қараса, карвонлар ичинда ёри Мунавваржон уйқуда ётур. Хиромонжон паризод кўшк устинда ўтириб, ёрина қараб айтган сўзи бу турур:

Қирқ кун бўлди йўлларингга боқарман,
Мунавваржон кўрмай қайда борурсан?
Дол гардана тилло камар тақарман,
Ғофил ўғлон кўрмай қайда борурсан?

Санинг муродингни бергай худойим,
Қирқ кун бўлди ман ҳам сани гадойинг,
Оқ сийнам устинда тургандир жойинг,
Қўша нордин тутмай қайда борурсан?

Сан келибсан Ганжабоғнинг элиннан,
Бир чаман гул узгил ёрнинг гулиннан,
Шамшодни шаҳринда заргар қизиннан,
Бир хабар олмайин қайда борурсан?

Маконим шул боғдир жаҳон баҳоси,
Ёра етмас ошиқларнинг савдоси,
Отим Хиромондур заргар боласи,
Мани кўрмай ёрим қайда борурсан?

Алқисса, Хиромон қиз бу жавобни айтғандин сўнг Зеваржон Мунавваржонни бир неча одоблар бирлан уйғотди. Мунавварсултон кўрарким, кўшк устинда бир паризод кўринур. Мунавваржон яхши қараб ёри Хиромонжон эрканини кўриб, жамолини кўрганига худои табораки таолоға шукр қилиб бир сўз айди:

Шукр оллоҳ кўшк устинда,
Бир қоши камон кўринди.
Гулгун косалар дастинда,
Бир моҳи жонон кўринди.

Гул юзлари ола мангзар,
Хуш сифатли бола мангзар,
Бир боқишли ҳумоя мангзар,
Сарви Хиромон кўринди.

Боғ ичинда чаман гуллар,
Сайрашур шайдо булбуллар,
Зевар оғам бари беклар,
Боғи мусаффо кўринди.

Ман келдим шаҳри Шамшода,
Насиба бордур орада,
Олло етурди мурода,
Кўзима жонон кўринди.

Кезарсан қизлар ичинда,
Мушк иси бордур сочинда,
Маконинг жаннат ичинда,
Кўзума алвон кўрунди.

Мунаввар дер: парвардигор,
Муяссар айлади дийдор,
Оқ юзинда қатор-қатор,
Дона-дона хол кўрунди.

Алқисса, бу сўздин сўнг Мунавварсултон уч минг карвона бош бўлиб бироз йўл юриб, Шамшод саройиға юк ташладилар. Орадин етти кундуз ўтди. Ул шаҳарнинг одамларининг ҳолини билмак учун миён саройға бордилар ва ўшал ерга бориб, четга чиқиб ўлтирдилар. Анда Шамшоднинг йигитлари

айдилар: яна бир ғазал айтсин, деб тавалло қилдилар. Мунавварсултон қўлина заррин созини олиб, қирқ йигита қараб бир сўз айди:

Қулоқ сол сўзима беклар,
Хиромон учун келмишам.
Ганжабоғда бизнинг эллар,
Харидор учун келмишам.

Ғайрат этиб тоғлар ошиб,
Дарё каби тўлиб-тошиб,
Мажнун каби ақлим чошиб,
Зори гирёна келмишам.

Қирқ кун бўлди жудо бўлиб,
Маъшуқи дилрабо бўлиб,
Боғ ичинда юзинг кўриб,
Мен бир ҳайрона келмишам.

Қошу кўзи эрур сузик,
Дутордин беллари нозик,
Ўн бармоқда саккиз юзук,
Зари зебоға келмишам.

Боғи сафо эрур боғи,
Сийнасинда ҳижрон доғи,
Гашт этиб яқин йироғи,
Ушбу макона келмишам.

Мунаввар дер: Зеварсултон,
Бу ўлкада бўлмас омон,
Ёримнинг оти Хиромон,
Интизор учун келмишам.

Алқисса, бу сўздин сўнг ул қирқ йигитнинг қаҳри аввалгидан ҳам зиёда бўлди, аммо Зеваржон йигитларина қараб айди: Эй йигитлар, эмди Мунавваржон қор этмасин деб тавалло қилди. Бу сўздин сўнг етти кеча-кундуз ўтди. Бир кеча Мунавваржоннинг ётоғига бордилар, йигитлар созу суҳбат, айшу ишратга машғул бўлдилар. Аммо Зеваржон устонинг ҳолини билмак учун сийнасинда олтин қуббалар бор эди. Бир неча қуббаларни қўпориб олиб, бекларни олдинда қўйдилар. Булар сўрадилар: Эй Зеваржон бу на воқеа турур? Зеваржон айди: Манинг асбобларим шундоғ бўлиб турур. Анда ул қирқ йигитнинг улуғи айди: Эй Зеварсултон ғамгин бўлмағил деди. Йигитларига айди: Усто заргарни олиб келгил. Бекларининг ишини тузатиб берсин деди. Анда ясовул бориб дарҳол чақиртирдилар. Қирқ йигит Мунавваржон бирлан суҳбатга машғул бўлдилар. Зеваржон усто заргар бирлан олтин қуббаларни

аввалгидан ҳам зиёда қилдилар. Шул орада таом тайёр қилдилар. Таомдин фориғ бўлғондин сўнг икки шаҳзода қирқ йигитга сарпо бердилар. Устоға ҳам сарпо бердилар. Аммо бир коса тилло ҳам бердилар. Алар жойлариға борсинлар. Зеваржон, Мунавваржон усто заргар уйларига бордилар. Хиромон пари бирла онасига барган инъомларини берди. Усто ухлади. Андин сўнг Хиромонжон онасиға қараб бир сўз айди.

Арзим эшит, қиблагоҳим,
Тўралардин хабар келди.
Гар айларам узрҳоким,
Мунаввардин салом келди.

Эл ичинда от айлаган,
Ғамгин кўнглим шод айлаган,
Отамизга ол айлаган,
Шаҳаншоҳдин хабар келди.

Сад жафо эрур бошинда,
Ничча хизматкор қошинда,
Ўзлари ўн тўрт ёшинда,
Ёш ўғлондин хабар келди.

Шод ўлғондир барча эллар,
Боғингда очилған гуллар,
Сайрабон шайдо булбуллар,
Хуш овоздин инъом келди.

Юртимизда ўзи меҳмон,
Ҳар бир сўзи жона дармон,
Ёнди фарзандинг Хиромон,
Беқарордин инъом келди.

Алқисса, бу сўздин сўнг Хиромон қиз айди. Эй она, меҳрибоним, на бўлур икки шаҳзодани бир кеча меҳмон қилсанг, деди. Шаҳарга меҳмон бўлған эркан, деди. Бу сўз устога маъқул бўлди. Ажаб бўлғай деб, эртанг саройға бориб, шаҳзодаларға салом берди. Усто айди: Эй Зеваржон бу оқшом бизнинг уйга Мунавваржон бирла меҳмон бўлсангиз нечук бўлур деб арз қилди. Зеваржон хуш ўлғай дедилар. Усто уйига келди. Зеваржон айди: Эй Мунавваржон тўра бўлиб, ҳузур-ҳаловат кўрмай кетарсанми, бир замон анинг ёнида ўтириб роҳат кўрмайсанми? Мунавварсултон айди:ғуломбачча бўлиб борурман деди. Зеваржон расмиъазам ўқуб бир қисим туфроқға дам солди, устиға сафди. Бир ғулом ҳабаши бўлди, андин сўнг устойи заргарнинг жойиға бордилар, анда усто тўраларнинг олдиға пешвоз чиқди. Кўрди Мунавваржон йўқ турур. Усто сўрди. Эй Зеваржон Мунавваржон қайда турур? Зеваржон айди: тўралари бирлан бир жойға кетди, деди. Анда усто айди: ошхонада хум-

да сув бор, олиб келсун деди. Хуш бўлғай деб ичкариға равона бўлди. Ошхонадин ўтиб ичкари кирди. Кўрса бир неча қизлар ўлтирурлар. Сарвиқад соҳибжамол аларға қараб бир сўз айди:

Ҳар тараф тушса кўзум, олдимда жонон кўринур,
Шаккар тан мулки аро бир турли имкон кўринур.

Кўнглима тушди анинг йўлинда қул бўлмоқлик,
Хуршиди жаҳонким манго оламда яксон кўринур.

Боқиб аҳволини дерларки, мунажжим аҳли,
Оҳ тортиб манго бахтимни ўйғон кўринур.

Бу жаҳон қасрининг ободиға мағрур ўлма,
Бир иморатки бино охири вайрон кўринур.

Ишқ атвориданким, ошиқи содиқ ўлса,
Ҳарна мушкул иш анинг олинда осон кўринур.

Йиғламанг ҳолиға Мунаввар жам ўлибон дўстлар,
Ишқ атворида анинг ҳоли паришон кўринур.

Алқисса, , бу сўздин сўнг Хиромон паризод қирқ канизи бирлан ғоздек қанот қоқиб, ҳурдек сузилиб, юзлари ўн тўрт кунлик ойдек шуъла бериб, қараса бир ғулом ҳабаши кириб турур. Хиромонжоннинг тилига бир сўз келди: Хизр истаюбон хирса дучор ўлди Фузулий, Балиқға қурғон домиға қурбақа илинди. Хиромонжон айди: ман худодин Мунавваржонни тиларман, мунинг келганига тамоша қилинг. Ул вақтида Мунавваржоннинг тилига бир сўз келди. Андин сўнг Мунавварсултон айди: эй қизлар, ман бир қора қулман сизлар хушжамол эркансизлар. Худои таолонинг тақдириға ризо андинким қаро бирлан оқда фарқ бўлса оқ пешонада қора холлар не керак. Оқ юзда дона-дона холлар бор, булар не керак. Ул гарданда сиё қаро зулфлар бор, булар не керак. Китобларда қаро хатлар бор, булар не керак, деб бир неча ерлардин тимсол келтуруб Хиромон паризодға қараб бир сўз айди:

Ёрим мани қаро дерсан, қошларинг қаро эмасму?
Оқ юзингда дона-дона, холларинг қаро эмасму?

Очилди даргоҳ эшиги, оламға тушди хўб ишқи,
Ҳасан Ҳусайиннинг бешиги, ўртуки қаро эмасму?

Соч боғингга юзинг бурма, мани тўғри йўлдан урма,
Қалам қоша сиё сурма, чекилган қаро эмасму?

Мунавваржоннинг каломи, бергани ҳақнинг саломи,
Қоғоз устида қалами, нуқотлари қора эмасму?

Андин сўнг Хиромонжон пари билдиким, бу келган ғулом эрмас, ёри Мунавваржон эркан. Кўришганларига пушаймон бўлиб, эй қизлар бул келган менинг азиз меҳмоним эркан деб муборак қўлларига заррин созини олиб, бир сўз айди:

Қурбонинг бўлурман Мунавваржоним,
Мани сўраб келишинга бандаман.
Худо берган манинг азиз меҳмоним,
Меҳмон ўғлон келишинга бандиман.

Исми аъзам ўқиб келдинг бу жоя,
Марҳамат айлагил мандек гадоя,
Манинг арзим етиб қодир худоя,
Бул макона келишинга бандаман.

Қирқ кун бўлди йўла равон бўлибман,
Манинг ақли хаёлимни олибсан,
Насиб чекиб бул макона келибсан,
Ғулом бўлиб келишинга бандаман.
Ўт гуноҳим Ширин, Фарҳод ҳурмати,
Етти ошиқ жаннат макон ҳурмати,
Манинг пирим Шоҳимардон ҳурмати,
Ошиқ бўлиб келишинга бандаман.

Хиромон дер: қурбон бу ширин жоним,
Кўнглимда шул эрди орзу армоним,
Худо берган манинг азиз меҳмоним,
Юсуф нишон келишинга бандаман.

Алқисса, андин сўнг Хиромон паризод салом берди, шаҳзодаи Мунаввар алик олди. Аммо қирқ қиз ҳам салом бердилар. Қизларнинг ичинда бир қиз бор эрди. Монанди Хиромон эрди. Яна бир жувон бор эрди, кўб соҳибжамол эрди. Ул айди: эй Мунавваржон, бул ҳуснинг доғинда бизлар ноумид кетармизми, ширин тилларинг мазасидан нўш қилмай кетамизми, бир ғазал бирлан бизларни шод қилинг, шояд олло таоло сизни ҳам шод қилғай деб сўрадилар. Анда шаҳзода Мунаввар хуш бўлғай деб ул жувона қараб, бир сўз айди:

Оҳким айлади ишқинг мани бечора жувон,
Кезарам куйинг ароким бўлиб оввора жувон.

Ничча Мажнун каби Фарҳод фиғонлар қилдим,
Қани раҳм айлаганинг манго бечора жувон.

Агар ишқ ичра гуноҳкори жаҳон бўлсам ман,
Ўзинг ўлдир, қўйма чакибон дора жувон.

Бу Мунаввар деди ҳолин санго чун зор ўлди,
Ақли ҳушимни олон ўзлари танноз жувон.

Алқисса, андин сўнг Хиромонжон айди: Эй Мунавваржон бул кеча отамиз бирлан Зеваржоннинг хизматларинда бўлғайсиз эрта оқшом эл ором бўлғондин сўнг келгайсиз деб ваъда қилди. Андин сўнг Мунавваржон қул бўлиб сувни олиб чиқди. Анда усто заргарнинг қаҳри келди, анда шаҳзода Мунаввар ўзларини ғулом қилиб бир сўз айди:

Бир пари кўрдим ажойиб моҳитобондир тўрам,
Жаннат ичра сайри қилған ҳури ғилмондир тўрам.
Жоду кўзи бирла боқиб, кўзи мастондир тўрам,
Ҳам ортиғдур ою кундин, қўйни бўстондир тўрам,
Асли заргарнинг боласи дарда дармондир тўрам.

Неча кун озор чекиб, банда бемор ўлмишам,
Мактаб бориб кўра олмай кўзим хумор ўлмишам,
Қадди бўйи ноз уйқуда ман гирифтор ўлмишам,
Ҳақ муяссар айласа ошиқи дийдор ўлмишам,
Асли заргарнинг боласи дарда дармондир тўрам.

Оқ юзин кўрдим ажойиб, нуқта-нуқта холи бор,
Лабларинда шаҳду шакар мушки анбар боли бор,
Қирқ канизи ёнида тайёр макри оли бор,
Зари бари кафш остида кумушдин нали бор,
Бу Мунаввар топди ёрин дарда дармондир тўрам.

Алқисса, андин сўнг устаи калантар айди: Эй Зеваржон, бу Жаъфарқул созкор эркан, деди. Зеваржон балли деб жавоб берди. Алқисса, бу кечани бир нав бирлан ўтказдилар, аммо тонг отди. Устои калантар жавоб олиб шаҳар ичиндаги саройға бордилар. Бир кун орадин ўтди, намози хуфтон вақти бўлди. Эмди Мунавваржон Зеваржондин рухсат олиб Хиромон паризоднинг боғига борди. Қўлларина заррин созини олиб бир сўз айди:

Зевар, оға гул юзлининг,
Доғиман, кунда доғиман.
Шакардин ширин сўзлининг,
Доғиман, кунда доғиман.

Тар бинафша димоғлининг,
Кўзи бодом қовоқлининг,
Юзлари гул яноқлининг,
Доғиман, кунда доғиман.

Ўн бармоғи хинолининг,
Лаблари ширин боллининг,
Оқ юзинда жуфт холлининг,
Доғиман, кунда доғиман.

Дўни гулгун жияклининг,
Кумушдан оқ билаклининг,
Тўпиқ чаки ипаклининг,
Доғиман, кунда доғиман.

Шакардин ширин диллининг,
Алифдек ингичка беллининг,
Ой юзлари гуллининг,
Доғиман, кунда доғиман.

Алқисса, бу сўздин сўнг Зеваржон Мунавваржонга қараб жавоб берди. Жавоб берур бўлғонда айди: Эй Мунавварсултон ёринг маконина борсанг бир насиҳат берурман, деди. Ошиқларнинг бир-икки душмани бор бўлса керак. Ул бир хонаи ғафлат турур. Зинҳор шул душманга ўзингни тутдирмағил, деди. Эрса хуш бўлғай деб бир неча инъомлар бирлан ёрининг боғига борди. Мунавваржон кўрдиким, боғнинг ичинда гуллар очилғон, булбуллар сайраб турур. Мунавваржон хаёл қилди. Шул булбуллар хушовоз сайрар, бир гулнинг томошаси учун, аввал баҳордин фасли куз айёмиғача сайрар, деб булбулларнинг овозидин сабоқ қилиб бир сўз айди:

Ман келдим сафоли боға,
Хуш овоздур булбуллари.

Арз айтуб қодир худоға,
Юз минг алвондур гуллари.

Сайр этмака боға келдим,
Ажойиб гулларни кўрдим,
Бу боғ ичра созкор ўлдим,
Кўриб келиб хўп эллари.

Боғ ичинда чаман гуллар,
Сайрабон шайдо булбуллар,
Ақлим олган қаро кўзлар,
Шаҳри Шамшоддир эллари.

Келдим дийдор кўрмак учун,
Жаннат ичра кирмак учун,
Юздин бўса олмоқ учун,
Кўрдим Хиромон қизлари.

Мунаввар дер: қодир маъбуд,
Қачон ҳосил бўлур мақсуд,
Айвонлари лаъли, ёқут,
Мунаққаш эрур жойлари.

Алқисса, бу сўздин сўнг Мунавваржон, Хиромон паризоднинг баланд кўшки айвонининг устина чиқди, бир замон таҳаммул қилди. Хиромон паризод чиқмади. Мунавваржон кўшк устинда беором, беқарор бўлиб, қўлина созини олиб бир сўз айди:

Субҳидам келдим қопинга,
Уйқудан уйғон дилбарим.
Туташдим ишқинг ўтина,
Ёнди жигарим, дилбарим.

Дилбарим ман санго зорман,
Гул юзинга интизорман,
Телмуриб йўлға боқарман,
Ман санго қурбон дилбарим.

Ҳижрон доғидин ошоли,
Кўнглим юз минг андишали,
Кел, дилбарим сўзлашали,
Сийнам узра доғ дилбарим.

Барчани яратган ҳақдир,
Санингдек нозанин йўқдир,
Кирпикинг йўнилган ўқдир,
Қошлари камон дилбарим.

Фармон ўлибдур хонимдин,
Ғамзангиз ўтди жонимдин,
Мунаввар дер: худойимдин,
Тиларман ишон дилбарим.

Алқисса, бу сўздин сўнг Мунавваржон интизор бўлиб турди. Хиромон паризоднинг ота-оналари, ухламади. Хиромон қиз уйидин чиқа билмади. Аммо кўшк устинда бир неча зари зевар тўшаклар, алвон-алвон либослар тайёр қилиб, Хиромонжон даврон сурмак учун ораста қилиб қўйиб эрди. Саҳар чоғинда эшиқдин шамол эсиб Мунавваржоннинг пешонасига тегди. Мунавваржон ул ораста кўшк ичинда зебо тўшакларининг устинда уйқуға мойил бўлди. Хиромонжон отасини ухлатиб, андин сўнг аста кўшки айвон устига чиқди. Эрса қўлларини алиф лом қилиб салом берди. Жавоб бўлмади. Хиромонжон қараса Мунавваржон уйқуда ҳазатиб ётибди. Хиромон

хаёл қилди. Ёрим мандин қор этибдур деб, ғамгин бўлди. Аммо Хиромон паризод қўлларина заррин созини олиб бир мухаммас айди:

Қирмизи гулдек юзинг, нигорим очсанг вақтидур,
Ҳусн боғинда тўрам булбул келтирсанг вақтидур,
Юсуф каби қўйнима, нигорим кирсанг вақтидур,
Дилбари ошиқ сози наззора қилсанг вақтидур,
Ёш эмасман қода қойимни билсанг вақтидур.

Умрини қилсанг фидо ул нозанин дилбаргаким,
Дўнмагил ҳар неча номеҳрибон такяи тош бошигаким,
Қатл этарга тиғ олиб, келса гар бошинға ким,
Васлинга етдим жафо тортиб неармон эмдиким,
Алҳазар ошиқи маъшуқа даврон вақтидур.

Қучгали сундим қўлим, очғил қучоғинг дилрабо,
Мастликдин тур уйғон, ғафлатга бўлма мубтало,
Тур ерингдин бўлмағил, ишқ ила айла ибтидо,
Ошиқ ўлғон бандалар маъшуқ учун бўлур гадо,
Бизни деб келган бўлсанг меҳмона даврон вақтидур.

Ничча ошиқ кечдилар маъшуқи даврон учун,
Оҳ тортиб йиғладилар кўрмака дийдор учун,
Ман Хиромон беқарорам, шўхи бепарво учун,
Нега ғофил ётасан, бу золими маккор учун,
Тур ерингдин айланай дилдора даврон вақтидур.

Алқисса, бу сўздин сўнг Хиромонжон бир замон таҳаммул қилиб турди, Мунавваржон уйқудин уйғонмади. Хиромон қизнинг қаҳри келди. Мунаввар ғофил эркан деб бир неча хом мевалардин киса-қўйнина солиб, юборди. Ул нишона қилғанда билган муни ҳам билур деб Хиромон қиз келган жойина кетди. Мунавваржон ериндин туриб кўрди. Вақт кеч бўлиб турур. Саройға Зевар оғасининг қошина борди. Зеваржон сўради: Эй Мунавваржон маъшуқинг бирлан айшу ишрат қилдингму? Анда Мунаваржон ўлтуруб эрдим, келмади деб ухлаганини баён қилди. Анда Зеваржон бир нишона борми, деб қаради. Кўрарким, кисалари тўладур. Кўрса бир неча хом мевалар бор. Анда Зеваржон Мунавварга дарқаҳр бўлди. Мунавваржон ҳижолатда на айтарини билмади. Бир дили маккор эркан деб, зори гирён бўлиб, оғасина қараб бир сўз айди:

Бордим ёрнинг маконина,
Булбули назмдор эркан.
Туташдим ҳижрон доғина,
Ақлим олган маккор эркан.

Боғ ичинда чаман гуллар,

Сайрашган шайдо булбуллар,
Айвонинда қирқ канизлар,
Ёниндаги ларзон эркан.

Сўзим бор санго дегали,
Душманларим ғам егали,
Боғи сафонинг эгали,
Заргар қизи Хиромон эркан.

Юзларинда нури субҳон,
Хизматинда ҳури ғилмон,
Ёримни оти Хиромон,
Жоду кўзли маккор эркан.

Мунавваржон дер кўз ёшим,
Бу савдога тушди бошим,
Эшитинглар тенгу тушим,
Бизнинг гўзал айёр эркан.

Алқисса, бу сўздин сўнг икки шаҳзода эртанггача бесабру қарор бўлиб турдилар. Аммо бугунни бир нави бирла ўткардилар. Зеваржон айди: Эй Мунавваржон, хавфи ғафлатга кўп гирифтор бўлмағил, деб кўп насиҳат қилди. Эмди сўзни Хиромон қиздин эшитинг. Иккиланчи оқшоми эрди. Канизларина қараб айди:эй канизлар чорбоға оро беринглар деди. Анда борурмиз дедилар. Анда қизлар айдилар: Эй бибижон, боға нечун зебу зийнат берурсиз дедилар. Анда Хиромон паризод қўлина созини олиб бир сўз айди:

Гулшани базми аро зулфи сумансо келажак,
Кўзи наргис, юзи гул қомати зебо келажак.

Манки дилхаста бўлиб, куйдим ани ҳажридин,
Жон иси келди мошомимға муҳайё келажак.

Чархи кажрав мани тутди бугун комиға,
Сўрғоли ҳолима ул шўхи масиҳо келажак.

Ҳолима ишрат созиники айла бугун,
Ишрат этали маҳваши дилрабо келажак.

Соқиё бодани гулранг кетургил базмаро,
Масту яқо қилурға кўзи шаҳло келажак.

Мутрибо маконға булбул киби жон сарф этакўр,
Боғи ишқимға мани бир гули раъно келажак.

Бу Хиромонки, қачон базми сафо тузганда,
Бу томошаға басе ҳур ила ғилмон келажак.

Алқисса, бу сўздин сўнг боғи сафоға анвойи зебо бердилар. Боғи сумандин зиёда бўлди. Хиромонжон канизлари бирлан завқу шавқда бўлсин энди сўзни Мунавварсултондин эшитинг. Мунавваржон ярим оқшом чоғи Зеваржондин рухсат олиб ёрининг боғина борди. Зеваржон айдики, эй Мунавваржон, сан соддасан, тирноқларинг тош боғлабдур, ман тирноқларингни олиб текис қилайин деб тўққиз тирноқни олиб ўнланчи тирноқни олар бўлғанда суст бўлиб тирноқ кесилди. Мунавваржон айди:эй оға тирноғимни кесдингиз деди. Анда Зеваржон айди: бироз дори қўярман, талхдин ухлаб қолмассан деди. Сўнг айди: эмди борғил. Мунавваржон бу оқшом уйқуға мойил бўлмассан деди. Алғараз Мунавваржон оғасидин рухсат олиб ёрининг боғина равона бўлди. Теграсина бориб, бағдодий қопусини қоқди. Қирқ каниз ҳозир бўлди. Аммо қизларнинг ичинда икки каниз бор эрди, бирининг оти Бону, яна бирининг оти Лизон эрди. Мунавваржонни бир неча иззат-икром бирлан боғ ичинда киргиздилар. Бону каниз Хиромонжонға қараб бир сўз айди:

Сўзима қулоқ сол, эй бибижоним,
Тўра ёринг боға сайра келибдур.
Шанба шикоринда, саҳар чоғинда,
Мунавваржон боғ сайлина келибдур.

Юзи гула мангзар қомати дола,
Қадди сарва мангзар лаблари бола,
Ҳар бир сўзи мангзар оби зилола,
Ширин - шакар боға мангзар келибдур.

Ёринг келди жамолингни кўрмака,
Насиб этса дол қучоға кирмака,
Муборак юзлардин бўса олмоқа,
Бугун ёринг боға сайра келибдур.

Ошиқ бўлиб ўтган Юсуфи Канъон,
Ўттилар дунёдин кўзлари гирён,
Шаҳрингга меҳмондир Мунаввар Султон,
Меҳмон ёринг боға сайра келибдур.

Бону айтур: ҳаял этманг орада,
Сиз ҳам ёр олдина қилинг ирода,
Бу кеча етарсиз мақсуд мурода,
Шоҳи Олам боға сайра келибдур.

Алқисса, андин сўнг Хиромон паризод Бону бирлан оҳиста-оҳиста йўл юруб борар эрди. Боғ ичинда ҳовуз лабинда бир кам қирқ қиз

ёнинда Мунавваржон юзлари ўн тўрт кунлик ойдек шуъла бериб жаҳон олам мунаввар бўлуб турур эрди. Анда Хиромонжон гул юзларина сиё зулфларини тугуб қўлларини алифи лом қилиб салом берди, Мунаввар султон алик олди. Қарадики, Хиромон Паризоднинг сийнасинда юмри-юмри нишоналар кўрунди. Кийган либослари гулгун алвон эркан. Мунавваржон Хиромоннинг қадди камолиға ва ҳусни жамолиға қараб бир сўз айди:

Алвон кўйлак кийиб чиқса шамола,
Юмри-юмри бўлур зўри қизларнинг.
Ошиқларни ҳақ етурди мурода,
Мунавваржон харидори қизларнинг.

Ёрининг изинда маъшуқ ҳавоси,
Шоҳимардон ошиқларнинг гувоси,
Мустажобдир қизу ўғлон дуоси,
Яратганга етур зори қизларнинг.

Худойим раҳм этгай бори бандага,
Бизни деб юриган Бону йигитга,
Ақлинг бўлса хизмат айла ёринга,
Ёриндадур ихтиёри қизларнинг.

Дол бедовга миниб чобук чопганлар,
Ёр йўлинда жабру жафо чекканлар,
Мунаввар дер манинг бағрим ёққанлар,
Бори пирлар мададкори қизларнинг.

Алқисса, бу сўздин сўнг икковлари бир-бирларининг бўйинларига қўлларини солиб, бўсалар олишиб, ҳазатишиб, чўлошиб ётдилар. Мунавваржон бирлан Хиромонжон айшу ишратга машғул бўлдилар. Хиромонжон айди: эй ёрим Мунавваржон отамизда бир тева жонбози бор турур. Шул жонбозни ё мол бирлан ё ал бирлан отамдин олғил, ўз шаҳрингга қараб етти манзил йўл юргил, саккизланчи кечаси карвон бирлан Зеваржон кетаварсин. Сиз бу боға ярим оқшомда етти манзил йўлни босиб келгайсиз деди. Отам бирлан онамни уйқуга мойил қилиб ман ҳам чиқарман. Ўн тўрт ёшимача шаҳри Шамшодда ҳузур-ҳаловат кўрмадим. Эмди сизнинг шаҳрингизда Ганжиқорабоғда бир-биримиз бирла юрурмиз, вақтимиз хуш бўлғай. Мунавваржон Хиромонжондин рухсат олиб саройға Зеваржоннинг ёниға борди. Зеваржон Мунавваржондин сўради: омон келдингизму, деди. Мунавваржон қуллуқ, деди. Аммо Хиромонжоннинг айтган сўзларини бир-бир баён қилди. Булар саройда ором олдилар. Хиромон Бону каниз бирлан тўққуз турли шоҳона либос, тўққуз турли таом бирлан Зеваржон бирлан Мунавварсултонға юборди. Бону каниз бир неча иззат, икром бирлан нарсаларни тўралар-нинг олдиға қўйди. Мунавваржон қўлларина заррин соз олиб бир сўз айди:

Шукр оллоҳ ушбу кун келди Хиромондин нишон,

Қоши ёй, киприги ўқ, мўрчамиёнимдин нишон.

Ақлим олдирдим кўриб келдик жамолин бу замон,
Шаҳри Шамшод ойида заргар боласидин нишон.

Сол қулоқ ҳоли паришонимға Султоним оғам,
Ҳур янглиғ бир пари монанд канъондин нишон.

Ман бўлурман бас юзунда ҳолин онинг кўруб,
Хат кетурган Бонудир асли Хиромондин нишон.

Эмди кўчмак бўлди лозим чун Мунаввар зорман,
Келди билсанг кеча боғда Шоҳи Рустамдин нишон.

Алқисса, бу сўздин сўнг келган Бонуға бир неча инъомлар бериб юбордилар. Келган хатнинг мазмуни бу турурки, тезроқ карвон чиқсун Шаҳри Шамшоднинг подшоҳининг отиға Анваршоҳ дер эрдилар. Хазинасинда 2 гавҳар шамъ чироғи бор эрди. Ул гавҳари шамъ чироғи йўқ бўлғон эркан худой таолонинг тақдири андоғ бўлдиким устаи калантардин гумондор бўлдилар. Онинг учунким устои калантар подшоҳнинг хазинасига кириб чиқаётган эрди. Подшоҳ қирқ кун муҳлат берди. Агар топмасанг косои сарингдан сўярман деди. Эрса ородин қирқ, кун ўтди, уста топмади. Устани ўлим жойиға олиб кета бердилар. Хиромонжон бир хат ёзиб Мунавварсултон ҳамда Зеварсултонға юборди. Албатта отамни ўлимдин халос қилғайлар, андин бошқа талабим йўқ. Хатни олиб бордилар. Зеваржон бирлан Мунавваржон икки шаҳзода Анваршоҳнинг даргоҳина бориб салом бердилар. Шул ерда Зеваржон қўлина созини олиб бир сўз айди:

Қулоқ сол сўзима улуғ султоним,
Нотавоннинг гуноҳини тиларман.
Адолатли шоҳсиз, танда дармоним,
Нотавоннинг гуноҳини тиларман.

Кўнгилда қолмади бир зарра армон,
Эшитинг арзимни ё шоҳи жаҳон,
Изинда қолмади бир ному нишон,
Бенишоннинг гуноҳини тиларман.

Бир ғариб бандадур ўзи бечора,
Душманлар қасд этиб айлаб овора,
Ўзи бегуноҳдир кўнгли садпора,
Шул устонинг гуноҳини тиларман.

Сиз мудом бўлғайсиз соғу саломат,
Бу савдоға эллар қилур маломат,

Ҳасратидин ман қилурман кўп заҳмат,
Банда бўлган бегуноҳни тиларман.

Зевар айтур: шаҳрингизда ман меҳмон,
Бобом шоҳ Рустамдир, сан шоҳи жаҳон,
Мунавварсултоннинг кўзлари гирён,
Нотавоннинг гуноҳини тиларман.

Аммо, бу сўздин сўнг подшо айди: Эй шаҳзода сан тиласанг шаҳар берурман. Аммо бу устони бермасман, деди. Икки шаҳзода не учун бермассиз? - деди. Анда подшо айди: Эй Зеваржон икки гавҳари шамчироқ бериб банддин халос бўлур, деди. Анда шаҳзода Мунавваржон Зеварға бергил, деб рухсат қилди. Зеваржон икки гавҳари шамчироқни подшоҳнинг олдиға қўйди. Анда одамлар айдилар усто ўғри эрмас эркан келган меҳмонлар ўғри эркан деб подшоға кенгаш бердилар. Анда Зеваржон соғ қўйнидин икки гавҳари шамчироқ, чап қўйнидин икки гавҳар, кисасиндин тўрт гавҳари шамчироқ чиқариб кўрсатди. Подшоҳ ҳайрон бўлди. Зеваржон айди:ман вазири аъзамнинг ўғлиман, шаҳзода Мунавваржон Рустамшоҳнинг ўғлидур. Шаҳрингда саройни ичинда кўп гавҳаримиз бордур деди. Халқ офарин, деди. Подшоҳдин устани тилаб олдилар. Энди сўзни Мунавваржондин эшитинг. Мунавваржон кўп беқарор бўлди, қирқ тўраси ҳам ёнида бор эрди. Жўралари айди: эй Зеваржон, Мунавваржон не учун беқарор бўлур, деди. Анда Зеваржон айди: устонинг бир жонбози - теваси бор эрди. Анга ҳавас бўлиб турур, деди. Анда усто ўлимдин халос бўлғони учун жонбозни бахш қилди, андин сўнг усто ўз жойиға қараб равона бўлди. Икки шаҳзода саройға бориб, жонбозини гулгун пўш қилдилар. қирқ йигит бирлан бу кеча саройда ором олдилар. Аммо Зеваржон туш кўрди. Тушида шоҳи Рустам ўлиб қариндошлари қора кийиб турғон воқеани кўриб турди. Зеваржон Мунавваржона қараб бир сўз айди:

Ётурдим ғафлатда бир аҳвол кўрдим,
Ўлкам вайрон нишон бўлғон кўринур.
Бир нигоҳ айлашиб яхшича билдим,
Бобомиз ўлгани замон кўринур.

Ҳеч кишининг мулки вайрон бўлмасин,
Бағри бирён, кўзи гирён бўлмасин,
Ота ўлиб моли яна қолмасин,
Молим долон бўлғон нишон кўринди.

Аввал ҳолда давлат қуши учадур,
Бу саримдин на савдолар кечадур,
Қардошларим кўзда ёшин сочадур,
Алвидо дегани садо кўринур.

Қирқ кун бўлди халққа бежо қурилган,
Халойиқлар бир саройга тизилган,
Бизнинг шаҳримизда қаро кийилган,
Барча мотам тутган нишон кўринди.

Зевар айтур: шукр айладим худоға,
Машғул бўлинг Мунавваржон дуоға,
Давлат қуши бешак учар ҳавоға,
Тез кўчинглар деган нишон кўринур.

Аммо бу сўздин сўнг Мунавварсултон 500 карвонға бош бўлиб, шаҳри Шамшоддин чиқиб Ганжиқорабоға равона бўлдилар. Қирқ тўрасига кўп инъомлар бериб, хўшлашдилар. Аммо карвон икки шаҳзода бирлан етти манзил йўл юрсинлар эмди Мунавваржон саккизланчи оқшомда ёри Хиромонжоннинг қилған ваъдаси ёдиға тушди. Аммо оғасининг юзига қараб жавоб тилади. Зеваржон рухсат бериб юборди. Мунавваржон Хиромон қизнинг боғига қараб равона бўлсин. Зеваржон карвон бирлан шаҳри Ганжиқорабоға қараб равона бўлди. Эмди сўзни Мунавварсултондин эшитинг. Мунавварсултон ярим оқшомда Хиромоннинг боғина борди. Сарҳовуз лабинда мармардин охур бор эрди. қўш тўшаб эрдилар. Мунавваржон ҳам жонбозини ул жойда миниб, тевани чўкариб, устинда ухлади. Тақдир андоғ эрди. Аммо ажал ғойиби дийдор, ғойиби насиб деган сўз бордир. Эрса Шамшод шаҳринда бир айёр бор эрди. Бул ноинсофнинг одина Каманд айёр дер эрдилар. Худойи таолонинг тақдири Каманд айёрнинг гузари усто калантарнинг эшигидин тушди. Аммо қараса, машҳур бўлғон жонбози-тева чўкиб, устинда бир навжувон ўғлон ухлаб турур. Бир нав ҳийла бирла тевадин олиб, супанинг устинда қўйди. Ўзи жонбозининг устина миниб турди.

Бир замондин сўнг Хиромон паризод сиё зулфлари тўкилган, ташқари чиқди, қараса, тевалик бир киши кўринди. Мунавваржон деб салом бериб, жонбозининг устига миндилар. Жонбози ериндин турди. Хиромон қараса Мунавваржон эрмас, айёр эркан. Эмди не илож қилурман деб зор-зор йиғлаб бир сўз айди:

Тур ерингдин Мунавваржон ётмағил,
Ёринг гирён ўлди душман алинда.
Йигит кучинг санго муборак бўлсин,
Ёринг кетди Каманд айёр алинда.

Булбуллар оҳ тортиб армонлар этар,
Отам-онам зори гирёнлар этар,
Билмайман боласи қаёна кетар,
Бағри бирён бўлдим айёр алинда.

Ҳеч киши санингдек ғофил бўлмағай,
Гул юзлари заъфарондек сўлмағай,

Хиромондек армон чекиб ўлмағай,
Ман ўлурман Каманд айёр алинда.

Алқисса, бу сўздин сўнг Каманд айёр бирла Хиромонжон кетабер-син. Энди сўзни Мунавваржондин эшитинг. Мунавваржоннинг қулоғина Хиромонжоннинг овози келиб уйғонди. қараса шосупанинг устинда ётибдур. Айланиб қараса тевадин дарак йўқдур. Хиромонжоннинг овози галган тараф-идан бир одамнинг изи бор турур. Мунавваржон ўрнидин туриб, жонбозини ахтарди. Теванинг изини олиб, изидин кета берди. Аммо, шаҳар ичинда бир ерда қаландархона бор эрди. Шаҳзода Мунавваржон ул қаландархонага бор-ди. Қирқ қаландар "Ёҳу" деб наъра тортиб ўлтириб эрдилар. Ул кириб борғондин сўнг салом берди, алик олдилар ва сўрадилар:эй йигит, мулламисан, қайдин бориб, қайдин келурсан, дедилар. Шунда Мунавваржон қаландарларга қараб ҳолини баён этиб бир сўз айди:

Қаландарлар дуогўйим бўлинглар,
Айёр олди қўлдин манинг ёримни.
Зори гирёнима қулоқ солинглар,
Айёр олди қўлдин манинг ёримни.

Хароб ғафлат эркан ишққа душман,
Кўнглум иморати бўлибдур вайрон,
Ёримнинг одидур билсанг Хиромон,
Каманд айёр олди манинг ёримни.

Айёр бирлан не жойлара борурлар,
Билмам не ерларда макон этурлар,
Мунаввар дер: кимдин сўрар, айтурлар,
Золим айёр олди манинг ёримни.

Ҳеч бир ошиқ иккимиздек бўлмасун,
Ғам ичинда бағри бирён бўлмасун,
Ёриндин айрилиб чўлда қолмасун,
Кофир айёр олди манинг ёримни.

Мунаввар дер: сан билурсан ё жаббор,
Кўб фиғон айласам билгайсиз ғаффор,
Бир ёр учун бўлдим эмди хорузор,
Каманд айёр олди манинг ёримни.

Алқисса, бу сўздин сўнг Мунавваржон айди: Эй қаландарлар, сизлар мени шоҳона либосимни олиб, ўзларингизнинг фақирона либосларингизни беринг деди. Қаландарлар хуш бўлғай деб, бошиға кулоҳ бордилар. Эгнига жанда бердилар. Кадуни қўлиға бердилар. Борғил болам, йўлинг бўлсин, дедилар. Анда Мунавваржон қаландар бўлиб йўлга равона бўлди. Вақт чошгоҳгача йўл юрди. Энди Хиромонжон бирлан Каманд айёрдин сўз эши-

тинг. Каманд айёр чошгоҳгача йўл юриб, етти манзиллик йўлни олиб, Шамшод юртининг бир ёнина чиқди. Бир жойға борди. Бир чашма булоқнинг канорасида алвон-алвон очилиб ётғон гулларни томоша қилиб, булбуллар маст сайраб турган жойда жонбози тевани тўхтатди. Хиромон айди: Эй Каманд айёр на учун тевани тўхтатдинг? Анда Каманд айёр Хиромонжонға қараб бир ғазал ўқиди:

Булоқнинг бошинда, гуллар ичинда,
Хиромонжон завқу сафо сурали.
Марҳамат вақтинда, тилак чоғинда,
Кел кўзингнан завқу сафо сурали.

Дунёдин ўтдилар ничча паризод,
Бўйлари сарв экан, қадлари шамшод,
Ғамзаси жон олған, кўзлари жаллод,
Кел кўзингнан завқу сафо сурали.

Бул ораға келдик соғу саломат,
Бузулган кўнгиллар бўлди иморат,
Сўзларинг жон олур, ғамзангиз офат,
Хиромонжон завқу сафо сурали.

Бўйларинг сарвдур, қоматинг ар-ар,
Зарафшон кокилинг шамс ила анвар,
На учун куйдурдинг мани жон дилбар,
Кел паризод завқу сафо сурали.

Каманд айёр айтур: сансан жононим,
Бир хастаман бўлғил манинг дармоним,
Заргар қизидурсан Хиромонжоним,
Кел заргар боласи даврон сурали.

Алқисса, андин сўнг Хиромонжон айди: Эй Каманд айёр, сан сўзни ажаб айтурсан. Ман ҳам сандин ҳижолат қилиб турурман. Эй айёр, сан шул булоқға тушиб, ғусл қилғил, деди. Андин сўнг Ширин бирла Фарҳоду, Вомиқ бирла Узродек даврона машғул бўлурмиз, деди. Каманд айёр хуш бўлғай, деб, либосларини чиқариб ул булоқға ўзини ташлади. Аммо ул ҳолда Хиромонжон теваи жонбозига бир қамчи урди, кўздин ғойиб бўлди. Каманд айёр кўрса Хиромон тева бирла ғойиб бўлибдур. Каманд айёр йўлға равона бўлиб, бир ғазал ўқиди:

Севдигим, сўлмағил ҳижрон доғинда,
На ажаб очилган гулинг Хиромон.
Булбуллар сайрашар гул бутоғинда,
Тушадур ёдима юзинг Хиромон.

Бандалара умр берсин илойим,
Оллодин истарам васлингни доим,
Ҳар замона тоза бўлур бу оҳим,
Мани алдаб қайда кетдинг Хиромон.

Кўзларинг наргисдур, қадларинг туби,
Хиромоним сансан жаҳон маҳбуби,
Лайли канизакдур сан анга биби,
Қўйма мани бу армона Хиромон.

Қурбон ўлам бошдин-оёқ юзингга,
Интизорман шаҳди шакар сўзингга,
Бир айланиб боқғил, ёрим изингга,
Каманд айёр дуогўйинг Хиромон.

Алқисса, бу сўздин сўнг Хиромон паризод етти манзил йўлни олиб сайри саҳро қилиб кета берсин. Каманд айёр изидин бора берсин.

Эмди сўзни Мунавварсултондин эшитинг. Тўрт кеча-кундузда етти кунлик йўлни олиб, бир биёбонга чиқиб борур эрди. Қаландар бўлиб бошинда кулоҳ, эгнинда жанда ва сўтаи абдор қўлинда зор-зор йиғлаб борур эрди. Бир неча одамлар тўй-томоша қилиб келар эрдилар, алар сўрадилар: эй қаландар нечун йиғларсан? Мунавваржон ёридин жудо бўлғонини бир сўз бирла баён қилиб, бир ғазал ўқиди:

Эй, ёронлар нечук кечар бу ҳолим,
Қамар юзли қоши ҳилол айрилдим.
Сарви қадли бўйли, зулфи шуморим,
Лабларидин оби зилол айрилдим.

Ҳасрат бирлан хаста жоним олондур,
Жон шаҳриға жафо тиғин солондур,
Асли башар одамзоддин бўландур,
Малак насли пойкарамдин айрилдим.

Руҳим шамъи жамолиға парвона,
Найлайин ишқиндин бўлдим девона,
Каманд айёр бўлғай хона вайрона,
Хиромоним қоши камон айрилдим.

Ёрим олиб қочғон кофири жаллод,
Ҳажриндин чекарман оҳ ила фарёд,
Гўзаллар ичинда ҳури паризод,
Гул юзлари моҳитобон айрилдим.

Мунаввар дер: қаландарман йўлинда,

Ета билмай қолдим биён чўлинда,
Ёрим кўзи гирён айёр алинда,
Моҳи юзли шамси султон айрилдим.

Аммо бу сўздин сўнг ул одамлар фотиҳа бериб юбордилар. Бир оз йўл юргандин сўнг сарчашмаи қўша булоқнинг бошиға етушди. Кўрарким бир теванинг чўкиб ўлтирғон изи бор. Яна бир одам булоқға тушиб чиққан изи бор. Шул ерда Мунавварсултон зор-зор йиғлаб айди: эй Хиромон ўзинг рози бўлиб, Айёр бирлан даврон сурдингми, ё бўлмаса Мунавваржон ёрим деб фиғон чекдингми, деб бир сўз айди:

Ғофил эрдим энди келдим бу жоя,
Хиромоннинг тушиб ўтган ерлари.
Мани кўнглим кетди юз минг хиёла,
Хиромоннинг сафо сурган ерлари.

Айёр бирлан шу макона келдингми,
Оқ юзингдин ёрим, бўса бердингми,
Ёрим Мунаввар деб садо қилдингми,
Ғофилимнинг фиғон этган ерлари.

Ҳеч бир ошиқ иккимиздек бўлмасин,
Бағри бирён, кўзи гирён бўлмасин,
Душманнинг қўлинда ҳайрон бўлмасин,
Бағри қоннинг тушиб ўтган ерлари.

Мунаввар дер: энди бўлдим қаландар,
Бир ёр учун манинг кўнглим мукаддар,
Ёлғизларнинг пири ё шоҳи Ҳайдар,
Мунавварнинг гадо бўлған ерлари.

Алқисса, бу сўздин сўнг Мунавваржон қаландар бўлиб Бадноҳ чўлинда ўн тўрт кун йўл юрди. Анда бир карвонға йўлиқди. Карвон сўради: эй қаландар, нечун бетоқат бўлиб йиғларсан деди. Анда қаландар алвидо, деб ғам чекиб бир мухаммас ўқиди:

Ёрсиз гирён кўзимдин оқмаған қон қолдиму,
Бўлмаған сийнамда зоҳир доғи пинҳон қолдиму.
Кўрмасам ёримни қон ютмоқға имкон қолдиму,
Сели ашким оқмаған кўҳи биёбон қолдиму,
Соқиёман ютмаған хуноба-ҳижрон қолдиму.

Кечаларким кўҳ уза етти фиғонимдин садо,
Қўзғолон солдилар малойик ҳажриға ул можаро,
Оташи ҳижрондин бағрим куйиб бўлди адо,
Айтадурлар истасанг васлимға қилғил жон фидо,
Эмди ёрим ҳажрингдин манга бир жон қолдиму?

Ёр оёғига қўйиб уйқуда бош қўрқунч била,
Лаъли шаккар комидин комиға олсам мавж била,
Жони зор ичинда макон тутибман важ била,
Чекдилар мажруҳ кўнглимдин жоним мани куч била,
Тангри учун айдиким, ҳолимға ҳайрон қолдиму?

Мунаввар зори гирёнида қолдим хору-зор,
Қайда бир ҳамдам турур қилсам ғамимни ошкор,
Эй парим, сан қочмағил ҳамдамлигимдин кўрки бор,
Гар санго меҳрин ким этди бизга кўрки яксон қолдиму?

Алқисса, Мунавваржон юраберсин, сўзни Хиромондин эшитинг. Шаҳзодаи Мунавваржондин Хиромон етти манзил йўл юриб бир жойға етди, айрилғали хаёл қилиб, шул жойға тушди. Эмди қирқ йигит шаҳри зулмат тарафина борур эрдилар. Ногоҳ кўзлариға бир оқ тева кўринди. Яхши назар қилиб кўрсалар теванинг ёнинда бир қиз ётиб турур. Юзларининг шуъласи чор тарафга равшанлик берур. Йигитлар атрофини олиб турдилар. Бир-бирлари ман олурман деб даъво қилур эрдилар. Хиромонжон сесканиб жойидан туриб, кўрди.

Қирқ йигит ногаҳондин кўзлари жаллоднинг кўзидай ёниб, Хиромон сўради: Эй йигитлар, на маслаҳатларингиз бор? Айдилар: Сани олмоқнинг маслаҳатини қилиб турибмиз. Хиромон айди: мани қайсингиз олурсиз? Анда ҳаммалари ман олурман, ман олурман деб, шовқун солдилар. Билдиким, нодон эрканлар. Хиромон айди: эй йигитлар, ман бир ўқ отарман. Шул ўқни қайсингиз олиб келсангиз ман шунга борурман деди. Йигитларга бу сўз маъқул бўлди. Хиромонжон ўқ отар бўлғанда бир ғазал айди:

Одам ўғли бир ёшинда тил очса лолазор ўлур,
Уч ёшдин тўртга етганда мактабда қуронхон ўлур.

Етти ёшида тушар тиши, танур ул қавму қардоши,
Ўн тўртинда қиз йўлдоши бир-бирина дилдор ўлур,

Ёши йигирма етганда йигитлар хуруж этганда,
Ошиқ - маъшуқин кўрганда гул бўлиб лолазор ўлур.

Ўттиз ёшинда кучинда, дев турмайди қиличинда,
Синдирур қўли учинда, отғудек камонкор ўлур.

Ҳар ким шартимни биткарса, отған ўқимни келтирса,
Бир-биридин ўткарса, Хиромонжон дилдор ўлур.

Алқисса, бу сўздин сўнг ҳижда ҳазор олам сандин мадад деб, ўқни тоғ тарафина отиб юборди. Ўзи мартабаи чорак парсах ерга борди. Қирқ йигит боши очиқ, оёқ яланг ўқға қараб равона бўлдилар. Анда Хиромон пари-

зод ўзи-ўзина айди: Эмди бирининг либоси шоҳона эрди, ани кийиб, жонбози-теванинг устига миниб, Бадгоҳ чўлидин чиқиб, бадар қочди. Эмди Хиромон кетаберсин.

Қирқ йигит келиб қарасалар. қиз кетубдур. Аммо бу қирқ йигит ҳам қаландар бўлиб, йўлға равона бўлдилар. Хиромон йигитлардин жудо бўлиб, ўн кун йўл юриб, бир шаҳарга борди. Ул шаҳарнинг подшоси ўлиб, давлат қушини учириб эрдилар. қуш давра уриб, ҳеч кимнинг бошига қўнмас эрди. Хиромон тўй хаёл қилиб бир одамдин сўради. Бу тўй на тўй турур. Одамлар айди: бу шаҳарнинг отина Ганжақорабоғ дерлар, подшосининг отига шоҳ Рустам дерлар. Ул дорилфанодин дорилбақоға рихлат қилди. Анинг бир ўғли бор эрди. Мунавварсултон деган, вазирнинг ўғли Зеваржон бирла Шамшод вилоятиға кетиб эрдилар. Андин сўнг Хиромондин сўрадилар отинг не турур? Айди: манинг отим Мунаввар турур деди. Одамлар шодмон бўлдилар. Давлат қуши ҳам худонинг тақдири бирлан Хиромонжоннинг бошиға қўнди. Андин сўнг Хиромонни тахтға чиқардилар. Подшо бўлғониға қирқ кеча-кундуз тўй берди.

Андин сўнг подшо амр қилди. Бу шаҳарда нақкошгар бўлса манинг суратимни арк дарвозасининг устига тортсинлар. Ҳар ким кўриб, оҳ уриб йиқилса мунда олиб келсинлар, деди. Дарҳол подшонинг суратини кўриб, нақкошгарлар офарин қолдилар. Аркнинг дарвозасининг икки тарафига тортдилар. Андин сўнг подшо ниқоб бирлан арз сўради. Орадин қирқ кун ўтди. Эмди Каманд айёрдин сўз эшитинг. Қирқ кун йўл юриб ул ҳам шаҳарга келди. Шаҳарнинг ичинда юрар эрди. Ногоҳ арк дарвозасина кўзи тушди. Яхши қараса нишонаи ёрини дарвозада кўруб, оҳ уриб йиқилди. Нақкошгарлар тутдилар. На учун оҳ тортасан? Анда Карманд айёр қўлина созини олиб бир ғазал ўқиди:

Эй ёронлар, мусулмонлар,
Хиромонни кўрдингизму?
Ганжабоғда беку хонлар,
Хиромонни кўрдингизму?

Бизинг бирла ваъда қилган,
Ишва бирлан кўнглим олган,
Ҳижрони доғина солган,
Хиромонни кўрдингизми?

Мани алдаб ташлаб кетган,
Кўзларимни ёшлаб кетган,
Қайғу ғама бошлаб кетган,
Хиромонни кўрдингизми?

Бу шаҳарда кўрон кимдур?
Меҳмон бўлиб келан кимдур?

Бу суратнинг асли кимдур?
Ажойибни кўрдингизми?

Аммо бу сўздин сўнг Каманд айёрни подшоҳнинг олдиға олиб бордилар. Подшоға салом берди. Подшоҳ айди:эй айёр не арзинг бор? Анда айёр айди: Эй подшоҳи олам ман бу шаҳарнинг одами эрмасмен. Тўй-томошасин кўриб юруб эрдим. Арк дарвозасиға бордим, анда ёримнинг нишонасин кўрдим деб тавозе қилиб бир сўз деди:

Умид айлаб мунда келдим,
Ёрим топиб бергил шоҳим.
Шаҳрингда нишонасин кўрдум,
Даҳсарто бўлдим шоҳим.

Манинг арзима етмасанг,
Сўзимни бовар этмасанг,
Хиромонимни бермасанг,
Камоним сандадур шоҳим.

Бу шаҳарда ўзи меҳмон,
Ҳар бир сўзи дарда дармон,
Ёримнинг оти Хиромон,
Заргар боласидур шоҳим.

Ман бир ошиқ бахти қаро,
Бир ёр учун сийнаи пора,
Кўрдим сани шукр оллоҳ,
Армон билан қолдим шоҳим.

Каманд айёр бўлдим ҳайрон,
Хиромон деб кўзим гирён,
Бу шаҳарда ўзи меҳмон,
Керагим меҳмондур шоҳим.

Алқисса, бу сўздин сўнг подшо айди: Эй, жаллодлар, Айёрни чоҳи золимға солиб банд қилинглар, деб амр қилди. Жаллодлар хуш бўлғай деб Каманд айёрни боғлаб, чоҳи зулматға солиб қўйдилар. Андин сўнг қирқ йигит Хиромондин жудо бўлиб, шундай паризоддан айрилдик, энди қаландар бўлурмиз, деб қаландар бўлдилар. Бир неча манзил йўл юриб ул шаҳарга дохил бўлдилар. Ногоҳ кириб қаландарлар шаҳарга бордилар. Шул оқшом анда бўлдилар. Эртаси номози бомдодни ўқиб, арк дарвозасига борсалар ул қизнинг суратини кўриб, оҳ уриб йиқилдилар. Наққошгарлар бу қирқ йигитни ҳам подшонинг хизматига олиб бордилар. Қаландарлар салом бердилар, анда подшо сўради: Эй йигитлар, на учун қаландар бўлдингиз, деди. Анда қаландарлар зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлаб бир сўз айди:

Арзим эшит жон подшоҳим,

Бир ёр учун қаландармиз.
Алалхусус жафо қилған,
Айёр учун қаландармиз.

Ўқини отди ул боға,
Ҳусни шуъла урар доға,
Тилак айлаб бир худоға,
Дилбар учун қаландармиз.

Қирқ йигит бўлибмиз гадо,
Минг жон бўлса анга фидо,
Эмди бўлдик мосувалло,
Имон учун қаландармиз.

Мадад бергай шоҳимардон,
Кўнглимизда кўпдир армон,
Сўрадик оти Хиромон,
Дармон учун қаландармиз.

Мирзобек дерлар отима,
Ҳақ етирсин муродима,
Фаҳм айласанг фарёдима,
Ғилмон учун қаландармиз.

Алқисса, бу сўздин сўнг подшо айди: эй миршаблар, буларни банд қилмай қўйинглар, деди. Миршаблар андоғ қилдилар. Подшо яна амр қилди: қаландарларга бир кун таом беринг, деди. Хуш бўлғай деб хизмат бажо қилдилар. Энди Хиромонжон подшо бўлиб турсин. Мунавварсултон-дин сўз эшитинг.

20 кун йўл юриб, бир оқшом чўли биёбонларда зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлаб ётиб эрди. Саҳар вақтида уйқуға мойил бўлиб эрди, Хиромон паризод тушига кирди. Сесканиб уйғонди, ҳеч бр воқеа йўқ эркан. Бироз чўпон ҳозир бўлиб Мунавваржоннинг ёнина келиб сўрадилар: Эй қаландар, не учун йиғларсан, дедилар. Анда Мунавваржон бир сўз айди:

Биродарлар, бугун бир аҳвол кўрдим,
Хиромонжон кирди тушима мани.
Қўшилибон неча сафолар сурдим,
Ёрим келиб кирди тушима мани.

Дилбаримни кўриб бўлдим мастона,
Хоб ичинда тушдим писта, даҳона,
Лабларинннан ичдим ман қона-қона,
Давлат қуши қўнди бошима мани.

Солланибон келди нозли жононим,
Кўнглимда қолмади зарра армоним,
Чашми жаллодими, қоши камоним,
Раҳм этади кўзда ёшима мани.

Хоб ичинда сурдим бир неча даврон,
Кўзима кўринди бир неча жонон,
Мунавварнинг ёри сарви Хиромон,
Олло етир кўнгил ҳушима мани.

Алқисса, чўпонлар бирла аллаёрлашиб, шаҳзода қаландарман, ёҳу, деб йўлга равона бўлди. Бир неча манзил йўл юриб бир шаҳарга борди, ул шаҳарнинг одамлари сўрадилар: эй, қаландар сиз подшозодага мангзарсиз дедилар. Анда шаҳзода Мунаввар қаландар бўлғонини баён этиб, бир сўз айди:

Бир дилбарнинг ҳажри бирла,
Ақлу ҳушим ҳайронадур.
Ёрим кетди ғайри бирла,
Кўзда ёшим равонадур.

Шум рақиб ороға тушиб,
Бир ғайри ёримни олиб,
Жайхун каби ашким оқиб,
Доим ишим афғонадир.

Ман эрканман, эрмас нодон,
Қолди манго дарди ҳижрон,
Охир чиқар бўлди бу жон,
Руҳим қуши парвонадир.

Ул дилбарим соҳибқирон,
Жаллод кўзли айлар ҳайрон,
Кирпики ўқ, қоши камон,
Ғамзаси бир пайконадир.

Кўзим ёши Жайхун оби,
Очилмади раҳмат боби,
Шул ёримни исми, поки,
Заргар қизи Хиромондир.

Ёр йўлинда қилдим парвоз,
Кетди суҳбат, қолмади соз,
Ёрима етмади овоз,
Тириклигим гумонадир.

Севдигимдур хўблар, хўби,
Асли одам ўзи пари,
Зулмат кечалар анвари,
Юзи шоҳи тобонадур.

Очилмайин сўлди гулим,
Сайрон этмади булбулим,
Мунаввар дер: ҳақдан умидим,
Шояд бўлар аёнадур.

Алқисса, бу сўздин сўнг ул одамлар Мунавварнинг кўз ёшина раҳми келиб, дуо қилдилар. Яна йўлға равона бўлди. Шаҳзода яна тўрт кун йўл юрди. Бир оқшом, бир азизнинг ўтган жойина борди. Таҳорати жоза қилиб, икки ракат номози ва шукронани ўқиб, эшоннинг ҳаққинда ҳатми қуръон қилиб, шул оқшом шул жойда бўлди. Саҳар чоғинда авлиёлардин башорат бўлиб, эрта жойиндин туриб, ҳазрати эшоннинг остонасина бош уриб бир сўз айди:

Умид айлаб келдим қадамгоҳинга,
Биза бир саодат қилинг, азизим.
Бошим урдим шу кун ҳоки пойинга,
Биза бир каромат қилинг азизим.

Ҳеч киши бўлмағай мендек беқарор,
Кўнглимда қолмади бир зарра мадор,
Худонинг шеридур Ҳайдари Каррор,
Алардин башорат қилинг, азизим.

Ман бўлибман гадоларнинг гадоси,
Манинг жоним эранларнинг фидоси,
Сиз бўлибсиз дарда дармон давоси,
Биза бир кушойиш беринг, азизим.

Бошима тушибдур ҳижроннинг доғи,
Вайрон бўлди эмди кўнглимнинг боғи,
Ман билмасман нерда ёрнинг чорбоғи,
Биза бир ишорат қилинг, азизим.

Мунаввар дер: эмди қаландар бўлдим,
Ёримдин айрилиб, чўлларда қолдим,
Умид айлаб қадамгоҳинга келдим,
Мани Хиромона етир азизим.

Алқисса, шаҳзодаи Мунаввар бу муножотни тамом қилиб эрди. Эмди келган юртиға Ганжақорабоғ дер эрдилар. Мунавваржоннинг бошиға

савдо тушиб, ўз юртини билмас эрди. Авлиёлардин мадад топиб бироз йўл юрди. Одамларнинг бошина савдо тушса, андоғ бўлар эркан. Аммо Хиромон ул шаҳарға подшоҳ бўлғондин сўнг қирқ кеча-кундуз тўй бошлатиб эрди. Шул тўй иншооло-таоло бизга ва Мунавваржонға бўлур деди. Алқисса, Мунавваржон қаландар ҳолинда келиб, арк дарвозасига бориб, Хиромоннинг чекилган суратина кўзи тушиб, бир оҳ уриб йиқилди. Бир оз муддатдин сўнг ҳушина келди. Нақкошгарлар сўрадилар: эй, қаландар не учун оҳ тортарсан? Анда қаландар зор-зор йиғлаб бир сўз айди:

Қирқ кун бўлди дилбаримни йитирдим,
Нақкошгарлар топиб беринг ёримни.
Шукр оллоҳ энди нишонин кўрдим,
Сураткашлар топиб беринг ёримни.

Каманд айёр олди ёрим қўлимдин,
Булбулим учирдим тоза гулимдин,
Булар нишон берур Хиромонимдин,
Нақкошгарлар топиб беринг ёримни.

Булбуллардур учиб келарлар боға,
Шунқордек бўлурму ҳеч қачон зоға,
Ман бўларман шул суратдин садоға,
Сураткашлар топиб беринг ёримни.

Билмам шу шаҳарнинг султони кимдур,
Зарафшондин бунинг айвони кимдур,
Айтинг, бу шаҳарнинг меҳмони кимдур,
Мулк эгаси топиб беринг ёримни.

Отим Мунаввардур шоҳи қаландар,
Заргарнинг қизидур бир моҳи анвар,
Онинг ҳасратидин кўнглим мукаддар,
Сураткашлар топиб беринг ёримни.

Алқисса, бу сўздин сўнг дарвозабонлар айдилар: эй, шоҳи қаландар турғил, ман подшонинг ёнига олиб борурман деб подшонинг ёниға бориб, қўлларина олтин созини олиб бир сўз айди:

Қулоқ солиб сўзим эшит, подшоҳим,
Бир қаландар соҳиб каломи келди.
Давлатингиз зиёд бўлсин илоҳим,
Бир қаландар соҳиб каломи келди.

Қаландар кўнглинда нури имондур,
Ҳижрондин кўнгли доим вайрондур,
Мададкорим ўзи шоҳимардондур,

Бир қаландар соҳиб каломи келди.

Ҳув деб ғавғо қилар осмона боқиб,
Айролиқ ўтина ўзини ёқиб,
Ўзи ҳайрон бўлди суврата боқиб,
Бир қаландар кўзи гирёнли келди.

Мирзобек дер: бўлинг соғу саломат,
Бир душман қўлинда қилур надомат,
Ўзи қаландардур ҳусни латофат,
Бир қаландар моҳи тобонли келди.

Аммо бу сўздин сўнг подшо амр қилди. Олиб келинг деб. Дарҳол Мунавваржонни подшоҳнинг ёниға олиб келдилар. Подшоҳ шиша эшик ичинда ўлтуруб арз сўрар эрди. Мунаввар Султон қўлларини алиф лом қилиб салом берди. Ойнабанд ичинда Хиромон зор-зор йиғлаб, валайкум-ассалом деб жавоб берди. Ойнанинг гўшасин андак очиб, яна чиқди. Мунавварнинг кўзи подшоҳга тушиб, беҳуш бўлиб йиқилди. Бир замондин сўнг ҳушиға келди. Подшоҳ сўради: эй, қаландар не учун беҳуш бўлдинг? Не учун йиғларсан? қаландар подшоҳга қараб бир сўз айди:

Қулоқ солиб арзим эшит, подшоҳим,
Тахт устинда бир султона мангзатдим.
Шугун тоза бўлур бу дарди оҳим,
Оқ юзингни кўша ҳола мангзатдим.

Бошинга кийибсан мурассаъ тожи,
Олам эли-барча юзинг муҳтожи,
Ғамзанг аҳли олар ҳусни хирожи,
Тахти устинда бир султона мангзатдим.

Қанотин чатр айлаб бошинга анқо,
Соябонинг бўлмиш семруғи доно,
Санинг васлинг ўқир булбули гўё,
Бир ошиқи бир нишона мангзатдим.

Сиё зулфларингдур нофои тотор,
Қошларинг ҳилолдур, кўзларинг фаввор,
Ҳуснинг Мунавварни айлади бемор,
Заргар қизи Хиромона мангзатдим.

Алқисса, Мунавварсултон бу сўзни тамом қилғандин сўнг подшо айди: эй нодон қаландар бир подшонинг сифатин бир қизға тимсол қилиб бўлурми, деди. Анда Мунаввар Султон беқарор бўлиб, кўзидин ёш оқар эрди. Хиромон паризод ҳам андин зиёдароқ беқарор эрди. Ўз ҳолини билдирмак учун Хиромон айди: Эй жаллодлар, бориб зиндондин бандиларни

олиб келинг, деб амр қилди. Жаллодлар бориб Каманд айёр бирла қирқ қаландарни олиб келди. Подшо айди: Эй, Каманд айёр не учун банди бўлдинг? Анда айёр айди: Эй подшоҳим, манинг асли зотим Шамшод шаҳрининг одами бўлурман. Бизнинг юртимизда бир паризод бор эрди, отини Хиромон дер эрдилар. Яъни Мунавварсултон деган тўра Ганжиқорабоға олиб кетмакчи бўлиб, теванинг устинда ўлтириб, ухлаган эрканман ани олиб қўйиб, қизни олиб қочдим. Уч манзилдин сўнг бир булоқнинг бошига келдик. Ман айтдим: мурод ҳосил қилурман дедим. Анда ул айди: булоқға тушиб чиқғил, деди. Ман хуш бўлғай деб булоқға тушдим. қиз дарҳол қочди. 40 кун йўл юриб сизнинг шаҳрингизга келдим. Суратини кўриб ҳайрон эрдим, сиз зиндонға солдингиз. Манинг ҳикоятим шул турур деди. Андин сўнг подшо қирқ қаландардин сўради. Анда қаландар: бизлар ҳам уни кўрдик, дедилар. Ҳар биримиз:"Мен олурман" деб айтдик, қиз айёр эркан, айди: сизлар даво қилманглар ман камонгар турурман, деди. Анда бизлар яхши деб ваъда қилдик. Ул ўқ отди, бизлар ўқға қараб кетдик, қиз либосларимизни олиб кетиб турур. Бизлар ҳам изиннан 40 кун йўл юриб бу шаҳарга келдик, сиз зиндонға сол деб амр қилдингиз, дедилар. Андин сўнг Мунавваржондин сўради. Мунавваржон оҳ уриб йиғлаб эрди. Айди: эй подшои олам ва эй султони бокарам, манинг ёримни олиб қочган шул айёр эркан, деди. Анда подшоҳ Каманд айёрни жаллодға буюрди, ўлдир деб. Эрса жаллод шамшири обдор бирлан андоғ урдиким, икки нимта баробар бўлди. Ул қирқ қаландарға амр қилди: сизлар юртга дуогўй бўлинглар, деди. Андин сўнг Мунавваржонни ҳаммомға буюриб, кўриниш хоналарни қадоғон қилиб, ҳануз Хиромон ўзини Мунаввар Султонға танитмади. Туруб, ҳаммомдин чиқариб, олиб келдилар. Хиромон тахт устиндин тушиб, қиз либосларини кийиб, қадди қоматларини долдек қилиб, қўлларини алиф лом қилиб, Мунаввар Султонға салом берди. Мунавваржон ҳам алик олди. Валайкум ассалом деб жавоб берди. Эрса Хиромон паризод ўзини билдирди. Ошиқу маъшуқ бир-бирина етгандин сўнг ҳар қайсилари бир-бирина жонини фидо қилиб бахтиёр бўлиб Хиромон йигитнинг ҳаққинда бир сўз айди:

То жаҳон боринча бўлғайсан гули раъно тўрам,
Билки, ман ҳам бўлғайман булбули шайдо тўрам.

Кўнглум олдирдинг валек кўргач сени беихтиёр,
Ҳусн ичинда кам бўлурми, сан каби зебо тўрам.

Ногаҳон чиқғанда уйдин ул парилар шоди маст,
Олам аҳли ичра тушгай шўриши ғавғо тўрам.

Кўрмагай эрдим жамолинг олам аро кошки,
Тушмагай дилбар бошимға мунча кўп савдо тўрам.

Кел, Хиромон эмди сан ҳам ҳарна қилса эрки бор,

Сотин олғон жўрасан ул санго мирзо тўрам.

Бу сўздин сўнг Мунаввар Султон отасининг ўрниға подшо бўлди. Зеваржон ҳам карвон бирлан соғ-саломат келиб, Мунавваржонға вазири аъзам бўлди. Эрса Мунаввар Султон бирлан Хиромонжонға тўю-томоша қилдилар. Эрса икки ошиқ-маъшуқ мақсуди муродлариға етишдилар.

Илоҳо ҳамма бандаи мўминларни муроди мақсудиға ўзинг еткургайсан. Омин, ё раббил оламин.

Шаҳриёр

Аммо ровийлар андоғ ривоят қилурларким, қадим замонда Яман вилоятида бир подшо бор эди. Отиға Доробшоҳ дер эрдилар. Ул подшо ҳануз уйлангани йўқ эрди. Онинг одати ул эрдики, кечаларда шабравон тўн кийиб, шаҳарни кезиб юрур эрди. Бир жойга борди, кўрса бир қасри айвон, ул айвоннинг эшигидан қаради, кўрса чироғ ёнган, ул айвонда уч нозанин, мўрчамиён, пистадаҳон, шакарбаррин, зулфларини чин-чин, халқа-халқа қилиб, бир ёнға ташлаб, кашта тикиб, бир-бирлари бирлан ҳазил-мазах қилиб ўлтурур эрдилар. Подшо буларни томоша қилиб эрди. Ул қизларнинг бирига Гулсутун пари, яна бирига Гулчеҳра пари ва яна бирига Гулистон пари дер эрдилар. Ногоҳ подшо қопудин қараб эрди, шул вақтда қизлар ҳазилни мулоқоти бирла сўзлай бошладилар. Ногоҳ Гулсутун пари айди, агар мани подшо олса, бир дона арпадин тамоми лашкарининг отиға ем қилур эрдим. Анда Гулистон пари айди, агар подшо мани олса, подшоға биргина луқма нондин тамоми лашкарина тамоқ қилур эрдим. Гулчеҳра пари айди, ман подшоға бир ўғил туғиб берур эрдим, бошлари олтин, оёқлари кумуш, асли ўзи жаҳон тахтиға лойиқ бўлиб, мағрибдин машриқни олиб, дев парини мусаххар қилгай деди. Подшо буларнинг сўзини эшитиб, ошиқи беқарор бўлиб, қайтиб уйина келди.

Ондин сўнг тонг отди. Подшо буларни сўраш учун, бир вазири бор эрди, чақирди, вазир келди. Подшо айди эй вазир, бу кеча шаҳарни кезиб, бир жойға бордим, уч пари кўрдим деб, қизларни таърифлаб, ошиқ бўлиб, ёнибкуйиб бир сўз айтгани бу турур:

Қулоқ солиб арзим эшит вазирим,
Шаҳарда уч ажиб нозанин кўрдим.
Бўла кўргил энди манинг дастгирим,
Шаҳарда уч ажиб нозанин кўрдим.

Кезардим ногоҳон бир жойға бордим,
Бир айвона бориб ўрнимдин турдим,
Эгилиб қарадим, уч пари кўрдим,
Шаҳарда уч ажиб нозанин кўрдим.

Бирисини кўрдим парига мангзар,
Бирисининг иси менглига мангзар,
Бириси зулфларин этиб муаттар,
Шаҳар ичра уч ажиб нозанин кўрдим.

Учиси ўлтирур жилвалар айлаб,
Бири бирига тўти сўзини сўзлаб,
Зарафшон зулфларин юзига ташлаб,
Шаҳар ичра уч ажиб нозанин кўрдим.

Бирисидир онинг хуршиди осмон,
Бирисининг ҳусни тоза гулистон,
Учиси ўлтирур базмин этибон,
Шаҳар ичра уч ажиб нозанин кўрдим.

Ҳар бири подшоға бир шарт айтарлар,
Қўлинда ийнаси кашта тикарлар,
Онинг ҳар бириси вафоли дилбар,
Шаҳар ичра уч ажиб нозанин кўрдим.

Қадам уриб юрдим кўча борина,
Томоша айладим гўзал норина,
Қулоқ солғил Доробшоҳнинг оғзина,
Шаҳар ичра уч ажиб нозанин кўрдим.

Алқисса, подшо бу жавобни айтғондин кейин вазири айди: Эй подшо, бул қизларнинг аслини мен билурман, деб қўлина созини олиб бир сўз айди:

Уч қизнинг аслини сўрсангиз шоҳим,
Бу дунёда ҳаргиз баробар ўлмас,
Оламни куйдирар оҳ урсам оҳим,
Аларға ҳеч киши баробар ўлмас.

Кун-куннан бўларсиз ҳолингиз забун,
Бошингга солибдур ишқ ўтин гардун,
Лайлининг ишқинда куйди ул Мажнун,
Лайли ҳам аларға баробар ўлмас.

Эй подшоҳим ман айларман бир бедод,
Хотир андин неча бергандир барбод,
Шириннинг ишқинда кўп куйди Фарҳод,
Ширин ҳам аларға баробар ўлмас.

Ўн йил кириб кезди дарёға Узро,
Вомиқни ишқида бўлиб мажоро,
Ишқина топмади ҳеч қачон чора,
Вомиқ ҳам аларға баробар ўлмас.

Буларнинг отаси шоҳи савдогар,
Лабларидин анинг боллари домар,
Ҳуснини кўрсангиз монанди хунхор,
Офтоб ҳам аларға баробар ўлмас.

Бири онинг аждаргирнинг қизидур,
Икки юзи анинг мисоли гулдир,
Олам ичра якка-ёлғиз ўзидур,
Ҳеч ким ҳам аларға баробар ўлмас.

Бирининг отаси билинг Наздодбон,
Кирпики ўқ онинг, қошлари камон,
Ҳуснини кўрсангиз офтоби табон,
Хуршид ҳам аларға баробар ўлмас.

Сарҳан вазир дерлар манинг отима,
Оҳ айласам олам ёнар ўтима,
Қодир мавлон ўзинг етгил оҳима,
Ҳеч бир пари анга баробар ўлмас.

Алқисса, вазир бу жавобни айди, эрса подшо айди, эй вазир, андоғ бўлса борғил, аларға совчи бўлғил, ҳар не тиласа сан қабул қилғил, деб бир сўз айди:

Эй вазирим мундин борғил,
Совчи бўл алар бирина.
Ҳар не деса қабул қилғил,
Тут яроғ анинг тўйина.

Санго Сарҳон вазир дерлар,
Тузатгил яхши саройлар,
Қирқ кунгача этиб тўйлар,
Сан айла битта хазина.

Халойиқа жар чексинлар,
Хабар айлаб тез айтсинлар,
Созандалар соз этсинлар,
Мол берибон ҳар бирина.

Муғаннийлар кирсин соза,

Кўнглимизни этсин тоза,
Оламға бўлсин овоза,
Ҳайрон бўлсинлар созина.

Атласдин тўшак ўртаға,
Қўйинглар мани оёға,
Булбуллар қўнсин бу боға,
Ҳайрон бўлсин гулларина.

Доробшоҳ дерлар одима,
Дўлансам ёрни белина,
Сарҳан вазир етир муродима,
Кирсин паризод қўйнима.

Алқисса, Доробшоҳ айди эй вазир, сан бирина совчи бўлғил деб вазирни Наздодбоннинг уйина юборди, Гулсутун парига совчи бўлди. Ҳар на подшо айтиб юбориб эрди, ани вазир Наздодбонға баён қилди.

Наздодбон хушвақт бўлиб ериндин туриб, подшо тарафина қараб, тўққиз марта таъзим қилиб, вазирга айди.

Ҳар на иш подшога лойиқ бўлса, ани қилурлар, ўзлари соҳиби ихтиёр турур деб жавоб берди. Вазир подшонинг хизматига бориб, Наздодбон айтғон сўзни бир-бир шарҳ қилди.

Подшо хушвақт бўлиб айди, эй доно вазирим, ҳар иш подшоға муносиб бўлса ўзинг еткур, сани соҳиби ихтиёр қилдим, деди. Эрса вазир чиқиб, умарофузалолар бирлан кенгаш ва маслаҳат этиб, минг ғулом олтинпўш, минг бедов от, жиловлари зумуррад турур, минг тева лаъли тугма осилған, минг ҳўкиз шоҳлариға гавҳар тақилған, минг този жунларина инжу тузилган, юбордилар. Ўзга молларни таърифга ниҳояси рост келмас. Бу сифат бирла етти кеча-кундуз тўй-томоша қилиб, неча минг созандалар, неча минг ўйинчилар, неча минг ҳофизлар ўзларининг шавқи бирла тўй қилиб, калтирдилар. Лаъл бирла ёқутни қўшдилар. Бу кеча ҳузур бирла суҳбатда бўлдилар. Эрса тонг отди. Подшонинг хотиринда бир сўз давом бор эрди. Сўздин сўз чиқиб подшо айди, эй жони жаҳоним ва эй сарви хиромоним, ваъдага вафодормисан? Анда Гулсутун пари айди : ман на ваъда қилибман? Анда подшо қўлина олтин созини олиб, савол қилди, паризод жавоб берди, бул савол-жавоб шул турур:

-Қулоқ солиб сўзим эшит, нигорим,
Кел эмди ваъдага вафо айлагил.
Ҳар замон кўрмасам йўқтур қарорим,
Кел эмди ваъдага вафо айлагил.

-Қайси кеча эрди, кездингиз ҳарён,
Ушбу кун бўлибди бағримиз бирён,
Айтған ваъда бўлса айлангиз баён,
Ман подшоҳим, нечук ваъда айладим.

-Подша мани олиб, этса ҳамхона,
Подшо бирла доим суриб даврона,
Лашкарин олибон кетса ҳарёна,
Кел ваъдага жоним вафо айлагил.

-Бу дунёнинг иши ҳойи-ҳавасдур,
Бу этган ваъдалар барчаси ростдур,
Ёлғон дунё гўё бир тор қафасдур,
Эй подшоҳим, нечук ваъда айладим.

-Доробшоҳ айтадур ваъдангни эй жон,
Бир арпа донадин, ростини десам,
Лашкаринг борина дединг ем этсам,
Шул ваъдага шу гун вафо айлагил.

-Гулсутун пари бу сўзларни сўзлашдинг,
Ҳазил бирла бир-бир айтиб кулишдинг,
Олтин коса бирла шароб ичишдинг,
Бир ҳазил сўз ила ваъда айлагил.

Алқисса, подшо бирла Гулсутун пари бу сўзларни айтишдилар. Яна подшо айди. Бир оқшом шабравон тўн кийиб, сайр қилиб юриб эрдим, ногоҳ бир саройға кўзим тушди. Кўрсам уч қиз бир-бирингиз бирла сўз айтишиб кулишдингизлар, анда сан айдинг, мани подшо олса, бир арпа донасидин тамоми лашкарининг отлариға ем қилурман, дединг, ул ваъдага вафо қил. Анда Гулсутун пари табассум қилиб деди: Эй беақл подшоҳим, бир арпадин тамоми лашкарнинг отина ем бўлурми, бизлар бир кулишма учун ҳар сўзни айтишаверамиз, деди. Анда подшо туршрўй юзи оқариб, ёнина бормади. Ондин сўнг подшо Аждаргирнинг қизи Гулистон парини етти кеча-кундуз тўй-томоша қилиб олди. Анга ҳам подшо алпоза бирла ваъдага вафо қил, деди. Анда Гулистон айди, ман на ваъда қилдим, деди. Анда подшо қўлина олтин созини олиб, савол-жавоб қилди:

-Қулоқ солғил меҳрибоним,
Кел ваъдага вафо айла.
Жондин ортиқ вафодорим,
Кел, ваъдага вафо айла.

-Эшит сўзим, гўзал султон,
Ман сиза на ваъда этдим?
Жоним бўлсин сиза қурбон,
Ман сиза на ваъда этдим?

-Бир кеча ман шаҳар кездим,
Бир айвон ўнгинда турдим,
Ангилиб сизларни кўрдим,
Шул ваъдага вафо айла.

-Не сабабдин шаҳар кездинг,
Айвоннинг ўнгида турдинг,
Сен бизларни нечук кўрдинг,
Ман анда на ваъда этдим?

-Бордим кеча саҳар чоғи,
Бўлди худони буйруғи,
Сан дадинг орқам беклиги,
Шул ваъдага вафо айла.

-Эй подшоҳим, бул ҳавасда,
Сўзла дединг мани хаста,
Борган бўлсанг саҳар вақтда,
Ман сиза на ваъда этдим?

Доробшоҳ дер ваъда этдинг,
Мурод мақсадингга етдинг,
Мани ақлимни лол этдинг,
Шул ваъдага вафо айла.

-Гулистон дерлар отима,
Ҳеч киши етмас додима,
Бу айтгон ҳазил сўзима,
Ман сиза на ваъда этдим?

Алқисса, подшо айди, санинг сўзинг шул эрди, агар мани подшо олса, бир луқма нондин тамоми лашкарина тамоқ этар эрдим, дединг. Анда Гулистон паризод айди, эй беақл подшоҳим, ҳеч замонда мундоқ қилгон борми, бизлар ҳазил қилиб айтишиб эрдик. Анда подшо андин ҳам юз айлантириб, шоҳ савдогарни қизи Гулчеҳрага киши юборди. Сўнгра етти кеча-кундуз тўй-томоша қилиб келтурдилар. Подшо Гулчеҳра парига қараб айди, эй жони жаҳоним ва эй сарви хиромоним ва эй руҳи равоним, ваъдага вафо борми, деб юзидин ўпди. Гулчеҳра на ваъда, деди. Подшо савол-жавоб қилиб бир сўз айди:

Қулоқ солиб, сўзим эшит паризод,
Кел ваъдага вафо борми эй жоним.
Ҳар қиё боқишли қомати шамшод,
Кел ваъдага вафо борми эй жоним.

-Подшолар подшоси азиз султоним,
Ман сиза ҳеч ваъда қилғаним йўқдир,
Оҳ айласам тутар оҳим осмонни,
Ман сиза ҳеч ваъда қилғаним йўқдур.

-Подшо бўлған яна ишратин сурар,
Гоҳ кечалар юриб шаҳарни кезар,
Яхши-ёмон бўлса барини кўрар,
Кел ваъдага вафо борми гўзалим.

-Одам улдир ўз қадрини англаса,
Сўз тагида сўз борини фаҳмласа,
Қилған ваъдасина вафо айласа,
Ман сиза ҳеч ваъда қилғаним йўқдур.

-Ҳақ рўзи қилғандир бандага фармон,
Йўқса сура билмас ёр бирла даврон,
Йўликди ногоҳон бир қасри айвон,
Шул ваъдага вафо айла гўзалим.

-Ул нечук ваъдадур фаҳмин билмасам,
Қўлимнан келганин муяссар этсам,
Сизнинг бирла ишрат жомини сурсам,
Ман кишига ваъда қилғаним йўқдур.

Подшо дер насибам бўлса ул ишдин,
Суриб ишрат жомин бул ёзи қишдин,
Бир ўғил туғсам ман олтин кумушдин,
Шул ваъдага вафо борми, эй гўзал.

-Бир ноқис бандамиз, ўзидур қодир,
Ўзи бандасининг мақсадин берур,
Қилмаса эътибор манда на бўлур,
Ман сиза ҳеч ваъда қилғаним йўқдур.

-Доробшоҳ дер қилсанг аҳдингни эй жон,
Бу жоним айлайман бошингга қурбон,
Боши олтин, оёғи кумуш ўғлон,
Кел, ваъдага вафо борми, гўзалим.

Гулчеҳра худога муножот этса,
Ҳақ ўзидин тилак муяссар этса,
Бу ғариб бандага ўзи раҳм этса,

Ман ҳеч кима ваъда қилғаним йўқдур.

Алқисса, подшо бирла Гулчеҳра бу жавобларни айтишдилар. Андин сўнг подшо айди, ман бир кеча кезиб эрдим. Уч қиз айвонда ўлтирур эрдингиз. Ҳар қайсингиз бир сўз айтдингиз. Сан айтдинг, агар мани подшо олса бир ўғил туғиб берурман, боши олтин, оёқлари кумушдин, ўзи жаҳон тахтина лойиқ соҳибқирон бўлғай, мағрибдин машриқни олиб, деву парини мусаххар қилғай дер эрдингиз. Шул ваъдага вафо борми, деди. Анда Гулчеҳра айди на бўлғай бизингдек хонимға, сизингдек подшоға, эгам ўзи муҳаббат қилса, ажаб эрмас, юзимизни оқ қилмоқ учун худои табораки таоло рўзи қилса деб, зор йиғлади, подшо ҳам бу сўзга хушвақт бўлиб, таъсир қилиб йиғлади. Алқисса, иккиси хушвақт бўлиб, суҳбатга машғул бўлдилар. Бир куни Гулчеҳра пари айди, худоға муножот қилиб айди, аҳадо, самадо, ё парвардигоро мани подшоға шарманда қилмағайсан, деб зор-зор йиғлаб бир сўз айди:

Бир отинг қодирдир, бир отинг Раҳмон,
Ўзинг манго фарзанд ато айлагил,
Мани кўнглимда ҳеч қолмасин армон,
Ўзинг манго фарзанд ато айлагил.

Подшо олдида қилма ноумид,
Ҳақнинг даргоҳинда айлагил шоҳид,
Набиулло ҳаққи қилурман умид,
Ўзинг манго фарзанд ато айлагил.

Бир отингдур сани Субҳон,
Тараҳҳум айлагил Раҳмон,
Ки бўлсин дардима дармон,
Биза фарзанд ато айла.

Юрагим моҳтоб ўлсин,
Кокили пеши тоб ўлсин,
Ки душманлар хароб ўлсин,
Биза фарзанд ато айла.

Ман бир бечора Гулчеҳра,
Ғам остида дунё ичра,
Қолибман чоҳи узлатда,
Биза фарзанд ато айла.

Алқисса, Гулчеҳра пари бу сўзни айтғоч, худои таоло Гулчеҳранинг дуосини мустажоб қилиб, бўйинда ҳомила қилди. Подшо Гулчеҳра бирла кеча-кундуз суҳбатда бўлдилар. Ўзга хонимларға хуш сўз айтмадилар. Икки кундош Гулчеҳра парини душман тутиб, кенгаш қилдилар. Гулчеҳранинг айтгани бўлса, бизларнинг айтганимиз бўлмаса, бизлар бу шаҳарда нечук кун кўрармиз деб, бир кўзи очилмаган кучукни келтириб, бир хилват ерда сақла-

дилар. Гулчеҳра парининг ҳомиласи яқин келди. Доробшоҳ буларнинг макридин бехабар шикорға чиқиб юраберди. Ондин сўнг Гулчеҳра парини дамбадам тўлғоқи тутди, ўғлон вужуди оламға келди, онингдек соҳибжамол нозанин ва бокамол, шакарзилолки, офтоб юзини кўрса, рашк этар эрди ва юзидин ниқоб тортар эрди. Ки бу ўғлонға бўлған ғазал бу турур:

Боши олтин, оёқлари кумушдин,
Тиши дур, кўзлари мастона ҳушдин.
Қўли ёқут эрур, бармоқлари лаъл,
Жаҳон тахтига лойиқ шоҳ, мукаммал.

Мусаххар бўлғудек кўрса жаҳондор,
Ажойиб нозанин, бир шоҳи дилдор,
Жаҳон айвониға келган йўқ эрди,
Анингдек нозанин бир шоҳи дилдор.

На иш қилди анга бул шум рақиблар,
Жафо тиғин солиб, бошиға ғаддор,
Кел Муҳаммад Ризо сен ҳақға ёнғил,
Ки тонглар кўрсатур санго ул дийдор.

Алқисса, бул ўғлон ерга тушгач, Гулчеҳра пари беҳуш бўлиб ерга йиқилди, ўзини билмади, икки кундош бул ўғлонни олдилар, ўрниға итваччани қўйдилар. Бир қирноқға бериб айдилар. Бу ўғлонни олиб борғил, тонг отмасдин бурун, қалъадин ташқари чиқариб, ўлдиргил, сани озод қилиб, ҳарна тиласанг берурмиз деб юбордилар. Қирноқ хуш бўлғай деб ўғлонни этагига солиб, юрибарди. Шаҳардин ташқариға чиқди. Ўғлонни қўлиға олиб кўрди, бир нозанин ўғлон турур. Қирноқ айди, санго жон берган киши ҳаргиз бўлмасин жаҳонда деб, ўлтирмакка кўзи қиймади. Йўл устинда қўйиб ўғлонға раҳми келиб, зор-зор йиғлаб ўғлонни худоға топшириб бир сўз айди:

Бу ўғлонни эй биру бор,
Ўзинг сақлағил оллойим.
Душманлар этди хору зор,
Ўзинг сақлағил оллойим.

Онаси чун беҳуш бўлди,
Фарзанд дардидин йиқилди,
Фарзанд ўрниға душманлар,
Итнинг баччасини солди.

Раҳм айла ўғлон ҳолина,
Душман қолди уволина,
Тўймай кетдим жамолина,
Ўзинг сақлағил оллойим.

Онасин юзин кўрмаган,
Жамолина ман тўймаган,
Номарддур жоним бермаган,
Ўзинг сақлағил оллойим.

Қирноқ айтур нетай жоним,
Тўкилди танда дармоним,
Йўлда қолди гулистоним,
Ўзинг сақлағил оллойим.

Алқисса, қирноқ бу ғазални ўқиб, зор-зор йиғлаб, қайтиб уйга келди ва айди, эй бибилар, сизларнинг айтганингиздан ҳам бадтарроқ қилдим, деди. Анда бу хотинлар хушвақт бўлиб, Қирноқни озод қилдилар. Ҳарна ҳожат тиласа бердилар. Эмди Гулчеҳра паридин сўз эшитинглар. Гулчеҳра пари ўзина келиб айди, бола қани? Кундошлари итваччани кўрсатдилар. Гулчеҳра пари зор-зор йиғлаб бу мухаммасни ўқиди:

Водариғо, шум фалак қилди манго жон оқибат,
Жабридин қилди мани бу бағрими қон оқибат,
Кесди умидимни қилиб, юрагимни қон оқибат,
Оҳири бўлди баробар ерга яксон оқибат,
Бизларга зулм этган рақиблар бўлди хандон оқибат.

Билмадим ким шум рақиблар этдилар юзи қаро,
Ким боламдин айириб, қилди манго жабру жафо,
Ҳар тараф боқсам балолар юзланадур марҳабо,
Дўсти душман олдида қилди мани юзи қаро,
Бизга зулм этган рақиблар бўлди хандон оқибат.

Бу фалак юзи қаро сўлдирди гулнинг ғунчасин,
Зулм этиб урса мани бошимға фалак тешасин,
Эмди ман қайдин топарман бу боламнинг зийнатин,
Биз сари юзланмади иқбол кўрсатмай шевасин,
Бизга зулм этган рақиблар бўлди хандон оқибат.

Нолаи оҳимни айтсам бу фалак овворага,
Осмонни ким ўйиб етгай эди сайёраға,
Шум рақиблар отди тошни ман ғариб бечораға,
Эй худоё бир тараҳҳум айлағил Гулчеҳрага,
Бизга зулм этган рақиблар бўлди хандон оқибат.

Аммо ровийлар андоғ ривоят қилурларким, қадим замонда ўтган Қиёмшоҳнинг авлодидин, одамнинг наслидин пуштма-пушт зурёдсиз Шоҳсувори олам, кўп моли дунё хайрод этиб, фарзанд тилар эркан. Тилаги қаъбул бўлмас эркан. Онинг бир дўғмаси бор эрди, худои таолонинг қудрати вақти саҳарда қалъадин чиқиб эрди, кўзи бир ўғлонга тушди, кўрса йўл устинда

ётиб турур, ўн тўрт кунлик ойдек жони-дили бирла қўлиға олиб, уйина олиб келиб, Шаҳсувори оламға суюнчилаб бир неча калима сўз айди:

Арзим эшит, жоним оғам,
Жаббор санга ўғил берди.
Жондин ортиқ меҳрибоним,
Жаббор санго ўғил берди.

Раҳм айлади биру борим,
Тар очилған гулу зорим,
Қурилди эмди бозорим,
Жаббор санго ўғил берди.

Юзларингда гулдир даста,
Ўлдим юзина вобаста,
Саҳарда бордим оҳиста,
Раббим санго ўғил берди.

Эмди ўғлонни олурсан,
Жамолина шод ўларсан,
Биза кўп инъом берурсан,
Жаббор санго ўғил берди.

Неча йил ўғил гадоси,
Бўлиб фарзанднинг жудоси,
Жоним бўлсин садоғаси,
Раббим санго ўғил берди.

Ўғлонни олмасанг бўлмас,
Жамолин кўрмасанг бўлмас,
Суюнчим бермасанг бўлмас,
Худо санго ўғил берди.

Неча йил эрдинг интизор,
Муяссар этди биру бор,
Юзларинда мисли гулзор,
Мавлон сиза ўғил берди.

Ғулом дерсизлар отима,
Қулоқ солинг фарёдима,
Мирзом етишгил додима,
Раббим сиза ўғил берди.

Алқисса, Ғулом бу сўзни тамом қилиб, оғасининг олдинда қўйди. Хўжаси бу ўғлонни қучоғига олиб, бағрина босиб, биза бу давлатни худо бе-

рибдур деб, кўп инъом, сарполарни қул-ғуломға бериб, оромда бўлдилар ва Оллоҳу аълам, ровийлар андоғ ривоят қилурларким, Шаҳсувори олам минг ғулом ва минг чўри озод қилди. Бир неча молларни ўлдириб, тўй бошлади. Аммо ўттиз икки созни бир қулоқдин тузиб, ҳамма ердин киши келиб, қўшма-қўш ўлтириб, қирқ кеча-кундуз айш-ишрат қилди, тўй тамом бўлди. Ондин сўнг уламоларни йиғнаб, ул ўғлонга од қўйдилар. Оғасининг оти Шаҳсувори олам, ўғлининг одини Шаҳриёри олам бўлсин деб дуо қилдилар. Аларға моли дунё бериб ва яна хайр одлар қилиб, хушвақтликда бўлдилар. Ривоят қилурларким, Дороб ҳам ишкордан қайтиб келур эрди. Бир киши олдина бориб айди. Эй подшоҳим, Гулчеҳра парининг худои таолонинг қудрати бирла бир кучук баччаси бўлди, деди. Анда подшо айди, уринг оғзини чопинг. Ул кишининг оғзини дарҳол чопдилар. Подшо келиб ҳарамига тушди. Кўрдики воқеа рост турур. Подшо ғамгин бўлиб, ҳақ таолоға муножот қилиб, Гулчеҳра парига қараб бир сўз айди:

Эшит арзим, эй нигорим
Ваъда қилған боланг қани
Шакардин сўзи мазалим
Ваъда қилған боланг қани.

Шум фалак бошин отдиму,
Ё бир шева кўрсатдиму,
Шум рақиб бир иш этдиму,
Ваъда қилған боланг қани.

Қолмади бу танда жоним,
Куяр бўлди устихоним,
На иш бўлди гўзал жоним,
Ваъда қилған боланг қани

Бу дардима борми дармон,
Қолди ичимда кўп армон,
На иш бўлди эё гулимжон,
Ваъда қилған боланг қани.

Шум фалак ақлимни олди,
На савдо бошима солди,
Рақиблар ким, на иш қилди,
Ваъда қилған боланг қани.

Юрагимда бўлған доға,
Нолишим қилсам худоға,
Ман қайдин борай дуоға,
Ваъда қилған боланг қани.

Доробшоҳ дерлар одима,
Худо етгай фарёдима,
Бир иш бўлмиш фарзандима,
Ваъда қилған боланг қани.

Алқисса, подшо бу сўзни айди, эрса Гулчеҳрапари ҳам зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлаб, бир ғазал ўқиди:

Шоҳим сиза арзи ҳолим деяйин,
Билманам на бўлди аҳволим манинг.
Бошима савдони солди худойим,
Билманам на бўлди аҳволим манинг.

Болар бўлар вақтда йўқдир йўлдошим,
На савдолар тушди бу мунглиғ бошим,
Билмам на иш этди икки кундашим,
Билманам на бўлди аҳволим манинг.

Қаҳбо фалак зулмин кажина қурди,
Ўғлим бўлар вақтда ақлимни олди,
Туганмас савдони бошима солди,
Билманам на бўлди аҳволим манинг.

Шум рақиблар на иш этди зурёдим,
Ҳеч етишмас манинг доди фарёдим,
Оламни куйдирди дуд ила оҳим,
Билманам на бўлди аҳволим манинг.

Раҳм айлагай ўзи Раҳиму Раҳмон,
Билмам бу иш мани айлади ҳайрон,
Ўзи бергай мани дардима дармон,
Билманам на бўлди аҳволим манинг.

Кимсаларни фалак ўйнаюб ўртар,
Аҳволим бўлибдур кун-куннан бадтар,
Зулм бирла онинг бошина етар,
Билманам на бўлди аҳволим манинг.

Гулчеҳра худоға қилур муножот,
Қўл кўтариб деди қози ул ҳожот,
Рақиблар жавридин оҳ ила фарёд,
Билманам на бўлди аҳволим манинг.

Алқисса, Гулчеҳра пари бу ғазални ўқиб, зор-зор йиғлаб ва яна ондин сўнг, аввалгидек суҳбатга машғул бўлдилар. Ҳақ субҳону таоло меҳрибонлиғ қилиб, бу бандага яна ҳомила қолди. Бир неча вақт айшу ишратга машғул бўлдилар. Алқисса, подшонинг бир ёви бор эрди. Ул вақтда лашкар тортиб подшонинг устина келди. Доробшоҳ ҳам лашкари бирла ул ёвнинг олдиға кетди. Подшоҳ кетганидан сўнг ой-кун ўтиб, Гулчеҳрани тўлғоқ тутди. Бу дақиқани кутиб юрган кундошлар яна бир мушук бачча топиб қўйдилар. Гулчеҳра шундай бир нозанин қиз туғди, бундай фарзанд ҳам дунёға келган эмас эрди. Зулфлари чин-чин, юзлари ўн тўрт кунлик ойдек, тишлари дур, лаблари лаъл. Кундошлар бир ғуломға кўп инъомлар бериб, бу қизни ҳам шаҳардин чиқариб ташладилар. Худонинг тақдиридан қочиб бўлмас эрканки, бу қизни ҳам Шаҳсувори оламнинг одамлари топиб, анинг олдиға келтирдилар. Бу қизнинг ҳусни жамолини кўриб, севинчини ичига сиғдиролмай Шаҳсувори олам бир ғазал ўқиди.

Шукр Ҳақнинг даргоҳина,
Сиғиндим олло зотина,
Бўйин сундим буйруғина,
Ўғил-қиз муяссар бўлди.

Онинг буйруғин айладим,
Хизматина бел боғладим,
Худоға нолиш айладим,
Ўғил-қиз муяссар бўлди.

Жам ўлинглар халойиқлар, Байроқ қўйиб от чопинглар,
Келиб қизға от қўйинглар, Созандалар соз этинглар,
Йиғналишиб тўй қилинглар, Ўлтирибон базм этинглар,
Ўғил-қиз муяссар бўлди. Ўғил-қиз муяссар бўлди.

Тўй этинглар ҳамма борим, Ўлтириб мажлис тузинглар,
Ўзи берди биру борим, Бошларидин дур сочинглар,
Ҳақ сақласин Шаҳриёрим, Давр этиб шароб ичинглар,
Ўғил-қиз муяссар бўлди. Ўғил-қиз муяссар бўлди.

Шаҳсувор дерлар отима, От қўйинглар фарзандима,
Қаюмарс дерлар зотима, Ўғил-қиз муяссар бўлди.

Алқисса, Шаҳсувор бу сўзни айди, андин сўнг, бу моҳрўйнинг отини Анжум пари қўйдилар. Худо ризоси учун, моли хайрод этди, яна етти кеча-кундуз тўй берди.

Эмди сўзни Доробшоҳдин эшитинг. Алғараз Доробшоҳ душманларини, овлаб уйига келди. Икки кундош хотин бадбахт подшонинг олдиға борди, айдилар, эй подшоҳим, Гулчеҳрадин бир мушук бачча бўлди, дедилар билмадик, Гулчеҳра мушукдин топибму ё итдин топибму деб, подшоға ул мушукни кўрсатдилар. Эрса подшо ҳайрон саросима бўлиб, айди бир худонинг тақдири шул бўлдиму деб зор-зор йиғлаб бу ғазални ўқиди:

Дод айларам қаҳбо фалак алиннан,
Қон йиғлатиб, бағрим бирён айладинг.
Хабарим йўқ орқам, соғу сўлимнан,
Қон йиғлатиб, бағрим бирён айладинг.

Зор йиғлатиб фалак ақлимни олди,
Туганмас савдони бошима солди,
Шум рақиблар бугун мани ўлдирди,
Қон йиғлатиб, бағрим бирён айладинг.

Хабар бўлди фалак ақлим олди деб,
Очилғанда гулу ғунча сўлди деб,
Гулчеҳрадин пишикбачча бўлди деб,
Қон йиғлатиб, бағрим бирён айладинг.

Мани бу ҳолими кимса билинча,
Суюнчилаб борди манго бир ничча,
Гулчеҳрадин бўлди бир пишик бачча,
Қон йиғлатиб, бағрим бирён айладинг.

На ҳикмат айлади қудратли худо,

Бандасига ўзи эрур раҳнамо,
Гулчеҳрани энди ман этдим жудо,
Қон йиғлатиб, бағрим бирён айладинг.

Доробшоҳ йиғлади ҳақға сиғиниб,
Ўзинг раҳм айлагил ё биру борим,
Қайғули бандангман сансан ғамхорим,
Қон йиғлатиб, бағрим бирён айладинг.

Аммо, Доробшоҳ Гулчеҳрани ҳарамдин чиқариб қувди, ул бадбахт кундошлар севиндилар. Аммо Гулчеҳра ғариб шаҳардин чиқиб, биёбонға равона бўлди. Боратуриб ғариблиғина, бекаслиғина, йиғлаб бир сўз айди:

Водариғо ушбу оламдин фано бўлған бошим,
Ўлмагима яна ҳақдин ризо бўлған бошим,
Шум рақиблар дардидин мотамсаро бўлған бошим,
Рангу рўйим сарғайиб чун қаҳрабо бўлған бошим,
Элу халқим, хону монимдин жудо бўлған бошим.

Дўстлар ман нолаю фарёд қилсам айб эмас,
Чархи кажравнинг алиннан дод қилсам айб эмас,
Шум рақиблар жабрини ман ёд қилсам айб эмас,
Бу биноларни жаҳонда од қилсам айб эмас,
Элу халқим, хону монимдин жудо бўлған бошим.

Бизга зулм этган рақиблар бўлдилар жондин жудо,
Балки жони, хону мони, нотавонидин жудо,
Бу фалакни жабридин тушди бошима юз бало,
Бизга зулм этган рақиблар бўлғай ул юзи қаро,
Элу халқим, хону монимдин жудо бўлған бошим.

Ёру дўстим йўк манинг ҳолимға нола айласа,
Ўтирубон йиғлашиб, ўзини шайдо айласа,
Йўқ манинг мунглиғ онам ким мани парво айласа,
Бу манинг ҳолимни ёзиб халқға иншо айласа,
Элу халқим, хону монимдин жудо бўлған бошим.

Бу фалакнинг жабридин бахтим манинг уйқудадур,
Ғам ели бошдин эсиб, кўнглим мани фарсудадур,
Шум рақиблар жабридин бошим мани шўридадур,
Элу халқим, хону монимдин жудо бўлған бошим.

Алқисса, бу ғазални ўқиб борур эрди, бир бешага дучор бўлди. Кўрдики, бешада бир жой бор турур. Анда борди. Бир момо ўлтирур. Гулчеҳра салом берди. Момо алик олиб, марҳабо келинг, хуш келибсиз деб кўришди. Яна

айди, болам на ердин келурсиз, деди. Анда Гулчеҳра пари айди, бошидин ўтган воқеасини бир-бир баён қилди, момога қараб бир сўз айди:

Эшит момо санго арзим деяйин,
Қулоқ солғил арзи ҳолима манинг,
Бошимдин ўтганни баён айлайин,
Қулоқ солғил арзи ҳолима манинг.

Эй худоё матлабимни бергайсан,
Шум рақиблар мани сийнамдин урган,
Туганмас савдони бошима солган,
Қулоқ солғил арзи ҳолима манинг.

Тўққиз ойда манинг ҳомилам етди,
Шул ўғлонни дарди ақлимни йитди,
Билмадим ганимлар на ишлар этди,
Қулоқ солғил арзи ҳолима манинг.

Икки кундош икки ёним олдилар,
Болаларим олиб, кучук солдилар,
Туганмас савдоға мани қуйдилар,
Қулоқ солғил арзи ҳолима манинг.

Шум рақиблар манго на ишлар этди,
Оҳири подшоға бадномлар этди,
Жудолиқ ўтида мани ўртатди,
Қулоқ солғил арзи ҳолима манинг.

Қўлдади энажон, мани эранлар,
Ёр бўлиб ҳар ерда ничча минг пирлар,
Одимни сўрасанг Гулчеҳра дерлар,
Қулоқ солғил арзи ҳолима манинг.

Аммо бу сўздин сўнг момо айди: Эй болам, манинг фарзандим бор эрди, ул ўлиб эрди, онинг жойина фарзанд бўлғил деб иккиси хушвақт бўлиб ўлтирдилар. Иккиси таом ош қилиб ўлтирдилар. Энди булар мунда турсин, Шаҳриёрдин сўз эшитинглар. Шаҳриёри олам олти ёшина кирди. Шаҳсувори олам уни суннат қилмоқ учун жами халойиққа тўй берди. Андин сўнг мактабга бердилар. Доим юзинда ниқоб эрди. Баякбора ниқоби ерга тушса хандони халқанинг завқи шавқидин беҳуш бўлиб йиқилур эрдилар. Кеча кундузни билмас эрди. Алқисса, Шаҳриёри олам саккиз йил мактабда ўқиди. Жаҳонда ҳар неки илм бўлса юрагинда жой бўлди. Андоғ бўлдиким, илми зоҳирдин билмаган илми қолмади. Бул ният бирла 14 ёшиға кирди. Кунлардан бир кун отасиға айди, эй ота, дунёда бир чорбоғ бино қилсак, биздин бир ёдгор қолса, деди, манго ижозат беринг, дарёдин бир соқа олиб, бир ёп қаздириб бир чор-

боғ бино қилсам эрди деди. Отаси хушвақт бўлиб айди эй фарзандим, нуридийдам борғил, Ғуломларни олиб, худо хоҳласа, кўнглинг ҳарна орзу қилса, шуни қилғил деб ижозат бериб, фотиҳа бериб юбордилар. Шаҳриёри олам хушвақт хуррам бўлиб, отини у ён бу ён ўйнатиб, дарёнинг ёниға борди, бир соқа олиб, ёп қаздириб, ёпнинг оёғини бир манзили маво қилиб челлар тортиб, сув қуйдириб, шаҳарнинг усталарини йиғнаб, ернинг устина олиб бордилар. Бул жойда бир қалъа солдилар. Буржларини тиллодин қилдилар. Етмиш кунгира қилдилар. Барчаси олтиндин, ичинда бир кўшки олий бино қилдилар. Тамоми олтиндин қалъанинг ичини ифори заъфарон, кофуру мушки анбар, хушбўй нимарсалар бирлан тўлдирдилар. Онинг ичинда саройлар бино қилди. Ҳар ким кўрса ҳушидин кетиб эрди. Қалъанинг атрофини андоғ чорбоғ қилдирдиларким, бу жаҳонда андоғ чорбоғ бўлғон эрмас эрди. Ўртасинда бир Сарҳовуз бино қилдилар. Сарҳовузни бирини ёғ бирла, бирини сут бирла ва бир ҳовузни сув бирла тўлдирдилар. Атрофина хиёбон дарахтлар кўкартирдилар. Тамоми япроқлари турли мевалар бўлса, турли-турли гуллар бирла пайванд қилдилар, жаҳонда ҳарна турли гуллар бўлса эктириб, ҳарна турли мева бўлса кўкартирдилар. Икки йилда боғ камолға келди. Андоғ боғ бўлдиким, ҳар одам йўлдан ўтар бўлса, они кўриб ақлидин кетиб, беҳуш бўлур эрди. Ул чорбоғнинг завқи-шавқидин тамоми оламдин қушлар йиғилиб, ул боғни таъриф этиб, бир ғазал ўқидилар:

Эрур гуллар бирла булбул муносиб,
Сафолиқ савсони айламиш ғолиб,
Ки айтур тўтилар зори ниҳони,
Ки қумрилар куйлар беҳад санони,
Фиғон айлар гулни устинда булбул,
Тушар гуллар аро ким анда ғул-ғул,
Ки қумрилар ўқурлар исми олло,
Ки пахтаклар ўқурлар қулфи олло,
Кабутарлар яна ғув-ғув дерлар,
Ки чумчуқлар учиб бисмилло дерлар.
Кел эй, Муҳаммад ризо сен ҳам тошғил,
Тошиб, дурларни сан оғзингдин сочғил.

Алқисса, тамоми ер юзиндаги қушлар анда маскан этдилар. Қишин-ёзин кетмас эрдилар. Қишин-ёзин гуллари сўлмас эрди. Алғариз бу сифат бирла Шаҳриёри олам сайрон этиб, кўнглини хушлаб юрур эрди. Эмди сўз бу ерда турсин. Доробшоҳнинг икки шум заифасидин сўз эшитинг. Бу ўғлонни ўлдирдик, деб хушвақт бўлиб юрур эрдилар. Билдиларким, ўғлонлар бор эркан. Ул манзилгоҳни солдириб юрганлар шул ўғлонлар эркан деб билиб, ичлари ёниб, қайғу ҳасратдин юзлари заъфарондай сарғайиб, етмиш кунги хастадек тамом бўлдилар. Тамоқлариннан нон бирла сув ўтмас эрди. Ул ҳарамда бир доя хотин бор эрди. Аларнинг ҳолидин хабардор бўлиб айди, эй бибилар, сизларга на бўлубдур, манга ҳарна сўзингиз бўлса айтинг. Ман ҳийла қилурман, деди. Анда Гулсутун паризод зор-зор йиғлаб бу ғазални ўқиди:

Қулоқ солиб сўзим эшит моможон,
Манинг бу ҳолимни сўрсанг на бўлди,
Манинг бу мушкулим айлагил осон,
Бу ғариб ҳолимдин сўрсанг на бўлди.

Хам бўлибтур бу аввалги белларим,
Сўзламакдин қолар бўлди тилларим,
Қайғу- ҳасрат бирла сўлди юзларим,
Бу ғариб ҳолимдин сўрсанг на бўлди.

Иккимиз Гулчеҳра ёнини олдик,
Ўғлон туғаринда энага бўлдик,
Ўғлон олиб, анга итвачча солдик,
Бу ғариб ҳолимдин сўрсанг на бўлди.

Боғ солдирган Шаҳсуворнинг ўғлидур,
Онинг учун сийналарим доғлидур,
Ростин айтсам Доробшоҳнинг ўғлидур,
Бу ғариб ҳолимдин сўрсанг на бўлди.

Гулсутун бошиға бўлибдур офат,
Букилди сарвдай бу қадди қомат,
Доробшоҳ қўймағай бизни саломат,
Бу ғариб ҳолимдин сўрсанг на бўлди.

Аммо бу сўздин сўнг айди эй моможон агар сан бир фикр бирла бу ўғлонни йўқ қилмасанг бизнинг ҳолимизға вой турур. Агар сан шу ўғлонни йўқ қилсанг дунёда ҳарна муродинг бўлса берурмиз деди. Эрса ул доя бадбахт хотин чусти чобук ериндин туриб айди анинг фикрини ман қилурман деди. Ман ани ушлаб банди зиндон қилурман, деди. Ул икки бадбахтға қараб, макр-воз бадбахт Савсон момо бир сўз айди:

Маълум бўлиб кўп йиғламанг жононлар,
Боғини ман анга зиндон айларман,
Қайғу ғам чекманглар энди хонимлар,
Боғини ман анга зиндон айларман.

Инонинг сўзима худо ҳақ учун,
Исмоилни қурбон этган ҳақ учун,
Бу дунёда бўлған мардон ҳақ учун,
Боғини ман анга зиндон айларман.

Яхшилиқ этарман хонимлар билсин,
Фалак таҳсин айтиб, ҳайронлар қолсин,
Бу ишни битирмак бизлардин бўлсин,

Боғини ман анга зиндон айларман.

Ҳикоятлар айлаб, билинг онлара,
Иконтириб они қилу қоллара,
Юборибон ани узоқ йўллара,
Боғини ман анга зиндон айларман.

Ман билурман ҳийлагарлар олини,
Синдирурман ҳакотини, болини,
Савсон айтар Шаҳсуворни ўғлини,
Боғини ман анга зиндон айларман.

Аммо Савсон момо бу байтни ўқиб, йўлға равона бўлди. Алқисса, Шаҳриёри оламнинг боғина етишди. Ҳеч бир одам киргудек йўл йўқ, ҳайрону саросима бўлиб юрур эрди, ногоҳ бир сув киратурғон тўшикни топди, тўнгуртқони. Ондин қисилиб базўр кирди. Ҳовуз бўйиға борди. Қидириб юрди. Шаҳриёри оламнинг отини туёғини ўпди ва айди. Манинг бир ўғлим бор эрди, бу дунёдин ўтди, сан ўғлимға ўхшар эркансан. Анда Шаҳриёр айди, бу боға ничик кирдинг? Момо айди, бу боғ яхши эркан, аммо бир иши бор деб бир сўз айди:

Ман санго айтайин болам Шаҳриёр,
Қулоқ солғил арзи ҳолима манинг,
Гуллар экиб ўртасинда хиёбон,
Қумрилар тортади бир неча алвон,
Кўрганлар ҳам бўлурлар зори ҳайрон,
Қулоқ солғил арзи ҳолима манинг.

Бир неча қуш бордир худо бор этган,
Сайрайиб нечанинг ҳушини олган,
Бир неча йигитлар тош бўлиб қолган,
Қулоқ солғил арзи ҳолима манинг.

Ул қуш деб ниччалар кетди диловар,
Ўзи эрур яна олама сарвар,
Ҳасратинда йиғлаб юрди парилар,
Қулоқ солғил арзи ҳолима манинг.

Кампир йиғлар кўздин ёшин оқизиб,
Ҳар киши ҳам билмас жойини сўраб,
Ширин жоним бўлди йўлинда хароб,
Қулоқ солғил арзи ҳолима манинг.

Алқисса, момо айди, булбулигўё деган бир қуш бор хушвақт бўлиб сайраса кишининг ҳуши кетар, беҳуш бўлиб йиқилиб қолур, яна бир сайраса киши ериндин турур. Аввал ул қуш подшоға муносиб турур деб бадар кетди.

Шаҳриёр бу сўзни эшитиб, таом емади, кўзи уйқуга бормади, киши бирла сўзлашмади. Отаси ёниға борди, отасиға айди, эй ота манго жавоб беринг, отаси анга қараб бир сўз айди:

Отанг бағри бирён бўлди,
На иш бўлди болам, санго.
Икки кўзим гирён бўлди,
На иш бўлди болам, санго.

На кунлар солдинг бошима,
Заҳар солдинг бу ошима,
На ишлар тушди бошинга,
На иш бўлди болам, санго.

Отангнинг бағри бирёндур,
Кўзлариндин оққан қондур,
Билмадим на иш бўлондир,
На иш бўлди болам, санго.

Йиғлама ортар кулфатим,
Жоним ичинда роҳатим,
Сансан манинг ҳамул вақтим,
На иш бўлди болам, санго.

Йиғлама, ортар фиғоним,
Жоним ичинда дармоним,
Қани дунёда меҳмоним,
На иш бўлди болам, санго.

Шоҳсувор дерлар бу отим,
Сиррим санго фош айладим,
Эрурсан манинг муродим,
На иш бўлди болам, санго.

Алқисса, андин сўнг Шаҳсувор зор-зор йиғлаб сўради, ҳарчанд жавоб бермади, сўзламади. Охири ўз ҳолина қўйди. Анда Шаҳриёр отасига қараб бир сўз айди:

Йиғламай сўзласам эшитинг сўзим,
Булбулигўё дарди бошима тушди,
Кеча-кундуз йиғлаб ишим фиғондур,
Булбулигўё дарди бошима тушди.

Кезар эрдим боғда бир кампир келди,
Бошима ул қушнинг ишқини солди,
Туганмас ишлара мани учратди,
Булбулигўё дарди бошима тушди.

Сайфулмулук юрди тоғларда йиғлаб,
Баденинг ишқинда бағрини доғлаб,
Кетарман отажон ани сўроғлаб,
Булбулигўё дарди бошима тушди.

Ширин учун Фарҳод тоғларни қазди,
Ошиқнинг куйинда чўлларни кезди,
Хабарин эшитиб жоним ўртади,
Булбулигўё дарди бошима тушди.

Бел боғлаб ул қуша кетар Шаҳриёр,
Мадад бергай анга яратган жаббор,
Тангрининг дўстидур Ҳайдари Каррор,

Булбулигўё дарди бошима тушди.

Аммо бу сўздин сўнг айди Шаҳсувор, қани ул хотин, ман уни қонини ичсам, магар ул санго душманлиғидин айтиб турур, деб ҳар тарафни ахтариб топмади, айди ул қушни бир киши кўриб, эшитган эрмас турур. Ҳарчанд насиҳат этдилар. Шаҳриёр инонмади. Эй ота-она, ул қушни ўзим ахтариб талаб қилмасам бўлмас, Ҳақ таоло бошима на савдо солған бўлса кўрарман деб йиғлаб, отаси ҳам йиғлаб, онаси ҳам йиғлади. Замину замон манзилу макон титради. Охири Шаҳриёр ота-онасиға, Анжумжон синглисига қараб бир сўз айди:

Ота-она, Анжумжонимки, бўлғайсиз омон эмди,
Кезарман дунё ичинда топмай ғунча ҳарён эмди,
Олибдур сабри оромим, қарорим булбулигўё,
Тушибдур ишқи савдоси бошима эй мусулмонлар,
Манингдек дил хастидан ким истаманг нишон эмди.
Ки ўлгумдур бугунман сабр қилсанг ҳар замон эмди.
Чекарман бошима ким, келса ҳар дард, машаққатлар,
Бўлиб бир масти ҳайрон билмадим суду зиён эмди.
Манинг учун бўлманглар зори гирён меҳрибонлар,
Қилурман нолаи зори бўлур охир замон эмди.
Манингдек бўлмасин парвардигор ҳеч киши ҳайрон,
Кўринмас кўзларима хону моним бу жаҳон эмди.
Ўзинг уммид эрурсан, ман ғариб бечорадин сизлар,
Ўларман сабру ором топмасам чун бир замон эмди.
Ки излаб жумла оламни топилса булбулигўё,
Они ман топмасам йўқтур биза келмақ буён эмди.
Аё эй Шаҳриёр паст тутма бу қимматни сан ҳаргиз,
Ки бўлғил толибу чун булбули ширин забон эмди.

Алқисса, андин сўнг Шаҳриёр кетар бўлди, Шаҳсувор отға яроғ бериб юбориб эрди, отини минмади, тўнини киймади, қаландарсифат бўлиб йўлға равона бўлди. Анда Шаҳсувори олам зор-зор йиғлаб бир сўз айди:

Нетай қон йиғламай хуршиди табонимдин айрилдим,
Жаҳон бўлди қоронғу моҳи табонимдин айрилдим,
Ҳаётим боғинда сарви хиромонимдин айрилдим,
Ки ман тушдим бир жарга оҳи фиғонимдин айрилдим,
Давосиз дарда қолдим малҳами жонимдин айрилдим.

Ёронлар дунёда мандек бўлон бахти қаро борми,
Уйи байтул ҳазон бўлған чироқсиз бенаво борми,
Табиби чорасин айғил бу дардимға даво борми,
Кимса айтинг менингдек азизидин жудо борми,
Давосиз дарда қолдим меҳрибонимдин айрилдим.

Ғамингдин, ҳасратингдин озораи жон била қолдим,

Қарорим йўқ болам ман нолаи афғон била қолдим,
Юзинг кўрмай фироқинг ишқида армон била қолдим,
Куйиб, ёниб тутошиб нолаи сўзон била қолдим,
Давосиз дарда қолдим малҳами жонимдин айрилдим.

На мушкулдир тирик сандин жудо бўлса ғариб отанг,
Фалокатга етишди дардинга топмай даво отанг,
Ҳужуми меҳнати дарди била қолди ғариб отанг,
Жамоли неъматингга тўймади бўйла насиб отанг,
Давосиз дарда қолдим малҳами жонимдин айрилдим.

Андин сўнг Шаҳриёрни синглиси Анжум пари зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб бир ғазал ўқиди:

Сан кетарсан оғам узоқ йўллара,
Жоним сани бир оллоға топширдим.
Зоғи зағон қўнар бўлди боғлара,
Оғам сани бир оллоға топширдим.

Қайси ошиёндин сани сўроғлаб,
Сан кетарсан, ман қолурман қон йиғлаб,
Жудолиқ ўтина бағримни доғлаб,
Оғам сани бир оллоға топширдим.

Бошима тушибди қоронғу кунлар,
Дастгирлик айлагай барча эранлар,
Қиш бўлғанда тоғ бошида туманлар,
Оғам сани бир оллоға топширдим.

Бош олиб кетдингиз эмди чўллара,
Булбул дейиб сўроғ солиб эллара,
Хазонлар етишди бу боғ гуллара,
Оғам сани бир оллоға топширдим.

Бозиргон бўлғондин олурлар бож,
Боғ ила боғчани сен этдинг тарож,
Мани этдинг дилтанг ва яна муҳтож,
Йиғлаб сани бир оллоға топширдим.

Оғодин айрилиб бу Анжум йиғлар,
Айрилиқни ўти бағримни доғлар,
Хазон, тарож бўлиб қолди бу боғлар,
Оғам сани бир оллоға топширдим.

Алқисса, андин сўнг Шаҳриёр ҳам зор-зор йиғлаб ота-онасига қараб бир сўз айди:

Мен кетарман мундин билинг отажон,
Омонда бўлғайсиз то ман келгунча.
Худойим сақласин сизларни омон,
Омонда бўлғайсиз то ман келгунча.

Турнанинг яйлоғи бўлар кўлларда,
Ман кезарман доим тоғу чўлларда,
Булбулигўё деб кўзим йўлларда,
Омонда бўлғайсиз то ман келгунча.

Отажон инжитманг кўзим гирёндур,
Булбулигўё деб бағрим бирёндур,
Етолмасам биза балои жондур,
Омонда бўлғайсиз то ман келгунча.

Булбулигўё олди мани ҳушимни,
Ўт олибдур шугун дегра дошимни,
Оллоға топширдим отам, синглимни,
Омонда бўлғайсиз то ман келгунча.

Кетарман чўлларда олмайин ором,
Муродимни берсин ул қодир мавлон,
Худоға ёлвориб бўлинг субҳижон,
Омонда бўлғайсиз то ман келгунча.

Шаҳриёрнинг пири ҳазрат Алидир,
Ҳақнинг даргоҳинда севгили қулдир,
Қўлимда келтирсам қушни булбулдур,
Омонда бўлғайсиз то ман келгунча.

Алқисса, Шаҳриёр бу сўзни айтиб, алар бирла хўшлашиб, отасидин рухсат олиб, шодмон бўлиб йўлға тушди. Ҳамма йиғлашиб қолдилар. Униг ёдиға ҳеч нимарса келмас, оби озиқ ҳам олмади. Бу сифат бир дашти биёбон, сайри саҳро қилиб, уч ой йўл юриб, бешаларда бир дарахт бор кўриндиким, бир ун келур, одамларни мусаххар қилиб, ақлларини олур эрди ва назар қилмай турур эрди, ҳеч ному-нишон топмади ҳайрон бўлиб, бу муножотни ўқиди:

Бир отинг Раҳимдур, бир отинг Раҳмон,
Раҳм этакўр ҳоли зорима манинг.
Манинг бул дардима бергил сан дармон,
Раҳм этакўр ҳоли зорима манинг.

Булбули гўё бўлиб, тушиб чўллара,
Сўроғин солурман элдин эллара,
Марҳамат айлагил ғариб қуллара,

Раҳм этакўр ҳоли зорима манинг.

Қувватим йўқ эмди бу ердин кетсам,
Забун бўлди ҳолим мани дамбадам,
Бир мадад айлагил ҳазрати одам,
Раҳм этакўр ҳоли зорима манинг.

Жафо чекиб банданг қолмади ҳоли,
Кўнглим мани булбулигўё хаёли,
Қолмади қувватим ё Нуҳи наби,
Раҳм этакўр ҳоли зорима манинг.

Бир отинг Қодирдур, бир отинг Жалил,
Булбулигўё дебон ман бўлдим залил,
Руҳинга сиғиндим Иброҳим Халил,
Раҳм этакўр ҳоли зорима манинг.

Тангрининг бир дўсти Ҳазрати Мусо,
Бир расули онинг ҳазрати Исо,
Ошиқлар сарвари Юсуф, Зулайҳо,
Раҳм этакўр ҳоли зорима манинг.

На савдоға солди қудратли худо,
Мақсадимни бергил ўзинг Раҳнамо,
Юз йигирма тўрт минг ўтган муштабо,
Раҳм этакўр ҳоли зорима манинг.

Булбулға етолмай бўлибман ҳайрон,
Менга шифо берган Ҳазрати Луқмон,
Инсу жинса подшо бўлған Сулаймон,
Раҳм этакўр ҳоли зорима манинг.

Булбулигўё деб кўп чекдим жафо,
Қўлдағайсиз мани Расул Мустафо,
Тангрининг арслони Али Муртазо,
Раҳм этакўр ҳоли зорима манинг.

Булбулигўё истаб чиқди Шаҳриёр,
Ҳар ерда сақласин қудратли Жаббор,
Соғиндим фазлинга Ғофиру Саттор,
Раҳм этакўр ҳоли зорима манинг.

Алқисса, Шаҳриёр бу муножотни ўқиб, йўлға равона бўлди. Яна уч ой йўл юриди, ҳар бир чорбоғлар кўринур кишининг ақли ҳайрон бўлғудек, бу-

лоқлар оқиб турур атрофинда минг алвон гуллар очилиб, булбуллар сайраб, тўтилар дам тортиб турурлар. Ҳар ким кўрса ҳайрон бўлғудек. Шаҳриёр алар бирлан зарра иши йўқ эрди. Бу сифат бирла кўп машаққат тортиб, тўққиз ойда бир олтин қуббали гумбаз кўринди. Бу гумбазни кўриб, хушвақт бўлиб, бу муножотни ўқиди:

Эй ёронлар, мусулмонлар, Бу гумбаз на гумбаз бўлди,
Гумбаз гўринди, гўринди. Гўрубам кўнглим бузилди,
Манго ёр бўлди эранлар, Риштаи жоним узилди,
Гумбаз гўринди, гўринди. Гумбаз гўринди, гўринди.

Чўлда чекдим машаққатлар, Деграсинда бордур боғи,
Анда бордур аломатлар, Билманам кимнинг яйлоғи,
Бормакан бир паризодлар, Булбулигўё яйлоғи,
Гумбаз гўринди, гўринди. Гумбаз гўринди, гўринди.

Муножот этди Шаҳриёр, Сақласин ҳақ ўзи Жаббор,
Мадад бергил парвардигор, Гумбаз гўринди, гўринди.

Алқисса, Шаҳриёр йўлға равона бўлди. Анго етушурман деб чусти чобук юрур эрди. Уч кунда қалъаға етди, кўрдиким, ул гумбаз қалъанинг устинда бино бўлған кўшки олий эркан. Уч кунлик ердин кўринур эркан. Ул қалъанинг дарвозасидин кирар бўлди. Бир ёнида бир шер оғзини очиб ҳамла қилди. Бир исми аъзам ўқиб дам солди, бул шер тилсим эрди. Шер таслим бўлди. Юқори боқиб кўрдиким, бир хат ёзилғон турур. Ўқиб кўрса ул хатда андоғ эрдиким, эй Шаҳриёри олам, агар мунда келсанг қалъанинг оти Жаҳоннома турур. Ҳоло бу қалъада ҳар қабилада девлар бордур. Санғо насиб қилғон. Шаҳриёр бу хатни ўқиб вақти хуш бўлди. Ичкари кириб сайр қилди. Кўрдиким ҳар бир саройлар бор, осмону фалакдин ўтиб кетган, бир олтин қуббали гумбазга борди, эшигидин қараб кўрдиким, юқорида бир подшо ўлтирур, жаҳон тахтиға лойиқ. Бўйнида бир лўҳ осилғон. Хизматға ничча минг олтин пўш ғуломлар, ничча минг аёни соғинда ничча минг вазири сўл тарафинда, бу сифатлар бирла шароб ичиб айшу ишратда ўлтирурлар буларни кўриб Шаҳриёри олам таҳсину офаринлар айди. Булар тилсим эрди. Юқорида ўлтурғон шоҳнинг ўзи эрди. Тилсим бирла кўзига кўринур эрди. Шаҳриёри олам уларға ҳарчанд сўз қотди садо бўлмади. Охири бўйнидаги лўҳни олиб кўрди, бир хат ёзилған турур. Ўқиб кўрди андоғ битилиб турурким, эй Шаҳриёри олам мунда келсанг санго уч омонат бор турур; қўйғанимиз, ичкари саройға киргил, онда бир тўн, бир дастор, бир камар бор. Эрса Шаҳриёри олам буларни олиб, кўнгли хуш бўлиб бир сўз деди:

Жаҳонноманинг шаҳрина, Оминшоҳнинг бу расмини,
Гўрмаган жойлара галдим. Ман бузубон тилсимини,
Оминшоҳнинг бу тахтина, Ўқиб худонинг исмини,
Гўрмаган жойлара галдим. Гўрмаган жойлара галдим.

Очилур алвон гуллари,
Нола қилур булбуллари,
Дам тортибон қумрилари,
Гўрмаган жойлара галдим.

Олдим омонат борини,
Кийдим чўпон дасторини,
Топибон Шамсунжонини,
Мевали бўстона галдим.

Дерлар Шамсун ёринг бўлсун,
Кийган либосларинг гулгун,
Етсам висолинга бул кун,
Бўлмоққа қурбона галдим.

Шаҳриёр дерлар дод этсам,
Ёримнинг қўйнина кирсам,
Отинг бирла даврон сурсам.
Қолмайин армона галдим.

Алқисса, Шаҳриёр бу ғазални ўкиб, булбуллар ноласини томоша қилиб эрди, қулоқиға бир овоз келди, осмонға назар қилса бир кўшки олий осмону фалакда айланур эрди, на ердин ўраси бор эрди на осмонни таноби бор эрди. Анга назар қилиб бир замон турди. Ногоҳ бир дев келиб алиннан тутиб кўтариб, «қосҳо қил қос» деб осмонға ул кўшкнинг устина олиб чиқди. Кўрса ничча минг канизлар, паризодлар бу нозанинни олдинда хизмат қилиб турурлар, ул нозанин бир тахти мурассаънинг ичида ўлтириб, алинда бир олтин коса май ичиб ўлтирур эрди. Шаҳриёрни бир дев кўтариб, ул паризоднинг қошинда қўйдилар. Шаҳриёр кўрдиким, бир нозанин, мўрчамиён, зулфлари чин-чин, халқа-халқа, онингдек соҳибжамол, моҳитабон пари эрдиким, они кўрган Шаҳриёр беҳуш бўлиб йиқилди. Шамсун пари ҳам беҳуш бўлиб йиқилди. Шаҳриёрнинг ниқоби ерга тушди, тамоми парилар саросима бўлдилар. Бир замондин сўнг ўзига келди. Шаҳриёр кўрдиким, парилар беҳуш бўлиб ётурлар. Шаҳриёр Шамсун парини уйғотди, ул ҳам ўзига келди, бирбирини қучоғлаб, бўсалар олиб, тахт устина чиқиб, қўлларина созини олиб савол-жавоб айтишдилар:

Шамсунпари: Одамизод ўғли ернинг подшоҳи,
Асиринг бўлайин, қайдин келурсан?
Ишқингда тинмайин чекарман жафо,
Садоғанг бўлайин, қайдин келурсан?

Шаҳриёр: Мани сўрсанг Шаҳсуворнинг ўғлиман,
Сан ёр учун саргардона келарман,
Бир ёр учун сийналари доғлиман,
Санинг учун саргардона келурман.

Шамсунпари: Мани билиб нечук бу йўла тушдинг,
Ничча кун чўлларда жафолар чекдинг,
На яхши кун экан ёрингга етдинг,
Қурбонинг бўлайин, қайдин келурсан?

Шаҳриёр: Бу савдони худо бошима солди,
Сани ишқинг мани ақлимни олди,
Кеча-кундуз юрган ерим чўл ўлди,
Санинг учун биёбона келурман.

Шамсун пари: Булбул каби учиб, қўндинг бу боға,
Шум рақиблар кирмасинлар ороға,

Бўлсин ширин жоним санго садоға,
Асиринг бўлайин қайдин келурсан?
Шаҳриёр: Хинодин бармоғинг бўяпсан қона,
Мужгонингни ўқи етди бу жона,
Сан бир шам эрурсан ман бир парвона,
Парвонадек куя-ёна келурман.
Шамсун пари: Зарафшон кокилли Жаброил пирим,
Зумуррад ёқоли, либоси зарим,
Тоза навжувоним, кўзи жайроним,
Садоғанг бўлайин, қайдин келурсан?
Шаҳриёр: Ишқингдин чўлларда ман чекдим армон,
Бўлакўр кел эмди, дардима дармон,
Ҳуснингни кўрубман тоза гулистон,
Санинг учун саргардона келурман.
Шамсун пари: Шамсун пари дерлар мани отима,
Ишқ савдоси тушди мани бошима,
Кел севгилим киргил мани қўйнима,
Садоғанг бўлайин, қайдин келурсан?

Шаҳриёр: Ишқингда куярман ман ҳам Шаҳриёр,
Ета билмай бўлиб эрдим шармисор,
Муяссар айлади ўзи биру бор,
Ёрим сани севиб мунда келурман.

Алқисса, иккиси бу жавобни айтғондин сўнгра Шамсун паризод Шаҳриёрнинг бўйнина қўл солиб, андоғ айшу ишрат қилдилар. Шул вақт фалак ҳар хил карашма ўйинлар қилиб, бир бирлариға ҳайрон бўлиб, ёқаларини пора пора қилди, барча паризодлар ҳам ўзина келдилар, созу суҳбатға машғул бўлдилар. Бул суҳбатда қирқ кеча -кундуз ўтказдилар. Бир замонча бўлмади. Шамсун пари айди, эй Шаҳриёр на бўлур бизнинг боғларимизни таъриф этиб бир нимарса айтсанг деди. Шаҳриёр хуш бўлғой деб, бир сўз айди:

Таърифинг этайин гул юзли ёрим,
Ҳилола мангзийди қошларинг санинг.
Шакардин ширириндир сўзи мазолим,
Боллара мангзийди лабларинг санинг.

Қаддингни кўрдим ман сарвга мангзар,
Зулфларинг бўлибдур ажаб муаттар,
Қошларинг ёй каби, кипригинг ханжар,
Наргиза мангзийди кўзларинг санинг.

Ишқингда бўлибман олама достон,
Юзингни кўрганлар бўлибдур хандон,
Ҳар юзингдур сани тоза гулистон,

Офтоба мангзийди юзларинг санинг.

Бозиргонсан бергил ҳуснингдин божи,
Бошингга кийибсан мурассаъ тожи,
Кўрган одам бўлур ҳуснинг мухтожи,
Сунбула мангзийди сочларинг санинг.

Боғингда очилғон юз алвон гули,
Фиғона солибди қумри булбули,
Ҳарёна таратиб мушки, сунбули,
Эрам боға мангзар боғларинг санинг.

Ёнингда бор турур бир неча қизлар,
Ҳар бири тўтининг сўзини сўзлар,
Хизматинг этибон неча канизлар,
Ҳурлара мангзийди канизинг санинг.

Боғингда очилғон юз алвон гуллар,
Ҳар ерда ҳозирдур барча эранлар,
Шамсуннинг ёрина Шаҳриёр дерлар,
Олмаға мангзийди норларинг санинг.

Алқисса, Шаҳриёр бу таърифни айди, Шамсун пари хушвақт бўлди. Алғараз бир неча вақт суҳбатда бўлдилар. Бир неча кунлардин сўнг Шаҳриёри олам бир оҳ тортди, Шамсун парига хуш келмади. Айди ҳай-ҳай, на учун оҳи сар тортдингиз, деди. Анда Шаҳриёр қўлина созини олиб бир ғазал ўқиди:

Садоғанг бўлайин гул юзли ёрим,
Бошима бир савдо тушдида галдим.
Шакардин ҳар сўзи билки мазолим,
Бошима бир савдо тушди-да галдим.

Ёнингда солдирдим бир неча боғлар,
Юз алвон экдириб қирмизи гуллар,
Сайрашурлар анда неча булбуллар,
Бошима бир савдо тушди-да галдим.

Дарахтлар экдириб неча хиёбон,
Торунчи, турунчи ничча минг алвон,
Бошима савдони солди бу даврон,
Бир қушнинг ишқина тушдим-да галдим.

Наилож этарман сийнамда доға,
Бу жоним бошингга бўлсин садоға,
Булбулигўёдир гараки биза,

Бир қушнинг ишқина тушдим-да галдим.

Булбулигўё маконини изласам,
Они топиб сани ёнинга галсам,
Санинг бирла сўнгра давронлар сурсам,
Бир булбул ишқина тушдимда галдим.

Шаҳризарни ўзим юртларин кўрсам,
Олиб бориб боғим ёнинда қўйсам,
Сизнинг бирла мақсад мурода етсам,
Бир қушнинг ўтина тушдимда галдим.

Булбул этиб они боғимда қўйсам,
Ондин сўнгра лабинг болини сўрсам,
Шаҳриёр дер нозик белингнан қучсам,
Қуш ахтариб йўла тушдимда галдим.

Алқисса, Шаҳриёр бу жавобни айди, эрса Шамсунпари айдиким, булбул учун келибдур, айди, эй Шаҳриёржон, манинг хизматимда бир дев бор, отиға Осордев дерлар, онинг устина миндириб юборурман, ул сани қалъаи Зарринга олиб борсин, тамоми воқеани айди. Эрса ул дев хуш ўлғай деб жавоб берди. Шамсунпари айди, эй Шаҳриёр, эмди рухсат сизга, омон бориб келгайсиз деб бир сўз айди:

Мундин кетар бўлсанг жоним, Ўтлар тушди бу жонима,
Биздин ғайри ёр айлама. Олам ёнар бу ҳолима,
Шакардин сўзи мазолим, Топширдим сани худоға,
Биздин ўзга ёр айлама. Биздин бошқа ёр айлама.

Сан гетарсан булбул дейиб, Оширма ҳуснинг булоғин,
Ман қолурман гулдек сўлиб, Ҳазон қилма тоза боғим,
Ўзга ёрга меҳринг солиб, Юрагима қўйма доғинг,
Биздин бошқа ёр айлама Биздин бошқа ёр айлама.

Ман қолурман ёна ёна, Шамсун келур бир қарора,
Ёлборурман ёротғона, Раҳм айлагил мандай зора,
Бир дилбари меҳрибона, Юракларим юз минг пора,
Аҳд ила паймон айлама. Биздин бошқа ёр айлама.

Алқисса, Шамсун пари бу жавобни айди, эрса Шаҳриёр айди, эй Шамсунжон, ман кетсам тез келурман деб, яна кўнгил бериб бир сўз айди:

Мундин кетсам Шамсунжоним, Йиғлама ортар кулфатим,
Ман келгунча омонда бўл, Жоним ичинда роҳатим,
Жондин ортиқ меҳрибоним, Сансан манинг ҳам улфатим,
Ман келгунча омонда бўл. Ман келгунча омонда бўл.

Кирпикинг ўқ, қошларинг ёй, Солма ўзинг оҳу зора,
Юзингдин рашк этадур ой, Сиғинурман биру бора,
Сақласин қудратли худой, Ман кетарман Шаҳризара,
Ман келгунча омонда бўл. Ман келгунча омонда бўл.

Гўзал ёрим мундин кетсам, Булбулигўё деб бўлдим зор,
Булбулигўёни келтирсам, Доим бўлурман беқарор,
Санинг бирла даврон сурсам, Сақласин сани ҳақ Жаббор,
Ман келгунча омонда бўл. Ман келгунча омонда бўл.

Ҳар ерда ҳозир пирларим, Шаҳриёр дер, Шамсун парим,
Шеру худодир раҳбарим, Ман келгунча омонда бўл.

Алқисса, бу сўзлар бирлан иккиси хўшлашиб кетдилар. Шаҳриёрни дев бўйнина миндириб учаберди. Етти кеча кундузда шаҳри Зарринга етишдилар. Дев айди, эмди сан ўзинг борғил, биз ул ерга бора билмасмиз деб бўйнидин тушириб юбарди. Шаҳриёр Заррин шаҳарнинг дарвозасиға етишди. Кўрдиким, бир қалъаи ораста, тамоми ери олтиндин турур, дарвозаси маҳкам турур. Ҳеч маслаҳат бирла очиб бўлмас эрди. Онда Шаҳриёр қалъага қараб бир сўз айди:

Бир отинг Раҳимдур, бир отинг Раҳмон,
Бу дардима ўзинг дармон айлагил,
Манинг бу мушкулим айлагил осон,
Бу дардима ўзинг дармон айлагил.

Билқиснинг ишқинда куйди Сулаймон,
Айюбнинг дардина сан бердинг дармон,
Булбулнинг куйинда ман бўлдим ҳайрон,
Бу дардима ўзинг дармон айлагил.

Бошима савдони солибсан худо,
Йўл кўрсатгил ўзинг менга Раҳнамо,
Тўбасинда арра қўйган Зикриё,
Бу дардима ўзинг дармон айлагил.

Манго мадад бергил эй пирим Жалил,
Булбулнинг дардинда ман бўлдим залил,
Тангрининг дўстидир Иброҳим Халил,
Бу дардима ўзинг дармон айлагил.

Булбул деб бошима тушубдур койиш,
Бир мадад қил манго ҳазрати Идрис,
Етмиш йўла ўлиб тирилган Жиржис,

Бу дардима ўзинг дармон айлагил.

Ҳазрати Мусоға берибсан осо,
Мўъжизаси бўлиб онинг аждаҳо,
Бир мадад айлагил Ҳазрати Исо,
Бу дардима ўзинг дармон айлагил.

Булбулигўё дедим кўп чекдим жафо,
Ё Довуд мадад бер айлагил вафо,
Ошиқлар сарвари Юсуф Зулайҳо,
Бу дардима ўзинг дармон айлагил.

Тангрининг ҳабиби Расули Акрам,
Ё муртазо манго бўлакўр ҳамдам,
Бир мадад айлагил ҳазрати Марьям,
Бу дардима ўзинг дармон айлагил.

Муножот айлади санго Шаҳриёр,
Сиғиндим фазлингга қилма шармисор,
Аввалда охирда сансан мададкор,
Мададкорим манго дармон айлагил.

Алқисса, Шаҳриёр бу муножотни ўқиб, ҳайрон, саросима бўлиб, юқори қараб кўрдиким, бир хат ёзилган турур. Они ўқиди. Эрса андоғ дерким, эй Шаҳриёр бу қалъаға Заррин қалъа дерлар, сан анга келсанг бу дарвоза учун саросима бўлуб турма, бисмиллаҳи Раҳмон ур раҳим деб қўл урғил, дарвоза очилур. Андин сўнг Шаҳриёр хатда ёзилғондай қилди. Дарҳол дарвоза очилди. Ичкари кириб кўрдиким, ичкарида тамоми тўлғин лаълу ёқут, жавоҳирлар ҳеч ниҳояси йўқ турур. Аларни кўруб илгари юрди. Кўрса кўчанинг соғ тарафинда ничча минг қизлар қўлларинда олтин косаларда шароб ичиб, масту мустарриҳ бўлиб ўлтирур эрдилар. Андин сўнг Шаҳриёрға ҳам май тутдилар. Шаҳриёр билди, булар тилсим эрмиш, аларға назар қилмай ўтиб юриберди, булбулигўёнинг манзилига борди. Кўрдиким, бир олтиндин бино бўлған гумбаз, онинг усти осмон бирлан баробар турур. Андоғ бир нақшли жой эрдиким, одамизод кўрса беҳуш бўлур эрди. Шаҳриёр ўзина оро бериб, тўнини кийиб дасторини бошина ўраб, ҳар замон томоша қилиб, булбулигўёға мунтазир бўлиб бўлиб турур эрди. Камарбандидин тутиб, хатни олиб ўқимоқ ёдидин чиқди, бу сифат бирла турур эрди, ногоҳ булбулигўё шул жойға етишди, кўзи Шаҳриёрнинг бошидаги дасторға тушди, ўзининг ошиқ бўлған гули бу дасторда сурат этилган турур. Они кўриб, алвон алвон сайраб, бир тахт устина қўнди. Шаҳриёр булбулигўёға қараб, сарраст бўлиб, бир ғазал ўқиди:

Сайраб-сайраб булбул қушим, Раҳм этакўр ман бу зора,
Учиб мани бошима қўн, Кўзимдин ёш энди зеро,

Айланибон дегра дошим, Сайрабон қилиб нола,
Учиб манинг бошима қўн. Учиб манинг бошима қўн.

Қолған қушсан Сулаймоннан, Ишқингда кўплар югурдим,
Келарман чўли Муғоннан, Оминшоҳ шаҳрина бордим,
Ишқинг ким ўтибдур жоннан, Шамсун парига дуч бўлдим,
Учиб манинг бошима қўн. Бугун манинг бошима қўн.

Олиб сани мундин кетсам, Етди Худоға нолишим,
Шамсунжон ёниға етсам, Йўқдур боғимда бир кишим,
Мурода мақсада етсам, Ақлимни олди сайрашинг,
Келиб манинг бошима қўн. Кел- кел, манинг бошима қўн.

Шаҳриёр дерлар дод этсам, Сани Яманга оп кетсам,
Қўшим санго ман арз этсам, Кел булбулим бошима қўн.

Алқисса, Шаҳриёр бу сўзни айди. Эрса булбулигўёни ишқи зиёдароқ, ҳаддин ошиб, масту беихтиёр бўлиб, Шаҳриёрнинг бошиға қўнди. Шаҳриёр Сулаймон пайғамбарнинг ҳаққи ҳурмати деб қўл узатиб турар бўлди. Булбулигўё тутдирмади. Бояги саройина учиб бориб қўнди. Шаҳриёр шу ерда тош бўлиб қолди. Не учунки камарбандидаги хатни унутди, ўқимади. Зероки шарт ул камарда хат бор эрди, ани ўкимоқ даркор эрди. Ўқий олмади, мақсуди ҳосил бўлмади. Ничча йиллар ул ерда тош бўлиб қолди.

Эмди сўзни Шаҳриёрнинг синглиси Анжум паридан эшитинг. Ничча йиллар бўлди оғамдин нишон бўлмади деб, отаси Шаҳсувори оламға қараб бир сўз айди:

Эшитинг отажон арзи ҳолимдин,
Ман билманам оғамжона на бўлди.
Излабон оғамни ман ҳам гетарман,
Ман билманам оғамжона на бўлди.

Кетганда оғамнинг йўқдир йўлдоши,
Кўзиндин оқизиб қон бирла ёши,
На ёмон савдоға йўлиқди боши,
Ман билманам оғам ҳоли на бўлди.

Мундин кетди, оғам ҳоли билинмас,
Хабарин олибон ҳеч киши келмас,
Изиндин кетмасам кўзда ёш тинмас,
Ман билманам оғам ҳоли на бўлди.

Булбулнинг ишқинда бўлибдур шайдо,
Тушдимикан анинг бошина савдо,
Йўқ турур қарорим кетмасам асло,

Ман билманам оғам ҳоли на бўлди.

Изиннан кетмасам йўқдур қарорим,
Бошимдан кўтардим номусу орим,
Оламни куйдирар оҳ бирла зорим,
Ман билманам оғамжона на бўлди.

Хазонлар солибон кетди бу боға,
Кимга ёрий сийнамдаги бу доғи,
Оғамнинг йўлина жоним садоға,
Ман билманам оғам ҳоли на бўлди.

Оғамнинг дардидин бу Анжум ғариб,
Ўлтирурман Заъфарондек сарғариб,
Мен кетарман Шаҳриёрни ахтариб,
Ман билманам оғам ҳоли на бўлди.

Алқисса, андин сўнг Шоҳсувори олам бирла кенгаш қилиб, мунинг маслаҳати бўлди. Оғанг ничча йиллар бўлди, келмади, они истаги, сўроғи бўлмади, ул булбулигуё учун кетиб турур, бир неча подшодазодалар онинг учун бориб тош бўлғон эрмиш деб, они баён қилиб бир сўз айди:

Қулоқ солғил, Анжум болам, Истаб топмоқлик қайда бор,
Оғанг истаб топиб бўлмас. Олдингда минг бало бисёр,
Жон ичинда дармон болам, Манзил кечиб бўлурсан хор,
Оғанг истаб топиб бўлмас. Оғанг истаб топиб бўлмас.

Булбулигўё паризоддир, Оғанг бўлди биздин жудо,
Билсангиз жона офатдур, Ҳизри Илёс анга ҳамроҳ,
Етмак анга машаққатдир, Топширмишам бир худоға,
Оғанг истаб топиб бўлмас. Оғанг истаб топиб бўлмас.

Оғанг эрди тоза боғим, Қизим санго ростин десам,
Эшитар сўзин қулоғим, Сўзни жонимдин сўзласам,
Кўрарга кўзда чироғим, Эшит сўзимни жон қизим,
Эмди истаб топиб бўлмас. Оғанг истаб топиб бўлмас.

Алқисса, Шаҳсувори олам бул сўзни айтди. Анжум пари қаҳр бирла ериндин туриб, уйига кириб, уйида салоҳлари бор эрди, эйнина кийиб, яроғларини қўлиға олиб, қўша милини созлаб, тулпорина ўттиз икки айилни ҳам тортиб, устина миниб, ўйнатиб, таъзим бирла отасининг ёнина келиб ижозат тилаб отасина бир сўз айди:

Ман кетурман энди оғам изиндин,
Хўш қолинглар, отам-онам омон бўл.
Хабар олсам эмди ернинг юзиндин,

Хўш қолинглар отам-онам омон бўл.

Қадам босиб кетсам керак чўллара,
Сўроғини олиб элдин- эллара,
Айролиқни солди худо бизлара,
Хўш қолинглар, отам-онам омон бўл.

Қиш бўлғонда доғлар боши думондир,
Оғамнинг бошинда охир замондир,
Оғам учун манинг ишим фиғондир,
Хўш қолинглар, отам-онам омон бўл.

Бошимиздин эсди айролиқ ели,
Сўлар бўлди эмди боғларнинг гули,
Худо ўзи осон қилғай мушкули,
Хўш қолинглар отам-онам омон бўл.

Худоға топширинг Анжумни сизлар,
Қизингиз оғасин изини излар,
Оғамнинг изинда гирёндир кўзлар,
Хўш қолинглар отам-онам омон бўл.

Алқисса, булар кўрдиким, бул қаҳр бирла кетиб борадир. Ота-онаси бисёр йиғлаб, навҳаи зори қилдилар, бўлмади. Сўз басдур, деб охир рухсат бердилар, фотиҳа бериб, худоға топшириб бир сўз айдилар:

Водариғо бизларни қон йиғлатиб кетдинг болам,
Кўшки айвонимни сан вайрон этиб кетдинг болам,
Ҳар ера борсанг сани оллоға топширдим болам,
Сен оғанг истаб кетдинг, бу худо ёринг санинг.
Ҳар бало бошингга келса бўлғай эгам ғамхоринг санинг,
Ҳақ таоло лутф этиб, кўрсатса дийдоринг санинг,
Мақсудингга еткуриб келтирса заффоринг санинг,
Ҳар ера борсанг сани оллоға топширдим болам.
Топширибман ким болам, эгангдур Одами ато,
Ҳар ера борсанг боламни сақлагайсан бехато,
Ёри бўлғайсиз они олдиға келса ҳар бало,
Якка ёлғуз кетадур бўлғайсиз анга раҳнамо,
Ҳар ера борсанг сани оллоға топширдим болам.
Руҳи покингга таважжуъ айладим Шис каби,
Йиғлатибон кетди мани чўли биёбонлар сари,
Ҳазрати Хизр бирла Илёс бўлсин раҳбари,
Ҳар ера борсанг болам оллоға топширдим сани.
Ҳам сифоти ҳазратингга ман сиғиндим ё Жалил,
Бар муроди мақсадимни қилма ноумиду залил,

Ҳар ера борса боламни қўлла Иброҳим Халил,
Ки бузилди боғи мулки, моллари бўлди сабил,
Ҳар ера борсанг болам оллоға топширдим сани.
Эй худоё бу болам бошиға солдинг фурқати,
Сақлағай ё раббано Мусо пайғамбар ҳурмати,
Ҳар ера борса болам бошиға солма ғурбати,
Ҳар ера борсанг сани оллоға топширдим болам.
Бош қўйиб даргоҳингга йиғлар худо деб Шаҳсувор,
Ман санго топширмишам йиғлаб яна эй биру бор,
Ҳар ера борса боламни сақлағил парвардигор,
Бўйла ани фурқатидин ман бўлибман беқарор,
Ҳар ера борсанг сани оллоға топширдим болам.

Алқисса, Шаҳсувор бу мухаммасни ўқиди. Андин сўнг Анжум пари отасидин рухсат олиб йўлға равона бўлди. Уч кун йўл юриди, ўз вилоятидин чиқди, яна етти кунда бир бешага етди, кўрдиким, бир оқсоқол пир таҳорат қилиб ўлтирур. Онинг қошиға бориб салом берди. Ул бобо алик олиб айди, эй болам йўл бўлсин, қайда бориб, қайдин келурсан, бу жойлар одам юрмас жойлардур деди. Анда Анжум пари эй бобо насиба шундоғ бўлди деб бир сўз айди:

Париштадин оқ соқолли жон бобом,
Бир қушнинг ишқина тушиб юрибман.
Ҳақ йўлинда андишали жон бобом,
Бир қушнинг ишқина тушиб юрибман.

Ул қушнинг ишқиким ақлимни олди,
На ёмон савдони бошима солди,
Ничча кундир оғажоним йўқолди,
Бир қушнинг ишқина тушиб юрибман.

Бобожон бу ерда тоат қилурсиз,
Булбулигўё маконини билурсиз,
Худони ҳақи учун хабар берурсиз,
Бир қушнинг ишқина тушиб юрибман.

Булбулнинг ишқинда бўлибман шайдо,
Онинг учун бўлдим олама расво,
Қайтмасман топмасам бобожон асло,
Бир қушнинг ишқина тушиб юрибман.

Булбулнинг ишқинда қарорим бўлмас,
Истабон бир ерда турарим бўлмас,
Сиздин ўзга бобо ғамхорим бўлмас,
Бир қушнинг ишқина тушиб юрибман.

Ничча йиллар кезди дарёда Узро,
Вомиқнинг ишқинда куйиб можаро,
Истагимдир манинг булбулигўё,
Бир қушнинг ишқина тушиб юрибман.

Алқисса, ул бобо бу сўзларни эшитиб бўлғач, айди, болам ул булбулигўёнинг йўлинда ничча балолар бор деб айди. Агар кетар бўлсанг сани оллои таоло ўз паноҳинда сақласин, йўлингни ҳам ўзи очсин деб фотиҳа бериб юборди. Андин ҳам ўтиб кетди. Йўлда қулон, кийик овлаб юрур эрди. 40 кунда дарёға етди. Дарёнинг лабинда отдин тушиб, намоз ўқиди. Эрса дарёдин минорадек нимарсалар чиқди. Келиб иккилари уруш қилди. Дарёдин чиққанларни чўлдин келганларни еб қўйдилар аларни кўриб, ҳайрон қолиб бир ғазал ўқиди:

Сиғиндим фазлингга Раҳиму Раҳмон,
Бир қисм тупроғдин инсон айладинг.
Арши курси лавҳи қалам яратиб,
Етти қат ер ҳамда осмон айладинг.

Йўқ ердин халқ этдинг Одам атони,
Анго жуфт айладинг Ҳаво момони,
То ўлгунча айтиб ҳамду санони,
Манзилини дорул жинон айладинг.

Сўнгра Шишу Наби дунёга келди,
Беҳиштнинг бир ҳурин анго жуфт қилди,
Пайғамбарлик суриб дунёда бўлди,
Қудратингни анга аён айладинг.

Шишдин кейин келди ул Нуҳи Наби,
Минг беш юз йил алар пайғамбар бўлди,
Сув бирла барини қавмин йўқ қилди,
Арзингни аларға аён айладинг.

Сўнгра пайғамбарлик Идриса келди,
Ничча йиллар худо буйруғин қилди,
Қудрат бирла яна ўлиб тирилди,
Жаннатда ажаб жой ато айладинг.

Дунёға ничча минг пайғамбар келди,
Ҳар қайси вақтинда бир уммат қилди,
Ҳаммаси ҳам худоға хизмат қилди,
Хизматинда меҳрин аён айлади.

Алардин сўнграким келди Мустафо,
Ҳабиб дея анга қилди марҳабо,
Йўл кўрсатиб анга ўзинг Раҳнамо,
Меърож бериб анга меҳмон айладинг.

Дарёда қилибсан неча махлуқлар,
Ноласидин олар ҳурлару гурлар,
Ларзага тушарлар тоғ бирла чўллар,
Аларни рисқини чандон айладинг.

Анжум пари айлар санго муножот,
Ҳар ерда бандангга ўзинг бер нажот,
Даргоҳингда кезар неча маҳлуқот,
Аларга сунъингни эҳсон айладинг.

Алқисса, Анжум пари бу муножотни ўқиб, отланиб йўлга равона бўлди. Уч кун йўл юриб, бир ерга етишди. Кўрдиким, икки тоғ андоғ қоқилишур, ўртасидин пора-пора ўт чиқар, бири оқ тоғ бири қора тоғ турур. Ул замон кўрса қора тоғ зиёда ўктароқ турур, оқ тоғ зиёда ожизроқ турур ул замон Анжум пари камаридин ёйини чиқариб кўзлаб, бир ғазал ўкиди:

Йўқдин мани бор айлаган ё Раҳмон,
Бугун манго мадад берар кунингдур.
Ўзинг қилғил манинг мушкулим осон,
Бугун манго мадад берар кунингдур.

Собир от кўтарган ҳазрати Айюб,
Ничча йил йиғлади ҳазрати Ёқуб,
Қайтадин тирилган ҳазрати Юсуф,
Бугун манго мадад берар кунингдур.

Неча кунлар бўлди чекарман жафо,
Тангрининг ҳабиби Расул Мустафо,
Ё пирим қўлдағай Али Муртазо,
Бугун манго мадад берар кунингдур.

Худоға сиғиниб бу Анжум йиғлар,
Гўшаларда бордур неча дарвешлар,
Ўртада отадур бир неча пирлар,
Бугун манго мадад берар кунингдур.

Аммо Анжум пари бу муножотни ўқиб, ўқ бирла андоғ урдиким, қора тоғнинг оғзидин кириб, қуйруғидин чиқди. Икки пора бўлди. Кўрдики, бири қора, бири оқ илон эркан. Оқ илон бу мардликни кўриб Анжум парига ишорат қилиб юриберди. Анжум пари ҳам изиндин юрди.

Алқисса, Анжум парини бир шаҳарга олиб борди. Кўрса тамоми лаъли жавоҳир турур. Анжум пари қўрқганидин ранги сарғайди. Ул ичкари кирди. Ҳар бир саройлар бор ичинда тамоми аждарҳо турур. Анжум пари аларни кўрдиким, бир афсун ўқиди. Бир оқсоқол пир бўлди. Бир гумбазни ишорат қилди, анга кирди кўрса ичинда бир аждарҳо ётиб турур қуйруғи эшикда боши уйнинг ўртасида. Они кўриб беҳуш бўлиб йиқилди. Замондин сўнг ўзига келди. Кўрса бир қиз ўлтириб турур. Гўё беҳиштнинг ҳуридай. Они кўриб ҳайрони саросима боғина тиқилди. Эрса шул бояги пир келиб айди, эй, ўғлим эмди сўзлашмак айб эрмас, қайға борурсан? Анда Анжум пари айди, эй бобо бизнинг шаҳримизга шаҳри Яман дерлар. Қасдим булбулда турур. Онинг учун чиқибман. Манинг отим Қаймос турур деб, қиз эрканини билдирмади.

Чунки онинг эркак либоси бор эрди. Алқисса, Анжум пари бобоға қараб бир ғазал ўқиди:

Эшит бобо арзи ҳолим айтайин,
Бир қушнинг ишқинда чўллара тушдим.
Бошимдин ўтганин аён айлайин,
Бир қушнинг ишқинда чўллара тушдим.

Яманда бобожон бир боғ солдирдим,
Ичинда бир неча ҳовуз қаздирдим,
Деграсини гуллар била тўлдирдим,
Бир қушнинг ишқинда чўллара тушдим.

Боғимни очилар гуллари барно,
Томошаға келур қоз бирла турна,
Даркор бўлди анго булбулигўё,
Булбулнинг ишқинда чўллара тушдим.

Дарахтлар экдирдим неча хиёбон,
Ўртада сарвилар неча минг алвон,
Бўлурму бобожон дардима дармон,
Шул қушнинг ишқинда чўллара тушдим.

Қаймос айтар бобо, боғимда сарвим,
Ҳар тараф очилған юз алвон гулим,
Қумрилар дам тортиб сайрар булбулим,
Булбулнинг ишқинда чўллара тушдим.

Алқисса, Анжум пари бу сўзни айди, эрса бобо айди неча кундин бери булбулигўё учун сафардасан, топа олурмисан, деди. Анда Анжум пари айди кўп вақт бўлди, хабарини топа билмасман, деди. Анда бобо айди, эй ўғлим, хуш келибсиз. Бу қалъаға қалъаи Жаҳоннома дейдилар. Мани отимни Заҳҳок дерлар. Бу қиз манинг қизим турур. Оти Пари турур. Ўлдирганинг Саодат

дев турур. Парига ошиқ бўлиб, олмоқчи бўлиб уруш қилди, мани ожиз қилғонда сан келиб они ўлдирдинг, бир яхшилиқ қилдинг, эмди бу қизни санго берурман, деди. Анда Анжум пари айди, эй бобо, ман ваъда қилиб эрдим, то булбулигўёни топиб олмағунча қизни олмайман ва ҳеч нимарсага кўнглимни юбормайман. Ман қиз олсам ё бир нимарсага кўнглимни юборсам ваъдага хилоф бўлур, деди. Анда Заҳҳок айди, муни олғил, булбулигўёнинг фикрини ҳам этармиз деб бир ғазал ўқиди:

Ҳар иш этдинг одамизод, Айтиб эрди, мани Зори,
Бир ажойиб от айладинг. Қарамади соғи, сўли,
Ўқ отибон қора девни, Олибон бир неча қули,
Йиқиб, они мот айладинг. Сан ўзинг озод айладинг.

Одамизоддай бўлсин зиёд, Яхши жон одамзод бўлур,
Қора девни қилдинг барбод, Ёмоннинг иши дод бўлур,
Қизимизни ол одамизод, Маккага борган шод бўлур,
Бугун мани шод айладинг. Бугун мани шод айладинг.

Қора девни хўб ўлдириб, Санго бугун сўзим айтсам,
Урдинг ўқингни тўлдириб, Заҳҳокни қизини олсанг,
Дўстларни сан кўп кулдириб, Лаъл этиб кисанга солсанг,
Кўнгилларни шод айладинг. Ўзингга ҳамроҳ айладинг.

Алқисса, бу сўздин сўнг Заҳҳок айди, эй болам булбулигўёни санго айтарман, деди. Ондин сўнг Анжум парига яна айди, бундан олдин, сан қизим Жайҳун парини никоҳингга олишинг лозим эрур, деди. Анжум пари бирла Жайҳун парини бир жойға келтириб никоҳ қилдилар. Анжум пари кўнглинда айди, бу никоҳ оғам Шаҳриёрнинг никоҳи бўлсин, деди. Андин сўнг бу икки нозанинни бир ерда қўйдилар. Жайҳун пари Анжум парига сўз қота бошлади. Анда Анжум пари айди, жони жаҳоним эй ширин Забоним, ман ҳозир қасамёд қилибман. Сизнинг бирла суҳбат қилсам осий бўларман деб, зор-зор йиғлаб бир ғазал ўқиди:

Эшит арзим, Жайҳун жоним, Бошқа суҳбатинг қилурман,
Биза суҳбат вақти йўқдур. Ман бошингдин ўргилурман,
Ичимда кўпдур армоним, Булбулигўё деб юрурман,
Биза суҳбат вақти йўқдур. Биза суҳбат вақти йўқдур.

Ҳар бир юзинг қизил олма, Бу айтған аҳдима етсам,
Қўлларинг бўйнима солма, Булбулни қўлға киритсам,
Бугун мани осий қилма, Сизинг бирла даврон сурсам,
Биза суҳбат вақти йўқдур. Биза суҳбат вақти йўқдур.

Қаймос айтур, парим Жайхун, Ишқингда бўлдим дигархун,
Аҳдингни синдирсам бугун, Биза суҳбат вақти йўқдур.

Алқисса, Анжум пари айди. Жайҳун пари, қачонки булбулигўёни топиб олсам, андин сўнг манго суҳбат ҳалол бўлур, деди. Жайҳун пари айди, қабул қилурман, деди. Қиз эрканини билмади. Алқисса, Анжум пари Заҳҳокга эрта билан бориб таъзим қилди, яна айди, эй отамиз на қилдингиз? Анда Заҳҳок, соқолидин икки мўй берди. Бири оқ бири қора. Анжум парига айди, эй ўғлим, бу мўйларни олғил, қора мўйни Жайҳун парига суртсанг, қора лаъл бўлур, оқ мўйни суртсанг, боёқидин қиз бўлур. Эмди ани лаъл қилиб, кисанга сол деб бир йўл кўрсатди. Бу йўл бирла юргил, деди. Етти кунда бир дарёға етарсан ул дарёға тушгил. Отингнинг тизина чиқар. Ондин сўнг ғарқ этгулик бўлур. Шул вақтда бул афсунни ўқиб, дам бергил, сув маҳв бўлур. Ондин сўнг бир ўт пайдо бўлур санго ҳамла қилур. Анда бул афсунни ўқиғил, ўт ҳам маҳв бўлур. Ондин сўнг илгари юрғил. Нича минг отлар бор турур. Алардин ўтгил. Бир от кўрингай қуйруғи товуснинг парига мангзар, ёли ота мангзар. Боши тамоми олтиндин. Они кўрсанг устина мингил. Жайҳун парини боягидек қиз қилғил. Сани бул каманд бирла отнинг устиға чулғасин. Ҳоло уйқуда турур. Ничча кунлар ухласа керак, бир неча кундин сўнг ўзина келур. Ондин сўнг сани олиб учар. Етти қат осмонға чиқғай. Ондин сўнг яна бояги ерга келур. Эмди саники бўлди, дер. Они қабул қилмағил. Қасамёд қилур, андин сўнг муродинг ҳосил қилур. Ул от Сулаймон пайғамбардин қолған от турур. Булбулигўё ҳам андин қолған. Ул иккисининг ваъдаси бир турур. Ул муяссар бўлса, булбул ҳам муяссар бўлур, деди. Фотиҳа бериб аларни йўлға солиб юраберди. Анжум пари етти кунда шул дарёға етишиб, дарёға тушди, тизина етди. Илгари юрди бўйнина етди. Ондин сўнг нола қилур бўлди. Анжум пари дарёға қараб бир ғазал ўқиди:

Билмай тушдим ман ичингга ,
Уммон дарё омон омон.
Қарамай соғу сўлима,
Уммон дарё омон омон.

Билмадим ғараз йўлларинг,
Ўтарга йўқдур пулларим,
Ғарқ этар мани сувларинг,
Уммон дарё омон омон.

Устингдин ўтандур эрлар,
Ничча ою ничча йиллар,
Боша солдинг қора кунлар,
Уммон дарё омон омон.

Анжум пари оҳ айларам,
Ўлмака белим боғларам,
Дарё санго арз айларам,
Уммон дарё омон омон.

Аммо, анжум пари афсун ўқиб, дам берди. Сув маҳв бўлди. Ондин сўнг ўтиб борур эрди, бир ўт пайдо бўлди. Осмон бирла баробар. Анжум парини ёқар бўлди. Анжум пари ўтға қараб бир сўз деди:

Юзинда тоб уран қирмизи оташ,
Куйдир мани, қўйма олло ишқина.
Куйдирмакка келиб турибсан оташ,
Куйдир мани, қўйма олло ишқина.

Куйдириб нетарсан ман ўзим куйган,
Жудолиқ ўтидин бағрим тилинган,

Кунда юз йўл ёниб, юз йўла ўчган,
Қўй ўтайин, дейма олло ишқина.

Нолишимдин фиғон айлар булбуллар,
Оғам деб келурман кезибон чўллар,
Ёлингинг чиқибон ҳавода гурлар,
Қўй ўтайин, дейма олло ишқина.

Ман ёлғизман йўқдур манинг йўлдошим,
Оғам деб келурман оқизиб ёшим,
Куйдирма майдонда қолмасин лошим,
Қўй ўтайин, дейма олло ишқина.

Анжумнинг ноласи тоғлардин ошиб,
Келурман савдоға бошим дўлошиб,
Ўтлара тушибман бу ақлим чошиб,
Қўй ўтайин, дейма олло ишқина.

Алқисса, Анжум пари бу ғазални ўқиғач, зор-зор йиғлаб яна бир афсун ўкиди, ўт ҳам маҳв бўлди. Андин ҳам ўтиб юрибарди, кўрарким, юз минг от бўйнини узатиб ухлаб ётур. Андин ҳам илгари юрди кўрарким, от жунлари тамоми зумраддан, ёллари отға мангзар, мўйлари товусға мангзар. Оёқлари ҳам тамоми қизил ёқутдин. Анжум пари они кўриб билдиким, шул от турур. Жайҳун парини кисасидин чиқариб, оқ қилни суртди. Эрса боягидин қиз бўлди. Анжум парини ўзини ёнина от устина миндирди. Жайҳун парини қора қил бирла боягидин лаъл қилиб кисасина солиб бу сифат бирла бир неча кун от устинда ўлтирди. Ногоҳ аспи жаҳонгир ўзина келди. Кўрарким устинда бир нимарса ётур. Қуйруғини осмонға тикиб наъра чекар бўлди. Оҳ тортиб, гулдираб, еру осмонға андоғ учдиким етти қат осмонға чиқди. Анда ҳам Анжум қолмади. Яна бу сифат бирла етти қат ер тагина кирди, анда ҳам қолмади. Аспи жаҳонгир саросима бўлиб на жондорсан, на турлик зотсан деб бир ғазал ўқиди:

Устимдаги одамизод, Мани мингган одаммисан,
Қўрқмай мани нечук миндинг? Ё девмисан ё жинмисан,
Бу ишингга офарин бод, Ё париму пайкармисан,
Қўрқмай мани нечук миндинг? Қўрқмай мани нечук миндинг?

Манинг бу ақлим ҳайрондур, Келурсанким қайси ердин,
Куйибон бағрим бирёндур, На тилагинг бордур мандин,
Мани минган Сулаймондур, Онт бергил сан манго бугун,
Қўрқмай мани нечук миндинг? Қўрқмай мани нечук миндинг?

Отим мани аспи Жаҳон, Тобе бўлди бу дири жон,
Устима миндинг бу замон, Қўрқмай мани нечук миндинг?

Алқисса, аспи Жаҳонгир айди, мани жаҳонда Сулаймон пайғамбардин ўзга киши мингани йўқ эрди. Мани отимни аспи жаҳонгир дерлар, ҳеч ким бу жойларға кела билмас эрди, санинг бошинг икки турурми, офарин санго мундоғ қилдинг, деди. Яна айди бу иш Заҳҳоки ҳаромзодадин турур. Ҳай дариғ, сани мундай этарингни билсам эрди, устинга бориб хешу Жабборинг бирла туёғимни тагида гард-гард қилур эрдим деб андоғ тўлғондиким, еру осмон танг қолди. Яна айди, эмди тушгил, саники бўлдим. Бу жаҳонда ҳар наки мақсадинг бўлса ҳозир қилурман деб қасамёд қилди. Андин сўнг Анжум пари тушар бўлди. Жайҳун парини боёғидин қиз қилди. От они танидиким, Заҳҳокнинг қизи, Жайҳун пари турур. Айди, эй ҳаромизоданинг қизи бу бу иш сизлардин чиққан турур, йўқса бу одамизодға бу ишлар маҳол турур деб, наъра тортди, Анжум пари устидин тушди. Бир неча вақт анда бўлдилар. Бир неча кундин сўнгЖайҳун пари қўлина созини олиб, Анжум парининг ҳолини баён қилиб бир абёт ўқиди:

Сулаймон тулпори аспи Жаҳонгир,
Бугун санинг мадад берар кунингдур.
Бугун биза эмди бўлакўр дастгир,
Бугун санинг мадад берар кунингдур.

Ямандин чиқибон келур бечора,
Булбулнинг ишқинда бўлиб оввора,
Тараҳҳум айлагил биз икки ёра,
Бугун санинг мадад берар кунингдур.

Бўлмас асло олдимиза тушмасанг,
Бу йигитнинг матлабини этмасанг,
Булбулигўёға ўзинг бормасанг,
Бугун санинг мадад берар кунингдур.

Ямандин чиқибон келибдур танҳо,
Бошига тушибдур неча минг савдо,
Бу йигит истаги булбулигўё,
Бугун санинг мадад берар кунингдур.

Заҳҳокнинг қизимиз отимиз Жайҳун,
Жунларинг устида атласи гулгун,
Бу йигит матлабин этарсан бугун,
Бугун санинг мадад берар кунингдур.

Алқисса, Жайҳун пари бу жавобни айди, Анжум пари воқеасини аспи жаҳонгирга бир-бир баён қилди. Анда аспи жаҳонгир айди, эй содда одамизод, онинг йўлинда ничча подшо, подшозодалар тош бўлиб турур.
Хусусан бир йигит бориб тош бўлған эрмиш. Зиёда хуш латофат эмиш, оти Шаҳриёри олам эрмиш. Қоруншоҳнинг тилсимини хат қилиб, қалъаи

Жаҳонномаға бориб, Шамсун парини никоҳ қилиб олған эрмиш. Фиръавн анга уч омонат қўйган эди. Бири тўн, бири дастор, бири камар. Аларни олғон эрмиш, тўнини кийиб, дасторини ўраб, камарини боғлаб турур, аларни булбулигўёни тутмоқға тамоми шартларини этиб, камариндаги хатни ўқимоқни унутиб турур. Андин тош бўлиб ётғон эрмиш, деб эшитдик. Зиёда таърифини баланд қилдилар. Они кўрмак орзу қилур эрдим. Тамоми паризодлар ошиқ бўлиб, бориб тош бўлғонин кўриб, қайғули турурлар. Ман ҳам они қайғуриб, бормоқчи эрдим. Они булбулигўёдин тилаб, боягидай одам қилиб, ҳазрати Сулаймоннинг хуршиди шодин олиб қўлиға солиб, тамоми девлар, париларга подшо қилсам деб, бир ғазал ўқиди:

Эшитгил арзимни одамзод ўғли,
Шаҳризара ўзим бормоқчи эдим.
Мани минмак санго насиб бўлди,
Шаҳризара ўзим бормоқчи эдим.

Булбулигўё они тилсим этибдур,
Ул йигитнинг заволина қолибдур,
Эссиз йигит тош бўлибон ётибдур,
Шаҳризара ўзим бормоқчи эдим.

Ул йигитнинг оти Шаҳриёр эрмиш,
Ул жаҳонномани шаҳрина бормиш,
Никоҳ қилиб Шамсун парини олмиш,
Шаҳризара ўзим бормоқчи эдим.

Оминшоҳнинг бориб тилсимин бузмиш,
Камар бирла дастор, чопонин олмиш,
Камарда икки хат ўқилмай қолмиш,
Шаҳризара ўзим бормоқчи эдим.

Тош бўлибон йигит бўлмиш овора,
Шамсун пари қолмиш оҳ бирла зора,
Эгам раҳм айласин ул Шаҳриёра,
Шаҳризара ўзим бормоқчи эдим.

Аспи Жаҳон энди сўзни узатма,
Сулаймон оти деб ўзингдин кетма,
Тобе бўп йигита они инжитма,
Шаҳризара ўзим бормоқчи эдим.

Алқисса, аспи жаҳонгир ушбу ғазални ўқиб, охири мақсадим ҳосил бўлди деб наъра урди. Анжум пари хушвақт бўлди. Бу айтғон йигит билдиким,

оғаси Шаҳриёр турур. Айди, эй аспи жаҳонгир, ул тош бўлғон манинг оғам турур деб бир абёт ўқиди:

Эшитгил аспи жаҳоним, Кетиб эрди бул Ямандин,
Тош бўлғон ул оғам манинг. Сўроғин олибон сандин,
Қулоқ солғил меҳрибоним, Эшитғил аспи жон мандин,
Тош бўлғон ул оғам манинг. Тош бўлған ул оғам менинг.

Отимжон олдима тушгил, Хароб ўлди анда боғлар,
Мани мақсада етказгил, Отам бирла онам йиғлар,
Оғам ёнина етказгил, Мотамин тутибон бизлар,
Тош бўлғон ул оғам манинг. Тош бўлғон ул оғам манинг.

Устингга мингандир эрлар, Отим манинг Қаймос дерлар,
Тўкилур оғзингдин дурлар, Тош бўлғон ул оғам манинг.

Алқисса, Анжум пари айди, ул йигит мани оғам, деб тамоми бўлғон воқеани бир-бир баён қилди. Аспи жаҳонгир кулди: вой- вой, эмди мақсадинг ҳосил бўлди, энди мингил, деди. Эрса Анжум пари аспи Жаҳонгирнинг устига минди, етти кунда боғи Муаммонға борди. Анжум парини бир жойда пинҳон қилди ва айди, ҳар вақт мунда келиб, санинг олдингда тиз букарман, ўзингни устимға олғайсан деб, таълим берди. Ва Хуршид шоҳнинг саройина борди, кўрдиким тамоми, деву парилар ухлаб ётурлар, Хуршидшоҳ ҳам ухлаб ётур. Оҳиста бориб қўлидин ҳазрати Сулаймоннинг юзугини чиқариб олди. Ондин сўнг юрагина бир шатта уриб, чиқиб юриварди. Анжум парининг қошина бориб тиз букди. Анжум пари отланиб юзикни қўлиға солди. Кўрдиким, изинда ничча минг паризодлар бандавор хизмат қилиб, тамоми деву парилар хизматинда бўлдилар. Шамсун пари ҳам келиб таъзим қилди. бу сифат бирла қалъаи Зарринга етишгач, булбулигўё ҳам келиб Анжум парига салом бериб, оёғини ўпди Шамсун пари бориб Шаҳриёрнинг бошиндин уч маротаба айланиб бу ғазални ўқиди:

Садоғанг бўлайин гул юзли ёрим,
Бошинг кўтар, бизинг бирла бир сўзлаш.
Шакардин ширидир сўзи мазолим,
Бошинг кўтар, бизинг бирла бир сўзлаш.

Қошларинга қилдим жоним садоға,
Белларинга сунбул сочим садоға,
Кўзларинга энди ўзим садоға,
Бошинг кўтар, бизинг бирла бир сўзлаш.

Ҳасратингда манинг сийнамда чоким,
Заҳар-заққум эди манинг хўроким,
Аслингга келганинг манинг тилагим,
Бошинг кўтар, бизинг бирла бир сўзлаш.

Шамсун дер ёриға етмай кўп йиғлар,
Мадад айлангизлар бари эранлар,
Санго фидо бўлсин бул ширин жонлар,
Бошинг кўтар, бизинг бирла бир сўзлаш.

Алқисса, Шамсун пари кўрди, ёридин ҳеч жавоб бўлмади. Шул ерда зор-зор йиғлаб турди ва аспи жаҳонгир онинг йиғлаганини кўриб, булбулигўёға айди, Шаҳриёр деган бу Шамсун парининг ёри эрмиш. Бу Қаймос деган йигитнинг оғаси эрмиш. Тез бўл, банддин халос қил, йўқса қаҳри келур, бизлардин юзини ўгирмасунлар, дегач, булбулигўё бориб банддан халос қилди. Шаҳриёр ўзина келиб, кўрдиким, Шамсун пари қошида, Шаҳриёр они кўриб, вақти хуш бўлиб, Шамсун паридек ёримиз бизни йўқлаб келган экан деб, ёрина қараб бир сўз айди:

Шамсунжоним ишқингда девона бўлмагунча,
Бел боғлаюб йўлинға мардона бўлмағунча,
Ким кўрмадим санингдай мастона бўлмағунча,
Ёр юзингни шамиға парвона бўлмағунча,
Боша маломат етмай афсона бўлмадим ман.

Сансиз манго нигоро, икки жаҳон керакмас,
Тахти рахти Сулаймон икки жаҳон керакмас,
Ҳизру Илёс умри оби ҳайвон керакмас,
Сан бўлмасанг қошимда манго жаҳон керакмас,
Жони таним қолмади, жонона бўлмадим ман.

Олам куяр ўтима, оҳ айласам бу соат,
Инсу жинлар титрашур айтур нечук аломат,
Дев, парилар етмайин айтур нечук бу офат,
Оҳим чиқса заррача қолмас ҳеч ким саломат,
Етмас санго бу нолам, сўзона бўлмадим ман.

Ошиқ бўлиб куну тун жонинг қурбон айлагил,
Ҳажри меҳнат балосин доим меҳмон айлагил,
Етса жавру жафолар элдин пинҳон айлагил,
Зулфи жабин куфрни доим имон айлагил,
Жонни жона қўшмадим, жонона бўлмадим ман.

Номус этмай ҳеч кимдин йўлға қадам урибман,
Булбулигўё йўлинда машаққатлар чекибман,
Восил бўлмай булбулга тош сурати бўлибман,
Ошиқ бўлиб туну кун Шамсун санго келибман,
Тондим дилбар ўзингни сўзона бўлмадим ман.

Туну кун майлар ичгил, билгил ишрат ғанимат,
Шаҳриёр дер дўстларим, ёрим бу дам ғанимат,
Булбулигўё ишқидин манго бу дам ғанимат,
Кўрмай Шамсун юзини юрсам бўлур қиёмат,
Жони таним қолмади, жонона бўлмадим ман.

Алқисса, Шаҳриёр бу мухаммасни айтғач, қўлини Шамсунпарининг бўйниға солиб, йиғлаб эрдилар, Шаҳриёр кўрдиким, ниҳояти кўп лашкар келиб шаҳарнинг атрофини қуршаб тушдилар. Шаҳриёр кўрдиким, ҳар бир нозанинлар бор эрдилар, гўё ҳурға мангзар, хусусан ўртасинда бир от бор, ҳеч ким жаҳонда андоғ отни кўрган ва эшитган эрмас. Они кўриб Шаҳриёр ақлини йитирди. Шул вақтда Анжум пари оғасиға қараб, зор-зор йиғлаб бир сўз айди.

Жонлар тасаддуғинг бўлсин Шаҳриёр,
Тушди боша на иш баён айлагил.
Аҳволинга раҳм айлади биру бор,
Лашкарини тилда давон айлагил.

Кўр бу дам очилди гулшани коминг,
Етди камолина сарви хироминг,
Айши роҳат ила эмди мадоринг,
Хотирингни ғамдин омон айлагил.

Шуҳратинг оламни тутар бегумон,
Шаҳаншоҳсан сенсан жаҳонға аён,
Тахту фармонингда бўлур инсу жон,
Адлингни оламға арзон айлагил.

Ҳақ санинг умрингни айласин дароз,
Зийнатинг дарозу, давлат сарафроз,
Дўст ила ағёринг айла имтиёз,
Ўз мулкинга бориб макон айлагил.

Бечора Анжумни оҳ ила зори,
Сансиз асло йўқдур сабри қарори,
Толибинга боқиб эй Шаҳриёри,
Ғунча лабинг очиб хандон айлагил.

Алқисса, андин сўнг Шаҳриёр кўзини очиб кўрса, синглиси Анжум пари турур. Шаҳриёр ериндин туриб, отдан кўтариб олиб, зор-зор йиғлаб юртини сўраб бу ғазални ўқиди:

Жонлар бўлсин тасаддуғинг Анжумжон,
Отам-онам бағри дишлар омонми?
Бир мактаб ичинда ўйнашиб кулган,
Бирга газган данги душлар омонми?

Майдон ичра нар туядин маст бўлғон,
Ғанимни кўрганда забардаст бўлған,
Рақиблар олдинда мудом паст бўлғон
Жунби жўшан олтин пўшлар омонми?

Мадраса ичинда олиму омил,
Ҳар илм ўқиса таълима комил,
Фарзанди Муртазо авлоди Расул,
Хўжа, Саид гўззи ёшлар омонми?

Ҳуснини бир кўриб кетди қарорим,
Кеча-кундуз улдир оҳ ила зорим,
Мақсадим, муродим, севгили ёрим,
Шамсун каби қалам қошлар омонми?

Ғамдин халос бўлди бу дам Шаҳриёр,
Лутфи карам қилди бу дам биру бор,
Толиб каби ёр йўлинда интизор,
Анда қолғон ёзу қишлар омонми?

Алқисса, андин сўнг Шаҳриёр айди эй Анжумжон бу жойлара ничик келдингиз, манинг тош бўлғонимни кимдин эшитдингиз, агарчи сиз келмасангиз яна бир неча йиллар тош бўлиб қолур эрдим. Шукр алҳамдулилло сизни кўрдим деб йиғлади. Шунда Анжум пари бир ғазал ўқиди:

Қодир мавлон раҳм айлади ман зора,
Лавҳу қалам, арши аъло етирди.
Қилма расво етмас бурун дийдора,
Шамси Қамар арзи само етирди.

Шафқати нозилдур жумла жаҳона,
Кўпдир илтифоти яхши ёмона,
Суд ишимни қўйма бугун зиёна,
Карам айлаб мани пирлар етирди.

Ҳеч киши юрмасин ман каби ҳайрон,
Ман санинг куйингда бўлиб саргардон,
Қайғу кулфат бирла бўлиб бу замон,
Ҳалол этиб Одам ато етирди.

Барчанинг ғамхори ҳазрати Субҳон,
Ҳар балодин мани сақлади омон,
Ҳазрати Сулаймон шоҳи инсу жон,
Биби Марям ул Масиҳо етирди.

Анжумнинг оҳидин ўртанур афлок,
Тиғи ҳижрон кўксин айламиш минг чок,
Толибу маҳзунни қуймағил ғамнок,
Шому саҳар ҳамду сано етирди.

Алқисса, андин сўнг айди: Эй Анжумжон, бу от яроғлар Сулаймон пайғамбарники турур, булар муродима етурди. Эмди бу нисбатларга сиз муносибсиз деб, дуо қилди. Андин сўнг Шаҳриёр аспи жаҳонгирни минди. Булбулигўёни қўлиға олиб тамоми моҳирўйлари бирла ҳовузи чиннинг ёниға бордилар. Созу суҳбат қурдилар, тамоми паризодлар хизматға эндилар. Шамсун пари бирла Шаҳриёр кеча кундуз бир-бирларини бўйниға қўл солиб, дунёнинг ўтганини билмадилар, ҳунуз бир кечача бўлмади. Бир куни Анжум пари Шаҳриёри оламға айди, эй оға, манда бир нимарса бор турур, кўргил деб кисасидин чиқариб берди. Шаҳриёр кўрдиким бир тарафи лаъл турур. Мундоқ нимарсани ҳануз кўрганим йўқтур дегач, Анжум пари бояги қилни суртиб эрди. Бир қиз бўлдиким жаҳонда тенги йўқ эрди. Шаҳриёр айди, эй ҳамширам ва эй жигаргўшам, бу на қиз турур? Анжум пари жавобинда бошиндин ҳарна ўтган воқеани баён қилиб бир ғазал ўқиди:

Ямандин чиқибон тушдим чўллара,
Юрубон оғажон ҳайронлар бўлдим.
Сўроғинг олибон элдин эллара,
Хабаринг билмайин ҳайронлар бўлдим.

Келурдим тоғларда қилмай андеша,
На савдолар тушди, оғажон боша,
Ногоҳон учрадим ажиб дарвеша,
Қўл кўтариб, онинг дуосин олдим.

Бир ўқ урдим қора тоғи йиқилди,
Оқ тоғ олиб мани шаҳрина келди,
Никоҳ этиб манго қизини берди,
Заҳҳокни қизини сан учун олдим

Заҳҳок йўл кўрсатди дарёдин ўтдим,
Аспи Жаҳонгирни борибон тутдим,
Сулаймон юзигин алима солдим,
Дев, пари- барини мусаххар қилдим.

Анжум пари айтур эмди муножот,
Ничча меҳнат бўлди бошима бунёд,
Заҳҳокни қизидур Жайҳун паризод,
Олғил омонатни ман сизга бердим.

Алқисса, Анжум пари айди, бу Заҳҳокнинг қизи турур, деб бўлғон воқеаларни бир-бир баён қилди. Яна айди, манго бу қизни бердилар ман сизнинг учун никоҳ этиб олдим. Анда оғаси айди, офарин синглим. Сан бу ҳимматларни қилмасанг эрди, ман тош бўлиб қолур эрди. Андин сўнг аспи Жаҳонгирга айди, бу Анжум пари манинг синглим турур, бу қиз турур. Жайҳун парини олсак, бу нечук бўлур, Шамсун пари ҳам қабул қилурми деб кенгаш қилди. Анда аспи жаҳонгир таъзим қилиб, бориб, Шамсун парига бир-бир баён қилиб айди. Шамсун пари айди, на бўлғай, анингдай соҳибжамол йигитларнинг ҳар мучасина бир моҳирўй паризод бўлса арзир деб бир сўз айди:

Эшит сўзим аспи жаҳон, Келган бўлса бори сафо,
Изинга қайтмоғинг керак. Кундашлик айласа манго,
Манда рашк йўқдир бу замон, Қилмасунлар мандин ибо,
Борибон айтмоғинг керак. Айтғоним айтмоғинг керак.

Кўзима кўринмас жаҳон, Кирсам ёримни қўйнина,
Садоғанг бўлай бу замон, Солсам қўлимни бўйнина,
Борғил айтиб аспи Жаҳон, Олиб келган бул қизина,
Олдинда турмоғинг керак. Тўй томоша этмоқ керак.

Шамсун қолиб, оҳу зора, Бориб айтинг Шаҳриёра,
Юраклари юз минг пора, Кўнглини хуш этмоқ керак.

Алқисса, Шамсун пари айди, эй аспи жаҳонгир, бизлар иккимиз турурмиз, деб, ўзи хизмат қилиб етти кеча-кундуз тўй бериб Жайҳун парини иқди никоҳ қилдилар. Ондин сўнг моҳирўйлар бирла қандай кун ўтганини билмадилар. Алқисса, бир неча кунлар шаҳри Зарринда бўлдилар. Бир куни Шаҳриёр оҳи сар тортиб айди, эй аспи Жаҳонгир, вафодор бизнинг ота-онамиз бор турур, кўнглимиз аларни орзу қиладур деб бу ғазални ўқиди:

Аспим эшит маслаҳатим бор санго,
Ничча кундур томошалар этарман.
Ничча йиллар заҳмат чекдим бошима,
Билсанг энди ўз юртимға кетарман.

Булбул деб югуриб ман неча йиллар,
Йўлинда ранж чекдим бўлибон қуллар,
Тақдири худодин келди Шамсунлар,
Билсанг энди ўз юртимға кетарман.

Аммо Шаҳриёр бу ғазални ўқигач, айди ота-онамга борсам, ижозат борми эркан, деди. Анда аспи жаҳонгир айди, соҳиби ихтиёр сиз. Бизларга кенгаш қилмай қўйинг. Ҳоло сизнинг қўлингизда бизлар хизматкор турурмиз, ҳарна қилсангиз ихтиёр сизда, ҳарна хизмат бўлса қилурмиз деб, Шаҳриёрға таъзим қилди. Агар сиз Қўҳи қофни кўчириб олиб кел десангиз они ҳам қилурмиз, деди. Андин сўнг Шаҳриёр олтин косани илкина олиб, кўрдиким

бир хат бор турур. Они ўқиб, дам бериб айди, эй қалъаи Заррин, бу ердин, ғойиб бўлғил, тамоми моли дунёнг бирла дегач, тамоми шаҳар ғойиб бўлди. Шаҳриёр аспи Жаҳонгирни миниб, тамоми моҳирўйларни олиб, андоғ учдиларким, кўзи ҳеч нимарсани кўрмади. Етти кеча-кундузда Шаҳриёрнинг аввалги чорбоғина бордилар. Намозшом чоғи эрди, бу ишдин ҳеч кишининг хабари бўлмади. Алқисса, Шаҳриёр ўз чорбоғининг соғ тарафинда туриб, кумуш косани олиб, бир хатни ўқиб, дам берди. Шаҳри Заррин тамоми моли асбоби бирла ҳозир бўлди. Бир зумда гўё қоронғу кечада офтоб чиқгандек бўлди. Андоғ жило бердиким, мағрибдин то машриқ кўринди. Булбулигўёни осиб, жами паризодларни боға юбариб, завқу-шавқ бирла нағма туздилар. Шаҳриёр париларга қараб ўз юртига келганидан вақти хуш бўлиб бир сўз айди:

Шукр Ҳақнинг даргоҳина,
Бугун ўз жойима галдим.
Гашт этибон эл борина,
Гўрмадик жойларга бордим.

Тушиб эрдим элдин жудо,
Лочин каби кўлдин жудо,
Булбул каби гулдин жудо,
Яна гулконима галдим.

Ошиб кетдим неча доғлар,
Оламга солиб сўроғлар,
Олиб неча паризодлар,
Яна ўз боғима галдим.

Йўқ эди мани қарорим,
Қўйиб эрдим номус, орим,
Насиб бўлди Шамсун ёрим,
Олиб ўз жойима галдим.

Галдим отимни сакратиб,
Дев, париларни банд этиб,
Булбулигўёни олиб,
Яна ўз боғима галдим.

Шаҳриёр дер отам-онам,
На иш бўлгонин билманам,
Аспим санго арз айларам,
Бугун ўз жойима галдим.

Алқисса, бу сўздин сўнг Шаҳсувори олам эшитиб, боға келиб, Шаҳриёрнинг бошидин айланиб зор-зор йиғладилар. Шул вақтда Шаҳриёр ота-онасиға қараб бир сўз айди:

Ман кетдим узоқ йўллара,
Ота-онам гўришали.
Газибман чўлдан чўллара,
Ота-онам гўришали.

Гашт этдим булбулни излаб,
Ҳар ера бордим сўроғлаб,
Қолиб эрдинг отам йиғлаб,
Ота-онам гўришали.

Боғимда очилур гуллар,
Сайрашур неча булбуллар,
Бугун ёд этарман сизлар,
Сизлар билан гўришали

Ничча гун газдим жаҳонни,
Қолмади кўнглим армони,
Гатирдим булбулигўёни,
Ота-онам гўришали.

Ҳар ерда бўлса Шаҳриёр,
Сақласин ўзи биру бор,

Худодир барчага ғамхор,
Ота-онам гўришали.

Алқисса, андин сўнг, ота-онаси бирла кўришдилар. бўлғон воқеаларни бир-бир баён этдилар. Шаҳсувори олам боласи келгани учун худоға бисёр шукр қилар, хушвақт бўлиб, ничча жониворларни сўйиб тўй бердилар.
Халойиқ кўрдиким, бир қалъа тамоми олтиндин турур, они кўриб ҳайрон бўлдилар. Бу қалъа қайдин пайдо бўлди деб. Анда бир одам айди, Шаҳсувори оламни ўғли Шаҳриёри олам булбулигўёни олиб келибдур. Шул олиб келган бўлғай яна айди, ул булбулигўё қалъаси бўлса анго бир киши бора билмас. Анда дев -парилар бор деб қўрқишдилар. Алқисса, бу воқеани Доробшоҳ эшитиб, Сарҳан вазирина айди, эй вазир борғил, бир ничча лашкарлар бирлан. Бу айтғон сўзлар ростму, ғалатму? Агар рост бўлса, бу силсилаи шавкат бирла, ул қалъаға бормағил, Шаҳсувори олам хизматиға борғил, анга айтғил, Доробшоҳ Шаҳриёри оламнинг келганина ва бу давлатни Олло таоло муяссар қилғонина хушвақт бўлди, бизни муборакбодға юбордилар деб айтғил. Яна айтғилки, агар розилик берсалар, подшо ҳам келмоқчи деб ифода қилғил деди. Эрса вазир Шаҳриёри оламға подшонинг батамоми айтғон сўзини тақрир қилди. Андин сўнг айди, бизга ижозат борму, шаҳарга келсак, деди. Анда Шаҳсувори олам айди, эмди бу ерга келиб, Шаҳриёрни кўриб, ўзи бирла сўзлашмай кетармисан, деди. Вазир айди, алар бирлан нерда мулоқот қилурмиз, деди. Эрса Шаҳсувори олам ериндин туриб, чусти чобук юрди. Шаҳри Зарринга борди, Шаҳриёри оламға қараб бир сўз айди:

Эй жон ўғлим, Дороб подшоҳ,
Санго дуо қилғон эрмиш,
Келганинга хушвақт бўлиб,
Вазирин юборган эрмиш.

Вазир келмишдур боғинга, Ўғлимжон боғинга борғил,
Тушубдур оқ ўтоғинга, Вазиринг сўзини олғил,
Ўғлонни келтирмоғина Қайтариб они юборғил,
Вазирин юборған эрмиш. Подшо ҳам мунтазир эрмиш.

Боғингда очилур гуллар, Ҳайрон бўлурлар боғинга,
Юз алвон сайрар булбуллар, Келтирмадим ман ёнинга,
Подшони ўзи келарлар, Олиб келган бул шаҳриннга,
Ўзим бориб кўрсам дермиш. Ҳаммалари ҳайрон эрмиш.

Бериб давлат санго Жалил, Келибман отанг, Шоҳсувор,
Уларға айлагил вакил, Ерингдин турғил, Шаҳриёр,
Қўлдасин Иброҳим Халил, Боғингда вазир интизор,
Подшо сани кўрсам дермиш. Кўрмай сани қайтмас эрмиш.

Алқисса, Шоҳсувори олам, бу жавобни айди, подшо вазирини юбарибдур, сизни муборакбод этмоқға ҳоло мунтазир бўлиб ўлтирур, анго борсангиз, деди. Агар сиздин ижозат бўлса, подшо ҳам келур деб, Шаҳсувори олам бир-бир баён қилди ва Шаҳриёр ҳам ажаб бўлғай деб, ўрниндин қўпди, ич-

карига кириб, Шамсун пари бирла Жайҳун парилар бирла кенгашиб бир сўз айди:

Эшитинглар, икки гулим, Келганимни билиб алар,
Доробшоҳдин вакил келмиш. Доробшоҳдин вазир келмиш.

Икки парим беринг кенгаш, Билмам нима деюб онлар,
Подшо биздин хабар олмиш, Бошиға тушубдур ғамлар,
Вазирин биза юбормиш, Кенгаш беринглар эй парилар,
Доробшоҳдин вакил келмиш. Доробшоҳдин вазир келмиш.

Манго жавобин беринглар, Шаҳриёр дер оҳ айласам,
Эмди маслаҳат этинглар, Вазирни ёнина борсам,
Сўзни бир ерда қўйинглар, Вазира жавобин берсам,
Доробшоҳдин вакил келди. Доробшоҳдин вазир келмиш.

Алқисса, андин сўнг айди, подшо бизни муборакбод қилишға келур. Ҳоло вазир келибдур. Подшо ҳам келсинму деб сўраб турур, деди. Анда икки паризод айди, бу жавобни аспи жаҳонгирдин сўранг, они билмас нимарсаси бўлмас, ул на деса онинг бирла бўлинг, деди. Андин сўнг аспи жаҳонгирни келтирдилар, Шаҳриёр аспи жаҳонгирни олдинда воқеаларни бир-бир баён қилди. Аспи жаҳонгир Шаҳриёрни бир пинҳон ерга чақириб айди, Доробшоҳ сенинг отанг турур, эмди тонушурсан деди. Шаҳриёр айди, не дерсан, Доробшоҳ манинг отам бўлса, мундоғ эрканман, келганимдин бари ничча вақт бўлибдур, шундин бери келмасму, деди. Анда аспи жаҳонгир айди, Доробшоҳ сани ўз ўғли эрканингни билмас, агар билса эрди, йўлингда ўзини қурбон қилур эрди, деб бир сўз айди:

Эшит сўзим, эй Шаҳриёр, Отангиз эрур Доробшоҳ,
Аввал худо хор айлади. Фарзандсиз эрур бесизо,
Охиринда давлат бериб, Сани барди анго худо,
Санго ўзи ёр айлади. Яна олиб зор айлади.

Отанг, онангни аввалам, Олибдур ул Гулчеҳрани,
Тушди бошина турфа ғам, Тўй этиб кундуз- кечани,
Рақиблар айириб саннан, Ҳайрон айлаб бир нечани,
Яна санго зор айлади. Яна они зор айлади.

Олди отанг ким Гулистон, Сўнгра отанг орзу айлаб,
Ойинг бирла бўлди ҳар он, Гулустунни олди сайлаб,
Сўнгра этиб бағрини қон, Яна они қўйди ташлаб,
Ўзидин безор айлади. Ишини озор айлади.

У дам худо раҳм бирла, Аспи жаҳон дер Шаҳриёр,
Қолдинг онангни бўйина, Онанг ғариб, меҳнат чекар,
Итбачча солиб қўйнина, Икки боладин айрилиб,

Душманлар бекор айлади. Доим иши зор айлади.

Алқисса, аспи жаҳонгир бу ғазални ўқиб, тамоми воқеаларни баён қилди. Шаҳриёр ҳам билдиким, асли Доробшоҳнинг ўғли турур. Айди, аспи жаҳонгир яна, сизлар онадин туғилганда кучук туғди деб, Анжум парини туғғанда пишик бачча туғди деб, чўлга қувдилар. Ул онанг ҳоло бор турур. Бир пири зан кампир бирла маош қилиб ўлтирғондир деб тамоми воқеани Шаҳриёри оламға бир-бир баён қилди. Шаҳриёр бетоқат бўлиб айди, эмди онамизга киши юбариб бўлурми, анда аспи жаҳонгир айди, меҳмонларни узатиб юбаринг, ондин сўнг олиб келурмиз, жойини ман билурман, деди. Шаҳриёр айди меҳмонларни қошиға на сўз бирлан бориб не жавоб берали, деди, анда айди, эй Шаҳриёр, яхши жавоб қилинг, Доробшоҳ бизга юз минг киши бирла меҳмон бўлсин, дегил. Бу сўз бирла Шаҳриёр вазирнинг ёнина бориб дуо қилдилар, дуодин сўнгра вазир Доробшоҳнинг сўзини бир-бир баён қилди. Анда Шаҳриёр айди, бориб Доробшоҳға айтғил, юз минг лашкари бирла келиб биза меҳмон бўлсин, деб вазирни қайтариб юбарди. Вазир бориб, Доробшоҳға бир-бир такрир қилди. Яна Шаҳриёр айди, эмди бориб, онамизни олиб келсак, деди. Анда аспи жаҳонгир хуш бўлғай деб, устина миндириб, дарҳол олиб борди. Ногоҳ бир казо кўринди. Ул казода Гулчеҳра пари юзини гарди ғубор босиб турур. Аспи жаҳонгир айди, ўлтирғон санинг онанг турур, пиёда онинг қошиға борғил, бошинда бир замон ўлтирғондин сўнг, ўтган саргузаштасин сўрағил, анда санго тамоми ўтган воқеаларини баён этур, деди. Андин сўнг Шаҳриёр салом бериб ичкари кирди. Ул заифа алик олиб Шаҳриёрға жой бердилар ва айдилар, эй яхши йигит хабар сиздин турур, қайдин келурсиз ва қайда борурсиз? Анда Шаҳриёр айди Ямандин келурман, кўзим ерга тушди деди, анда ул пири зан айди, ўлтирғон заифа Доробшоҳнинг севгили хоними эрди, оти Гулчеҳра паридур яна икки хотини душманлиғ қилиб кучукбачча, пишикбачча туғди деб чандон йилдин бери қувиб юбордилар, андин бери бизнинг бирла, қошимизда маош қилиб, овқатгузарлик қилиб ўлтирубдур, деди. Шул вақтда Гулчеҳра парининг эмчагидан сут равона бўлди, они кўриб зор-зор йиғлади, анда Шаҳриёр сўрдиким, на учун йиғлайсиз, деди. Анда Гулчеҳра пари чандон йилдин бери кўр бўлғон эмчагидин сут равона бўлди, бу на сирдурким ё фарзандим иси келурми деб, пири занга қараб бир ғазал ўқиди:

Эшит сўзим эй онамжон, Бошимдин учди кулфатим,
Эмчагима сутим келди. Бугун туйдим фараҳ елин,
Жонимдин ортиқ меҳрибон, Айрилиқдин қон ютарман,
Эмчагима сутим келди. Кўзларима нурлар келди.

Кўздин ёшларни сочарман, Ниқобин юзидин олса,
Ўғлим деб гумон этарман, Жамолинг бир кўрсатса,
Бағримни бирён этарман, Бугун мани ҳолим сўрса,
Эмчагима сутим келди. Бу йигита меҳрим келди.

Юзинг очғил ниқобдорим, Гулчеҳра дер нетай жоним,

Сан бўлғайсан номус орим, Куяр бўлди усти хоним,
Бир кўрмасам йўқ қарорим, Бўлғайсан манинг дармоним,
Фарзандим деб меҳрим келди. Фарзандим деб меҳрим келди.

Алқисса, бу ғазални ўқиб зор-зор йиғлади. Эрса Шаҳриёри олам ериндин туриб, онасини қучиб айди, эй кўзимнинг равшани онам, бул вақтда кучукбачча туғди деган ўғлинг манман, яна пишикбачча туғди деган қизинг Анжум пари турур, уйда қўйибман деб, бўйниға осилди, эрса дарҳол Гулчеҳра беҳуш бўлиб йиқилди, ўзини билмади. Шаҳриёр юзина гулоб сувини сепди, ўзина келди, яна қучоқлашиб кўп йиғлашдилар. Ондин сўнг Шаҳриёр онасиға қараб ман санинг ўғлингман, деб бир сўз айтишгани бу турур:

-Икки болам йўқ деб гумон айлама,
Ман ўғлингман онажоним омонми?
Қайғу ҳасрат бирла рангинг сўлдирма,
Ман ўғлингман онажоним омонми?

-Санинг боринг билмас эдим ўғлимжон,
Жайрон кўзли бир мазолим санмисан?
Қайта бошдин биза берди тоза жон,
Жайрон кўзли бир мазолим санмисан?

-Йўл устиннан мани дўғма олибдур,
Шаҳсувор оламға мани берибдур,
Жони бирла мани парво қилибдур
Ман ўғлингман, онажоним омонми?

-Ничча вақтлар бошим қолди думона,
Рақиблар ўқина бўлдим нишона,
Болам бори манго эрди гумона,
Жайрон кўзли бир мазолим санмисан?

-Улуғ бўлиб ажаб боғлар солдирдим,
Ичинда юз турлик гуллар экдирдим,
Онам, ҳолинг кўриб, рангим кетирдим,
Ман ўғлингман, онажоним омонми?

-Икки кундаш келиб теграм олдилар,
Синглингни ўрнина пишик солдилар,
Туганмас савдоға мани қўйдилар,
Жайрон кўзли бир мазолим санмисан?

-Булбул дедим истаюбсан ман кетдим,
Шамсун пари, Жайҳун иккисин олдим,
Шаҳри Заррнинг париларин келтирдим,

Ман ўғлингман, онажоним омонми?

-Насимийдай гўё терим сўйдилар,
Таёқ олиб чўлдин чўла қувдилар,
Ит туғди деб манго туҳмат қилдилар,
Ман онангман, болажоним омонми?

-Шаҳриёр дер, яхши -ёмон билмаган,
Онаси юзини тўйиб кўрмаган,
Кўкрагиннан меҳр сутин эммаган,
Ман ўғлингман онажоним омонми?

-Ничча йилдир масканимдир биёбон,
Зиндон бўлди манго бу ёхти жаҳон,
Шукр олло юзинг кўрдим ўғлимжон,
Ман онангман болам жонинг омонми?

-Гулчеҳра ўғлингни юзинда парда,
Тараҳҳум айлагил бу оҳу сарда,
Ўғлиммисан ростин дегил бу ерда,
Жайрон кўзли бир мазолим санмисан?

Алқисса, она-ўғил бу жавобни айтишиб йиғлашдилар. Андин сўнг Шаҳриёр Гулчеҳра бирлан пири Занни аспи Жаҳонгир бирла шаҳри Зарринга олиб келди. Шамсун пари, Жайҳун пари таъзим бердилар. Таъзимларини баржой қилиб ўлтирдилар. Ондин сўнг Анжум пари онасига қараб бир сўз айди:

Фарзанд жамолин кўрмаган, Онам борини билмадим,
Онажоним кўришали. Жамолин тўйиб кўрмадим,
Ҳаргиз меҳнатдин чиқмаган, Меҳринг сутини аммадим,
Каъбам онам кўришали. Каъбам онам кўришали.

Онажоним ничча йиллар, Икки кундаш ёнинг олган,
Бошинга тушди мушкуллар, Мани олиб пишик солган,
Масканинг бўлибдур чўллар, Шул болангман қора кийган,
Онажоним кўришали. Онажоним кўришали.

Анжум айтур онажоним, Хуш келибсиз онажоним,
Кўзларидин оқар қоним, Каъбам онам кўришали.

Алқисса, Анжум пари бу сўзни айтғонидин сўнг онасининг бошидин айланиб андоғ йиғлашдиларким, замину замон, манзилу макон дар нола бўлди. Ондин сўнг Гулчеҳра пари ҳам бошидин ўтганини бир-бир баён қилиб, болаларига қараб бир сўз айди:

Шукр ҳақни даргоҳина, Подшо бирлан неча кунлар,

Болаларим юзин кўрдим. Суриб ман даври давронлар,
Севиндим минг бир одина, Жудолик солди ул онлар,
Болаларим юзин кўрдим. Фарзандларим юзин кўрдим.

Анжумжоним сан бўлғанда, Ничча йиллар чекдим ҳижрон,
Пишикбаччани қўйғанда, Ичимда қолмади армон,
Охири бўлди шарманда, Икки гулим, сан қизимжон,
Фарзандларим юзин кўрдим. Болаларим юзин кўрдим.

Шамсун бирла Жайҳунжоним, Гулчеҳра дер чекдим меҳнат,
Ҳақ сақласин Шаҳриёрим, Яна берди манго роҳат,
Анжумжоним меҳрибоним, Шукр олло дам ғанимат,
Болаларим юзин кўрдим. Фарзандларим юзин кўрдим.

Алқисса, андин сўнг булар айшу ишратда бўлдилар эмди сўзни вазирдин эшитинг. Вазир бориб Доробшоҳга Шаҳриёрни андоғ таъриф қилиб айдиким, ҳисобиға доғ келмас. Ондин сўнг Шаҳриёри олам на сўз айтиб эрди, Доробшоҳга барчасини бир-бир баён қилди. Яна айди Доробшоҳ юз минг киши бирла бизга меҳмон бўлсинлар деб, Шаҳриёр таъзим қилиб юбарди, деди. Доробшоҳ айди, эй умаролар бул нечук воқеа турур, ҳаддин ташқари, деди. Онда вазирлар айдилар, ажабми, андоғ бўлмоқни худои таоло ҳаммага ҳам насиб қила бермайди. Агар худои таоло ҳохласа, қулни ҳам султон қилур, анга подшолиғ сазовор қилур деб жавоб бердилар. Эрса подшоҳ айди, андоғ бўлса, лашкар жам бўлсинлар, яна айди, эй вазирлар маслаҳат бирлан борсак яхшиму, бормасак яхшиму деб қўлина созина олиб бир сўз айди:

Улли -киччи халойиқлар билинглар,
Бу на сирдир эшитинглар ёронлар.
Эмди маслаҳатни манго беринглар,
Бу на сирдир эшитинглар ёронлар.

Шаҳсуворнинг ўғли на иш этибдур,
Шаҳри зарни кўчирибон келибдур,
Манинг бу бошима қайғу тушубдур,
Бу на сирдир эшитинглар ёронлар.

Эмди манинг подшолиғим гумона,
На манда зурёд бор на бир нишона,
Вазир, вакил бошим қолди думона,
Бу на сирдир эшитинглар ёронлар.

Шаҳриёр айтибдур мунда келсин деб,
Юз минг киши бирла меҳмон бўлсин деб,
Шаҳри Заррин томошасин қилсин деб,
Бу на сирдир эшитинглар ёронлар.

Далил ўқи бирла борған яхшими,
Ё ўлгали ташлаб қочған яхшими,
Боша галганини кўрган яхшими,
Бу на сирдир эшитинглар ёронлар.

Доробшоҳ айтадур, эмди вазирлар,
Маъқул бўлса олдимиза тушинглар,
Ҳарна маслаҳатни бўлса боринглар,
Бу на сирдир эшитинглар ёронлар.

Алқисса, Доробшоҳ бу сўзларни айди, вазирлар айдилар эй подшоҳи олам, ҳарна бўлса бормоқ керак дедилар. Эрса подшо улли-киччи жам бўлиб, юз минг киши бирла юриш қилдилар. Шаҳриёри олам паризодларини йиғнатиб, андоғ ҳукм қилдиким, юз минг олтин товоқ, юз минг олтин коса, юз минг зумуррад ёқоли тўн, юз минг лаъл тузилган жулли от тайёр қилинглар. Бу ердин лаъл, ёқут сочинглар то Яман дарвозасиға борғунча деб буюрди. Эрса паризодлар айтғонидек қилдилар. Эрса Доробшоҳ дарвозаи Ямандин чиқди, кўрдиким поёндоз тўшаб турурлар, тамоми лаълу ёқут тўкилган. Аларни кўриб Доробшоҳ офарин, деди. Бу сифат бирла қалъаи Зарринга етдилар. Кўрдиларким турфа қалъа турур. Тамоми ери олтиндин. Ичинда лаълу жавоҳир тўкилган. Хусусан ўртасинда бир кўшк бор турур. Кўрган кишининг ақли ҳайрон бўлур. Алқисса, Доробшоҳ ҳуд ё ноҳуд бўлиб борур эрди. Ногоҳ кўрдиким, неча паризодлар, ничча минг девлар бирла Шаҳриёр аспи жаҳонгирни минган, тўнини кийиб, дасторини бошина чулғаб, қамарини белина боғлаб, Доробшоҳнинг олдина чиқдилар. Доробшоҳ жами халойиқни кўриб, беихтиёр бўлиб, ҳоло ҳам юзинда ниқоб бор эрдилар йўқса ҳамма халойиқ етти кеча-кундуз ерга ётиб қолур эрди. Алқисса, булбулигўё сайраб юбарди, бу сифат иккиси отдин тушиб, Шаҳриёр бирла кўришдилар. Шаҳриёр отасиға қараб хуш келдилар деб бир ғазал ўқиди:

Қадам босиб келдинг бизнинг эллара,
Хуш келибсиз бош устина азизим.
Булбул учиб-қўнсин энди гуллара,
Хуш келибсиз бош устина азизим.

Ҳовузи чин бўйинда Ҳиргоҳ қурилган,
Ничча минг созларни бори тизилган,
Муғаннийлар ҳаммалари йиғилган,
Хуш келибсиз бош устина азизим.

Устингдин подшоҳим дурлар сочилсин,
Олтин косаларда майлар ичилсин,
Соз созланиб бу кўнгиллар очилсин,
Хуш келибсиз бош устина азизим.

Шаҳсувор ўглиман отим Шаҳриёр,
Муяссар айлади ўзи биру бор,
Тахт устина чиқиб айлагил қарор,
Хуш келибсиз, бош устина азизим.

Алқисса, ҳовузи чин бўйина бориб, дуо қилдилар ва таом келтирдилар, тамоми олтин табоқда. Андин сўнг созу суҳбатга машғул бўлдилар. Андоғ соз қилдиларким дунёда андоғ соз бўлғон эрмас эрди. Андин сўнг булбулигўёни келтирдилар, андоғ сайрадиким, халойиқлар ҳаммаси беҳуш бўлдилар, етти кеча-кундуздин сўнг яна сайради, ўзларина келдилар. Алқисса, Доробшоҳ буларни кўриб, таҳсини офаринлар айди. Алқисса, неча кунлар мунда бўлдилар. Бир куни Доробшоҳ, Шаҳриёрдин ижозат тилади. Эрса Шаҳриёри олам лаъли жавоҳир ва табоқ ва косалардин ҳар ким олғанича олсин, ҳеч қандай маън йўқтур, деб ҳар ким олғанича олдилар. Алқисса, ижозат олиб қайтдилар. Йўлда борур эркан, Доробшоҳ вазирина қараб айди, эй вазири доно бу на воқеа турур, жаҳонда мундоғ нимарса кўрганим, эшитганим йўқ эрди. Вазир айди, ҳақ таоло бериб турур, зиёда бўлсин, деди. Доробшоҳ айди, биз ҳам меҳмон қилсак, бўлғайму, бор нимарсани иззат қилсак. Вазир айди, қоида турур. Бизлар сиза айто билмас эрдик, деди. Эрса подшо айди, борғил ифода бирла айтғил, бизни писанд қилиб келурми ёки келмасму, деди. Вазир Шаҳриёрнинг ёниға бориб таъзим қилиб бир сўз деди:

Эшит сўзим Шаҳриёрим, Мунда келсин аҳли бирлан,
Подшо сиза салом деди. Ничча пари, девлар бирлан,
Қадам босиб кулбамиза, Суҳбат этсиз бизлар бирлан,
Биза меҳмон бўлсин деди. Бизнинг жойни кўрсин деди.

Истаги санинг висолинг, Ишинг санинг доим ривож,
Кўрмак истайди жамолинг, Ер юзиннан оларсан бож,
Подшо бўлиб оҳу зоринг, Вазир айтар бошингда тож,
Қадам ранжа қилсин деди. Биза меҳмон бўлсин деди.

Алқисса, Сарҳан вазир бу сўзни айди, эй Шаҳриёри олам, бизнинг подшоҳимиз сизни келиб меҳмон бўлсин деб бизни юбарди деб, сукутда турди. Шаҳриёр ичкари кириб, аспи жаҳонгирга машварат қилди. Анда аспи жаҳонгир отанг бирла тонишмоқ муборак бўлсин деб бир ғазал ўқиди:

Қулоқ солғил Шаҳриёрим, Яман бориб элинг бирлан,
Эмди сан отлансанг керак. Ничча пари, девинг бирлан,
Юзингдин ниқобинг олиб, Қарши бўлиб отанг бирлан,
Жамолинг кўрсатсанг керак. Бир-биринг танисанг керак.

Отанг эрур Дороб подшо, Хабар этиб эл борини,
Фарзанд учун бўлған гадо, Дев, парилар сардорини,
Мақсадингни бериб худо, Отангнинг ким, висолини,
Эмди тахта минсанг керак. Онинг бирла етсанг керак.

Сан борингни отанг билмас, Отим мани аспи Жаҳонгир,
Синглингни ҳам борин билмас, Шаҳриёри бўлсанг далил,
Онангни кўз ёши тинмас, Отанг бирла вазир, вакил,
Сан ани тиндирсанг керак. Ўзинга қаратсанг керак.

Алқисса, аспи жаҳонгир бу сўзни айди, эрса Шаҳриёр вазирга айди, сабо бирлан бориб меҳмон бўлурмиз деб қайтариб юбарди. Вазир қайтиб Доробшоҳга айди, эй шоҳим, эртанг бирла меҳмон бўлурмиз деб айди. Алқисса, подшо ҳамма халойиқ эртанггача меҳмон яроғини тайёр қилдилар. Шаҳриёр ҳам эрта бирла тўнини кийиб, дасторини бошина чўлаб, камарини белина боғлаб, бояғи саркардаю ғуломини олдиға солиб, отаси Шаҳсувори оламни олиб, дев, парилар чор тарафини қуршаб, юзидин ниқобини олиб, булбулигўёни сайратиб, йўла равона бўлди. Алқисса, бу сифат бирла шаҳри Яманға кирдилар. Подшонинг ҳарамиға тушдилар. Аммо халойиқ Шаҳриёрни кўргандин сўнг етти кунгача таом емадилар. Онинг тўқлиғи бирла юрдилар. Алқисса, Доробшоҳ бирла ўлтириб, дуо қилдилар. Алқисса, Доробшоҳ дастурхон ёзиб таом келтирдилар. Андин сўнг созу суҳбатға машғул бўлдилар. Кун ботғач отларға ем берур бўлдилар. Шаҳриёр саркардаю ғуломиға айтиб эрдиким, отларға ем берурда сан айтғил, бизнинг отимиз бир қалқон зумуррад ер, дегил. Отларға ем берур бўлдилар. Саркардаю ғуломдин ҳам сўрар бўлдилар. Бу отға ниччоғли ем берайлик деб. Саркадаю ғулом бир қалқон зумуррад ер, деди. Они эшитган одамлар таажубда қолдилар. Бу сўз Доробшоҳға етди, ул ҳам таажубда қолиб айди, эй Шаҳриёри олам, аспи жаҳонгир бир қалқон зумуррад ер деб айтурлар ростму? Анда Шаҳриёр айди, рост турур. Подшо айди, ҳеч эшитганимиз йўқ эрдиким, ҳайвонот тош ер деб, деди. Шаҳриёр шунда қўлина созини олиб, бир ғазал ўқиди:

Эй подшоҳим, мандин эшит, Отим эрур аспи жаҳон,
Сиза турфа сўзларим бор. Мададкоримдур ул ҳар он,
Хуни жигар, чашми тари, Ҳар иши оламға достон,
Сиза турфа сўзларим бор. Сиза турфа сўзларим бор.

Ростдин тош ейди бир қалқон, Шаҳриёр айлар сўз изҳор,
Гар бу сўзим бўлса ёлғон, Инсонни ҳеч айламанг хор,
Итвачча туғарму инсон, Ҳар сўзимда маъно бисёр,
Сиза турфа сўзларим бор Сиза турфа сўзларим бор.

Алқисса, Шаҳриёр бу сўзни ўқиди. Айди, эй подшоҳим, ҳеч қачон эшитганингиз борму, одамизоддин кучукбачча, пишикбачча бўлғонини, ул рост бўлса отнинг зумуррад ейиши ҳам рост турур, деди. Ким туҳмат бирла, душманлар сўзи бирла ғалат сўзга инониб ҳамхонасини шаҳардин қувдирмоқ, қирноқдин кучук деб ташлатмоқ мумкинму деди. Анда подшо ериндин сичраб туриб, манинг ўғлим, жигаргўшам сан турурсан, деб бошидин етти маротаба айланиб юзини юзина қўйиб ўпди. Беҳуш бўлиб йиқилди. Бул ҳолда Шаҳриёр булбулигўёға айтдиким, сайрагил деб. Булбулигўё сайради. Эрса подшо ўзина

келди. Яна тозадин қучоқлашиб, кўришиб, рост ўғлиммисан деб бир ғазал ўқиди:

Оч юзингни пардадин, кўрсат манго ўғлиммисан,
Бу жамолинг пардадин, кўрсат манго ўғлиммисан,
Эйки Шаҳриёр юзинг, кўрсат манго ўғлиммисан,
Ҳам ҳилоли қошларинг, кўрсат манго ўғлиммисан,
Шум рақиблар жаврини қилғон манго ўғлиммисан?

Шукрким бугун шодлик айёми келди дўстлар,
Базмимиза ҳам висол жоми келди дўстлар,
Шукр олло бахтими султони келди дўстлар,
Кўнглимизни роҳати ороми келди дўстлар,
Шум рақиблар жаврини қилғон манго ўғлиммисан?

Ничча кунлар билмадим сан борингни ақлим кетиб,
Душманлар итвачча деб кўнглимиз инкор этиб,
Шум рақиблар хону моним ер бирла яксон этиб,
Онасидин аюриб икки кўзим гирён этиб,
Шум рақиблар жаврини қилғон манго ўғлиммисан?

Шум рақиблар бошима савдо соларин билмадим,
Қайси ерда юрганингни манким асло билмадим,
Бошингдин ўргилибон ўзингга қурбон бўлмадим,
Қалбими ўртар экан бул шамъи ҳижрон билмадим,
Шум рақиблар жаврини қилғон манго ўғлиммисан?

Ман онангдин айрилиб қайларда юрдим водариғ,
Шум фалак дер жавр ила мулкимни бузди водариғ,
Гўёки гулдай очилмай сўлди кетди водариғ,
Ғафлат ичра ман қолиб неларни кўрдим водариғ,
Шум рақиблар жаврини қилғон манго ўғлиммисан?

Шум рақиблар ҳолини ман банди зиндон айлагум,
Икки қўзимни қучибон кўнглини хандон айлагум,
Ул онангни топдириб қалбини шодон айлагум,
Дороб айтур бу таним йўлингда қурбон айлагум,
Шум рақиблар жаврини қилғон манго ўғлиммисан?

Алқисса, Доробшоҳ бу ғазални ўқиб бўлғондин сўнг Шаҳриёр бирла Анжум пари ҳам отасини қучоғина кириб йиғлашдилар. Доробшоҳ Гулчеҳра парини изламакчи бўлғонида, Шаҳриёр айди, эй ота, онамиз шул ерда турур. Эрса Гулчеҳра парини келтирдилар. Доробшоҳ анга пешвоз чиқиб қилмишлариға афсунлар чекди. Алқисса, Доробшоҳ подшолиғини ўғли Шаҳриёрға топшириб, қирқ кеча-кундуз тўй берди. Буларнинг барчаси муроду мақсадиға ет-

дилар. Худоё табораки таоло ҳамма мўминларни ҳам ўз муроду мақсадина еткурсин. Омин оллоҳу акбар. Тамматул китоб.

Л У Ғ А Т

А

Абри навбаҳор-илк баҳор булути
Абёт- байт, мисралар
Аждаргир-аждар овловчи
Акобир- катта мартабали кишилар
Алқисса,- шу тариқа
Алпоз- йўсин
Ал- қўл
Алғараз- шундай қилиб
Арши курси- арш курсиси
Арзи само- еру осмон
Аспи жаҳонгир-афсонавий от
Афлок- фалак
Акнун-энди
Адан-пойгак
Арақчин-бош кийими
Астаҳбор-гуноҳни кечирмоқ

Б

Баякбор-мабодо
Бандавор- тутқунлик
Бадар- йўқолмоқ
Байтул ҳазан- қайғу уйи
Байроқ- совға, мукофот
Бод- шамол
Бекас- бечора
Беша-қишлоқ
Биби-катта ёшдаги аёлга мурожаат
Биру бор – якка, ягона худо
Билқис- Сулаймоннинг рафиқаси
Бозиргон- савдогар
Бузрук- буюк
Бозкаштишикор-сайр
Бўкуб-сакраб
Буғдоқ-буғдоқ- тўп- тўп
Бешумор-ҳисобсиз
Божи-сингил
Ботил-бекор
Бута-тумор
Бардор-кўтармоқ
Балли-аниқ
Боварот-ишонч
Борон-ёмғир
Буроқ-от
Бачча-бола

В

Вобаста-боғлиқ
Восил-эришиш
Ворсақи-гурунг
Вола-шайдо

Г

Гардун- фалак
Гўша-бурчак
Гавсола-бузоқ
Гуфтор-сўзламоқ
Гизламоқ-яширмоқ
Гўндармоқ-тақдим қилмоқ
Гўваржин-каптар
Густоҳ-бефаҳм, фаросатсиз
Гулжабин-гўзал

Д

Дастгир – қўлдош, ёрдамчи
Дастор-салла
Дарвеш-қаландар
Дар нола –нола қилиш
Дароз- узун
Дегра доши- теварак- атроф
Дорул жинон- жаннат уйи
Дилтанг- қайғули
Дигархун- ҳамма жойи қон
Дўланмоқ- чирмашмоқ
Дўғма – қулнинг иккинчи авлоди
Дўнмак-айланмоқ, тонмоқ
Душвор-қийин
Даройи-мато номи
Дешон-ташқари
Духтар-қиз
Дандонкаш-тиш даволовчи

Ё

Ёлинг- аланга
Ёл- отнинг ёли, жун
Ёп-ариқ, анҳор
Ёзғит-тақдир

Ж

Жиржис- пайғамбар исми
Жузгир-бошқа
Жўроп-пайпоқ

З

Забун- паст
Забон- тил
Забардаст- кучли
Заифа- аёл
Заҳҳок-«Шоҳнома»даги тарихий шахс
Зикриё- пайғамбар
Зоғи заґон-қарға
Зулфи жабин-пешонадаги соч
Зарпўш-зар дўппи
Занон-аёллар

И

Идрис-пайғамбар
Илми зоҳир-дунёвий илм
Иқди никоҳ-никоҳдан ўтказиш
Илк-(илик) қўл
Ишкамба-қорин
Иршод-йўл бошловчи
Истиғно-ноз
Икирчи-ўйинчоқ

Й

Йитмоқ-йўқотмоқ
Йилмоя-бўталоқ

К

Каъба- муқаддас зиёратгоҳ
Каж- эгри, тескари
Казо- қўра
Канор- қирғоқ
Карам-мурувват, ҳиммат
Каманд- тузоқ
Киса – чўнтак
Кофур-оқ рангли модда, камфора
Куфр- кофир
Кулли-ҳамма, барча.
Кишт-ҳайдамоқ
Катон-мато номи
Каду-қовоқ

Л

Лавҳи қалам- тақдим
Лош-тана, мурда
Лўҳ- лаҳв, китоб учун мослама

М

Маъво - бўшлиқ
Мангзар – ўхшамоқ
Макрбоз-шум, ҳийлагар
Ман-мен
Масиҳо- Исо сифати
Масти мустағриқ- ғарқ бўлмоқ
Машварат- мажлис
Мўй- тук
Матлаб-раволиқ, исталган нарса
Машриқ – шарқ
Мағриб- ғарб
Маҳзун-қайғули
Маҳв- забт этиш
Меърож- кўтарилиш
Мил- нозик игна, милтиқнинг мили
Моҳрўй- ой юзли
Моҳтоб – ой юзли
Муаттар-хушбўй
Мужгон - киприк
Муножот-нажот тилаш

Мустажоб- амалга ошиш
Мурассаъ- безалган
Муғанний- чолғувчи
Малак-фаришта
Моҳи сол-ой-йил
Маҳосил-ҳосилли
Маълул-хафа, ғамгин
Муғон-муғ дини
Морқа-оппоқ
Машварат-мажлис
Мошом-ҳидламоқ
Мукаддар-қайғули
Мусаххар – босиб олиш
Муштабо - ижобатга олиш
Мўрчамиён- чумоли бел
Мустаҳаййир-ҳайратланган
Мажол- ҳол
Мор-илон
Маноди-лот- манот
Маҳшар-қиёмат
Мардон-эркаклар
Машрў-шариатга мос
Масиҳо-гўзал

Н

Найламоқ-нима қилмоқ
Намозшом-кечқурун
Нар-эркак туя, мард, кучли
Ногоҳ-тўсатдан
Нолаи сўғон- куйдирувчи наво
Нер-қаер
Ничча-қанча
Навшикуфта-эзилган шарбат
Нисор-фидо
Навозиш-меҳрибонлик
Навҳаи зор- нола қилиш
Наздодбон- соқчи
Нақшли-гўзал
Нозил-тушиш
Ноқис- нуқсонли
Нечук-қандай
Нузмат-нафис
Нест-йўқ
Нўш-ичмоқ
Нек-қутлуғ

О

Од-от, исм, ном.
Онлар-улар
Осий- гуноҳкор
Оға-ака
Оҳи сар- совуқ оҳ тортмоқ
Осиё-ун, тегирмон
Обдол-авлиё, девона
Ожиз-кучсиз, заиф
Оро бермоқ-ясанмоқ
Оқшом-кечаси
Оташ-ўт
Оржа-сандиқ
Ошоқ-паст

П

Пахтак –қуш
Пеши тоб – тўлғанган
Пири зан- кекса кампир
Пўш-ёпинғич
Пар-пат
Паррор-қуш
Пир- кекса
Пул-кўприк
Пурхун-қонли

Р

Ражжа-режа ипи
Ровий- хабар берувчи
Раият-халқ
Ридойи-шайх кийими
Ришта- ип
Рўй-юз
Раф-раф-шамол

С

Савдо-кўргулик, ғам-ташвиш
Савсон- матонинг номи
Салоҳ- қурол
Садпора- юз пора, пора-пора, чил-чил
Санго-сенга
Сарчаман-катта чаманзор
Сарғариб-сарғайиб
Сарҳовуз-катта ҳовуз
Силсилаи шавкат- қудрат занжири
Сичрамоқ- сакрамоқ
Соқа- сувнинг боши
Соҳиб –эга
Субҳу шом- эрта –кеч
Субҳонжило-мақтовли ялтирамоқ
Сужи-чучук
Суду-зиён-фойда зарар
Сухан-сўз
Соқии мухтор-ўз эркли соқий
Сафро-ўт
Сойил-тиланчи
Сичраб-сакраб
Соташмоқ-дуч келмоқ, тортишмоқ
Салотин-султон

Т

Таважжуъ- эътибор бериш
Тамматул китоб-китоб тамом бўлди.
Тараҳҳум – раҳм қилиш
Тар – янги
Тева-туя
Тейизамин-таг, паст
Торож- талаш
Торунчи-турунчи-цитрус мевалар
Томоқ- овқат
Толибин-эргашиш
Товфиқ-обрў
Тортиқ-совға
Туршрўй-бадбашара
Тўнгуртқо-қувур, сув ўтадиган тешик
Турфа-турли, ажойиб
Тўба-боши
Тарнак –эртапишар қовун нави
Тифл-бола
Тумоғ-телпак
Тотрамоқ-алжимоқ
Туби-дарахт номи
Тарсо-ғайридин
Тийра-уруғ

У

Ул-у
Умаро- амирлар
Уммон- сув
Устихон- суяк

Ф

Фано- ўткинчи
Фарсуда- эзилган
Фарах- шодлик
Фиръавн –тарихий Миср фиръавни
Фузало – фозиллар
Футуат-айрилиқ
Фил алҳол-ҳозир
Фарҳи афзо-шодликни оширувчи

Х

Хайрод- эҳсон қилиш
Халойиқ-халқ
Ховар-ёғду
Хонавайрон- вайрон бўлган, хароб
Хорозмон-тегирмончи
Хотун-рафиқа
Хуш-хурсанд
Хунхор- қонхўр
Хуршид –қуёш
Хўрок-овқат
Хишт-ғишт
Хор –тикон
Халлоқ-яратувчи
Хўстор-мададкор
Хайрод-садақа
Хўб- жуда, зўр

Ч

Чархи кажрав-тескари дунё
Чек-торт(моқ)
Чошмоқ- алжирамоқ
Чоҳи узлат – узлат қудуғи
Чусти чобук-тез, бирдан
Чун-шундай
Чўпла-йиғ(моқ)
Чолок-чаққон
Чакаламоқ-тортқиламоқ
Чак-жияк
Чизим-ип

Ш

Шабравон тўн- кулранг тўн
Шамси қамар- қуёш, ой
Шамшод- сарв дарахти
Шамшир-қилич
Шармисор-шарманда
Шаккар зилол- ширин тилли
Шафоат-мурувват
Шева- қилиқ
Шодмон-хурсанд
Шикор – ов
Шул-шу
Шотир-ёрдамчи
Шол-мато номи

Э

Эран-ҳомий эрлар
Эйни-эгни, уст-бош
Эмди-энди
Эмчак-сийна, кўкрак
Эрди-эди

Ў

Ўра –устун
Ўл-бўл(моқ)
Ўкта- баланд
Ўғрамоқ-кетмоқ

Қ

Қамар- ой
Қаҳбо - фалак
Қирноқ- қул
Қироғ-қирғоқ
Қоруншоҳ- тарихий шахс
Қопу- эшик
Қовшир-қовуштир(моқ)
Қумри-мусича
Қўлда(моқ)- қўлламоқ
Қўпмоқ- қўзғалмоқ
Қўш – гуруҳ, жамоа
Қўҳи қоф- афсонавий тоғ
Қавли-сўз
Қилу қол-тўполон
Қопчимоқ-илиб олмоқ
Қур-чилвир, ип
Қадоғон-таъқиқ
Қабз-юлиш

Ғ

Ғалат-ёлғон
Ғавғо-шовқин, тўполон
Ғазот-ҳужум, истило
Ғайри-бошқа, ўзга
Ғалат-ёлғон
Ғариб-бечора
Ғамнок-ғамли
Ғовсил Замон-Ғавсул Аъзам
Ғовсул Ғиёс-Ғавсул Аъзам
Ғофил-ҳеч нарсадан бехабар
Ғулом- қул
Ғўччоқ-мард ўғлон

Ҳ

Ҳамшира –сингил
Ҳамул- ўша вақт
Ҳайдари каррор-Алининг сифати
Ҳайдариғ- афсус

Ҳилол-ой
Ҳоло- ҳозир
Ҳотамдор-узукли
Ҳаз-маишат
Ҳиргоҳ-чодир
Ҳуд-ноҳуд- беҳуш
Ҳулла-ҳарир рўмол
Ҳамойил-дуо

Луғатни тузувчи: С. С. Рўзимбоев- ф. ф. н

ДОСТОНЛАР НАШРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

ОШИҚ ҒАРИБ ВА ШОҲСАНАМ

Ушбу достоннинг озарбайжон версияси 1912 йилдан 1979 йилгача Бокуда етти марта, туркман версияси Ашхободда 1940 йилдан ҳозиргача олти марта, қорақалпоқ версияси Нукусда 1960 йилдан ҳозиргача икки марта нашр қилинган. Достон ўзбек тилида 1906 йилда Бухорода, 1907 йилда Тошкентда тошбосмада, 1956 йилда эса асар оғзаки ва ёзма матнлар асосида йиғма тарзда Тошкентда чоп этилган. Биз тайёрлаётган ушбу нашр иккита қўлёзма асосида амалга оширилди. Бу қўлёзмаларнинг биттаси ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 1686 – рақамли инвентарда сақланиб, 85 бетни ташкил этади. Иккинчиси бизнинг қўлимизда бўлиб, уни шовотлик Ниёзжон халфа Мусаева бисотидаги нусха асосида ёзиб олганмиз. Қўлёзма ҳажми 136 бетдан иборат бўлиб, у 1906 йилда Хивада кўчирилган. Достоннинг оғзаки вариантлари Бола бахши – Қурбонназар Абдуллаев, Қодир созчи Каримов, Қаландар Норматов, Турсун бахши Жуманиёзов, Аҳмад бахши Матназаров, Хударган бахши Ўтаганов ва бошқа қатор бахшилар репертуарида яшаб келган ва аксарияти ёзиб олинган. Матнни тайёрлашда магистрант М. Матқулиева иштирок этди.

ОШИҚ АЛБАНД

Қўлимизда достоннинг учта қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, биринчиси хонқалик халфа Сўна Эшматова бисотидаги қўлёзма асосида кўчирилгандир. Ушбу нусха энг мукаммал бўлиб, ушбу нашр асосан ўша қўлёзма асосида тайёрланди. Достоннинг иккинчи нусхаси шовотлик Ниёзжон халфа Мусаева бисотидаги қўлёзмадан кўчирилган бўлиб, 16 варақни ташкил этади. Учинчи нусха шовотлик Биби халфага тегишли бўлиб, 34 варақдан иборат. Достоннинг оғзаки варианти бахшилар репертуарида учрамайди.

Достоннинг яна бир нусхаси ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти фольклор бўлими архивида 432- рақам билан сақланади. Достоннинг туркман версияси борлиги ҳақида айрим манбаларда (Туркманистон ФА хабарлари, ижтимоий фанлар серияси, Ашхобод –1961, № 2, 94-99-бетлар) қайд қилинса-да, достон ҳозиргача чоп этилмаган.

МИСКИН ВА ГУЛҚАНД

Достон хонқалик халфа Сўна Эшматова бисотидаги 1900 йилда кўчирилган қўлёзма нусха асосида нашрга тайёрланди. Ушбу достоннинг озарбайжон, туркман ва қорақалпоқ версиялари ҳақида маълумот йўқ. Достон илк марта чоп этилмоқда. Унинг оғзаки варианти бахшилар репертуарида сақланмаган.

АСИЛ ВА КАРАМ

Қўлимизда достоннинг хонқалик халфа Сўна Эшматова бисотидаги 1900 йилда кўчирилган қўлёзмадан олинган фотонусхаси мавжуд. Достоннинг 1931 йилда хивалик Хоним сувчи Сайидамат қизидан ёзиб олинган яна бир нусхаси ЎзР ФА ТАИ фольклор бўлими архивининг № 42 рақамли инвентарида сақланмоқда. Ушбу вариантда 432 шеърий мисра бор бўлиб, биз эълон қилаётган нусхадан анча кичик. Оғзаки варианти бахшилар репертуарида учрамайди.

Достон Озарбайжонда 1892-1979 йиллар давомида олти марта, Туркманистонда 1943-1965 йиллар орасида икки марта чоп этилган.

ХИРОМОН ПАРИ

Достон хонқалик халфа Розия Оллоёрова бисотидаги 1324 ҳижрийда кўчирилган қўлёзма нусха асосида биринчи марта нашрга тайёрланмоқда. Достоннинг бошқа қардош халқлар фольклорида мавжудлиги ҳақида маълумот йўқ. Унинг оғзаки варианти бахшилар репертуарида кўзга ташланмайди.

ШАҲРИЁР

Достон хонқалик халфа Сўна Эшматова бисотидаги XX аср бошларида кўчирилган қўлёзма нусха асосида нашрга тайёрланди.

Достоннинг оғзаки варианти ҳазорасплик Матназар Жаббор ўғлидан Н. Собуров ёзиб олган қўлёзма асосида, 1967 йилда Тошкентда чоп этилган. Оғзаки вариант ёзма нусхадаги мантдан қарийб тўрт баравар кичик.

Достоннинг қорақалпоқ версияси 1939, 1959, 1971 йилларда нашр этилган. Ўша нашр асосида унинг ўзбекчага М. Али томонидан таржима қилинган варианти 1977 йилда Тошкентда чоп этилган.

Ушбу достоннинг туркман версияси ҳақида маълумот йўқ. Бироқ ушбу сюжет асосидаги «Галандар Солтан» номли эртак «Туркмен эртекилери» китобининг иккинчи томида Ашхободда 1979 йилда босилган. Достоннинг оғзаки вариантлари қорақалпоқ бахши ва жировлари репертуарида мавжуд бўлса-да. ўзбек башилари орсида уни куйлаган башиларни учрата олмадик. Ўзбеклар орасида достон асосан қиссахонлар томонидан махсус ижро этиб келинган.

ДОСТОН ИЖРОЧИЛАРИ-ХАЛФАЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

1. Ниёзжон Мусаева

Ниёзжон халфа 1910 йилда Шовот туманида туғилган. Унинг саводхон бўлиб етишишига акаси мулла Саиджон катта таъсир кўрсатади. У 11-12

ёшларида қишлоғидаги Эшназарвой мачитида мулла Сотимдан савод ўрганади. Ўқиш, ёзишни тўла ўргангач, турли достонларни ўқиб, халфачилик қила бошлайди. Ўз навбатида Навоий, Фузулий, Машраб каби шоирларнинг китобларини ўқиб, уларнинг ғазалларини ёд олади.

Унинг репертуарида «Тоҳир ва Зуҳра», «Тулимхўжа», «Юсуф ва Зулайҳо», «Ҳурилиқо ва Ҳамро», «Зайнулараб», «Маликаи Дилором», «Завриё», «Қумри ва Тўти», «Хиромон пари», «Бобо Равшан», «Иброҳим Адҳам», «Қул Хўжа Аҳмад», «Юсуф ва Аҳмад» каби кўплаб достонлар бор. Бу достонларнинг аксариятини Ниёзжон халфа ёддан билган ва зўр қироат билан моҳирона ўқиб эшиттирган. У достонлардаги асосий ғояни эшитувчиларга тўла етказа олиш, улардаги образли ифодаларни, қочиримларни нозик дид билан илғаб олиш қобилиятига эга бўлган.

Ниёзжон Мусаева Ўғилжон халфа, Тўхтажон халфа каби шогирдларни ҳам тарбиялаб етиштирган. У достон ўқиш билан бирга «Ёр-ёр» лар ва «Келин салом»ларини ҳам маҳорат билан ижро эта олган.

2. Сўна Эшматова

Сўна халфа 1919 йилда Хонқа туманининг Қирқёп қишлоғида туғилган. Шу жамоа хўжалиги тасарруфидаги мактабда бошланғич маълумот олиб, дастлаб оддий деҳқон, кейин эса 16 йил мобайнида ҳисобчилик қилган. Унинг бадиий адабиётга, шеъриятга ихлоси баланд бўлганидан мустақил мутолаа билан кўпроқ шуғулланади ва ўз қишлоғида яшовчи Шарифа халфа, Қурбонжон халфаларга шогирд тушиб, улар бисотидаги халқ достонлари битилган китобларни ўқиб ўрганади. Ўз навбатида Навоий, Фузулий, Машраб каби шоирларнинг китобларини ўқиб, уларнинг ғазалларини ёд олади. Ўша достонларни тўй, зиёфатларда куйлаб, халқ орасида машҳур халфа бўлиб танилади.

Унинг репертуарида «Ошиқ Ғариб ва Ҳилола пари», «Юсуф ва Зулайҳо», «Тоҳир ва Зуҳра», «Фарҳод ва Ширин», «Завриё», «Ошиқ Албанд», «Асил ва Карам», «Мискин ва Гулқанд», «Шаҳриёр», «Иброҳим Адҳам», «Маликаи Дилором», «Бобо Равшан», «Ройи Чин» каби кўплаб достонлар бор бўлиб, Сўна халфа уларнинг кўпчилигини ёддан ўқиб билган.

3. Розия Оллоёрова

Розия халфа 1910 йилда Хонқа туманининг Сарапоён қишлоғида туғилган. Ўз қишлоғидаги мачитда мулла Саъдулла ва Мулла Қурбонбойлар қўлида таҳсил олади. Зеҳнли қиз тезда саводини чиқариб, Навоий, Машраб ва Маҳтумқули каби шоирларнинг шеърларини ўқиб, ёдлаб олади. Сўнгра халқ достонларига қизиқиб, уларни ёдлаш ва қироат билан ўқишни машқ қилади.

Эринмасдан қилинган ана шу меҳнатлар натижасида унинг репертуарига «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Тоҳир ва Зуҳра», «Лайли ва Мажнун», «Хирмон дали», «Хиромон пари», «Завриё», «Гул ва Санобар», «Гўрўғли»

каби достонлар кириб келади. Розия халфа ушбу достонларни қарийб 40 йилдан бери халқ орасида тарғиб қилиб, Бибижон Султонова, Онабиби Қўчқорова каби шогирдларни ҳам тарбиялаб етиштирган.

С. Рўзимбоев- профессор

МУНДАРИЖА

1. «Ошиқ» туркуми достонларининг Хоразм версиялари____ 3 бет
2. Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам_____ 8 бет
3. Ошиқ Албанд_____ 113 бет
4. Мискин ва Гулқанд_____ 168 бет
5. Асил ва Карам_____ 206 бет
6. Хиромон пари_____ 240 бет
7. Шаҳриёр _____ 273 бет
8. Луғат_____313 бет
9. Достонлар нашри ҳақида маълумот_____318 бет
10. Достон ижрочилари-халфалар ҳақида маълумот_____319 бет

Рассом: Наргиза Оллаберганова

Мусаҳҳиҳ: Ёдгора Иброҳимова